

ТУРАКУЛОВА И.Х.

ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ



ТОШКЕНТ



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

И.Х.ТУРАКУЛОВА

ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 94(3)
КБК: 74.100
Т-28

Т-28 Туракулова Ирода Холбутаевна. Оилада бола тарбиясининг маънавий асослари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. – 228 б.

ISBN 978–9943–4270–5–1

Ўқув қўлланма оилада бола тарбиясининг маънавий асосларини ёритишга бағишланган бўлиб, унда оила ва оилавий муҳитнинг маънавий асослари, оилада болага маънавий – иммунологик тарбия бериш асослари ҳамда оила дарси машгулотларини уюштириш масалалари ёритилган.

Ўқув қўлланмадан ота-оналар, мураббийлар, тарбиячилар, мактаб ўқитувчилари, педагогика касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртлари талабалари ҳамда ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 94(3)
КБК: 74.100

Масъул муҳаррир: У.А.Жуманазаров – филология фанлари доктори, профессор

Такризчилар: У.И.Маҳкамов – педагогика фанлари доктори, профессор;

Ю.Ғ.Маҳмудов – педагогика фанлар доктори, профессор;

Н.Х.Қушвақтов – педагогика фанлари номзоди, доцент

Ушбу ўқув қўлланма Абдулла Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институти илмий Кенгашининг 2014 йил 29 январдаги 6 - сонли қарори билан нашр этилди.

ISBN 978–9943–4270–5–1

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

КИРИШ

Ҳозирда мустақил давлатимизнинг барча жабҳаларида мустақил ва эркин фикрлайдиган, ташаббускор ва фидоий, атрофдаги инсонлар билан алоқа ўрнатишга қодир, қуршаб турган дунёга фақат мослашибгина қолмасдан уни ижодий ўзгартиришни ҳам ўйловчи маънавий етук ва интеллектуал салоҳиятли ёшларга эҳтиёж сезилмоқда.

Бу борада мамлакатимиздаги муайян ҳолат ёшларни ўзларини намоён қилишга, айниқса, уларнинг коммуникатив қобилиятларини юксалтиришига, ҳаётий зарурий билимларини эгаллашига, маънавий дунёқарашларини кенгайтиришларига кенг имкониятлар яратилган ва бунга мамлакатимиздаги узлуксиз таълим тизимининг барча таркибий қисмларида ва ҳаттоки оилаларда ҳам катта эътибор берилмоқда.

Маълумки, ёшларнинг ўзини ҳар томонлама кўрсата олиши, улар қобилиятлари ва хусусиятлар уйғунлигининг бетакрорлиги бола фаолиятининг кўпқирралилиги ва айниқса, маънавий етуклигини билдиради.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз ва тажрибаларимиз натижаларининг кўрсатишича қайд этилган маънавий етукликка эришишни энг аввало, оиладан фарзандлардаги маънавий сифатларни тарбиялашдан бошлаш керак экан. Чунки, боладаги кўпгина маънавий сифатларнинг шахсий ривожланишида оиладаги маънавий муҳит асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам оилавий маънавий муҳит болага келажакда асқотиши мумкин бўлган маънавий дунёқарашинигина эмас, балки болага бутун умри давомида иррур бўлган билимларга эга бўлишга, унинг реал ҳаёти муаммоларини самарали ҳал қилишга мустақкам маънавий – дидактик асос бўла олади. Шу сабабли оила фақатгина ота – онанинг ўз фарзандларини дунёга келтириб, уларни ўндириб – ўстирадиган жой эмас, балки уларни бошқалар билан мулоқот қилишга муайян жамиятда мазмунли яшашга, ҳаётий зарурий билимларни ўргатишга ва шу қабиларга ўргатадиган жой ҳамдир. Ушбу жараёнда ота – оналарнинг маънавий етуклиги ва интеллектуал салоҳиятлиги ўта муҳимдир. Бу оилада ота – оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги миҳоратига боғлиқ бўлади, чунки уларнинг бола тарбияси борасидаги миҳоратнинг юқори даражаси инсоннинг барча билимлар, малакалар ва кўникмалар уйғунлигида намоён бўлади ва уларнинг фаолияти бола маънавий ахлоқининг асосини ташкил этади.

Шунинг учун ҳам оилада болаларнинг махсус ташкиллаштирилган мақсадли фаолиятнинг муҳим муаммолари каторига оилада бола тарбиясининг маънавий асосларини киритиш мақсадга мувофиқ бўлиб, у жамият маънавиятини мақсадли юксалтиришда замонавий муаммоларидан биридир.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, ота-оналар ва тарбиячи – мураббийлар учун тайёрланган мазкур ўқув қўлланмани ҳам «Оилада бола тарбиясининг маънавий асослари», деб номладик.

Ўқув қўлланма уч бобдан иборат бўлиб, унинг «**Оила ва оилавий муҳитнинг маънавий асослари**», деб номланган биринчи бобида оилада болага маънавий – иммунологик тарбия беришнинг тарихий илдизлари ва унинг ташкилий – тузилмавий модели, оилавий муҳим ҳамда оила маънавияти туғрисидаги маълумотлар келтирилади.

«**Оилада болага маънавий – иммунологик тарбия бериш**», деб номланган **иккинчи** бобда оилада болаларга маънавий – иммунологик тарбия бериш омилларининг ташкилий – тузилмаси, оилада бола тарбиясига оид муносабатлар, оилада бола тарбиясига оид салбий ҳолатларга қарши муносабатлар ҳамда намунали оилалар ва одамлар ҳақидаги қимматли материаллар баён қилинган.

Мазкур ўқув қўлланманинг учинчи боби «**Оила дарси машғулоти**лари», деб номланган. Ушбу бобда биринчи марта оила дарси машғулоти ва уларни ташкиллаштириш методикаси, технологияси баён қилинган.

Ўқув қўлланмада бой дидактик материаллар келтирилган ва улардан фойдаланишга тавсиялар ҳам берилган.

Мазкур ўқув қўлланмани ота – оналар китоби деб атасак ҳам бўлади. Бунга сабаб оилада бола тарбиясининг барча жабҳаларига қўлланмада эътибор берилган.

Ушбу ўқув қўлланмадан мактабгача таълим муассасаларидаги тарбиячи ва мураббийлар ҳам фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади, шунингдек, фарзандларини турли салбий таъсирлар ва таҳдидлар домига тушиб қолишдан огоҳ қилмоқчи бўлган ҳар қандай ота – она ҳам фойдаланиши мумкин.

Ушбу ўқув қўлланма ҳақидаги ҳар қандай фикр-мулоҳазаларни муаллиф мамнуният билан қабул қилади.

Бизнинг манзил: Ўзбекистон Республикаси
Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри,
Шароф Рашидов шоҳ кўчаси,
Жиззах давлат педагогика институти.

I БОБ. ОИЛА ВА ОИЛАВИЙ МУҲИТНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Оилада болага маънавий – иммунологик тарбия беришнинг методологик асослари

Маълумки, оилада соғлом муҳитни қарор топтириш мураккаб жараён бўлиб, у жамият тараққиётига мос равишда динамик тарзда ўзгариб туради. Бу муаммо азал – азалдан мавжуд бўлиб, унинг ечими ҳам давр талабига мос равишда турли кўринишларда шаклланиб келмоқда.


Ҳозирда ёшлар онгини ёт ғоялар билан заҳарлашларга қаратилган радикал қарашлар, анъаналаримизга мутлоқо ёт экстремистик ва террористик ғояларни мамлакатимизга кириб келишини бартараф этувчи миллий мафкурамиз мавжуд.

Маълумки, миллий мафкурамизнинг мазмун – моғиятини бунёдкор ғоялар ташкил этади. Унда инсонпарварлик, тинчликсеварлик, маърифатпарварлик тараннум этилиб, бунёдкорлик ва миллий қадриятларимиз улуғланади.

Демак, биз тарбиялаётган болалар кўр – кўрона тақлиддан холос бўлган ёшлар бўлиб, улар ҳақни ноҳақдан ажрата оладиган бўлишлари керак.

Ушбу соҳада олиб борган илмий изланишларимиз ёшларимиз маънавий – иммунологик тарбия (МИТ)сини тўғри ташкил этиш келажақда фарзандларимизни маънавий етук ва баркамол қилиб тарбиялашга мустаҳкам пойдевор бўлади, деган хулосани чиқаришга имкон берди. Шунингдек, тадқиқот натижалари МИТ жараёнининг ўзи ҳам кўпгина бир – бирига ўзаро узвий боғлиқ бўлган омиллар, тарихий асослар, бола тарбиясига оид воситалар, талаблар ва тамойилларни ҳам эътиборга олиш кераклигини ҳамда МИТни амалиётга жорий этишнинг йўналишлари, йўллари, шакллари ва усуллари ҳам тадқиқ этиш лозимлигини кўрсатди [27 – 29].

Ушбу соҳадаги изланишларимиз оилада болага МИТ беришни қуйида келтирилган ташкилий – тузилмавий моделдагидек олиб бориш кераклигини тасдиқлади (1.1.1 - шакл).



1.1.1 – шакл. Оилада болага МИТ бериш бўйича методологик асосларнинг ташкилий – тузилмавий кўриниши.

Энди 1.1.1 – шаклдаги ҳар бир ташкил этувчилар мазмун – моҳиятига қисқача тўхталамиз. Шаклдаги МИТ га оид омиллар мазкур ўқув қўлланманинг II бобида ва оилада МИТнинг тарихий илдиэлари эса мазкур бобнинг 1.2. – параграфида бериллади.

Оилада бола тарбиясига қўйиладиган талаблар. Оилавий муҳит ва ундаги бола тарбиясининг маънавий жиҳатлари оилалардаги соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Унда миллий кадриятлардан ва айни чоғда умуминсоний кадриятлар тамойиллардан самарали фойдаланиш ўта муҳим бўлиб – бу оилада болага МИТ беришга қўйилган асосий талаблардан биридир. Замонавий оилалардаги болага МИТ беришнинг яна бир асосий талабларидан бири – бу оилада болаларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш, улардаги миллий ғурур, миллий онг ва ўз – ўзини англашни юксалтириш билан бирга ватанпарварлик туйғуларини шакллантиришдан иборатдир. Шунингдек, оилада болага МИТ беришга қўйилган талабга қўшимча қилиб қуйидагиларни ҳам киритиш мумкин:

- **Оилада болага муомала одобини ўргатиш керак.** Бунга муомала одоби барча одамларни ҳурматлашни, кадр – қимматини жойига қўйиб миллий ва умуминсоний ахлоқий маданият қоидаларига риоя этишини талаб этишлигига эътибор қаратиш керак. Бу орқали оилада фарзандларимизни маънавиятли қилиб тарбиялашга эришамиз, акс ҳолда оилада маънавий қашшоқ (дангаса, бефарқ, миллий ғурурли бўлмаган, ўз – ўзини ҳурмат қилишни билмайдиган ва шу қабилар) кишилар ҳам пайдо бўлиб қолиши мумкин;

- **Оилада болага саломлашниш одобини ўргатиш керак.** Бунда фарзандлар онги ва қалбига «Ассалому алайкум» ва «Ва алайкум ассалом»ларнинг мазмун – моҳиятини чуқур сингдириш керак. Агар саломлашишда айтиладиган гаплар чала айтилса, унинг негизида қанақа ният ётганлигини фарзандларимизга етказиш керак. Бунинг маданиятсизлик эканлигини фарзандларимизга етказиш керак. Айниқса, ҳар хил қилиқлар қилиб саломлашиш (чао, деб қўл кўтариб қўйиш; привет, деб жилмайиб ўтиб кетиш ёки қарс этиб қўлга уриб қўйиш; қўлни – қўлга бериш қалласини қалласига ва тўпиғини тўпиғига теккизиш ва шу қабилар) ўта маданиятсизлик бўлиб, у миллий маданиятимизга зид бўлган қўполлик эканлигини фарзандларимиз онги ва қалбига мунтазам равишда сингдириб боришдан эринмаслик керак. Бу оиладаги МИТни самарали олиб боришнинг асосини ташкил этади;

- **Оилада боланинг нутқини ўстиришга эътибор бериш керак.** Бунда оилада бола МИТда нутқ маданиятини шакллантиришни боланинг тили чиқаётган пайтдан бошлаб олиб бориш керак ва бунда боланинг сўзларнинг тўғри талаффуз қилишини назорат қилиш бу борада ўта муҳимдир;

- **Оилада болани кийиниш одобига ўргатиш керак.** Унда фарзандларингизга уй кийими, тунги кийим, меҳмондорчиликка боришдаги кийим, мактабгача таълим муассасасига боришдаги кийимлар, байрамга мос кийимлар ҳақида тушунча беринг.

Фарзандларингизда ҳар хил ёзувлар ёзилган ва суратлар чизилган кийимларни кийишни одат тусига келтирманг. Агар бунга йўл қўйсангиз болангиз Европа маданиятининг «Оммавий маданият ва эркинлик» никобидаги гуруҳлар домига тушушга шароит яратган бўласиз. Бу болага МИТ беришда ўта муҳим жиҳатдир.

- **фарзандларга меҳмонга бориш ва меҳмон кутиш одобини ўргатиш керак.** Бунда фарзандларга меҳмонга боргандан курук бормасликни, яъни борадиган уй эгаларига ёқадиган ва уларга мос ҳадя олиб борган маъқул (Бунга албатта имконият даражада ёндашилади) ва меҳмондорчиликда мулоимлик ва самимийлик ва очик чеҳра билан саломлашишни ўргатиш албатта керак.

Меҳмон кутиб олишда эса тоза, покиза, янги, чиройли, едиримли таомлар тайёрлашга эътибор қаратилгани маъқул. Меҳмонни очик чеҳра билан кутиб олиш лозим;

- **оилада оилавий низолар бўлмаслигига ҳаракат қилиш керак.** Бунда оилавий низо – жанжалларнинг фарзандингиз тарбиясига салбий таъсир қилишлигини унутманг. Бу орқали фарзандларингизда қўполлик, инсон шахсига ҳурматсизлик билан қараш, оила истикболини ўйламаслик каби иллатларни пайдо бўлишига сабаб бўлади. Бу охир – оқибат фарзандларнинг ўз ота – оналарини ҳам ҳурмат қилмаслигига асос бўлиши мумкин, яъни оилада маънавий жиҳатдан кашшоқ бўлган фарзандлар шаклланиб қолади. Бундай фарзандлардан оила ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам фойда кўрмайди, балки зарар кўради.

- **оилада ота–онанинг фарзанд олдидаги бурчини фарзандларингиз онги ва қалбига мунтазам равишда сингдириб бориш керак.** Ҳар қандай ота – она, агар оиласини муқаддас деб билса, улар албатта ўз бурчларини тўғри англаши керак. Бунда фарзандга чиройли исм қўйишдан бошлаб, уйли жойли қилишгача фарзандларига ибрат – намуна кўрсатиб фидойи бўлишини шиор қилиб олиши керак. Шунинг билан бирга фарзандларни ҳамийша

қилол луқма билан яшаш, мазмунли яшаш, деган ҳикмат билан ахлоқий жиҳатдан безаб бориш ҳам ота – онанинг энг асосий бурчларидандир;

- **фарзанднинг ота – она олдидаги бурчларини, улар онги ва қалбига сингдириш ҳаётий шиорингиз бўлсин.** Бунда фарзандларга шунд – насиҳатларни тинглашни, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро соғлом муносабатни шакллантиришни, катталарга ҳурматни, кичикларга иззатни, қилган хизматни миннат қилмасликни, кекса ота – оналар ва дада – аяларга меҳрибонлик кўрсатишни, меҳр – мурувватли бўлишликни ва шу каби инсоний сифатларга амал қилишликни ўргатиш зарур бўлади;

- **оила болани жазолаш ёки рағбатлантиришнинг меъёрини билиш керак.** Бунда оилада боланинг бир қилган хатосини яна тикрорласа, бу ёмон. Бундай бола лоқайд боладир. Ундай болалар оқир – оқибатда манқуртга айланади. Бу эса иллатдир. Бундай ҳолатлардаги болаларга қилган хато ва камчилиги учун жазолаш мумкин. Жазолашнинг меъёридан ортиб кетиши болани жамият учун зарур келтирувчи маънавий қашшоқ одамга айлантириб қўйишлигини унутманг. Шунинг учун болага нима қилиш мумкин, нима қилиш мумкин эмаслигини билиш керак.

Рағбатлантиришда эса фарзандга кўрсатилган ортикча меҳрибончилик уни кибр–ҳаволи қилиб қўйишлигини ҳам унутмаслик керак.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, оилада боланинг МИТ-га қўйилган талаблар қаторини яна давом эттириш мумкин. Ҳамма-сидан кўзланган асосий мақсад битта, у ҳам бўлса, фарзандларимизни маънавий етук, баркамол қилиб тарбиялашдан иборатдир.

Оилада болага ахлоқий тарбия бериш тамойиллари. Оилада катталарга ҳурмат, кичикларга иззат кўрсатиш, ота – оналар билан фарзандларнинг бамаслаҳат иш тутиши, уларнинг бир – бирига ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмаслиги, оила аъзоларини энг ҳурматли ва энг инсонлар деб билиш орқали оила аъзолари ўртасидаги бир – бирига бўлган меҳрни мустаҳкамлаш, бир – бирларини ҳурмат қилиш кўникмаларини шакллантириш, келажакда улар бир – бирини ҳурмат қиладиган, бир – бирига меҳр улашадиган, бир – бирини соғинадиган, бир – бирига ёрдам берадиган одамлар бўлишлигини фарзандлар онги ва қалбига сингдириш оилада болага МИТ беришнинг асосий тамойилларидандир. Шунинг билан бирга оилада болага тарбия беришда қўйидаги жиҳатларга ҳам эътибор берилса, МИТ янада самиралироқ кечади:

- оиланинг моддий таъминоти ва ота – оналарнинг маънавияти бола тарбиясида ижобий ўртак бўлиши керак;
- оилада ота – онанинг турмуш тарзи соғлом маънавий муҳитдан иборат бўлиши керак;
- оиланинг демократик тамойиллари ва ўзаро ҳурмат асосида бошқарилиши керак;
- оила аъзоларининг физиологик, руҳий, интеллектуал ва маънавий жиҳатларидан соғлом бўлиши керак;
- оиладаги оилавий орзу – ҳавас билан оилавий имконият ва оилавий эҳтиёжлар ўзаро вобасталигининг мавжудлигига доимо эътибор бериш керак;
- оилада эр – хотиннинг руҳий ва маънавий ҳолатлари бир – бирига тўғри ва мос келиши керак;
- оилада бола тарбиясида ота – оналарнинг фикрлари уйғун бўлмоғи лозим;
- оила аъзолари ўртасида бош мақсаднинг белгилаб олинганлиги ва уни бажаришга барча оила аъзолари фидойилик кўрсатишлари керак;
- оилада фарзандларни билимнинг меҳнатнинг, мол – дунёнинг қадрига етишга ўргатиш орқали, уларнинг билим олишга, меҳнат қилишга, ҳалол йўқ билан мол – дунё топишга бўлган ҳавасини ва тасаввурларини шакллантириб боришнинг самарали ва таъсирчан усуллари мунтазам равишда фойдаланиб бориш керак;
- оилада фарзандларга таъмагирлик иллат эканлигини ва бировнинг молига кўз олайтириш текинхўрлик эканлигини мунтазам равишда тушунтириб бориш керак;
- фарзандлардаги салбий ҳатти – ҳаракатлар (дангасалик, ўғрилиқ, қўпол муомалалиқ, меҳрсизлик, бировнинг ҳақиқага жабр қилиш ва ҳ.к.)ни ўз вақтида тузатиб боришда ота – оналар ўта синчиков бўлиши керак;
- фарзандларингизнинг ижобий томонларини (бир юмушни бажаришда, ҳайрли ҳатти – ҳаракатида) ўз вақтида сезиб, уларни рағбатлантириб (олқишли сўзлар билан, миннатдорчилик билан, моддий таъсирлар билан ва ҳ.к.) бориш ота – оналарнинг одатига айланиши керак;
- фарзандларга доимий равишда «яхши нима» ёки «ёмон нима» эканлигини тушунтириб бориш ҳам бола МИТсида муҳим аҳамият касб этишлигига эътибор қилинг.

Демак, оилада фарзандларни тарбиялашда МИТ тамойилларига эътибор бериш зарур, чунки мустақиллигимиз фарзандларини

баркамоллик сари интиладиган қилиб тарбиялашимиз лозим. Шуларни ҳисобга олиб куйида оилада болага МИТ бериш тамойилларини келтиришни лозим топдик:

- **Ватанпарварлик.** Бунда болага юртга содиқлик тасаввурлари сингдирилади;

- **Миллий ифтихор.** Бу болага бой маданий – маърифий, ҳарбий кудрат ҳақидаги фикрларни сингдириш орқали уларда фахрланиш туйғуси шакллантирилади;

- **Инсонпарварлик.** Бунда болалар онгига инсонни улуғлаш ва севишнинг хосияти сингдирилади;

- **Меҳнатсеварлик.** У ўз оиласида, маҳаллада фаолият кўрсатаётган жамоасида, жамоат топшириқларини сидқидилдан бажариш жараёнида амалга оширилади;

- **Иймон – эътиқодлилиқ.** У юксак маънавий камолотга эришишни кўзлаб иш юритиш орқали ҳал этилади;

- **Ҳалоллик.** Унга ҳаётнинг барча жабҳаларида яхшилик билан сугорилган ишларни бажаришдаги фаолияти орқали эришиш мумкинлиги фарзандлар онгига сингдирилади;

- **Эркинлик.** Унга бахтимиз комусида белгилаб берган қонун – қоидалар асосида фаолият юритиш эркинлиги фарзандлар онгига сингдирилади;

- **Маънавий поклик.** Унга фарзандларни ҳалолликка, бағрикенгликка, меҳр – шафқатли бўлишга интиштириш ва бу борада ўзи намуна бўла олиш орқали эришилади;

- **Одиллик.** Унга атроф – теварақда юз бераётган воқеа ва ҳодисаларга ҳолислиқ (ҳаққонийлик) билан ёндашиш орқали эришилиши фарзандлар онгига сингдирилади;

- **Байналминалчилик.** У миллати, элати, тили, дини, халқлари ва уларнинг урф – одатлари қандай бўлишидан қатъий назар умуминсоний қадриятларни ҳамма нарсадан устувор деб билиш орқали сингдирилади.

Оилада бола тарбиясига онд воситалар. Миллийлигимизда оила деган «муқаддас кўрғон» бор ва бу кўрғонда яшовчи катта – кичик аъзолар бор (бобо – буви, ота – она, ўғиллар, қизлар). Буларнинг ўзига хос ва мос дунёси бор. Шу сабабли «Оила дунёси» деган ибора истеъмолда юрибди. Оиладаги бола тарбияси ҳам ана шу «Оила дунёси»га боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас ва бу бизга халқ педагогикасининг тадқиқот объекти эканлиги ҳам азал – азалдан маълум. Шу сабабли оилада бола тарбиясининг методологик масалаларини ишлаб чиқиш бугуннинг долзарб масалаларидандир.

Ушбу қисмда оилада бола тарбиясига оид воситалар ҳақида тўхталамиз.

Оилада боланинг МИТсида уларнинг маънавиятини юксалтиришга эътибор қаратиш керак ва бу юқоридаги қайд қилинган «Оила дунёси»нинг мазмун – моҳиятини ифодаламағи лозим, яъни фарзандларимизни кейинчалик «мафқураси мустаҳкам ўзбек», деб атай олайлик. Чунки, оила давлат ичра кичик давлатдир. Бу талабни амалга оширишда тарбия воситаларининг аҳамияти катта. Бунга сабаб ҳозирда мавжуд бўлган янги таҳдидлар – диний ақидапарастлик, ОИТС, гиёҳзандлик, одам савдоси, шовинизм, наркоагрессия, терроризм (кибертерроризм), «Оммавий маданият ва эркинлик» кабилар пайдо бўлмоқда. Булар мавжуд таҳдидларга қарши мафқуравий иммунитетни шакллантиришни «Оила педагогикаси» олдига асосий вазифа қилиб қўймоқда. Шу сабабли оилада болаларга МИТ беришда қуйидаги тарбия воситалар ўта муҳимдир:

- телевидение, ўйинчоқлар, расмли китоб, радио ва мультфильмлар; фарзандлар ўйнайдиган ўйинлар. Улар билан шугулланганда бола маълум бир билимга эга бўлиши лозим. Ўйинчоқлар боланинг тафаккурини ривожлантиришга хизмат қилсин. Асло улардаги жангарилик ёки қўпоровчилик каби иллатлар элементларини шаклланиб қолишига хизмат қилмасин;

- ҳиссий таъсир ва имо – ишоралар;
- оилада бўладиган байрамона тадбирлар (фарзандга исм қўйиш, бешик тўйи, суннат тўйи ва шу кабилар)даги маънавий – ахлоқий тарбия жараёни;

- оилавий маросимлар ва анъаналар;
- миллий мафқуравий қадриятларни ўғил – қизлар тафаккурига сингдиришнинг оилавий тарбия дастурини яратиш;

- оилада мафқуравий тарбиянинг миллий ва умуминсоний ютуқларини умумлаштириш ва шаклланган хулосани истеъмолда фойдаланишга тайёрлаб қўйиш;

- оилада уюштирилладиган сайрлар ва сайллар;
- оилада бола МИТсига оид информацион техникалар ва аудио – видео материалларни тайёрлаб қўйиш;
- маҳалладаги ибрат – намуна бўладиган оилалар;
- оила дарси машғулотлари ва шу кабилар.

Бола МИТсини олиб боришда юқоридаги каби воситаларидан фарзандлар тарбиясида фойдаланиш боланинг ижобий ёки салбий ҳатти – ҳаракати ота – онанинг кўз ўнгида намоён бўлади ва уларнинг назоратида бўлади.

Демак, ҳозирда мавжуд бўлган турли таҳдидлар ва салбий таъсирларнинг олдини олишни оилада фарзандларнинг мафкуравий иммунитетини шакллантиришдан бошлаб юбориш керак экан. Ва булар болаларимиздаги мафкуравий иммунитетнинг кучлилиги фарзандларимизнинг турли ёвуз гоёлари таъсирига тушиб қолмаслигига мустаҳкам маънавий асос бўлади.

Шу сабабли ҳам мафкуравий иммунитетни инсон онгининг ташқаридан кириб келган ва келаётган миллий тараққиёт йулимизга илд бўлган ҳар қандай гоёларга қарши курашишнинг асосий қуроли (воситаси) деб ҳисобланади.

Оилада болага МИТ бериш йўналишлари асосан мазкур муаммонинг тарихий илдизлари, омиллари, воситалари ва тийимолларига асосланиб йўналишлар белгиланди. Уларни биз қуйидагича белгилашни лозим топдик:

- оилада болага МИТ бериш;
- мактабгача таълим муассасаларида болага МИТ бериш.

Болага МИТ беришда ҳар бир ота – она ўз фарзандининг оиладаги ва мактабгача таълим муассасаларидаги тарбияси, унинг кейинги камолот пиллапоёларидаги қанчалик аҳамият касб этиши, бу дунёда узлуксиз таълим тизимининг муҳим босқичи, яъни асосий ифтодвори эканини англаб етиши ниҳоятда муҳимдир. Бунда оиланинг таълим муассасалари тизимига изчил уйғунлашувига эришиш зарур бўлади.

Оилада болага МИТ бериш усуллари. Ҳар бир фаолият турининг ўзига яраша амалга ошириш усуллари бўлгани каби, МИТнинг ҳам усуллари бор. Уларни қисқача ифодалаш мумкин:

- **ғоёлар баҳси.** Бунда болаларнинг дунёқарашини кенгайтириш, уларнинг мафкуравий иммунитетни элементларини шакллантириш, курашчанликни ошириш кўзда тутилади. «Ғоёлар баҳси» усулида оила аъзоларининг ҳар бири ўз фикрини айтади ва улардан мукамал рағбатлантирилади;

- **«оила дарси» машғулотларини уюштириш.** Бунда оилада, айниқса, кичик аъзоларнинг фаоллигига эътибор кучайтирилади;

- **баҳс – мунозара.** Бунда ҳулосавий фикрга келиш ва уни оила аъзоларига маъқуллаштириб олишга катта эътибор берилди;

- **болаларга эртак, афсона, ривоят ва ҳикоят ўқиш бериш.** Бунда буларнинг болаларга бўлган руҳий таъсирлари эътиборга олинади.

Оилада болага МИТ бериш йўллари. Тарбия жараёни мураккаб бўлиб, у ўзига хос кўп қиррали, кенг қамровли динамик жараёндир.

Шу сабабли унинг шакллари, усуллари, воситалари ҳам турлича бўлади. Қуйида биз тадқиқот мақсадига мос тарбия йўлларини келтиришни лозим топдик:

- оиладан бошлаб фарзандлар онги ва қалбига бунёдкорлик ҳақидаги маълумотларни сингдириб бориш ва болаларга буларга мос ривоят ва ҳикоятлар айтиб бериш;

- ота – онанинг ижобий ўрнак бўлиши;

- фарзандларга ибрат – намуна бўладиган инсонлар ва оилалар тўғрисида мунтазам равишда маълумот бериб бориш;

- фарзандлар онгида вайронкорликка нафрат уйғотиш;

- оммавий ахборот воситаларидан фарзандларнинг тўғри фойдаланишини ташкил этиш ва шу кабилар.

Оилада болага МИТ бериш шакллари. Тарбиялаш жараёнининг ўзига хос шакллари бўлиб, улардан кўзланган асосий мақсад оилада бола тарбиясида ижобий самараларга эришиш. Тадқиқотни олиб бориш жараёнида оилада болага МИТ беришни қуйидаги шаклларда олиб бориш маъқул эканлиги тасдиқланди:

- «Оила дарси» машгулотларини ташкиллаштириш;

- табиат қўйнига саёҳат қилиш;

- маданий – маърифий муассасаларда олиб борилаётган оммавий тадбирларга қатнашиш;

- театрлаштирилган кўринишлар ташкил қилиш;

- ҳадис илмидаги эзгу – ниятларни оила аъзолари билан биргаликда ўрганиш;

- «Оталар сўзи» туркумидаги маълумотларни оила аъзолари билан биргаликда талқин қилиш;

- оила, маҳалла, жамоадаги турли тадбирларга қатнашиб, ундан олган таасуротларини оила аъзолари билан фикрлашиш;

- оммавий спорт ўйинлари орқали;

- радио ва телевидениедаги «Зиё», «Маънавият сабоқлари», «Ёрқин ҳаёт», «Ўзингни англа», «Заковат» ва шу каби эшиттиришлар ва кўрсатувлар орқали фарзандларимизга маънавий – иммунологик тарбияни беришимиз мумкин.

Юқорида қайд этилган МИТнинг методологик асосларига таяниб қилинган тарбия фарзандларимизни ўз оиласи, жамоаси, маҳалласи, қолаверса жамият, эл – юрт олдидаги муқаддас бурчини ва масъулиятини қандай бажараётганлигини онгли равишда англашига ёрдам беради. Энг асосийси бундай тарбияланган болалар ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол шахс бўлиб етишадилар.

1.2. Оилада маънавий - иммунологик тарбиянинг тарихий асослари

Аллоҳ, Еру Осмонни, бутун борликни инсон учун яратиб. унга иқд гавҳарини, тафаккур килиш қобилиятини берди. Ўзининг машжудлиги, ҳар бир ишга қодирлигини, илмда тенгсизлигини, меҳр-мурувватда бекиёслигини билдирди [34. 38 – б.].

Шундан бошлаб, кишилиқ жамияти Одам Ота ва Момо Ҳаво дараждаридан бошлаб ўз тараккиётини бошлаган. Шу орқали оила тушунчаси ҳам ўз аксини топиб, у ўз мазмун – моҳиятини жамият тараккиёти талабларига мос ҳолда ривожлантириб келмоқда.

Натижада, «Жамият» ва «Оила» деган тушунчалар вужудга келди ва улар ҳамма ҳам ўзаро боғлиқдир, яъни Оила туфайлигина жамият тузилади. Шу сабабли ҳам оилани жамиятнинг ячеяси ёки давлат шара кичик давлатдир, деб юритилади.

Оила ва жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар икки томонлама алоқадорлик хусусиятига эга. Жамият тараккиётининг ривожига эса унинг таркибида машжуд бўлган оиланинг ижтимоий, иқтисодий ва маънавий жиҳатдан уйғунлигини қандай шаклланганлик даражасига боғлиқ. Бундай уйғунликда бола оила тимсолида жамиятнинг ижтимоий – маънавий қиёфасини кўради, жамият талаблари моҳиятини илк бора шу кичик жамоа орасида англайди ва шунинг билан бирга шахснинг маънавий жиҳатларга эга бўлиши, унда маънавий билимларга нисбатан эҳтиёж ва қизиқишнинг пайдо бўлиши оила тарбияси асосида амалга оширилади. Оилада қарор топган соғлом маънавий – руҳий муҳит фарзандларнинг етук, баркамол бўлиб вояга етишлари учун муҳим аҳамият касб этади.

Оила ва ундаги бола тарбиясига азал – азалдан эътибор бериб келинган. Хусусан, Қадимги Юнонистонда Сукрот, Пифагор, Аристотель, Платонлар бола тарбиясига асосланган фалсафий гояларини яратганлар.

«Қадимги Юнон файласуфлари Афлотун ва Арасту бола тарбиясига жамият ўз ихтиёрига олиши, тарбия жараёнидаги барча шарур ишларни давлат бажариши лозим деган гояни илгари сурган эдилар. Улар ўз фикрларини асослашда фарзанд тарбиясининг жамият манфаатлари билан боғлиқлигига асосланганлар. Шарқона қадриятларга эса бола тарбияси билан ота – она шуғулланиши кераклигига урғу берилган. Бу билан улар оилавий тарбиянинг аҳамиятини эътибор этганлар [34. 15 – б.].

Шунингдек, Зардуштийлик динида ва унинг муқаддас китоби бўлмиш «Авесто»да ҳам ёш авлод тарбиясига жуда катта эътибор қаратади. Унда оилада болаларни касб – ҳунарга ўргатиш, табиатни соф сақлашни ва унга ҳурматни ўргатиш, болаларнинг соғлиги ва саломатлигига, айниқса, рухий жиҳатдан соғлом бўлишига эътибор қаратилади. Оилада эру-хотин ва бошқа оила аъзоларининг ўзаро ҳурмат меъёрлари ишлаб чиқилган ва уларни бузганларга жазо меъёрлари ишлаб чиқилган.

«Авесто»да «Эзгу уй → эзгу фикр → эзгу амал» тизимидаги бунёдкор ғоянинг «Ёмон уй → ёмон фикр → ёмон амал» тизимидаги вайронкор ғоя устидан ғалабаси тараннум этилади. Еру–Осмон, табиату–жамият, сув, тупроқ, олов муқаддас бўлиб, ёмонликларни олов ёрдамида Ер қаҳрига киритиб юборишни ният қилинади. Оилада бола тарбиясида меъёрга солинган қасамёд ҳам шакллантирилган. Оила аъзолари ўртасидаги ҳурмат-иззат ва қариндошлик ришталари ҳам алгоритмик тарзда шакллантирилган ва уни бузганлари жазони қарраларга бўлиб чиққан.

Бу ҳақда Х.А.Тўракулов ва бошқаларнинг «Истиқболли педагогик асослари» номли ўқув қўлланмасидаги қуйидаги маълумот юқоридаги фикрларимизга далил бўла олади:

«Маълумки, оила мустаҳкам бўлса, жамият мустаҳкам бўлади. Ўша даврданок Зардушт бу таъминотга алоҳида ўрин ажратди. Ундаги оила мустаҳкамлиги, кишилар ўртасидаги (оила аъзолари ўртасидаги) муносабатлар қатъий ахлоқий-ҳуқуқий тамойиллар билан мустаҳкамланган. Жумладан, мазкур таълимот бўйича оила аъзолари ўртасидаги белгиланган келишувнинг бузилишини, қасамни бузиш билан тенглаштирилган. Бу муқаддас китобнинг гувоҳлик беришича, зардуштийлар қонун–қондасига кўра эр-хотин ўртасидаги шартнома бузилиши – 50 қаррала, куёв ва қайнона ўртасидаги шартнома бўлиши – 80 қаррала, ака-ука ўртасидаги шартнома бузилиши – 90 қаррала, ота-бола ўртасидаги шартнома бузилиши – 100 қаррала жиноят ҳисобланган. Булардан ташқари улуг ёшдаги кишиларга сўз қайтариш танбеҳ (огоҳлантириш)га лойиқ жиноят ҳисобланган ёки фарзанднинг отага қўл кўтариши оғир жиноят ҳисобланиб, унга тан жазоси белгиланган ва ҳоказо умуминсоний қадриятлар, оила мустаҳкамлиги, ахлоқий-ҳуқуқий тарбиянинг тарихий илдизлари ҳақидаги, соғлом жамият тузиш ҳақидаги таълимотнинг асосларини ташкил этиб, улар бугунги кундаги ёшларимизни Баркамол авлод қилиб тарбиялашдаги дастурамалларимизнинг дастлабки босқичи, десак хато бўлмайди» [25. 99–б.]

Бу борада бизнинг ўтмишдаги ота-боболаримиз бола тарбиясида ибрат-намуна бўла олган. Улардан бола тарбиясига эътибор бермаганлари камдан-кам учрайди. Булардан Имом ал-Бухорий (810-870), Абу Мансур ал-Мотрудий (вафоти 945), Абу ал-Муъийн ан-Насафий (1027-1114), Муҳаммад аз-Замахшарий (1075-1114), Бурхониддин ал-Марғиноний (1123-1197), Хожа Аҳмад Яссавий (1041-1167), Нажмиддин Кубро (1145/46-1221), Баҳоуддин Накшбанд (1318-1389), Яъқуб Чархий (вафоти 1447), Хожа Муҳаммад Парсо (1348-1420), Хожа Аҳрори Валий (1404 - 1490), Маҳдуми Аъзам (1463/64-1542), Хожа Юсуф Хамадоний (1048-1140), Сўфи Оллаёв (1644-1711), Ал Хоразмий (783-850), Аҳмад ас-Сарахсий (835-899), Абу Али ибн Сино (980-1037), Абу Райҳон ал-Беруний (973-1048), Қозизода Румий (XIV аср охири XV аср боши), Мирзо Улуғбек (1394-1449), Абу Наср Фаробий (873-950), Носир Хисрав (1004-1088), Юсуф Хос Ҳожиб (XI аср), Маҳмуд Қашғарий (XI аср), Адиб Аҳмад Югнакий (XII-XIII аср), Лутфий (1366-1465), Алишер Навоий (1441-1501), Ҳусайн Воиз Кошифий (1440-1505), Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530), Огаҳий (1809-1874), Абдураззоқ Самаркандий (1413-1482), Абдулла Авлоний (1878-1931), Абдурауф Фитрат (1886-1938), Маҳмуд хўжа Бехбудий (1875-1919), Абдулҳамид Чулпон (1897-1938) сингари улуғ олимларимиз—донишмандларимиз ишлари бу борада буюк ва қимматли маънавий меросдир. Улар асарларида болаларни оила муҳитида тарбиялаш масалалари илгари сурилиб, уларни ҳал этиш йўллари кўрсатилган.

Бундай қимматли мерослар орасида Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат-ул-ҳақойиқ», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-Қулуб», Шайх Саъдийнинг «Бўстон ва Гулистон», Кайковуснинг «Қобуснома», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Маҳмуд Қашғарийнинг «Девону луғати турк», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Бобурнинг «Бобурнома» каби панднома ва насиҳатномалари бола тарбияси ва улар оғида бунёдкорлик ғояларини сингдириш ҳамда вайронкорликка шифрат уйғотишда мустаҳкам ғоявий дидактик асослардир.

Маълумки, фарзанд тарбиясида бу йўналишда, яъни фирмандларимизни инсоний фазилатлар билан йўғрилган, бунёдкор киши тарбиялаш азал-азалдан ота-боболаримиз қони ва жонига сипиш кетган. Шу сабабли ҳам халқимиз тани-жони ила маърифат-маънавиятли халқдир. Бунинг тарихи асослари сифатида қомусий олимларимизда баъзиларининг фикрларини келтириб ўтамиз. Жумладан, Муҳаммад Мусо ал-Хоразмийнинг илм-фан, таълим-

тарбия, ақл ва ахлоқ тўғрисидаги бизга қолдирган маънавий мероси бола тарбиясида мустақкам дидактик асослардир. Хусусан, унинг бола тарбияси ҳақида «Замондан яхшироқ таълим берувчи муаллимни, инсондан яхшироқ таълим оладиган ўқувчини кўрмадим», деб айтган фикри унинг бола таълим – тарбиясига нечоғлик аҳамият қаратганини сезиш қийин эмас. Демак, Ал-Хоразмийнинг фикрларида бола тарбиясида ижтимоий муҳитнинг роли катта бўлиб, боланинг шахсга айланишида таълимнинг роли буюқлиги илмий жиҳатдан асосланади [21].

Бола тарбиясида тан ва руҳ поклигига улуғ донишманд комусий олимимиз Абу Райҳон ал-Беруний ўз асарларида алоҳида аҳамият қаратган. Олим асарларида оилада бола тарбиясида оилавий соғлом муҳит ва соғлом турмуш тарзи мавжудлиги муҳим эканлиги асосланади. Олимнинг фикрича, оиладаги соғлом муҳит: тозалик, покизалик, тартиб-интизомлилик ва энг асосий маънавий поклик бола тарбиясида асосий кўрсаткичлардир. Шунингдек, олим фикрларида оилада қаҳр-ғазабга боғлиқ ҳолатлар, болани кўрқитиш, хафалик ва уйқусизлик, ҳар хил зарарли одатлар, соғлиққа салбий таъсир кўрсатувчи омиллар таъкидланади ва унинг фикрларининг мазмун-моҳияти ота-онанинг болага ва унинг тарбиясига турли таъсирлар фарзандларининг турлича характер эгаси бўлиб шаклланишига сабаб бўлади, деган фикрларида ўз аксини топади.

Оилада бола тарбияси масаласига ва унинг баркамол бўлиб ривожланишига буюқ мерос қолдирган олимларимиздан бири комусий олимимиз, тиб илмининг султони Абу Али ибн Синодир. Унинг қатор асарлари оилада боланинг соғ-саломат ўсиши, ривожланиши, жисмонан ва манан соғлом камол топишига бағишланади. Хусусан, унинг «Тадбири ал-манозил» асари бу борада қимматли бўлиб, унда оила, оилавий тарбия, оилавий муҳит ва шу қабилар бош муаммо сифатида ўрганилади ҳамда бола тарбиясини қачондан бошлашлигини илмий жиҳатдан асослаб берилади. Шунингдек, у асарида оилада эр-хотиннинг яхши сифатлари тавсиянома кўринишида баён қилинади. Уларнинг бола тарбиясидаги аҳамияти кенг очиб берилади ва бу бола келажagini, яъни улар яшаётган жамиятдаги оиланинг ўрнини ҳам башоратлаб бера олган. Яна диққатга сазовор жойи шундаки, бу борада ота-оналарнинг ўз фарзандларига касб-хунар ўргатиши орқали уларни меҳнатсевар қилиб тарбиялаш мумкинлигини асослаб берган. Бу эса меҳнатсиз ҳаёт кечиришнинг бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатишини асослашда муҳим роль ўйнайди.

Олимнинг шоҳ асарларидан бири бўлмиш «Тиб кунунлари» нинг бола тарбиясидаги аҳамияти ниҳоятда буюк. Унда куйидаги саволларга тўлиқ ва мукамал жавоб олиш мумкин:

- болага қачондан бошлаб тарбия бериш керак;
- бола тарбияси ва саломатлигига қандай ғамхўрлик қилиш керак;
- болани жисмоний ва руҳий жиҳатдан баркамол қилиш учун нима қилиш керак;
- бола тарбиясида оилавий муҳит қандай шаклланган бўлиши керак ва шу кабилар.

Умуман олганда Зардуштийлар даври, биринчи ва иккинчи маданият уйғониш давларидан қолган миллий меросимизгагина таяниб айтиш мумкинки, Шарқда илм-фан, одоб-ахлоқ ҳақидаги билимлар дунёга машғур бўлган.

Хеллернинг (олмон олими) «Шарқ Европанинг муаллимидир» деган фикрига ҳам маълум асос бор.

Бу асослардан бири сифатида Абу Наср Фаробийнинг асарлари мазмунидаги эътиборга молик фикрларни ҳисобга олиш аҳамиятлидир. Унинг асарларида бола тарбиясига фақатгина ота-она эмас, балки кўни-қўшни, ёр-биродарлар ва маҳалла-куй ҳам жавобгар эканлиги ҳақида содда ва айнаи чоғда буюк шарқона қарашлар асослаб берилган. Фаробийнинг таъкидлашича, шахс ижтимоий муносабатлар мажмуидан иборат деган педагогик-методологик қонуннинг қуртаклари қадим замонларданок мавжуд экан [6].

Ёки, бу борада яқин келажакка эътибор берадиган бўлсак, маърифат даргаларидан бири бўлмиш Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» асаридаги куйидаги фикри ибратлидир: «**Илми ахлоқнинг асоси тарбия....** . Боланинг саломатлиги, саодати учун уни яхши тарбия қилмоқ, танани пок тутмоқ, унга яхши хулқларни ўргатмоқ, ёмон хулқлардан саклаб ўстирмоқдир» [5].

Демак, Қадимги шарқ фалсафасида, жумладан, муқаддас китоблар «Авесто» ва «Ҳадиси Шариф» ҳамда илоҳий китоб «Қуръони Карим» ларда оиланинг муқаддаслиги ва ундаги бола тарбияси муҳимлиги алоҳида аҳамият касб этган. Уларда таъкидлашича ва ҳозирда ҳам бола туғилган кундан бошлаб оила муҳитида яшайди, яъни унади, ўсади ва улғаяди. Бу Шарқда муқаддас қадриятлардан биридир. Бунда бола оилага хос анъаналар, урф-одатлар ҳамда маънавий ва моддий қадриятларни ўрганадилар ва шу руҳда тарбия топадилар.

«Ўзбек оиласи мустабидлик даврида ҳам ўзининг тарихан шаклланган кифасини йўқотмади. Шукурки, чуқур тарихий заминга

эга бўлган оилавий арф-одат ва анъаналар ҳам қўша, ҳам замонавий қиёфаси билан ўзбек оиласининг қадимий маданиятини бутун жаҳонга кўз-кўз қилиб турибди.

Юртимиздаги ҳар бир инсон учун ватан тушунчаси, аввало, оиладан бошланади.

Оила муқаддаслигини таъминловчи биринчи омил-она, аҳли аёлнинг покизалиги, оқиллиги, меҳр-муруввати, садоқати ва вафодорлигидир.

Тангрининг буюк неъматини ҳисобланмиш-фарзандга ризқ-насиба бериш, уни тарбиялаш, юртнинг асл фарзанди этиб вояга етказиш ота-она зиммасига катта масъулият юклайди» [34. 14 – 15 – б.].

1.3. Оилавий муҳит

Оила – бу эркак ва аёл ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва розилик уйғунлигидаги муҳаббат билан мустақамланган, қалб ва интеллект иттифоқига асосланган кичик жамоадир.

Оила, эр – хотин муносабатлари қадимги қўлёмаларда, жумладан, «Авесто»да ҳам етарлича ўз ифодасини топган бўлиб, унда барчанинг оила ва оилавий муносабатларга оид қоидаларга риоя қилиши лозимлиги таъкидланган. Асарда эр – хотиннинг вафо ва садоқати юксак баҳолашиб, уларнинг бир – бирига ғамхўр ва меҳрибон бўлишларига эътибор қаратилган. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, аёлнинг ҳақ – ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўша даврда ҳам қонун даражасига кўтарилган.

Бугунги кунда оилалар:

- тўлиқлиги (тўлиқ, нотўлиқ ва қайта тузилган иккинчи никоҳли оилаларга);

- бўғинлар сони: ота – она ва болалардан иборат; кўп бўғинли (икки ва ундан ортиқ авлоддан иборат оила аъзолари бирга яшовчи оилаларга);

- болалар сони (фарзандсиз, бир болали, икки болали, уч - тўрт болали ва ундан ортиқ болали оилаларга);

- эр – хотиннинг ижтимоий келиб чиқиши;

- эр – хотиннинг маълумот даражасига кўра қандай?

- оиланинг ёши (1-3 йилгача, 3-5 ва ундан ортиқ йилгача турмуш тажрибасига эга бўлган оилалар);

- иқтисодий таъминланганлигига кўра қандай?

- ҳудудий хусусиятлари (шаҳар, қишлоқ);

- эр – хотиннинг турли миллатга мансублиги;

- оилада аёл ёки эркакнинг етакчилиги;

- оилада эр – хотин орасидаги муносабатларга кўра (авторитар, демократ, либерал, аралаш) лар билан фаркланади.

Ҳар бир оила ижтимоий тизим сифатида жамият олдида маълум бир вазифаларни бажаради. Инсоният тараккиётининг ҳозирги босқичида замонавий оиланинг бажарадиган вазифалари кўлами янада кенгаймоқда.

Оиланинг ўз вазифаларини муваффақиятли бажариши нафақат унинг ички ҳолатига, шу билан бирга жамоатнинг ижтимоий соғломлигига ҳам таъсир этади [34. 8 – 9 – б.].

Демак, оилавий муҳит асрлар давомида шаклланган ўзбек оилаларидаги садокт, бурч, эътиқод, миллий ўзликни англаш, миллий генафондни саклаш, миллий ғурур, эр – хотиннинг вафодорлиги ва садокати ҳамда ўзаро ишонч каби маънавий – ахлокий асосларга боғлиқ бўлар экан.

Соғлом оилавий муҳитнинг шаклланишида оилада ота – онанинг ўзаро муносабатлари катта аҳамият касб этади. Шу сабабли ота – оналар фарзандларини тарбиялашда оилани муқаддас билиб, ўзлари болалари учун ибрат – намуна кўрсатиб яшаши керак бўлади, яъни сеvimли ёзувчимиз Ўткир Ҳошимов айтганидек: «**Оилани муқаддас билмаганлар учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ**». Бу бевосита миллий менталитетимизга хос бўлган оила, оила қуриш, оиланинг мустаҳкамлиги ва фаровонлиги ҳамда барқарорлигини таъминлашларга боғлиқ бўлиб, бу ҳар бир инсоннинг ўз миллати, аجدод – авлодлари ва жамият олдидаги энг муқаддас бурчларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Бизнинг жамиятимиз ва давлатимизда оилада эр – хотин деб аталмиш жуфтликдаги эркак ва аёлнинг тенг ҳуқуқлиги таъминланган ҳамда у қонун билан ҳимояланади. Бунда оиладаги эр ва хотин жамиятимизга, миллий менталитетимизга мос ва хос бўлган тарбияни ўз фарзандларига меҳр нури ила олиб бормоги лозим. Ота–оналар ўз фарзандларини тарбиялашда ё салбий жиҳатдан ёки ижобий жиҳатдан ўрнак бўлиши мумкин. Бунда оиладаги ота – она ўртасидаги зиддиятлар ёки ички оилавий Низолар ота – онанинг ўз фарзандларига салбий жиҳатдан ўрнак бўлишига олиб келади.

Ота–оналарнинг ўзаро ҳамжиҳатлиги, ҳамфикрлиги, билимлилиги, маънавиятлилиги бола тарбиясига ижобий жиҳатдан таъсир кўрсатиши аниқ, чунки болалар маънавий дунёсининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг тақлид қилишга мойиллиги, айниқса уларни ўз идеаллари – обрўли сиймолари деб билишларидир. Бу ўз

– ўзидан маълумки, улар ихлос қилган одамларнинг маслаҳатларини кадрлайдилар ва автоматик тарзда уларга амал қиладилар.

Демак, оилавий муҳитнинг соғлом бўлишида ота – оналарнинг юқоридаги каби жиҳатларнинг қай тарзда ўрнатилушига боғлиқ бўлади ва бунда оилавий ахлоқ меъёрларига амал қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, оилада каттага ҳурмат, кичикка иззат, хушмуомалалик, мулойимлик, турли хил иллатлардан (ичиш, чекиш, сўкиниш ва кўпол муомала қилишлар) холис бўлишлик каби қоидалар кундалик одатга айланиб бориш керак. Булар соғлом оилавий муҳитнинг асосларидан десак хато бўлмайди. Бу ҳақда халқимизнинг «Қуш уясида кўрганини қилади», «Олманинг тагида олма ётади», «Мевали дарахтнинг меваси ўзидан узокқа тушмайди», «Ёмондан яхши чиқди, деб қувонма, Яхшидан ёмон чиқди, деб қуйинма» каби пурмано фикрлари бор.

Демак, оилада соғлом муҳитни яратишнинг асосий вазифаларига қуйидагиларни киритсак бўлади:

- оилада фарзандни ёшлигиданок аниқ мақсад билан тарбиялаб бориш. Бу айниқса, оиланинг ижтимоий ҳолатига кўпроқ боғлиқ бўлади;

- оилада болани тарбиялашда жамият ҳаёти албатта эътиборга олиниши лозим;

- болани ёшлигидан бошлаб оилавий урф – одатлар ва анъана ҳамда маросимларга мослаб тарбиялаб бориш керак. Бунда болани оилавий одоб – ахлоқ қоидаларига риоя қилишни одатий ҳолга айлантирилиши лозим;

- оилада фарзандларни яхши хулқ – атворли бўлишига ўргатиш ота – она учун ҳам қарз, ҳам фарз эканлиги ҳақидаги масъулиятни ҳеч қачон унутмаслик керак;

- ота – оналар оиладаги барча фарзандларини баб – баравар севиши ва уларга ота – оналик меҳрини бера олиши керак ва пировард натижада ота – оналар фарзандларининг ҳар бир ютуғидан кўкси тоғдек кўтарилиши ҳамда бу орқали улар қалбида фахр ва ғурур туйғуларини уйғотадиган ҳамда жўш урадиган ҳолатларни умид қилиб турмуш тарзини ташкил этиш;

- ота – онанинг фарзанд тарбиясида уларнинг мансабдорлиги бола тарбиясига салбий таъсир қилмасликларини ўйлаб оилавий муҳитни соғломлигига эътибор бериш;

- фарзандларни меҳнатсеварликка ўргатиш ва қисман дастлабки меҳнат кўникмаларини шакллантириш;

- фарзандларга илм – ҳунарли кишилар ва маҳалладаги ибратли одамлар ҳақида улар ёшларига мос келадиган маълумотлардан фойдаланиб ахборот бериб бориш орқали уларда илмга, билимга, меҳнатга ва ҳунарга муҳаббат уйғота бориш;

- оилада фарзандларингиз канака ўйинлар ва ўйинчоклар (ролли ўйинлар, меҳмон – меҳмон, дадаси – аяси, меҳмон кутиш, мусоба ўйинлари ва ҳоказо, турли хил машиначалар, конструкторлик буюмлари, қиличлар (ханжарлар), самолёт ёки ракеталар, кўғирчоклар ва шу қабилар) билан ўйнашларига доимо эътибор бериш;

- ота – оналарнинг фарзанд умр меваси, оила фаҳри, бахти ва истиқболли келажаги эканлигини доимо ҳис қилга ҳолда бола тарбиясига масъул эканлигини тўлиқ англаб етиш.

Демак, ҳулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, оиладаги соғлом муҳитни қарор топтириш кўпроқ ота – оналаримизга боғлиқ экан. Бунга сабаб оила – давлат ичра кичик бир давлатдир. Шу сабабли ҳам бундай оилаларда ота – оналарнинг бир – бирига ишонishi, фарзанд тўғрисида эр ва хотиннинг масъулиятини тўғри ҳамда онгли равишда англаши, шунингдек, ота – оналарнинг оила жамиятнинг бир бўлаги эканлиги ва унда ўсаётган ёш авлод бўлғувси жамиятнинг эгалари эканликларини тани – жони билан ҳис этишлари керак. Бу айниқса, биз яшаётган диёримизда ўта муҳим бўлиб, оила давлат таянчига айланган ва давлатимиз муҳофазасида. Шунингдек, Ўзбекистонда оила давлат таянчи ва ҳимоясида бўлиши билан бирга унинг қонуний, маънавий, моддий асослари ҳам яратилган. Қуйида улар тўғрисидаги қисқача маълумотларни келтирамиз:

Оила ва оилавий муҳитни ҳимоя қилишининг қонуний асослари. Улар қуйидагидек муҳим манбаларда ўз аксини топган:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида оила ва унинг давлат ҳимоясида эканлиги тўғрисида қатор моддалар бор.

2. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) бўйича: БМТ нинг Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрдаги йиғилишида 1994 йилдан бошлаб ҳар йили **15 майни «Халқаро оила куни»** сифатида нишонлашга қарор қабул қилинди.

Бу қарорни қабул қилишдан мақсад ва вазифалар бор албатта. Уларни қуйидагича ифодалаш мумкин:

Мақсад: барча давлатларда ва ҳамма жамоатда долзарб бўлган жамиятда оила кадр – қимматини ошириш ва мустаҳкамлигини таъминлаш.

Вазифалар:

- инсон учун бахт – саодат ато этувчи маскани ва муҳитни яратиш ҳамда шакллантириш;

- инсонга оила меҳр – муҳаббат маскани эканлигини асослаш ва уни кенг тарғиб этиш;

- оилани эркакга ҳам, аёлга ҳам ирода бағишловчи поногоҳ эканлигини сингдириш;

- оила оғир кунларда юпанч ва таянч бўладиган «Муқаддас Қурғон» эканлигини эр ва хотин онги ва қалбига сингдириш;

- инсонлар онги ва қалбига оиланинг мустаҳкам ва фаровонлигини ҳамда мунтазам ҳаракат қилиб бориш орқали оиладаги фарзандларни жамият манфаатига ярайдиган қилиб тарбиялашга эришиш ҳамда жамият мустаҳкамлигига хизмат қилиш ота – оналарнинг муҳим вазифаси эканлигини оңли равишда сезишишига мунтазам ҳаракат қилиб боришини ҳаракат қилдириш.

Шунингдек, оила мустаҳкамлигини таъминловчи тамойиллар ҳам мавжуд бўлиб, улар БМТ томонидан ҳам қайд этилган.

Тамойиллар:

- оилада эр – хотиннинг тенглиги;

- меҳнат фаолиятида аёлларнинг тенг иштирок этиши;

- бола тарбиясида ота – она масъулиятининг баробарлиги;

- ночор, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга давлат томонидан доимий равишда ғамхўрлик қилиш ва бошқалар.

Мазкур йўналишдаги Ўзбекистонда олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун – моҳияти кучли ижтимоий ҳимояга қаратилган бўлиб, унда оила, она – бола, кекса ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишга кўзлангандир.

3. Республика «Оила» илмий – амалий маркази ва унинг вилоятлардаги бўлимлари.

Мақсад: оила муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганиш, оилаларга моддий ва маънавий ёрдам беришга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва оилани қўллаб – қувватловчи ташкилотларга услубий ёрдам кўрсатиш ва бу орқали ёшларга, ватанга, оилага, маҳаллага нисбатан чуқур ҳурматни тарбиялашга ҳисса қўшиш.

Вазифалар:

- жамоатчилик орасида оилани мустаҳкамлаш борасида тарғибот – ташвиқот ишларини амалга ошириш;

- ота – оналарнинг фарзандлари тарбиясидаги масъулияти масаласида фарзандларининг бўш вақтидаги машғулоти, нима билан шугулланиши ва кимлар билан муносабатда бўлишига эътиборни қаратиш йўллари ва воситаларини аниқлаш;

- ота – оналарнинг ўз фарзандларини турли диний экстремистик оқимларга қўшилиб қолишини олдини олишга оид тавсиялар ишлаб чиқиш;

- ота – оналарнинг ўз фарзандларини одам савдоси каби иллатларга қўшилиб қолмаслигини ифодаловчи фаолият юритишга оид тавсиялар ва уларга оид уюштириладиган тадбирларнинг намунавий кўринишларидан ишлаб чиқиш;

- ота – оналарнинг ўз фарзандларини «Оилавий маданият» каби «оҳанрабо» домига тушушини олдини олишга оид тарғибот – ташвиқот ишларини олиб боришга намунавий дастурлар тайёрлаш;

- оила саломатлиги ва соғлом турмуш тарзи ҳақида жамоаларда суҳбатлар уюштириш;

- соғлом турмуш тарзининг таркибий қисмларини ташкил этувчи оила саломатлиги марафонларини уюштириш, уларни мактабгача таълим муассасаларида, умумий ўрта таълимда, ўрта махсус касб – ҳунар таълими тизимида, олий таълим муассасаларида ва шу кабиларда уюштиришга тавсиялаш ишлаб чиқиш.

4. «Оила Кодекси»

Олий мажлиснинг XI сессиясида Янги мазмундаги «Оила кодекси» қабул қилинди.

Мақсад: Ҳуқуқий демократик жамиятнинг асосий мезонларидан бири бўлмиш инсон ҳуқуқларини, шу жумладан, оила оналик ва болаликнинг ҳуқуқий манфаатларини муҳофаза этувчи махсус тизимни шакллантириш.

Вазифалар:

- оиланинг ижтимоий – иқтисодий манфаатларини таъминлашнинг ҳуқуқий муҳофазасини амалга оширишга кўмаклашиш;

- оиланинг маънавий – ахлоқий асосларини ривожлантиришга кўмаклашиш;

- оиладаги оила аъзоларининг уй меҳнати ва маданий – маиший турмуш шароитини яхшилашга кўмаклашиш;

- кўп болали, кам таъминланган, қаровчисини йўқотган, ночор оилалар, ногиронлар, етимлар, ёлғиз кексалар, беморларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш;

- оилада жамият талабларига мос инсонларни тарбиялашга эришиш.

5. Давлат хизмати тизимида оила, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоя этиш тизимини шакллантириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 2 мартдаги Фармонида биноан Республика Хотин – қизлар қўмитаси раиси, Бош

вазир ўринбосари мақоми белгиланди. Шу фармонга биноан туман, шаҳар ва вилоят хотин – кизлар кўмиталари раисларига ҳоким ўринбосарлари мақоми берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Юқори кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари таркибига она, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари киритилди.

6. Оила ва унинг ижтимоий ҳимоясига бағишланган номдор йиллар

1998 йилнинг – «Оила йили»,

1999 йилнинг – «Аёллар йили»,

2000 йилнинг – «Соғлом авлод йили»,

2001 йилнинг – «Оналар ва болалар йили»,

2002 йилнинг – «Қарияларни кадрлаш йили»,

2003 йилнинг – «Обод маҳалла йили»,

2004 йилнинг – «Меҳр ва мурувват йили»,

2005 йилнинг – «Сиҳат – саломатлик йили»,

2006 йилнинг – «Ҳомийлар ва шифокорлар йили»,

2007 йилнинг – «Ижтимоий ҳимоя йили»,

2008 йилнинг – «Ёшлар йили»,

2009 йилнинг – «Қишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йили»,

2010 йилнинг – «Баркамол авлод йили»,

2011 йилнинг – «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»,

2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили»,

2013 йилнинг «Обод турмуш йили»,

2014 йилнинг «Соғлом бола йили» каби номлар билан аталиши мамлакатимизда оила ва унинг ҳимоясига гамхўрликнинг нечоғлик буюклигидан далолатдир. Юқорида қайд этилган ҳар бир номдор йилга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан махсус Давлат дастурларининг қабул қилиниши ва амалиётда жорий этилиши мамлакатимизда оилани мустаҳкамланиши учун қулай шарт-шароитларнинг яратилганлигидан далолатдир. Шу сабабли тадқиқотимизнинг кейинги қисмида оила ва оилавий муҳитнинг маънавий асосларига ҳам қисқача тўхталамиз.

Оила ва оилавий муҳитнинг маънавий асослари. Кейинги йилларда ярилган илмий адабиётлар, чоп этилган илмий – услубий ва илмий оммабоп адабиётларда, олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларида одоб, ахлоқ, маданият ва маънавият тушунчаларини қўлаш унга дахлдор мавзуларни таърифлашда «маънавий - ахлоқий»,

«ахлокий камолот» каби муқобил сўзлар (фикрлар) тарзида ҳам қўлланилмоқда.

«Одамнинг инсон сифатида шакллана бориши жараёнида унинг камолоти даражаси одоб, ахлоқ, маданият ва маънавий элементларининг қанчалик мужассамлашганлиги билан белгиланади.....

Бизнинг назаримизда, шахс маънавияти – унинг онгида кечадиган ижобий мазмунга эга ўй – фикрлар, ниятлар, ғоялар, назария ва таълимотлар мазмунининг амалий фаолиятда намоён бўлувчи руҳий жараёндир. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, шахс маънавияти асосида ижобий мазмунга эга бўлган ўй – фикрлар, ниятлар, ғоялар, назариялар ва таълимотлар мазмунига етишишни эътиборга олиш лозим. Чунки, шахс онгида ҳамиша ҳам ижобий мазмунга эга бўлган фикрлар кечмайди. Салбий фикрларга эга бўлиш эса маънавийсиз, ахлоқсиз инсон қиёфасини кўрсатувчи муҳим белгидир» [33. 310 – б.].

Маълумки, оила ва ундаги барча қатнашчиларнинг маънавияти бир бутун оила маънавиятини мужассам этади. Бунда асосий масъулият ота – она зиммасига тушади, чунки оиладаги фарзандлар ҳали шахс даражасига етмаган бўлди. Бу масъулиятни проф. О.Ў.Ҳасанбоева ўз шогирдлари билан қуйидагича вазифа сифатида ифодалайди.

«Фарзандларимизда ахлоқий фазилатларни шакллантиришда ота – оналар олдида қуйидаги **вазифалар** туради:

- бола ҳаётининг биринчи кунлариданоқ унинг меъёрида ўсиши ва ривожланиши учун шароит яратиш;

- болаларни атрофдагиларга ҳурмат билан муносабатда бўлишга, уларнинг ишлари, қизиқишлари, манфаатлари билан ҳисоблашишга ўргатиш;

- болада жонқуярлик, вазминлик, камтарлик, умумманфаати билан ҳисоблашиш кўникмаларини таркиб топтириш;

- болада нутқ маданиятини шакллантириш, яъни уларда одоб билан гаплашиш, катталарга сизлаб, исми – шарифини тўлиқ айтиб мурожаат қилишни, аниқ дикция билан, мулойим ва ортиқча имо – ишорасиз сўзлашга ўргатиш;

- фаолият маданияти (ўйинчоқлар, китоблар, қўлланмалар, шахсий буюмлар билан муомала қилиш) кўникмаларини шакллантириш;

- болада бурч ҳиссини вужудга келтириш [34. 228 – б.].

Инсон маънавиятини юксалтирмасдан туриб, оила маънавий муҳитини ва турмуш тарзини юксалтириб бўлмайди. Бу мамлакатимиз тараққиётига ҳам ижобий таъсир этади. Бундан кўзланган мақсад **биринчидан**, миллий маънавийтимизни янада юксалтириш бўлса, **иккинчидан**, «шахс → оила → жамият» интегра-

циясидаги маънавий юксалишга эришиш. Бунинг натижасида маънавий соғлом кучли жамиятни шакллантиришга эришилади.

Демак, маънавий тарбия жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучига айланиши лозим ва бунинг дастлабки босқичи оила маънавиятидан бошланади. Бунинг учун ҳар бир ота – она ўз фарзандларида дастлаб маънавий сифатларни тарбиялаш керак бўлади. Бунинг учун уларда қуйидаги фазилатлар ва хислатларни шакллантириш лозим бўлади. **Фазилатлар бўйича:** хушмуомалалик, ширинсўзлик, одоблилик, зийраклик, жонкуярлик, интизомлилик, ташаббускорлик, хушхулқлик, мустақиллик, меҳнатсеварлик, меҳрибонлик, инсонпарварлик, дўстлик, ғамхўрлик, самимийлик, одамийлик, ишончлилик, фидокорлик, илтифотлилик, кечиримлилик, меҳмондўстлик, ҳалоллик, тўғрилиқ, зеҳнлилик, баъманилик, хотиржамлик, соғлом фикрлилик, донишмандлик, сезгирлик, заковатлилик, топқирлик, нотиклик, дидиллик, омилкорлик, саводхонлик, қизиқувчанлик, ишқибозлик, диёнатлилик, ватанпарварлик ва шу қабиларни шакллантириш ва **хислатлар бўйича:** ишчанлик, тиришқоқлик, серҳаракатлилик, масъулиятлилик, инсофлилик, малакалилик, эпчиллик, уддабуронлик, саронжон – саришталик, тадбиркорлик, аниқлик, тежамкорлик, тадбиркорлик, таъмасизлик, тезкорлик, барқарорлик, ботирлик, довюрақлик, интизомлилик, жиддийлик, нафси тийишлик, ўзини йўқотмаслик, ўзига талабчанлик, камсуқумлик, ўзини – ўзи идора қили билишлик, кўтаринкилик, тантанаворлик, хушқайфиятлилик, ҳазинлик, келажакка ишонч, эзгулик, кек сакламаслик, олижаноблик, оташинлик, нозик табиатлилик, ҳаёлилик, ифбатлилик қабиларни шакллантириш.

Шунинг билан бирга баъзи оилаларда (низолари ҳолатлар бўлиб турадиган оилаларда) айрим иллатлар ҳам учраб туради. Бундай оилаларда соғлом муҳит бўлиши мумкин эмас ва натижада бундай оилаларда ўсиб – улғайган болалар маънавий таҳдидларга чидамли бўла олмайди. Натижада уларда ҳар хил оқимларга кириб қолиш ҳолатлари учраб туради. Шунинг учун оила муҳитида кўпроқ **учрайдиган иллатлардан** эҳтиёт бўлиш керак бўлади. Улар қуйидаги кўринишларда учраши мумкин: дангасалик, худбинлик, риякорлик, лоқайдлик, кибрга берилишлик ва шу қабилар.

Энди қуйида юқорида қайд этилган фазилат, хислат ва иллатларнинг қисқача мазмуни ҳақида маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

Хушмуомалилик -- бу инсоннинг муомалада ёқимли ва софдил бўлиши билан бирга, гапларини (фикрларини) ёқимли ва юракдан баён этадиган фазилатидир.

Бундай одамлар бошқалар билан самимий ва одоб билан муомала қилади.

Оилада болаларнинг хушмуомалалиги самимий бўлишига эътибор қаратиш керак ва бу жараён унинг атрофларидагиларга нисбатан ҳурматига асосланиши керак, акс ҳолда хушмуомалалик риекорлик тусини олади. Бу эса ахлоқий ҳатти – ҳаракат жараёнини тарк этишга олиб келади.

Ширинсўзлик – бу одамни унинг мулойим ва ёқимли овоз оҳангига эга бўлиши билан бирга безайдиган фазилат бўлиб, у инсонни янада жозибали қилади. Ширинсўз инсонга нисбатан унинг атрофидаги инсонларнинг муҳаббати янада ортади.

Ширинсўзликнинг ҳар қандай кўриниши бола учун яхши англаб олинган зарурат бўлиб қолиши муҳимдир ва бунда бола ширинсўзликни дилдан чиқариб намоён этса, у бола тарбиясида катта таъминотга эга бўлади. Бу ҳақда «Ҳадиси Шариф»да ҳам «Кимга мулойимлилик насиба берилган бўлса, батаҳқиқ, унга яхшиликдан насиба берилади».

Одоблилик – бу инсондаги болаликдан шаклланадиган, уйғунлашган фазилат бўлиб, ундай одамлар ҳеч қачон атрофларидагиларга нохушлик келтирмайди.

«Одоб қачон гапга қўшилиб ва қачон сукут сақлашни, нима мумкин ва, нима мумкин эмас, нима яхши ва нима ёмон» одамни хафа қилмаслик учун кескин вазиятни қандай ҳал этиш ва ўз фикрини ишончли тарзда ҳимоя қилиш лозимлигини англайди. Мақсадга қаратилган тарбияда мактабгача ёшдаги болага оддий одоб ҳисси хос бўлиши керак. Бу ҳис, катталар йўқ деганда, ўз истагининг дархол бажарилишини талаб қилмасликда, сабр қила олишда, ён беришда, яқин кишиларининг кайфияти ва имкониятлари билан ҳисоблашишда, нотаниш кишига нисбатан ҳаддан зиёд даражада қизиқиш билдирмасликда, у ҳақида овоз чиқариб ўз фикрини ифодаласликда намоён бўлади. Бола атрофдаги кишиларга нисбатан уларнинг инсоний – кадр – қимматини таҳқирламай, ўзини одобли тутати билиши керак [34. 232 – 233 – б.].

Оилада болаларда ахлоқий тушунчалар етарлича шаклланмаганда улардаги ғайри ихтиёрий ҳаракатларнинг кучайишига, кутилмаган вазиятларда таниш қоидаларни қўллай олмасликлари каби ҳолатлар юз бериши мумкин. Бу оилада бола тарбиясидаги салбий ҳолатларнинг пайдо бўлиб қолишига яхшигина замин яратади.

Зийраклик – бу инсонни безайдиган интеллектуал сифат бўлиб, у инсоннинг атрофдагиларга муносабатида ва одамларга жон

куйдиришида, яъни ўз вақтида уларга ёрдам қўлини чўза олишида намоён бўлади.

Зийраклик, инсон фаҳм – фаросати ва одобиға оид ҳатти – ҳаракатлари борасидаги фаолиятини тартибга солиб турувчи йўлга юлдуздир.

Жонкуярлик – бу инсон шахсини фидойи ва ташаббускор бўлиб шаклланишидаги ҳаракатлантирувчи куч ва ҳатти – ҳаракатлар мажмуидир.

Оилада фарзандни ўз атрофдагиларга нисбатан жонкуяр ва фидойи қилиб тарбиялаш маънавий – ахлоқий тарбиянинг дастлабки босқичидир.

Мактабгача ёшдаги болани ундан илтимос қилмасдан бирор юмушни ихтиёрий равишда бажаришга киришганини кўрсангиз, демакки унда жонкуярлик элементлари бор. Демак, ушбу жиҳатни янада юксалтиришга ҳаракат қилиш керак.

Оилада боланинг жонкуярлигини намоён этиш қуйидагиларга сезилади:

- тушиб кетган нарсани кутиб турмасдан олиб бориш;
- катта – кичикни ўзидан олдинга ўтказиб юбориш;
- эшикдан кирайтган ёки чиқаётган одамни эшикни очиб туриб уларга йўл бериш;
- Бобосига ва бувсига ихтиёрий равишда ёрдам бериб туриш;
- ота – онанинг ишдан чарчаб келганида уларнинг ўзи кучи етадиган ишларига ёрдам бериб юбориш;
- оилавий анъаналар ва маросимларга боланинг ташаббускорлиги ва шу қабилар.

Камтарлик – бу ўзини ўзгача тутмайдиган, табиий ва ахлоқий жиҳатдан тарбияланган ҳолда шаклланган ҳамда ўз «мени»ни ошириб кўрсатмайдиган одам бўлиб, у шахснинг чинакам ахлоқий тарбияланганлигининг намунасидир.

Камтар киши одамларга доимо ҳурмат эътиборда бўлади ва ўзига нисбатан ахлоқий категориялар мавжудлигини таъминлашда ўта талабчан бўлади.

«Болаларда камтарликни 2 – 3 ёшдан бошлаб тарбиялаш керак. Болалиқдан вазминликка, ўзини камтар тутишга ўрганмаган бола кейинроқ бу сифатларга кийинчилик билан эришади. Болаларда кўпчиликнинг фикри ва атрофдагиларнинг манфаатлари билан ҳисоблашиш; фақат мактов учун эмас, балки бундан бошқача бўлиши мумкин эмаслиги туфайли ўзини яхши тутиш кўникмасини шакллантириш; уларни муваффақиятларини кўз – кўз қилмаслик,

чиройли кўйлак ёки ўйинчоқлари борлиги учун мактанмасликка ўргатиш керак [34. 234 – б.].

Доноларимиз «Инсонларнинг обрўларини нима йўқотади?», деган саволга, «Уларнинг фазилатлари билан мактаниши», деб жавоб беришади. Бундай ҳолатлар ҳозирда ҳам учрайди, фақат улар бошқачароқ кўринишда, яъни баъзи ота – оналар ўз фарзандларини қариндош – уруғ, ёру – дўстлар орасида ниҳоятда иктидорли деб мактаб, уларни талтайтириб юборадилар. Натижада айрим фарзандларда ўзига бино кўйиш, бошқалардан ўзини устун деб билиш, ўзининг манфаатини умумманфаатдан олдинги ўринга чиқариш каби салбий ҳолатлар намоён бўла бошлайди. Шунингдек, баъзи ота – оналарда фарзандларга бўладиган муносабатда «ўзини эркин тутиш» билан «одобсиз тутиш» жиҳатларни кўп ҳам фарклайвермайди. Оилада фарзандни камтарликка ўргатилмаса, улардан одоб қоидаларига бўйсинмайдиган (тўполончи, сурбет, кўпол муомалали, уришқоқ, лоқайд, манкурт ва ҳ.к.) киши етишиб чиқади. Натижада бундай оилаларда маънавий қашшоқ одамлар шаклланиб қолади.

Дилкашлик – бу болалардаги ўзаро муносабатлар маданиятининг маънавий асосларига оид бўлган хайрихоҳлик ва атрофдагиларга нисбатан хушмуомалалик уйғунлигида шаклланган ахлоқ категориясидир.

Бу борада қуйидаги туркман мақоли ибратлидир: «Дили очикка йўл ҳам очик».

«Тенгдошлари билан мулоқотдан қувонч оладиган бола фақат унинг ёнида бўлиш учунгина ўртоғига дарҳол ўйинчоғини беришга рози бўлади, одатда дилкаш бола тенгдошлари орасида ўз ўрнини тезроқ топади» [34. 235 – б.].

Сабрлилик – бу бардош ва сабр – матонат билан қийинчиликларни енгадиган ва муваффақиятга эришадиган, ўз вазифасини сидкидилдан бажарадиган, топшириқларни тўлиқ ва аниқ бажарадиган каби хислатларга эга бўлган инсонни зийнатлайдиган ахлоқий категориядир.

Интизомлилик – бу инсоннинг топшириқларни ўз вақтида бажарадиган, ихтиёрий бир фаолиятга тартиб – интизом билан ёндашадиган ва улар орқали фаолликни ўзида намоён қила оладиган хислатларни ўзида мужассам қилган кишининг ахлоқий категорияси ифодасидир.

Интизомлилик одамнинг хатти – ҳаракатида намоён бўлади ва у болада оиладаги тартиб – интизомлилик асосида шаклланган бўлади. Агарда оилада болага интизомлилик ёшлигиданок «юқтирилган»

бўлса, келажакда уларнинг фаол, ватанпарвар, мустақил, одил бўлишларига маънавий асос яратилган бўлади.

Ташаббускорлик – бу оилада болаларнинг янгиликка интилувчанлигини ва бу борадаги ҳаёлига келган фикрларини илгари суришга интилувчанлик фаолиятини ифодаловчи ахлоқий категориядир.

Оилада ташаббускор бўлиб тарбияланган бола турли тадбир (хоҳ оммавий, хоҳ индивидуал) ва байрамларни уюштиришга фаоллик кўрсата олади.

Хушхулқлик – бу инсондаги, хусусан боладаги кишиларга самимий, мулойим, кўтаринки кайфият бағишлайдиган фаолият тури бўлиб, у инсонни ҳаётдаги муаммоларни енгил ҳал қилишда муҳим маънавий асосдир.

Мустақиллик – бу ўз билим ва имкониятларига суянган ҳолда берилган муаммо ҳамда вазифаларни ишонч билан ҳал қиладиган боланинг ақлий фаолияти бўлиб, ундай фаолият эгаси мустақил фикр юритиш ва ишлаш сифатига эга бўлади.

Мақсадга интилувчанлик – бу боладаги ўз олдига қўйган мақсадига эришишда қийинчиликдан кўркмасдан ва тўсиқлардан ўтишга ишонч билан ҳаракатда бўлишда намоён бўлиб, бундай болаларда орқага қайтиш тўғрисидаги фикр ҳаёлига ҳам келмайди, яъни уларда иккиланувчанлик кайфияти бўлмайди.

Меҳнатсеварлик – бу берилган топшириқни бажаришга нисбатан астойдил ҳаракат қиладиган ва буни ўз вақтида бажарадиган, меҳнатни севадиган, тиришқоқ каби хислатларни ўзида мужассам этган болага бериладиган ижобий жиҳат бўлиб, бундай болалар берилган топшириқларни яъло даражада астойдил бажаради ва ҳар бир топшириқга ишдан қочмасдан (осоннинг ости, оғирнинг ости бўлиб юрмасдан) масъулият билан ёндашади.

Бунда бола тарбиясида ёлқовликка ҳеч ҳам йўл қўймаслик керак, чунки ёлқовлик одамни муҳтожликка, оилани таназулга учратади.

Меҳрибонлик – бу оиладаги боланинг ота – она, ака – ука, опа – сингил ва шу қабилар (ака – сингил, опа – ука) билан бирга қариндош уруг ва қуни – қўшнига нисбатан мулойим муносабатини белгиловчи ҳамда оила аъзоларининг меҳр – муҳаббати ва миннатдорчилигига сазовор бўлувчи жиҳатларининг мажмуасидир.

Маълумки, ҳар қандай ота – она ўз фарзандларининг оқилу – доно бўлишларини истайди ва орзу қилади. Чунки, оқилу – доно фарзанд ота – онасининг умидларини пучга чиқармайди ва керак бўлганда бундай фарзандлар ота – онасига мадад, суянч ва таянч

бўлишни ўзининг шарафли бурчи деб биладилар. Бунга ҳар қандай ота – она фарзандларини ёшлигиданок тайёрлаш керак бўлади.

Донишмандлар томонидан айтилган ўн тўртта ахлокий фазилатни инсон зийнати деб биладилар. Бу ота – онага ҳам, ўғил – қизларга ҳам, қариндош – уруғга ҳам баб – баравар зарур деб ўйлаймиз. Уларни оилада ёш болалар тарбиясига жорий этаётганда уларнинг жисмоний ва интеллектуаллик ҳолатларини эътиборга олиш ўта муҳимдир. Акс ҳолда «Қош кўяман деб, кўз чиқариб кўясиз», яъни уларнинг маънавиятига путур етказилади, уларда зўриқиш жараёни пайдо бўлиб қолади. Улар қуйидагилар:

«Риёзат – нафсингни тий, ортиқ даражада ейишдан, ичишдан сақлан.

Сукут – ўзинга ҳам, бошқаларга ҳам ҳеч бир фойдаси тегмайдиган олди – қочди сўзларни сўзлашдан чекин, жим бўл.

Интизом – ишларинг тартибли, интизомли бўлсин, ишингни ўз вақтида бажар, кечиктирма.

Мақсад – бир ишга киришмоқчи бўлсанг, энг аввал, яхшилаб ўйла, шу ишдан кутган мақсадинг нима эканини яхши тушун, бир қарорга кел. Кейин қарорлаштирган ишингни ҳеч бир камчиликсиз идо эт.

Тежаш – иқтисод, яъни тежашга риоя қил, ўзингга ва халққа фойдаси тегмайдиган ерларга пул ва мол сарф қилма, исрофдан сақлан.

Саъй ва шуғулланиш: – вақт ва фурсатингни бекордан – бекорга ўтказма. Доимо фойдали иш билан машғул бўл, керак бўлмаган нарсадан чеклан.

Матонат – ишингда чидамли, матонатли бўл. Ҳийла – найранг ишлатишдан ҳазар қил, тушунчанг пок, соф ва ҳаққоний бўлсин, тушунганинг каби сўзла ва ишла.

Ҳаққоният, тўғрилиқ – адолат ва ҳаққониятни ўзингга раҳбар қилиб ол, ҳеч кимга зарар етказишга қасд қилма.

Мўътадиллик – ҳар вақт мўътадил ҳолда иш юрит, ҳаддан ортиқчалиқдан сақлан. Ноҳақ кишини ўзингга лойиқ кўриб, ундан интиқом олишга журъат қилма.

Назокат – кир, ифлосликдан ҳазар қил, вужудинг, либосинг ва уй – жойингни тоза, покизалигига диққат қил.

Қалбнинг ҳузур – роҳати – майда – чуйда ва истаганингча бўлмай қолган ишлардан хафаланиб саломатлигингни бузма, қалбингнинг ҳузур – роҳатини кўзла.

Иффат – одобли, шарм – ҳаёли, номусли бўл. Бу гўзал хислатлардан ажралма.

Тавозе – ўзингни камтар тут, тавозе шараф ва иззат боскичи эканини унутма.

Мулойимлик – сабрли, мулойим, очик чеҳра, ширинсухан бўл. Ҳеч кимга кўпол муомала қилма.

Хулоса: юкорида зикр этилган ўн тўртта ахлоқий фазилат билан ўзингизни ораста қилсангиз, халқнинг муҳаббатига сазовор бўлиб, назарга тушсангиз, ҳамма сизга ҳурмат назари билан қарайди» [34. 246 – 248- б.].

Одамийлик – бу халқимизнинг узок тарихи давомида турли синовлардан ўтиб, сайқал топиб келаётган ва фақатгина ижобий фазилатлар тарзида эъзозланадиган ахлоқий кадриятлар мажмуидан иборат бўлиб, одамийлик фазилати ўзбек оилаларининг юксак миллий ғурури ҳамдир.

Одамийлик фазилати халқимизнинг соғлом турмуш тарзига айланиши билан бирга, улар халқимизнинг урф – одатларининг, маросимларининг, анъаналарининг мазмун – моҳиятини ҳам ташкил этади. Шунингдек, ўзбек халқининг одамийлиги номли ахлоқий категорияси бой оғзаки ва ёзма ижодимизга, мумтоз адабиётимиз ва санъатимизга ва умуман олганда маънавиятимиз асосий негизини ташкил этади.

Шундан бўлса керак, юртимиз донишмандлари томонидан одамийликни улугловчи мақолалар ва ҳикматлар ҳам шакллантирилиб, улар авлоддан –авлодга ўтиб келмоқда. Жумладан, «Одам бўлиш осон, одамий бўлиш қийин», «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл», «Ўзингга раво кўрмагани бошқага раво кўрма», «Ёмон ўз ғамида, яхши эл ғамида» сингари ҳикматларда ота-боболаримиз улуглаган инсонийлик кадриятларини тараннум этиб келмоқда.

Инсонийлик – бу диёнатлилиқ, меҳр – шафқатлилиқ, поклик ва ҳалолликларнинг мужассам ҳолдаги кўриниши бўлиб, унинг мазмун – моҳиятини эътиқодли, ўзининг аниқ мақсадига эга, ҳамиятли, ориятли, ор – номусли, шарм – ҳаёли, виждонли, андишали, инсофли, камтарин, ҳалол ва пок, тўғри сўз каби фазилатлар безайди.

Ҳаё – бу ўзбекча уят демак. Ҳаёсиз, беҳаё дейилганда, уятсиз иш қилганда хижолат чекмайдиган, одоб – ахлоқсиз киши тушунилади. Ҳаё эркак кишига нисбатан аёлларда табиатан кўпроқ бўлади. Эркак киши бемалол айтадиган баъзи сўзларни, аёллар турли андиша ва уялиш туфайли айта олмайдилар, ҳаё уларга йўл бермайди. Ҳаёли бўлиш, бу фақат уятли сўзни айтмасликда эмас. У бундан ҳам кўра

кенгроқ маъно ва мазмунга эга. Шарм – ҳаёли бўлиш инсонни ҳайвон сингари тубанлашиб кетишдан саклайди. Ўз ножўя ҳатти – ҳаракатидан уялиш ҳисси фақат одамларгагина хос қусусият. Фарзандларимизни шарм – ҳаёли қилиб тарбиялаш оиладан бошланади. Умумий тарбиянинг муҳим жиҳатини ташкил этади [19. 168 – 169 –б.].

«Номус – бу иффат, бокиралик маъноларидан ташқари, кишининг ўз мавқеини саклаш, улуғлаш ва ардоқлаш, хижолат тортиш туйғусини, оила ва аждодлар шаънига доғ тушурмаслик маъносини ифодалайди. Кўпинча, бирор кишини, унинг оила аъзоларини аждодларини ноҳақ ҳақоратласалар-у, у киши бунга бепарво, лоқайдларча турса, ундайларга қарата сенда ор – номус, орият борми ўзи, деб хитоб қилинади. Бизнинг ота – боболаримиз, халқимиз қадимдар ор – номусли, ориятли бўлиб келган, шунинг учун улар ўз юртини, унинг тупроғини, оналари ва фарзандларини бошқа босқинчилик томонидан топталишини ўзлари учун ор, деб билганлар. Кўринадики, ор – номус, орият моҳиятида ватанпарварлик, халқпарварлик туйғулари яшириниб ётади» [19. 169 б.].

Ҳалоллик – бу инсонларни ахлоқий жиҳатдан безаб турадиган фаолият бўлиб, у кишидан юраги, қалби пок ва тоза бўлишликни талаб этади, шунингдек, ижобий ишлар ва ҳатти – ҳаракатлар ҳамда меҳнат эвазига турмуш тарзини олиб боришлик доимо эътиборда бўлади.

Фаолиятини ҳалоллик билан безаган одам доимо хотиржам, кўнгли равшан ва сиҳат – саломатликда ҳаёт кечиради. Бу ҳақда Маҳмуд аз – Замахшарийнинг қуйидаги хулосавий фикри ниҳоятда аҳамиятлидир: **«Ҳалол ва покиза киши доимо хотиржаму тишчиликда, бировга хиёнат у ёмонлик қиладиган киши эса ҳалокатга гирифтор».**

Ҳалолликда гап кўп. Бунинг учун ҳалолликни оилада болаларни ёшлигиданок ўргатиш керак, чунки ҳаёт, асосан оиладан бошланади. **«Қуш уясида кўрганини қилади»**, деган нақл бекорга авлоддан – авлодга ўтиб келаётгани йўқ. Демак, ҳурматли ота – оналар ўз фарзандларини ҳалоллик ва поклик каби ахлоқий сифатлари билан безамоқчи бўлсалар, аввало, уларнинг ўзлари ҳалол ва пок бўлмоқликлари лозим, чунки уларнинг фарзандлари оилада шу руҳда тарбияланадиган.

Камтарлик – бу инсоннинг ижобий – маънавий безаги бўлиб, у инсон ички маънавий дунёси орқали намоён бўлади ва унинг мазмуний таркибини ўша инсоннинг қалби ҳамда қонидаги юмшоқлик, саховат, одоб – андиша, шарм – ҳаё, ор – номус, орият каби безаклар ташкил этади.

Халқимиз камтарликнинг акси бўлиш такаббарлик, фирибгарлик, мактанчоклик, манманлик ва шу қабиларни қоралайдиган. Бунга сабаб бу қайд этилган салбий сифатларга эга бўлган болалардан «маънавий кашшок» одамлар етишиб чиқади ва арзиматган маънавий таҳдидларга ҳам бардош бера олмайди.

Шу сабабли ҳам халқимиздаги «Камтарга камол, манманга завол», деган ўғит ҳам беҳикмат эмас.

Адолатпарварлик – бу инсондаги ўткир ақл, соф мулоҳаза, тоза кўнгил, олижаноб ва мард эканини кўрсатиб турувчи ахлоқий сифат бўлиб, бундай сифатга эга бўлган одамлар ҳеч кимсага зиён етказмайди ва жамиятга наф келтирмайди.

Демак, бундан кўринадики, адолат сўзининг мазмунидаги таркибини поклик, тўғрилиқ, ҳақиқат, ақллиқ, мулойимлик ва аниқлик, очиқлик, багрикенглик, мардлик каби ахлоқий сифатлар ташкил этар экан.

«Вафо – кишилар қалбидаги қуёш нури. У шундай қучга эгаки, у туфайли меҳр – оқибат, кўз илғамас жасоратлар содир бўлади. Соҳибқирон Амир Темур ўз ваъдасига вафодор экан. Аҳдини бажариб, қилаётган ишидан фахрланар эди. Чунки, унинг ишидан бошқа одамлар манфаатдор бўлган. У бу ҳақда шундай ёзади: «Мен ҳар кимгаки ваъда берсам, унга вафо қилдим, ҳар ваъдага хилоф иш қилмадим. Мен доимо ваъдаларимни аниқ бажарсам, шундагина одил бўлишимни ва кимга жабр етказмаслигимни англадим». Амир Темурдек кишилар вафони қасамдек муқаддас билганлар. Ўз вафосида турувчилар виждони бутун, дили пок бўлиб, ноҳақликларга мурасасиз бўладилар» [19. 175 – б.]

Вафо киши ҳаётининг мазмун – моҳиятини бойитувчи маънавий асослардан бири бўлиб, у ўша инсоннинг орзуларининг рўёбга чиқишида маънавий озуқадир. Шу сабабли ҳам вафоли кишида ёвузлик бўлмайди, яъни вафоли киши олижаноб бўлиб, улар инсонларни эзгуликка чорлайди. Бу орқали киши сабр – тоқатли, муҳаббатли, инсонпарвар бўлиб, пировард натижада у бахтли бўла олади.

Оилавий муҳитнинг соғлом бўлишида ота – она ибратн.

Оила – бу давлат ичра бир кичик давлат бўлиб, у эр – хотиннинг покиза ва соф ҳаёти, ақл – идроклилиги, меҳр – мурувватлилиги, садоқатлилиги ва вафодорлиги негизида фарзандларни тарбиялаш вояга етказишдек улкан масъулиятни ўзида акс эттирувчи «муқаддас кўрғон»дир.

«Кўриб турганимиздек, ҳар қандай асл тарбия, инсон камолоти оиладан, оила давраси, муҳитидан бошланади. Оиланинг шарқона

илдизларидан озикланиб, замонавий ҳаводан нафас олган фарзандларимиз давр ва ҳаёт талабига монанд инсон бўлиб етишади. Албатта, бунда ота – оналар ўртасидаги муносабатлар, уларнинг фарзандларига ҳар жиҳатдан ибрат бўла олишлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Оиладан бошланган меҳр – муҳаббат, оқибатлилиқ муносабатлари қариндош – уруғлар, маҳалла – кўйда давомийлик билан боғланган бўлиши керак» [19. 87 – б.].

Шу маънода таъкидлаш жоизки, оилавий муҳитнинг соғлом бўлишида нафақат оилани муқаддас билиш, балки оилани моддий томондан таъминлашга асосий манба бўладиган ишхонани ҳам муқаддас деб билиш лозим бўлади.

Бу икки омил оилада эр – хотинга ҳам маънавий, ҳам моддий озуқа бўлиб, уларнинг узок ва мазмунли ҳаёт кечиришига ҳамда мартабаси улуг бўлишига мустаҳкам пойдевордир, яъни соғлом оилавий муҳит асосидир.

Демак, оила тани сиҳатлик, хотиржамлик ва кадр – қимматга эга бўлишнинг асосий манбаи бўлса, ишхона эса маънавий ва моддий юксалишнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб ҳисобланар экан.

Бу икки омил, яъни оила ва ишхона Сизнинг элнинг эъзозидан халқнинг эътиборидан тушмасдан яшашингиздаги кўш қанотингиздир. Шу сабабли ҳам оилада бола тарбиясида бу икки омил муҳим жиҳат ҳамдир. Бу орқали бола тарбиясидаги ота – онанинг ўрни, яъни ибрат – намунаси бекиёсдир. Бунга асосан бола тарбиясида ота – она ўз ибрати билан фарзандларига умрга татигулик тарбия бера олиши мумкин.

Профессор Х.А.Туракуловнинг таъкидлашича, «ҳурмат истаган одам ҳурматли бўлишга ҳаракат қилиш керак. Яъни, ибрат – намуна истасанг ибрат кўрсатиб, намунали бўлишга ҳаракат қилиш керак, чунки ибрат кўрсатишнинг ўзи намуна мактабидир.

Яна ҳурматли ва намунали бўлиш учун фақатгина уларни ҳавас қилиш етарли эмас, чунки бундай юксак мақомга эга бўлиш учун жуда катта фидойилиқ керак», деб таъкидлайдилар [24. 54 – б.].

Ота – оналарнинг оилада ўзини тутиши фарзандлари учун андоза бўла олишлигини таъминлаш лозим, чунки фарзанд дастлабки таассуротларни ота – онасидан олади ва уларга тақлид қилишни фарзандлар жудаям ёқтиради. Мазкур жараёнлар бобо – бува ҳамда ота – оналарнинг фарзандлар тарбиясида ибрат – намунаси билан безатилган бўлса, оилада боланинг маънавий – ахлоқий тарбиясига фундаментал асослар яратилган, деб айта оламиз. Бу ота – боболаримиздан авлоддан – авлодга ўтиб келаётган «Олманинг

тагида олма ётади» ёки «Дарахтнинг меваси ўзидан узоққа тушмайди» ёки «Яхшидан ёмон чиқди, деб куйинма, ёмондан яхши чиқди, деб суюнма» каби нақлларнинг далили – исботини таъминлай олади.

Демак, фарзандларимизнинг баркамол шахс бўлиши учун биз ибрат – намуна кўрсата олишимиз керак. Бунга сабаб ибрат – намуна улар хотирасида бир умрга муҳрланиб қолади, чунки бу пайтда улар таклид қилишга ишқивоз бўлади. Бу ҳақда В.Гюгонинг куйидаги фикри ҳам ибратлидир: «Одамга болаликдан сингдирилган одатлар ёш дарахт танасига ўйиб ёзилган ҳарфларга ўхшайдиган, улар дарахт билан бирга ўсади, вояга етади, дарахтнинг таркибий қисмига айланиб қолади».

«Бола жуда кўп вақтини оила даврасида ўтказади, у катталарнинг қилиқ ва ҳатти – ҳаракатларини ўз фаолиятида такрорлайди. Болалардан бирор ишга кўл ўрганганига нима сабаб бўлгани сўралганда, унинг «Дадам шундай қиладилар», «Онам шундай деганлар», «Бувам шундай ўргатганлар» дея жавоб берганига гувоҳ бўламиз.

Оила муҳити – бу қандайдир алоҳида, узиб олинган тарбия воситаси эмас, балки ота – она ва катта ёшдаги кишилар олиб борадиган ҳар тарафлама тарбиявий ишлар, оила аъзоларининг ижодий таъсир кўрсатишлари натижаларидир [34. 270 – б.].

Оилавий муҳитнинг соғлом бўлишида **тўғри сўзлик** билан иш тутиш ва оилада ҳукм чиқаришда **адолатли каттиққўллик** билан ҳукм чиқариш асосий мезонлардан биридир. Қуйидаги улар тўғрисида қисқача тўхталамиз.

1. Тўғри сўзлик. «Тўғри сўз туққанингга ёқмайди», деган фикр бор. Бу фикрни жуда кўп эшитганмиз ва жуда тўғри фикрдир. Чунки, тўғри сўз ёки тўғри фикр замирида фарзандингизга нисбатан унинг фойдасини кўзлаб, яъни ундаги бирор иллатми, хатоми ёки камчиликми, уларни йўқотиш мақсадида айтилади. Албатта бу айниқса, ўз камчилигини ҳар доим ҳам тан олавермайдиган фарзандингизга каттиқ таъсир қилади. Чунки, улар бундай фикрларни ўзига сингдира олмайди. Айрим ҳолларда эса фарзандингиз буни тўғри тушунади ва ҳаттоки сизга бунинг учун ўз миннатдорчилигини ҳам билдиради.

Кишининг дори қабул қилишини ҳам шунга киёсласа бўлади. Ушбу жараёнда ҳам дори истеъмол қилинганда дастлаб аччиқ бўлади, аммо у организмнинг физиологик ҳолатини ва ҳаттоки руҳий ҳолатини ҳам яхшилади. Шу маънода куйидаги фикрни ифода этган маъқул.

Яхши сўз жон өзиги,

Керакли дори тан озиги.

Демак, яхши сўз ёки фикр ва керакли дорилар оила ва оилавий муҳитда соғлом турмуш тарзининг асосий омилларидан экан.

2. Ҳукм чиқариш. Маълумки, оила давлат ичра кичик давлатдир, унинг ўзига яраша турмуш тарзи ва бошқарув фаолияти бор. Оилавий муҳитни соғлом сақлаш ва унга мос бошқарувни амалга ошириш ҳукм чиқаришсиз бўлмайди. Айниқса, соғлом оилавий муҳитни таъминлашдаги ҳукм чиқаришда ҳиссиётларга ёки ҳаяжонларга берилмаслик керак. Чунки, киши ҳис – ҳаяжонга берилганда ёки иччиғи чиққанда қон қизишади ва натижада калла (мия) яхши ишламайди. Бундан тасодифий ҳукмлар юзага келиб ва ҳаттоки хато ҳукмлар ҳам чиқарилиб қолиши мумкин. Буни оилада болалар тез сезади. Шунинг билан бирга бу қарор ҳукм эгасининг оила олдидаги обрўсини ҳам тўқади.

Демак, ҳукм чиқаришни чуқур мулоҳаза юритиб (шошма – шошарлик билан эмас) ва мантикий фикр ҳосиласига асосланиб чиқарган маъқул. Бундай жараён айниқса, оилада ҳукмни иложи борида оила аъзоларининг фикрларини инобатга олган ҳолда чиқарилса адолатли ҳукм бўлади ва оила аъзолари оила бошлиғидан норозилик билдирмайди. Ана шундай ҳолатларда чиқарилган ҳукмлар адолатли ҳукм деган номга сазовор бўлади.

Демак, оилавий соғлом муҳитни сақлашда оила бошлигининг ўрни ўта муҳимдир ва бунинг натижаси жамият ва давлатни бошқаришда ҳам сезилади. Бу сўзимизга далил – исбот сифатида турк ўзувчиси Явуз Баҳодир ўглининг «Хоразм» романидаги қуйидаги фикрни келтиришимиз мумкин: «**Оиласини бошқара олган киши кўшинни ҳам бошқара олади. Ўн киши билан юз минг кишини бошқаришнинг фарқи йўқ. Ўғил отасига, ука акасига, келли кайнонасига, хотин эрига, навкар кўмондонига итоат қилган мамлакатнинг кўрганини ерга тегизиб бўлмайди**» [38. 64 – 65–б.].

Демак, оилада соғлом муҳитнинг шаклланишида ота – она ибрати ўта муҳим бўлиб, бунга ҳар қандай ота – она ҳаракат қилади. Бунинг қатор сабаблари бор. Қуйида улардан баъзиларини санаб ўтамиз: **биринчидан**, фарзандининг ҳурмат – эътиборига сазовор бўлишни хоҳламаган ота – она топилмайди, **иккинчидан**, ҳар қандай ота – онанинг муқаддас вазифаси бахтли инсонни вояга етказиш; **учинчидан**, ҳар қандай ота – она фарзандлари ардоғида бўлишини истайди; **тўртинчидан**, ҳар қандай ота – она фарзандлари ҳаётини доимо муҳофаза қилишни ва уларнинг соғлигини мустаҳкамлашни хоҳлайди; **бешинчидан**, ҳар қандай ота – она ўз оиласида бола

шахсининг асосларини шакллантиришга, унинг билимга қизиқишини ривожлантиришга ҳамда боласининг интеллектуал, маънавий ва жисмоний ривожланишини таъминлашга ҳаракат қилиши, олтинчидан, ҳар қандай ота – онанинг ўз фарзандини мактабгача таълим ва бошланғич таълим муассасаларига муносиб қилиб тайёрлашга ҳаракат қилиши ва шу кабилар.

Умуман олганда барқарор соғлом оилавий муҳитни таркиб топтиришда нафақат эр – хотин ва фарзандлар иштироки, балки ота – оналар, бобо – бувилар, ака – укалар каби оилавий бўғинлар ҳам иштирок этади. Бунда уларнинг оиладаги ўзаро муносабатлари, оиланинг бошланғич жамоа сифатидаги турмуш тарзига асосланган муҳити ва унинг мазмун – моҳияти, ота – оналарнинг ўз фарзандлари билан маънавий яқинлиги, ота – оналарнинг болаларининг ички дунёсини сезишлари, қизиқишлари ва интилишларини олдиндан сезишлари оилада соғлом оилавий муҳитнинг барқарорлигини таъминлайди. Бундай оилалар ўз фарзандларига ва оиланинг истикболини таъминлашга ғамхўрлик кўрсата оладилар. Бу эса соғлом оилавий муҳитнинг асосини ташкил этади.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз ва шахсий кузатувларимиз натижаларининг кўрсатишича барқарор соғлом оилавий муҳитни таъминлашга қуйидагича тавсиялар беришни лозим топдик:

- оилангиздаги никоҳ муносабатлари ўзаро ҳурмат ва ишонч ҳамда муҳаббат асосида қурилганлиги, оилавий ҳаёт ва ундаги фарзанд тарбиясига тайёрлигингизни доимо ҳис қилиш;

- фарзанд тарбиясида оилавий ҳаётнинг фаол ва етакчи ташкилотчиси ҳамда фаолиятингиз уларда қатнашишдаги ифтихор ҳисси билан йўгрилган бўлиши;

- ота – она фарзанд шахси ва ҳуқуқларини оиланинг аъзоси сифатида билиб, ҳурмат қилишлари, унинг тарбияси учун жавобгар эканлиги;

- бола тарбиясида ўта муҳим бўлган соғлом оилавий муҳитнинг асосини ташкил этувчи сифатга, яъни оила бошлиқларидан бири сифатида турмуш ўртоғингиз билан доимо ўзаро ҳурматда бўлиш;

- бола тарбиясида донишманд, мутафаккирлар ўғитларига амал қилиш, бобо – бувилар насиҳатларини эътиборга олиш ва уларнинг ҳурматларини жойига қўйиш;

- фарзандларга нисбатан самимий муносабатда бўлиш: уларнинг фикрларига эътибор бериш; ака – ука, опа – сингил, ака – сингил, опа

– укалар ўртасидаги муносабатларни холисона баҳолаб ва назорат қилиб бориш;

- оилада катталар кичикларга ғамхўрлик қилишини, кичиклар катталарга иззат – ҳурмат кўрсатишини таъминлаш доимий назифангиз бўлсин;

- зурриёдингиз бўлмиш фарзандларингизни баб – баравар яхши кўриш;

- фарзандлар тарбияси шарқона бўлгани яхши, чунки қуёш ҳам шарқдан чиқади ва уларда умуминсоний ҳамда миллий қадриятларга бой бўлган урф – одатлар ва хикматлар хоҳлаганча топилади;

- оилавий тадбирлар ва анъаналар, байрамлар ва маросимларда, пайниқса, «Оила дарси» машғулотларида оила аъзоларининг барчаси қатнашгани маъқул ҳамда уларнинг ҳар бирининг ўзига яраша иштироки бўлсин;

- фарзандларингизни мустақил ва эркин фикр юритишга ўргатинг, уйда оила даврасида тарбиявий масалалар тузиб, уларнинг ҳеч қандай шикоятсизлигини топиш бўйича оилавий таҳлиллар ўтказинг ва шу қабилар.

Оилавий муҳитнинг соғлом бўлишида оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар. Маълумки, оилавий муҳит азал – азалдан бор ва бундан кейин ҳам бўлади. Фақатгина ундаги ақлли, фаросатли, шафаккури кенг – маънавиятли ва интеллектуал салоҳиятли инсонлар жамият учун керакли фарзандларни тарбиялаб бера олади. Бу борада «буюк кўрғон», деб аталмиш оила ва унинг мақсад – вазифалари, бурч ҳамда масъулиятларини таъмин этувчи оила аъзоларининг фаолияти бола тарбиясида ўта муҳимдир.

Оила ва оила мақсад – вазифалари тўғрисидаги маълумотни И.Ш.Алқаров, Р.Маматқлова ва Ҳ.Н.Норқуловларнинг «Оила тарбияси асослари» номли ўқув қўлланмасидаги қуйидаги таърифлардан фойдаланишни лозим топдик:

«**Оила** – вояга етган икки жинснинг севиш, ардоқлаш, ҳурмат қилиш асосида, ихтиёрий равишда, қалб оғуши ила тузилган қонуний иттифоқидир.

Оила мақсади – икки жинснинг ўзаро келишуви асосида фарзандни дунёга келтириш ҳамда табиат ва жамиятнинг давомийлигини таъминлаш.

Оила вазифаси – эр – хотиннинг биргаликда хўжалик юритиш асосида оилани ҳам маънавий, ҳам иқтисодий жиҳатдан таъминлаш ҳамда жамиятга соғлом, ақлли, ҳар томонлама баркамол фарзанд тарбиялаш» [9. 35 – 36 – б.].

Оила функцияси – бу оилани моддий ва маънавий кўллаб – кувватловчи ҳамда ижтимоийлашувини таъминловчи фаолиятни юритувчи вазифа бўлиб, унинг асосини оиланинг демократик, ижтимоий ва иқтисодий вазифалари ташкил этади.

Маълумки, ҳар қандай оила ижтимоий муҳитнинг ажралмас қисми ва ўз навбатида у жамиятнинг умумий функцияларига мос бўлган маълум функцияларни бажаради.

Демак, оила унинг ташкил этилиши ва мақсад – муддаолари нуқтаи – назаридан ўзининг ички ва ташқи функционал вазифаларга эга бўлиш керак экан. Буларга оиланинг қуйидаги функцияларини қайд этиш мумкин:

- репродуктив;
- тарбиявий;
- назорат;
- рекреатив;
- иқтисодий;

- коммуникатив ва шу қабилар билан бирга наслни давом эттириш, тарбиявий, хўжалик юритиш ва ўзаро ёрдам кўрсатиш каби функциялар ҳам мавжуд.

Бу қайд этилган функцияларнинг сўзсиз бажарилиши учун оилада соғлом маънавий муҳит ҳукм суриш керак. Оилада соғлом маънавий муҳитнинг асосий белгилари эса қуйидагилардан иборат бўлади:

- ўзини ёмон ишлардан тийиш, ноҳақлик ва зулмга қарши кураша олиш;

- ёмонликка қарши нафрат, яхшиликка нисбатан муҳаббат ва хайрихоҳлик билдира олиш;

- эр – хотин, ота – она, фарзандлар, маҳалла – кўй, эл – юрт ва оила аъзоларига яқин бўлган одамларга нисбатан ҳурматда бўлиш;

- катталарга ҳурмат ва кичикларга нисбатан иззат – эҳтиром кўрсата олиш ва шу қабилар.

Энди қуйида оиланинг функциялари ҳақидаги қисқача маълумотларни келтирамиз.

1. Оиланинг репродуктив функцияси. Бу орқали оила давомийлиги, тўлақонлилиги таъминланади.

2. Оиланинг тарбиявий функцияси – бу оила барқарорлигида муҳим аҳамиятига эга бўлиб, инсонларнинг кичик гуруҳи ва жамиятнинг муҳим социал институт сифатида намоён бўладиган жараён. Бунга сабаб фарзандларнинг ижтимоийлашуви ҳам оиладан бошланади ва табиийки оилада фарзандлар ақлий, жисмоний,

маънавий, экологик, меҳнат, эстетик тарбиянинг элементлари шаклланади.

3. Оиланинг назорат функцияси – бу оилада ижтимоий назоратни ва ундаги етакчилик ва обрўни амалга оширишни ўз ичига олади ва оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқариш тизимини амалга оширувчи вазифани бажаради.

Оиладаги назорат тизими оилани мустаҳкамловчи **асосий омиллардан** биридир.

4. Оиланинг рекреатив функцияси – бу оила ва оила аъзолари ўртасидаги маънавий – психологик муҳитни, яъни оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамловчи, бўш ва дам олиш вақтларини самарали ташкил этиш ҳамда ўтказишни таъминловчи вазифадир. Бу оила мустаҳкамлигини таъминловчи яна бир муҳим омил бўлиб, бунда инсон ўз оиласида ва оиланинг яқин қариндошлари ҳамда дўстлари орасида ўзаро бир – бирини тушунишлик, ҳамфикрлилик, ўзаро бир – бирини қўллаб – қувватлашлик каби ижобий ҳолатлар намоён бўлиб бораверади.

5. Оиланинг иқтисодий функцияси – бу оиланинг ички барқарорлигини таъминловчи, оилага ва жамиятга сезиларли иқтисодий фойда келтирувчи жамият кичик гуруҳининг моддий жиҳатдан таъминотини бажаришга қаратилган вазифадир.

Соғлом оилавий муҳит учун аввало, болага оилада иқтисодий тарбия бериш лозим бўлади, чунки инсон ресурслари (оиладаги эр – хотин ва фарзандлар) давлат ва жамият учун зарур. Бунда оила манфаатининг давлат манфаатига мослиги оила ва жамият тараққиётида муҳим аҳамият касб этади ва имкониятларга имконият қўшилади. Пировард натижада оиланинг моддий таъминоти ва жамиятнинг иқтисодий қудрати ошишига эришилади.

6. Оиланинг коммуникатив функцияси – бу оилавий муносабатларда оила аъзоларининг ўзаро фаол мулоқотга киришиб кета олишдаги вазифаси. Бунда оила аъзоларининг бир – бирига таъсир ўтказишида нутқ маданияти, имо – ишора, ҳатти – ҳаракатларининг аҳамияти беқиёс. Бунга сабаб **биринчидан**, оила инсоннинг шаклла-нишидан то ҳозиргача бўлган фаолиятининг ўзаги ҳисобланади, **иккинчидан**, оиладаги мулоқот ва муносабатлар оила аъзоларининг кейинги фаолиятида бошқа инсонлар билан ўзаро киришадиган муносабатларининг мазмунини белгилаб беради, **учинчидан**, ҳар қандай кишининг кишилар ўртасидаги ижтимоий муносабатларгача бўлган жараёндаги киришувчанли оиладан бошланади, чунки ушбу жараёнда оила бошлангич мактабдир,

тўртинчидан, инсоннинг ижтимоий муносабатларда киришувчанлиги унинг ўзини намоён қилишида универсал қобилиятдир.

Демак, юқорида қайд этилган оила, оила мақсади, оила вазифаси ва оила функцияси каби тушунчалар ҳамда уларнинг мазмун – моҳияти соғлом оилавий муҳитни ифодалашнинг имкониятини беради. Ушбу соҳадаги изланишларимизнинг кўрсатишича, маънавий соғлом, Ватанга содиқ фарзандар тайёрлайдиган соғлом оилавий муҳитни ташкил этишда қуйидаги жиҳатларни ҳисобга олиш керак бўлар экан:

- фарзанд тарбияси учун оиладаги мавжуд омиллар. Бунда оила функциялари, оиланинг маънавий жиҳатдан соғломлиги ва унда фарзандларни Ватанга содиқ қилиб тарбиялаш имкониятлари, оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар (салбий, ижобий), оила мустаҳкамлигига оид омилларнинг мавжудлиги кабилар алоҳида аҳамият касб этади;

- оилада ижтимоий – иқтисодий, маънавий – ахлоқий, ҳуқуқий тарбияни амалга оширишнинг педагогик асослари борлиги. Бунда фарзанд тарбиясида ота – онанинг оила, унинг мазмун – моҳиятини ва вазифаларини билиши, эр – хотиннинг оиланинг иқтисодий мустаҳкамлигига хизмат қила олиши ва бу саъи – ҳаракатнинг давлат иқтисодий мустаҳкамлиги билан вобасталиги, ота – онанинг фарзанд тарбиясида жамоатчилик ҳамкорлигига эътибор бериши, ота – онанинг фарзанд тарбиясида ибрат – намуна бўла олиши, ота – онанинг фарзандга тарбия беришдаги ўзаро муносабатлари (бир–бирини ҳурмат қилиши, уларнинг ҳамфикрлиги, бир–бирини обрўсизлантиришга ўринтирмаслиги), ота – онанинг фарзандга тарбия беришда меҳрибонлик билан талабчанлик меъёрларининг сақланиши, яъни адолатли қаттиққўл бўлиши кабиларга аҳамият бериш оилавий муносабатлардаги соғлом муҳит ҳосил қилишга кенг имкониятлар яратади;

- эр – хотиннинг оилада баркамол инсонни тарбиялашдаги ролини ошириш. Бунда оилада тарбиянинг самарали бўлишини ҳисобга олиш, оилада фарзандини меҳнатсевар ва тежамкор қилиб шакллантириш, болани ўз ота – онасини ва қариндош – уруғларини ҳамда маҳалладошларини, шунингдек, барча инсонларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш кабилар эътибор қаратиш ота – онанинг энг муҳим масалаларидандир.

Юқорида санаб ўтилган жиҳатларнинг барчасида оилада эр – хотиннинг бир – бирига, фарзандларига ва қариндош – уруғларига

бўлган муносабати ва унинг мазмун – моҳияти нечоғлиқ самарали таркиб топганлигига боғлиқ бўлади.

Маълумки, оила аъзолари ўртасидаги муносабатларни асосан оиладаги эр – хотиннинг ўзаро муносабатлари ҳал қилади ва бу уларнинг муомала одобига боғлиқдир. Бу боғлиқликни М.Модзини «Эрдан садокат, хотиндан итоат» тизимида ифодалайди ва қуйидаги кимматли фикрини билдиради: «Эркак ва аёл – бамисоли икки майин товушки, инсон қалбидаги торлар уларсиз хақиқий ва тўла қонли оҳанг бера олмайди».

Оиладаги эр – хотин оила аъзолари ва уларга яқин қариндошлар ўрталаридаги барча муносабатларда ибрат – намуна кўрсата олсагина оилавий соғлом муҳит мустаҳкам бўлади. Уларнинг бир – бирига садокати, мулойимлиги, вафодорлиги, фидоийлиги кабилар ҳам оилавий муҳитда мустаҳкам ўрин эгаллайверади. Шунинг учун ҳалқимизда «Хотин олтин узук бўлса, эр унга кўйилган ёқут кўздир», деган нақл бор. Ёки донолар яхши, окила хотинларни соф олтин деб ҳам таърифлаганлар. Бу ҳақда Саъдий Шерозий:

«Хотин бўлса қобил-у ақли расо,

Эрни шоҳ этур, гарчи бўлса у гадо», -

дея аёлларимизни кўкларга кўтарганлар. Табиийки, бундай аёл, иввало, оналик тахтига ва рафикалик бахтига муяссар бўлади. Унда камтарлик, андиша, ибо, тартиб – интизом, сабр – қаноат каби Шарк хотин – қизларига хос юксак ахлоқий фазилат ва гўзалликлар мужассам. Бундай хотин ўзининг ширинсуханлиги, орасталиги, иболи ҳатти - ҳаракатлари билан оилани безайди, эрнинг дардига малҳам бўлади.

Халқимизда «Хотиннинг сариштаси, одамнинг фариштаси», деган мақол бор. Шунга кўра, оилапарвар аёл ҳовли, уй-жой ва ошхонасини ҳамиша озода, супирилган, саронжом тутади. Озодалиқ, чеварлик ва пазандалиқни ўзининг бурчи деб билади.

Хисрав Дехлавийнинг қуйидаги панд – насиҳати ҳозир ҳам ҳаётийдир:

Қунса жанжал икки дўстдан, биттаси ён берса гар,

Ҳеч узилмас бундайин дўстлик уни тортилган он.

Икки учдан зўр бериб тортилса, арқон шарт кетар,

Бўш қўйиб берсанг узилмас бир томон ҳеч қачон.

Демакки, оилавий аҳиллик, эр ва хотин одоби сингари фазилатлар оила умрининг узок бўлишига ижобий таъсир этади. Бу нарсани асло унутмаслик керак [13. 12 – 13-б.].

Демак, эр – хотин оиланинг сарвари, файз – барокати, зеб-у зийнатидир. Шундай экан, эр – хотин ҳам ўз одоби, обрўси ва оилада тутган мавқеи билан ўта масъулиятли вазифаларни бажаришга муносиб ва тайёр бўлишлари шарт. Уларнинг онгли ҳаёт, хулқ – одоби ва яшаш тарзи фарзандларига намуна мактаби, ибрат кўзгуси бўлмоғи лозим. Қуйида ана шу жиҳатларни ифода этувчи бир ривоятни келтиришни лозим топдик:

Ривоят. Қадимда бир эр – хотин бўлган экан. Бир куни улар ўзаро суҳбатлашиб ўтиришса, эшик тақиллаб қолибди.

- Ким у? – дейишибди бараварига.

- Мен тақдирман, - дебди эшик ортидаги овоз. Сизларга озгина бахт билан бахтсизлик ҳам олиб келувдим. Шунини тақсимлаб олишларинг керак.

- Сен бахтни аёлимга қолдирақол, у яқинда бетобликдан тузалди, бироз яйрасин. Бахтсизликни эса менга бер, - дебди эркак.

- Йўу, йўк, бахтни эримга берақол, менга бахтсизликни қолдир, чунки биз аёллар анча чидамлимиз, бахтсизликка сабр қила оламиз, - дебди аёл.

- Мен сизларни бор-йўғи синамоқчи эдим, - дея эшик ортидан овоз келибди яна, - иккалангиз аҳил экансизлар. Бир умр шундай яшанглар, бир – бирларингизни ранжитмай, авайлаб асранглар.

Шундан сўнг эр – у хотин янада **бахтли ва фаровон** яшаган экан.

Дарҳақиқат. ривоятлар – ҳаёт ҳақиқатларидир. Демак, бу ривоят замирида оилавий иноқлик, эркак ва аёлнинг ширин муносабати ва мулоқоти, одоб – ахлоқи ётади. Ўзаро меҳр – муҳаббат, бир – бирига ишонч ва фидойлик, поклик ва шарм – ҳаё эр – хотин одобининг асоси ва мезонидир. Турмуш мазмунини яхши англаган ва ўз қадр – қимматини билган оила асосчилари йиллар мобайнида ана шу мезонга амал қилиб тотув ҳаёт кечирганлар, ували – жували бўлганлар. Эндиликда бу анъана бизда оилани мустаҳкамлаш ва гуллаб яшнатишнинг муҳим воситаси бўлиб қолди. Шу сабабли ота – боболаримиз оилани мукаддас деб билган ва бу миллий менталитетимизга хос бўлган асосий жиҳатлардан биридир. Бу ҳақда М.Ф.Фаёзовнинг қуйидаги фикри аҳамиятлидир: «Ўзбек халқи фидокорлик, жонкуярлик, ғамхўрлик, болажонлик, самимийлик, илтифотлилик, хушмуомалалик, боодоблик, меҳмондўстлик, дўстлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик каби юксак фазилатларга эга.

Улардаги вазминлик, ўзини бошқара олиш, барқарорлик, ўзига талабчанлик, нафсини тийиш, интизомлилик, бир сўзда туришлик,

фиоллик, катъиятлилик, изчиллик, саботлилик, ботирлик, жиддийлик кабилар кадим – кадимдан ривожланиб келмоқда» [30. 133 – 6.].

Аmmo минг афсуслар бўлсинким кундалик ҳаётимизда инждонсиз, адолатсиз, иймонсиз кишилар учраб турибди. Улардаги ҳисадгўйлик, ғаразгўйлик, ахлоқсизлик каби иллатлар нафақат оилага, балки жамият учун ҳам, давлат учун ҳам маънавий зарардир.

Бундай одамлар қаердан ва қандай пайдо бўлади? – деган савол пажитиёрий онгли одамнинг ҳаёлига келиши табиий. Бу саволга жавобни Абдулла Авлонийнинг қуйидаги фикри мазмун – моҳиятидан ахтарсак мақсадга мувофиқ бўлади.

Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ» китобида «Тарбия она вазифасидир, кейин ота, кейин мактаб ва жамоатчилик ишидир», дейди. Олим бу асарда ота – оналар ўзлари билгани ва тарбияли бўлишлари кераклигини таъкидлайди: «Қайси оналарни айтасиз, билимсиз, боши пахмоқ, қўли тўқмоқ оналарними? Ўзларида йўқ тарбияни қаердан олиб берурлар. Қайси ота? Тўйчи, улукчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм учун бир пулни қўли киймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал оналарнинг ўзларини ўқитмоқ ва тарбия қилмоқ лозимдир» [5. 68 – 6.].

Албатта фарзандлардаги бу каби иллатлар аввало оилада ва ундаги муҳитда пайдо бўла бошлайди. Кейин бу ижтимоий муҳитга ҳам аста – секин сингиб боради. Бунга асосий сабаб ота – оналар ўз фарзандларининг ҳаёти, соғлом ўсиши, бир меъёрда ривожланишида кўп ҳам эътибор беравермайди. Уларнинг мен, оилани таъминлаб қўйдим-ку, энди улар ўсиб улғаяверади-да, деган кўпол хатолари ва бола тарбиясидаги эътиборсизликлари фарзандларидаги ҳар хил иллатларнинг пайдо бўлишига замин яратади. Натижада, оилада ва қолаверса жамиятда ҳам илмсиз, тарбиясиз, фаросатсиз, маънавийтсиз, маданиятсиз кишилар пайдо бўлиб қолмоқда. Бундай фарзандлар ҳаттоки ўз ота–онасининг иззат–ҳурматини, қадр–қимматини билмайдилар ва керакли пайтларда кўпол муносабатларда бўлиб, отасини «Пахан», «Бизнинг бобой», «Батка», «Отец» каби лақаблар билан, онасини эса «Мам», «Мама», «Мамашка» каби лақаблар билан «Сийлайдилар» уларни камситадилар, оёқ ости қиладилар. «Менинг отам», «Менинг онам», деб фахр билан сўзлашга ор қиладилар, худди ўзи осмондан тушиб бирдан шундай бўлиб қолганидек.

Албатта мамлакатимизда, халқимизда ибратли оилалар кўп, улардаги оилавий соғлом муҳит: эр – хотиннинг ўзаро хушмуомалалиги ва хушфезллиги, булар асосида фарзандларига бўлган

муносабатлари, уларнинг истикболини ўйлашлари, улардаги ўз ўрнига қараб бир – бирига раҳбарлик асосидаги поклик, тозалик ва сахийлик қабилар оиладаги оила аъзоларини ўртасидаги ёқимли **муносабатлар** борлигининг далилидир.

Бу ҳақда «Ҳадиси Шаъриф»да ҳам қимматли кўрсатмавий фикрлар бор. Жумладан, покизалик, тозалик ва сахийлик тўғрисида:

«Тангри покки, покизаликни яхши кўради;

Тангри тозаки, тозаликни яхши кўради;

Тангри сахийдирки, сахийликни яхши кўради»,

дейилган бўлса, оилавий муносабатлар тўғрисида эса:

«Хотин кишига энг ҳақи кўп киши эридир,

Эркак кишига энг ҳақи кўп киши **онасидир**», дейилган.

Демак, оилавий муҳитнинг соғлом бўлишида оила аъзоларининг ўртасидаги ўзаро бир–бирини тушунишлик асосидаги **ижодий муносабатлар** оила мустақамлигининг асосини ташкил этар экан. Шу орқалигина ота – онанинг инсонийлиги, болажонлиги, иймон – эътиқодлилиги негизида фарзанд камолоти таъминланади. Бунда ҳар бир ота – она ўз ҳатти – ҳаракати билан фарзандларига ибрат – намуна бўлиши ва бу бола тарбиясидаги энг таъсирчан ва ишончли асосдир ҳамда оилавий муҳитнинг соғлом бўлиш жараёнининг ота – она ҳам раҳбари, ҳам мурабийсидир. Бу бугуннинг гапи ёки фикри эмас, чунки улар тўғрисида ота – боболаримиздан бизга қолдирилган бой маънавий мерос: «Қуръони Карим», «Ҳадиси Шаъриф», «Авесто» каби илоҳий ва муқаддас китоблардаги ҳамда халқ оғзаки ижодидаги намуналардаги мақол, ҳикмат, хикоят, ривоят, масалалар, шунингдек, донишманд – мутафаккирларимиз томонидан бизга ёзиб қолдирган нодир асарлар, хусусан, насихатномалар, пандномалар, сиёсатномалар, ўғитлар каби қимматли кўрсатмавий манбаларни хоҳлаганча топиш мумкин. Биз шу ўринда қуйида «Ҳадиси Шаъриф»дан яна бир қимматли йўриқномавий фикрни келтиришни лозим топдик:

«Ҳар бирингиз раҳбарсиз (бошқарувчисиз) ва ҳар бирингиз қўл остингиздагиларга масъулдирсиз (жавобгарсиз). **Бошлиқ раҳбардир**. У ўз қўл остидагиларга жавобгардир. Эр ўз оиласига раҳбардир ва оила аъзоларига жавобгардир. Аёл эса эрининг уйида бекадир. Ўз қўл остидагиларга жавобгардир. **Хизматкор** эгасининг молини бошқарувчидир, у ўз бошқарувига жавобгардир. **Фарзанд** отасининг молини бошқарувчидир ва бошқаришга жавобгардир. Умуман, ҳар бирингиз раҳбарсиз – бошқарувчисиз. **Бошқарган ишингизда Аллоҳ олдида жавобгардирсиз**» [24. 198 – б.].

Оила бор экан, оилавий муҳит бор экан унда фарзанд тарбияси бўлади, тарбия бор экан оилада фарзандлар унади, ўсади, улғаяди. Фақатгина унга оқилона ва одилона раҳбарлик қилиш лозим бўлади. Шунинг учун ҳам ҳаётдаги барча муаммолар ичида энг мураккаб, масъулиятли масала – бу тарбия масаласидир ва уни мақсадли бошқаришдир. Бунга эса адолатли қаттиққўл раҳбарлар керак бўлади. Қўйида уларга тегишли маълумотларни келтирамиз.

Раҳбарлик – бу оила бошлиғининг оиласини ва оила аъзолари фаолиятини мақсадли бошқаришга бўлган масъулияти ва жинобгарлигидир.

Раҳбарлик – бу оила бошлиғига берилган мукофот эмас, балки у масъулиятли вазифадир, чунки ҳар қандай бошқарилаётган оилавий муҳит ва унинг истиқболдаги натижаси уни қандай бошқарилганлигига ҳам боғлиқдир.

Демак, бундай масъулиятли вазифани бажариш, аъло даражада, яъни оқилона ва одилона бажариш, оила бошлиқларининг бошқарувчилик санъатини пухта эгаллаганлигига боғлиқ бўлади ва бу орқали бундай оилалар элнинг эъзозида, халқнинг эътиборида бўлади.

Энди қуйида оила бошлиқларига қўйиладиган минимум талаблар ҳақида тўхталамиз. Бу оилада соғлом муҳитни шакллантиришдаги улар ўртасидаги муносабатларда муҳим аҳамият касб этади.

1. Оила бошлиғининг вазифалари:

- мустақил давлатимиз ва адолатли жамиятимизнинг фаол иштирокчиларини тайёрлаш ҳам оила бошлиқлари зиммасида эканлигини доимо эсда сақлаш ва ундаги ўз ўрнини аниқлаб олиш керак. Бу оиланинг умумий мақсади асосида белгилаб олинади;

- оила бошлиғи ўз фазифасининг ўта масъулиятли бўлишини сезиши билан бирга унга мос билимли, илмли, маданиятли, адолатли, тadbиркор ва ташаббускор бўлиши кераклигини доимо эсда сақлаш керак;

- оила бошлиқлари оила аъзоларининг миллий – маънавий кадриятлар асосида тарбиялашга мунтазам равишда эътибор бериш керак;

- оила бошлиқлари оила аъзоларини тарбиялашда ибрат – намуна олса бўладиган одамлар ва маҳалладаги ибратли оилалар даражасидаги юксак маънавиятли ҳамда юқори ахлоқий талабларга жавоб берувчи, жамиятимиз фаол иштирокчиларини шакллантиришнинг ташкилотчиси ва тарғиботчиси бўлишлигини кўзлаб фаолият юритиш керак;

- оила бошлиғи оила аъзолари билан онгли муносабатда ўта синчков, уддабурон ва ташаббускор бўлиши лозим ва оила аъзоларига топшириқ бераётганда уларнинг ёши, имконияти ҳамда қобилиятини ҳисоблаб олиш керак. Албатта берилган топшириқнинг ижро қилинишининг назорати бўлмоғи лозим ва бунда улар билан мулоқотда бўлиш ҳамда келиб чиқадиган муносабат натижаларига бефарқ бўлмаслик керак.

2. Оила бошлиғининг бурчи ва масъулияти:

- оила бошлиғи оила муҳити ва оила аъзоларининг фаолиятининг самарали бўлишига масъулдир;

- оила бошлиғи ташаббускор бўлиши керак ва у оилавий муҳитнинг соғлом бўлишида фидойилик кўрсата олиши керак, фарзандларининг маънавий савиясини ва интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга етакловчи эканлигини доимо ҳис қилиш лозим;

- оила бошлиғи ўз фарзандларининг ўсиб – улғайиб етук мутахассис бўлиб етишишларида, хулқи, феъл – авори, илмли ва маданиятли бўлишида, яъни ўз миллатининг ҳақиқий аъзолари даражасига кўтаришиларида оила бошлиғининг ижодий – онгли фаолияти, улар билан муносабати, шахсий ўрнатилган кўрсата олиши муҳим амал эканлигини ҳис этиши керак;

- оила бошлиғи ўз фарзандларини ўсиб ва интеллектуал жиҳатдан етук бўлиб келаётган авлод, ғуборсиз, софдил, янгиликка интилувчан қалб эгаси ва, ниҳоят, ота – она, мураббийлар кўрсатган йўлидан боришга астойдил бел боғлаган фарзанд эканлигини доимо эсда тутиш керак;

- оила бошлиғининг фарзандлари билан бўладиган муносабатлари ўзаро ҳурмат асосида кўрилмоғи лозим, акс ҳолда оила бошлиғининг шахсий ташаббуси билан берилган баъзи бир топшириқлар фарзандларнинг иззат – нафсига тегиши мумкин ва улар бу топшириқларни мажбуран бажарадилар.

3. Оила бошлиғининг мураббийлик фазилатлари:

Мураббийлик – барча фазилатлар ичида энг савоблисидир. Агар инсон қалбида бошқаларга нисбатан меҳр – мурувват, одамийлик бўлар экан, у доимо ўзгаларга фақат яхши сифатларни тарбиялай олади. Бундан кўзланган мақсад фарзандларни баркамолликка интилувчан, олийжаноб, билимли ҳамда Ватанга, касбга, оиласига ва маҳалласига садоқатли қилиб тарбиялаш орқали Ватанимизнинг буюк келажигини қурувчилар авлодини шакллантиришдан иборатдир. Шу сабабли ҳам ҳар қандай оила бошлиғи қуйидагиларга эътиборни қаратса мақсадли турмуш тарзини шакллантиришга муносиб ҳисса

қўшган бўлади, яъни оила бошлиғи ўзининг оила аъзолари уни мураббий сифатида ҳам тан олишни хоҳласалар қуйидагиларга эътибор бериш лозим: ўз фарзандларининг ҳурматини ўрнига қўйиш, уларнинг шахсияти ва иззат – нафсига тегмаслик, шунингдек, уларнинг ҳар бирининг билдирилган фикрларини инобатга олиб, улар билан ўз мулоҳазаларини ўртоқлашиш; ўз фарзандларининг юриш – туриши, одати, одамийлиги, илмлилиги фаросатлилиги билан баркамол шахс бўлишлигини кўзлаб фаолият юритиш; оила бошлиғининг ўзи оилавий оғир (ноқулай вазиятларда) ҳолларда ва фарзандлари ўз дард – аламларини изҳор этганда мураббий сифатида ўзини намоён эта олмағи лозим.

4. Оила бошлиғининг ибрат–намунаси. Ибрат–намуна ҳаёт дорилфунуни дейилади. Унинг ёрдамида фарзандларимизни етуклик ва мукамаллик сари етаклашга эришиш мумкин. Бунда, албатта, ибрат – намуна бўладиган шахслар ҳақида батафсил маълумотларга эриша бўлиш ҳам мумкин. Оила бошлиғининг бу ибрат – намунаси оиладаги соғлом муҳитнинг мустаҳкам маънавий асоси ҳамдир. Шу ҳақда қуйидаги йўриқномавий фикрларни келтирамиз:

- оила бошлиғининг инсонийлик хислатлари ва фарзандларида чуқур ҳурмат туйғусини шакллантириш лозим;

- оила бошиғи онгли ва оилапарвар бўлиши лозим, у энг аввало, ўз оила аъзоларига раҳбар ҳам эканлигини унутмаслик керак ҳамда уларнинг турмуш тарзи кечишида у ибрат – намуна кўрсата олиш керак;

- фарзандларнинг улгайиб ўсишларида уларнинг ҳулқи, феъл – аъвори, маданияти ва маънавияти билан ўз миллатининг фидойиси даражасига кўтарилишида улар оила бошлигидан шахсий ўрناق олмағи лозим;

- оила бошлиғи ўз фарзандларига улар қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар, улар адолатлилиқни, диёнатлилиқни, инсонийликни, ватанга ва юртга меҳр – муҳаббатни отадан ўргансин;

- оила бошлиғи фарзандларига келажакда билим ва юксак малака жамиятдаги устувор кадриятлар эканлиги ҳақидаги фикрнинг таъкидлайверишдан чарчамасин;

- оила бошлиқлари ўз фарзандларини тарбиялашда буюк шахслар томонидан ёзиб қолдирилган ҳикоят ва ривоятлардан самарали фойдаланиш лозим. Улардан ибрат – намуна сифатида фойдаланиш тарбияда таъсирчан восита ҳисобланади. Бу борада ота – она обрўси ўз фарзандлари учун ибрат – намуна ўчоғи бўлмоғи лозим, чунки ибрат – намуна бу ҳаёт дорилфунудир.

- ота – оналар фарзандлари олдидаги обрўйига фарзандларига нисбатан юксак талабчанлик, уларга ва уларнинг қизиқишларига ҳурмати туфайли эришади, чунки одобсизлик, боланинг ички дунёсига мунтазам равишдаги кўполлик билан аралashiш огир ёвузликдир;

- ҳар бир ота – онада педагогик ички ҳиссиёт мавжуд. Улардан ҳар ким ҳар хил йўл билан фойдаланиб фарзандларини тарбиялайди. Оилада ҳам, маҳаллада ҳам, танишлар орасида ҳам эл эъзозидаги ва халқ эътиборидаги инсонларни доимо ибрат – намуна қилиб кўрсатамиз ва фарзандларимизни ўша одамларга ўхшашини истаймиз ва ҳаттоки фарзандларимизни улардан бўлишига ундаймиз ҳам. Бу борада фарзанд тарбиясига жуда эҳтиёткорона ёндашиб, яъни улар тарбиясида ўзимиз ибрат – намуна бўлмоғимиз лозим.

Демак, ибрат – намуна ҳаёт дорилфунуни вазифасини ўташига ҳеч қандай эътироз йўқ ва у кишиларга яхшиларга эришишини, ёмонлардан узоклашишни ўргатади.

5. Оила бошлиғидаги алоҳидалик.

- оила бошлиғининг адолатли каттиққўллик доимий шиори бўлиши керак;

- оила бошлиғи доимо оиласига раҳбарлигини эсдан чиқармаслиги керак ва буни суистеъмол қилмаслиги лозим, чунки бундай одатлар бошқа оила аъзолари томонидан оилага нисбатан адолатсизлик деб қабул қилинади;

- оила бошлиғи оила аъзоларини ибратли одамлар ва ибратли оилалар ҳамда буюк шахслар турмуш тарзи ва фаолияти билан таништиришда эринманг. Улар фарзандингиз тарбиясида таъсирчан воситалардир;

- оила бошлиғи уддабурон ва тадбиркор бўлгани маъқул. Оиладаги қийинчиликлар оила бошлиғининг саъй – ҳаракатлари туфайли ҳал бўлаётганлигини оила аъзолари сезсин;

- оила бошлиғининг тадбиркорлиги ва уддабуронлиги туфайли топган маблағи оила манфаати йўлида сарфланмоғи лозим ва бунда адолат асосий мезондан ибрат бўлсин.

6. Оилавий муносабатларни олиб боришга оила бошиғига тавсиялар:

- оилангиздаги умумпсихологик муҳитга доимо эътибор бериб боринг. Унда оила аъзлари ўртасидаги каттага ҳурмат, кичикка иззат каби одамийлик тамойилларига эътибор бериш ва ўзаро бир – бирини тушунишлик, яъни ҳамфикрлиликнинг таъминланиши доимо назоратингизда бўлсин;

• сиздаги тадбиркорлик ва уддабуронлик яккол сезилиб турсин. Сизга оила аъзоларингиз доимо суянадиган бўлсин. Бу отанинг (онанинг) ўз оила аъзоларидаги ихлосини янада оширади;

• ўз оила аъзоларингизнинг топширик бердингизми, унинг бижарилишини албатта назорат қилинг ва мақсадга эришинг;

• ўз оила аъзоларингизнинг берилган топширикни бажарганидан кониқиш ҳосил қилсангиз, уни алоҳида таъкидланг. **Ўғлим ёки қизим сендан хурсандман, сенинг бу топширикни бажара олишингни мен билардим** каби фикрлар билан уларни рағбатлантиринг;

• байрамларда, оилавий тадбирларда оила аъзоларингизнинг кўнгилни олишга ҳаракат қилинг;

• оила аъзоларингизга ва қариндош – уруғларга ибрат – намуна бўла олишингизни унутманг! Сиздан улар «андоза» ола билишлари лозим. Агарда улар сизни ўз тимсоллари (идеаллари) деб билсалар нур устига аъло нур бўлар эди. Бунинг учун шунга мос ва хос фаолият юритишингиз керак;

• оила бошлиғи эҳтиёткор бўлмоғи лозим. У кўрқокликка қирмайди, ҳушёрлик ҳеч қачон зиён қилмайди;

• оила бошлиғи алдамаслиғи керак, акс ҳолда ундай оила бошлигининг обрўи бўлмайди.

1.4. Оила маънавияти

*Узингдан кейинчиларга ибрат бўлай десанг, узингдан илгарилардан ибрат ол.
«Оталар сўзи»*

Инсон деган олий мавжудод бор. Унинг икки елкаси орасида бош (калла) деган аъзо жойлашган. Ана шу бош ва ундаги бош миянинг ишлаши инсоннинг инсонийлигини белгилайди. Умуман олганда ишламайдиган калла бўлмайди, аммо унинг қандай ишлаши

ўша инсоннинг оиласи, жамоаси олдида ўз ўрнини топишга асосий пойдевор бўлади.

Минг афсуслар бўлсинки, баъзи одамлар калласи бузғунчилик ва шахсий манфаатларни устун қўйишга кучлироқ ишлайди. Натижада улардан жамият зарар кўради, чунки булар орқали келгуси авлодга фақат лоқайдлик, манкуртлик ва «работ» бўлишлик мерос бўлиб қолади.

Бу араб олимларидан бирининг «**Қалб кўр бўлганидан кейин унинг кўзи кўришининг нима фойдаси бор**», деган фикрнинг амалдаги тасдиғидан иборатдир. Бу билан оламда ҳеч нарса қилиб

бўлмайди, деган хулоса келиб чикмайди. Бунга сабаб бу оламда яхши одамлар ва улар ичида ақилли ҳамда доно инсонлар ҳам кўп. Бундай яхши одамларнинг бунёдкорлик фаолиятига мойиллиги кучли бўлади. Улар умуминсоният, умумжамо манфаатларини ўз шахсий манфаатларидан устун қўя олади: Бундай одамлар бой ўтмишимиздан бизга мерос бўлиб қолган «Авесто» номли муқаддас китобининг мазмун – моҳиятини ифодаловчи «Эзгу уй → Эзгу сўз → Эзгу амал» тамойили асосида фикр юритувчи инсонлардир. Улар ўз оиласидаги соғлом муҳит учун ва ундаги фарзандлар тарбияси учун ҳам ибрат – намуна бўла оладилар ҳамда уларни маънавий етук деб атаймиз, чунки улар жамият манфаати билан оила манфаатини уйғун ҳолда олиб бора олади. Ана шундай одамлар борлиги учун ҳам мамлакатимиздаги оилаларда маънавий соғлом муҳит ҳукм сурмоқда ва шунинг учун ҳам келажаги буюк давлат қуришни, яъни Озод ва Обод Ватан қуришни миллий мафкурамизнинг бош ғояси қилиб олганмиз.

Демак, оила жамиятнинг муҳим даражадаги мустақил гуруҳи бўлиб, улар асосида жамият ёки давлат манфаати шаклланади, ривожланиб боради ва табиийки, оилалар маънавияти шаклланади. Буларнинг асосида эса тарбия ва айниқса, миллий тарбия ётади. Шунинг учун ҳам оилавий муносабатларга мамлакатимиздаги мавжуд тузумнинг маънавий – ахлоқий, маърифий ва урф – одатлари ҳамда анъаналари жиддий таъсир кўрсатади.

Тарбия – бу одамзотнинг ўз фарзандини дунёга келтириб, уни боқиб, таълим бериб баркамоллик сари вояга етказиш учун қилинадиган саъи – ҳаракатлари ва гамхўрликлари ҳамда мураббийликлари мажмуидир. Шу сабабли ҳам ушбу жараён таълим – тарбия жараёни ҳам деб юритилади.

Миллий тарбия – бу дунёдаги илғор цивилизацияларни, маънавий уйғониш даврларини ўрганиб, уларнинг менталитетимизга мосларини маданиятимизга ва миллатимизга хизмат қилдириб, замонавий шароитларда ёшларимизни ижтимоий ва юксак маънавиятли фаол шахс даражасига келтиришнинг ҳаракатлантирувчи кучидир.

Умуман олганди, оила маънавияти унинг турмуш тарзини мазмун–моҳияти, хусусиятлари, мақсад–вазифалари, оилавий муносабатларнинг характер (оиладаги бола тарбиясига бўладаган иктисодий, сиёсий, мафкуравий, ахлоқий, миллий–маънавий кадриятларга бўлган муносабатлар) лари билан белгиланади. Бунга сабаб оила ва оилавий муҳит ёш авлодни тарбиялашда шубҳасиз жуда муҳим ва қимматли–қадрли манбадир. Унда бола туғилиши биланок оила жамоаси аъзосига айланади ва бу ерда унинг турмуш тарзи

(соғлиғи, бир меъёрда ўсиши, ҳаётий фаолият кўникмалари, ўсиши, ҳаётий фаолият кўникмалари, маънавий-ахлоқий жиҳатлари, оиладаги тартиб-қоидалар, анъаналар, урф-одатлар ва шу қабилар) шаклланади. Булар боланинг шахс сифатида шаклланишига ижобий таъсир қилади.

«Оилавий тарбияда шахсни шакллантиришнинг муҳим томони бор. У ҳам бўлса, ҳар бир ота – она боласини кучли, ифодали, ақлли ва қобилиятли бўлиб ўсишини орзу қилади. Кучли шахс бўлиш учун эса болада ўз – ўзини англаш мавжуд бўлиши керак. Болани шахс бўлиб етишишини муҳим томонларидан бири ҳам ўз – ўзини англаш, ўзининг «Мен»ини намоён этишдир.

Файласуф И.Кант, ўз – ўзини англаш ахлоқийлик ва маънавий масъулиятнинг зарур шартидир, деб ҳисоблаган эди. Чамаси, ўз – ўзини англаш туйғуси бизни фаол хизмат кўрсатишга даъват этади, лекин бундай фаолият одамни қаерга олиб бориши кўп жиҳатдан у киши қандай ҳаётий – ахлоқий қоидаларни ўзига дастак қилиб олганлигига боғлиқдир. Бундай шахслар табиатан яхшиликка интилувчан бўладилар, ўзларини қийнаб бўлса ҳам ёмонликка нисбатан кескин кураш олиб борадилар ва ғалабага эришмагунча бу курашни тўхтатмайдилар.

Оилада энг яхши ва олижаноб анъаналар руҳида тарбияланган бола ўзини англашга, ўзлигини кўрсатиб, ўз шахсини намоён этишга ҳаракат қилади. Унинг олдида шафқатсиз тақдирнинг зарбаларига маъюслик билан бўйсиниб, улардан орқага қараб чекиниш керакми ёки қийинчиликларга қарши курашиб, уни енгиб чиқишми – қайси бири шарафли ва олижаноб деган савол кўндаланг бўлиб туради. Худди шунда болада яхшиликка муҳаббат, ёмонликка нисбатан нафрат туғилади ва ҳаётнинг асоси ахлоқий тамойилга айланиб қолади [9. 91 – б.].

Оила маънавияти қуйидаги ҳолатларнинг қандай ташкил этилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади:

1. Оилада оила аъзоларининг ўзаро муносабатларида катталарнинг ҳурмати, кичикларнинг иззатини ўз ўрнига қўйиш – бу ўзига яраша миллий – маънавий қадриятлар.

2. Оилавий тарбияда болани шахс сифатида қараш. Бунга сабаб оиладаги мурғак бола келажакда ўз – ўзига, бошқа кишиларга, оилага, жамоага, жамиятга ва умуман олганда теварак – атрофга онгли муносабатда бўладиган инсон бўлишига шароит яратиш керак ва натижада унда ўз замонасидаги нарса – ҳодисалар, воқеа ҳамда

жараёнларга нисбатан дунёкараш ҳосил бўлсин, унинг ҳатти – ҳаракатида, яъни фаолиятида улар намоён бўлади.

3. Фарзандларни виртуал дунёга кириб қолишидан эҳтиёт бўлиш, уларнинг қалбини эзгулик, яхшилик уруғлари билан тўлдириш. Бунда асосан оиладаги фарзандлар орасида маргеналлик ҳолатлари бор – йўқлигига синчиковлик билан доимо эътибор бериб бориш лозим бўлади. Бу ҳолатнинг элементлари борлигини сезган пайтданок энг аввало, уларни қандай қилиб бўлса ҳам маргеналлик ҳолатидан чиқариш керак.

Маргеналлик – бу айрим шахс ёки гуруҳнинг жамиятда муайян ижтимоий гуруҳ, табақа, қатламга мансуб бўлмасдан «чекада», «Ораликда» қолишидир.

Демак, бундай ҳолатдаги фарзанд «орасатда» қолиши мумкин.

«Виртуал дунёда инсон қалбида ҳали тўла англаб етилмайдиган қандайдир гайри – одатий ўзгаришлар рўй беради, ундайларда турли тубанликларга тушиш эркинлик сифатида таҳлил этилади. Яна шу нарса маълумки, виртуал дунёда инсон маънавий жавобгарликни ҳис этмайди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, виртуал дунё, унинг замонавий ахборот технологиялари бағрида яратилиши атом бомбасининг кашф этилишидан ҳам хавфли. Ҳозир айрим ёшларимизнинг виртуал дунёга тушиб қолиши, уларнинг реал дунёдан ажралиб қолаётганликларининг икки сабаби бор, деб ўйлаймиз. **Биринчидан**, ундайлар ўзининг мустақил маънавий қиёфасига эга эмас. Натижада «четдаги» нарсалар уни ўзига тортади, (чунки, улар маънавий қашшоқ, яъни уларга ихтиёрий бир «саробни» - «оби-ҳаёт», деб тушунтирса ишонаверади», яъни улар «робот» лардир – Т.И.Х.) аста – секин реал дунёдан оёғи узилганини сезмай қолади. **Иккинчидан**, бундай тоифадаги ёшларда ўзини – ўзи ривожлантиришга эҳтиёж йўқ, шунингдек, бу нарса уларни мослашувчанлик, эргашувчанлик қайфиятига тушириб кўяди» [17. 1-2 – б.]

4. Оилада доимо соғлом маънавий муҳитни сақлашга ҳаракат қилиш ва бундай жараёни шакллантиришда соғлом маънавий эҳтиёжга синчиковлик билан эътибор беринг, чунки у инсоннинг қалбини нурга, яхшилик, эзгуликка тўлдирувчи ва ёмон иллатлардан ҳимоя қилувчи тарбиявий вәсита ҳисобланади.

5. Ўзбек халқининг бой маънавий бойлиги ва интеллектуал мулклари ҳақидаги маълумотларни фарзандларимиз онги ва қалбига сингдириб бориш ҳолатига доимо эътибор бериш ва бунда китоблар (бунда эртак китоблар, ҳикоя ва ривоятларга эътибор бериш), бадиий ва ҳужжатли асарлар, кинофильмлар, ахборот – коммуникацион

технологиялар воситалари ва шу кабилардан мунтазам фойдаланишга эришиш керак бўлади. Булар оилада фарзандларга таъсир кўрсатишининг «Имоготерапия» усулидан фойдаланишга кўл келади.

6. Фарзандларни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, менталитетимизга ёт бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга доимо эътибор бериш ва бунда фарзандларингизга бундай салбий ҳолатларга нисбатан нафрат руҳини ҳосил қилувчи ҳолатлардан далил – исбот сифатида фойдаланиш керак бўлади. Қуйида улардан баъзилари тўғрисида маълумот келтирамиз:

• **душманнынг ёвузлиги тўғрисида:**

«Гурганчда бўлиб ўтган фожеа ўзидан қонли хотира қолдирган эди. Унда босқинчилар шаҳарни забт этишгач, тирик қолган барча аҳолини ташқарига олиб чиқадилар ва улар орасидан юз минг ҳунармандни Мўғилистонга юбориш учун ажратиб оладилар. Сўнгра пойтахт Гурганчнинг барча тирик қолган эркак ва болаларини сўйиб ташладилар. Шундан сўнг, мўғиллар аср аёлларга ёлонғоч бўлишни буюрдилар ва уларни икки гуруҳга бўлдилар. Чексиз жасорат кўрсатиб, Ватан озодлиги йўлида қилич кўтарган бу аёлларга бундай дедилар: «Жуда яхши жангчи экансизлар. Бас, шундай экан, бир – бирингиз билан муштлашиб, урушинг!» Аёлларни бу аянчли буйруққа мажбуран итоат этказилди. Бу разил томоша билан кўнгил очган мўғиллар тирик қолган аёлларни бурдалаб ташладилар [22. 11 – б.].

Бундай маълумотлар фарзандларимизнинг онги ва қалбида душман разиллиги, ёвузлиги ва уларнинг Ватанимизга бўлган муносабатларига нафрат ўйготди ҳамда ёмонликнинг инсоният таназулига сабаб бўлиши ҳам сингдирилади.

• **фарзандларнинг ўз халқига эътиқодини тарбиялаш тўғрисида:**

«Жалололидиннинг жасорати Чингизхонни чексиз ҳайратга солди. У Жалололидин кетаётган тарафга кўл билан ишора қилиб, ўғилларига қарата деди: «Оҳ кошки тўрт ўғил ўрнига фалак – Менга бирини берса Жалололидиндек!».

Мангубердиннинг баҳодирлигига тан берган Чингизхон давом этаркан, дилидагини айтди: «- У шундай қиргин барот жанг майдонидан ва дарё гирдобидан қутилиб, ҳимоя қирғоғига чиқа олдим, демак, ундан яна кўп қаҳрамонликлар ва сон – саноксиз ташвишлар кутиш мумкин» [22. 11 – б.].

Жалолоддин Мангуберди тўғрисида Чингизхоннинг куйидаги эътирофи ҳам бор: «У дарёда наханг каби, саҳрода шер каби жанг қилади. Қани эди менинг ўғилларимдан ҳеч бўлмаганда бири унга ўхшаса!».

Оилада ота–она ўзаро ҳурматининг оила маънавиятидаги аҳамияти

Бир – биринчи билан саломлашиб қариндошлар, шунида урнатарилида меҳр – муҳаббат уйғунур.

«Ҳадис»

Оилада ота – онанинг бир – бирини тушуниши, яъни уларнинг бир – бирига нисбатан меҳр – муҳаббатли бўлиши оилада болага кўрсатиладиган ахлоқий тарбиянинг асосий негизини ташкил этади. Бу орқали ўз навбатида ота – онанинг фарзандларига ҳам

меҳр – муҳаббати изҳори амалга оширилади ва натижада бу уйғунликдан нафақат ота – она, балки фарзандлар кўпроқ маънавий озуқа олади. Буни ҳеч қандай педагогик (тарбиявий тадбир) чора – тадбир ўрнини боса олмайди. Шу ўринда ота – оналар учун куйидаги кетма – кетликда фаолият юритишини таклиф қилган бўлар эдик:

- умр мазмуни;
- ҳаётнинг гўзаллиги;
- бахтли оила;
- «Буюм эмас»;
- оила бюджети;
- ҳаётини сабоқлар;
- яхши одамлар жамият тараққиётининг беагаи;
- кадр ва кадрли ва шу кабилар.

Улар тўғрисида куйидаги фикрларни келтириб ўтишимиз мумкин.

Умр мазмуни тушунчаси тўғрисида ота ҳам, она ҳам онгли тасаввур эга бўлиши керак. Бунда кишининг маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом ва бахтли ҳаёт кечириш жараёни унинг умр мазмунини белгилашлигига эътибор қаратиш лозим бўлади. Бу ҳақда Леонардо да – Винчининг «Яхши ўтган ҳар қандай умр узок умрдир» ва И.Гётеннинг «Бенаф яшагандан бефарқ ўлим афзал», деган ибратли фикрлари умр мазмунига бўлган талабни куйишда хушёрликка тортади.

Ҳаётнинг гўзаллиги тўғрисида. Инсон онадан туғилибдики, унга ҳаёт кечиришдек буюк неъмат ато этилган бўлади. Чақалоқ аксарият ҳолларда она бағрида 9 ой мобайнида чақалоқ бўлиб шаклланади ва етилади. Шу сабабли ҳам тупроқ ёки ватанни унга қиёслаб Она

тупроқ ёки Она ватан деб юритилади. Бунга сабаб одамлар ҳам ана шу тупроқ ёки Ватан бағрида ўсади. Одамлар эса Одам Ато ва Момо Ҳаводан тарқалганлиги сабабли уларни одамзот дейилади, яъни Одамзот дегани Одам Атонинг зурриёди деганидир. Ҳаётнинг гўзаллиги ҳам дастлаб шу кайд этилганларга боғлиқ бўлади. Шундан кейин эса ҳаёт гўзаллиги инсоннинг бирор давонни ошиб ўтганда яққол сезилади. Бунга сабаб ўша эришилган натижага, кишига кўзланган мақсадига етишдаги енгил ёки оғир, керакли ёки кераксиз, бевосита ёки билвосита ҳолатлар кўз олдидан бирма – бир ўтказилишига асос бўлади, яъни маълум бир даврнинг сарҳисоби бўлади. Ана шундай сарҳисобларни ўтказишда ижобий ҳолатлар юз бериб бораверса, айниқса, оилада фарзандлар дунёга келаверса, ота – онанинг бир – бирига меҳр – муҳаббати янада юксалаверади. Буларнинг ҳаммаси ҳаётнинг гўзаллигини безовчи **безаклардир**. Бунга рамзий маънода таниқли адибимиз Ўткир Ҳошимовнинг куйидаги фикрларини қиёслаш мумкин: **«Ҳатто булбул ҳам бола очгандан кейин сайрашни бас қилиб, полапонларига емиш ташийди»**. Инсон ҳаётининг гўзаллиги ота – она ва оиладаги ўғил – қизлар ўртасидаги бир – бирига бўлган меҳр – муҳаббат билан йўғрилган бўлса, бндай фаолият фарзанд тарбиясидаги иккала авлод (бўгин)нинг самарали кечишини таъминлайди, яъни

*«Давлатинг ота – онанг,
Савлатинг ўғил - қизинг».* (Халк мақоли)

Бундай ҳаёт гўзаллиги ота – оналарни янада бир – бирига меҳр – муҳаббатли бўлишлигига ва оилада фозил фарзандлар тарбиялашига катта куч (ғайрат) бағишлайди ва ана шундай гўзал ҳаёт соҳибларининг борлиги туфайли ҳам давлатимизда мунтазам равишда тараққиёт бўлиб турибди.

Бахтли оила тўғрисида. Бахтли оила – бу эл эъзозидан тушмасдан, халқ эътиборидан қолмасдан, фарзандларига ҳамда инсонлар орасида ибрат – намуна бўладиган осойишта ва хотиржам оиладир. Бундай бахтли оилалар орасида **буюк бахт** деган номга сазовор бўлганлар бор. Уларнинг борлигини куйидагича ифодалашни лозим топдик: **Жамият деган имкониятлар майдони бор. Оилада эса фарзанд деган буюк неъмат бор. Ана шулар асосида Давлатимиз сиёсатида баркамол авлод тарбияси бор. Баркамол авлодни тарбиялашда фаол қатнашиш ҳам бу буюк бахтдир.**

Демак, бизнинг мамлакатимизда ҳар бир оила ўз фарзандларини баркамол қилиб тарбиялашга масъулдир. Бу борада уларнинг ибрат – намунаси ҳам фарз, ҳам қарзидир.

«Буюм эмас» ибораси тўғрисида. Бу оилада фарзанд тарбиясида ўта муҳим жиҳатдир, яъни фарзанд – бу буюм эмас. Буюмни ёкмаса фойдаланмаслик ёки бошқасига алмаштириш мумкин. Аммо фарзандни бундай қилиб бўлмайди. Чунки фарзандингизни дунёга келтирганингиздан кейин, Сиз унинг тарбиясига масъулсиз. Уни бу бўлмас экан, деб ташлаб юбориш ёки алмаштириб олиш ҳуқуқига эга эмассиз. Бу ҳақда донишманд В.Бунининг қуйидаги фикрини эсдан чиқармаслик керак:

«Ота бўлиш осон,

Оталик қилиш эса қийин».

Ёки таниқли адиб Ўткир Ҳошимовнинг қуйидаги фикри ҳам ибратлидир: *«Ота учун бола жавобгар эмас. Аммо бола учун ота жавобгар! Бола отани эмас, ота болани дунёга келтиради ва тарбиялайди».*

Демак, ота – оналаримиз ўз фарзандларининг келажақда ўзларига муносиб бўлиб шаклланишини кўзлаб иш тутиш керак экан ва ўзлари фарзанд тарбиясида ибрат – бўлиши лозим, чунки ўз юқини ўзи тортмай, бошқаларга ташлаб қўйган кишининг охири хорликдир, деган фикр бор. Бунга маънавий асос қилиб, «Ҳар бир куш ўз овозидан шодланади», деган нақлни олишимиз мумкин. Буларга асосланган фарзандларимиз ёмон фарзанд бўлмайди. Чунки, ёмон фарзанд оилага ҳам, жамиятга ҳам зарар.

Улар тўғрисида донишмандларимизнинг хулосавий фикри ҳам бор. Донишмандларимиздан биридан, «Ёмон фарзанд нимага ўхшайди», - деган саволга қуйидагича жавоб олганлар: «Ёмон фарзанд танага ортиқ (зиёд)га ўхшайди, уни олиб ташлайман десанг жонинг оғрийди, олиб ташламасанг халакит беради». Демак, ёмон фарзанд оилага ҳам, жамиятга ҳам, давлатга ҳам керак эмас.

Оила бюджети тўғрисида. Маълумки, оиланинг моддий ва маънавий ҳамда интеллектуал асослари бор. Бу учала асоснинг ҳам оила мустақкамлигини таъминлашда ўз ўрни бор ва булар энг муҳим асослар бўлиб ҳисобланади. Булардан оила бюджети оиланинг моддий асосларининг асосий таркибини ташкил этади. Бу жамиятимиздаги ҳар бир эркак ёки аёл учун ҳаётдаги ўз ўрнини топишда муҳим ҳаётний кўрсаткичдир. Бундан келиб чиқадиган хулосавий фикрларни қуйидагича ифодаласак бўлади: «Сиз шахс сифатида шаклландингизми, энди оилага ва жамиятга фойдангиз (хоҳ иқтисодий, хоҳ маънавий бўлсин) тегишини ўйлашингиз лозим. Айниқса, оилали бўлганингизда оила иқтисодий қудратини мустақкамлаш асосий вазифаларингиздан бири бўлсин».

Бу ҳақда проф. Х.А.Тўракуловнинг куйидаги фикри ибратлидир:
«Оила бюджетини сарфлашда куйидагига эътибор беринг:

- оилавий эҳтиёж;
- оилавий орзу – ҳавас;
- оила равнақини ўйлаш ва шу қабилар» [24. 31 – б.].

Ушб фикр оилавий эҳтиёж зарурлигини, уни бажаришга ҳаракат килиши кераклигини уқтиради ва бунда оилавий орзу – ҳавасни эса имконият даражасида бажарилмоғи керак. Бу албатта зарур. Бунга сабаб баъзи оилаларда уни ҳам, бунисини ҳам бажараман, деб ҳаётда кийин ҳолат ёки мураккаб вазиятларга тушиб қолган пайтлар бўлган. Шунингдек, оила равнақини ҳам ўйлаш керак – бу оила бошлиғининг ижобий хислати ва масъулияти ҳамдир. Бунда фарзандлар тақдири муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли ҳам ҳурматли ота – оналар ўз фарзандларингизга идеал бўлишга ҳаракат қилинг.

«Идеал» тушунчаси французча «ideal», лотинча «idealus» сўзларидан ҳосил бўлган бўлиб, «киёфа», «мезон», «мукаммаллик» маъноларини англатади. Атама сифатида орзу – интилишларнинг олий мақсадини ифодалайди.

Демак, фарзандларингизнинг сизларга ўхшашга ҳаракат қилиши оин – она учун бу катта бахт. Бу орқали сиз жамиятимиз равнақи ва оилангиз фаровонлиги ҳамда истикболи учун яхши ва хайрли ишни қилган бўласиз.

Ҳаётний сабоқлар тўғрисида. Маълумки, ҳаётний сабоқлар (ҳаёт сабоқлари) инсоннинг турмуш (ҳаёт) мазмунини ифодаловчи омиллар бўлиб, инсон ҳаётний сабоқлар асосида ўзидаги турмуш тарзини белгилаб бораверади ва ҳаттоки баъзи ақлли одамлар ҳаётда ўзининг мустаҳкам ўрнини топиб, ўзларига жонли «ҳайкал» ўрнатадилар. Бу борада М.Калонхонов ва М.Калонхоноваларнинг «Қадриятнома» номли маънавий – ахлоқий мазмундаги китоби жуда зарур китобдир. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, баъзи одамлар эса ҳаёт сабоқларидан тўғри хулоса чиқара олмайдиларда, манкурт, лоқайд, эътиборсиз, миллий гурури йўқ, миллатни ҳурмат қилмайдиган, ўзлигини англай олмайдиган қаби иллатлар билан ўралашиб қолади. Бундай одамларнинг оилага ҳам, жамоага ҳам, жамиятга ҳам ва ҳаттоки давлатга ҳам, шунингдек, бола тарбиясига ҳам фойдаси тегмайди. Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда улардан қандай тарбия беришни кутиш мумкин.

Булар ота – онанинг бир – бирига бўладиган муносабатлардаги меҳр – муҳаббатни қай тарзда намоён бўлишида (хоҳ ижобий, хоҳ салбий) муҳим асослардир.

Яхши одамлар – жамият тараққиётининг безаги. Оилада эр – хотин ўзаро муносабатларининг намоён бўлишида улар ўртасидаги меҳр – муҳаббат муҳим ўрин тутди ва улар ушбу жараёнда яхши одам (яхши ота, яхши она) деган мукофотга ҳам сазовор бўлади.

Дунёда яхши одамларнинг кўп бўлиши, ўша одамлар яшаётган жамиятнинг тараққиёти бардовонлигини ҳам таъминлайди. Улар жамият тараққиётининг безаги бўлиши билан бирга, ўша жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳамдир.

Демак, яхши одамлар орасида бошқалар учун ибрат – намуна бўладиган одамлар кўплаб топилади. Бундай одамларга ўзингдан кейингиларга аввалгиларга қараганда кўпроқ мерос қолдир, дегинг келади. Буларнинг ҳаммаси яхши, аммо ҳамма одам ҳам биз таъкидлаганимиздек эмас-да. Яхши одамлар орасида ёмон одамлар ҳам учрайди-да. Бундай одамлар жамият тараққиёти учун ҳам хавфлида, чунки уларда энг камида иккита катта хато учрайди. Бу ҳақда қуйидаги фикр аҳамиятлидир: «Инсон ҳаётида икки бор катта педагогик хатога йўл қўйиши мумкин». **Биринчиси** – болалар ҳали ёш деб, уларга ишонмаганида, **иккинчиси** – кексаларни қари деб, уларни четга суриб қўйишганида. Ўзбек миллий тарбиясида бу ахлокий хислатларга катта аҳамият берилади, уни оилада ҳам доимо таъкидлаб турилади. Чунки, авлодлар ворислиги худди шунда кўринади. Ота – оналарнинг фарзандларига, фарзандларнинг ота – оналарига ғамхўрлиги ана шу ахлокий фазилатда намоён бўлади [9. 92 – б.].

Демак, ҳар бир ота – она жамият тараққиётининг безаги бўла олиши учун аввало, улар ўзларининг ўзаро меҳр – муҳаббати ва бу фазилатнинг фарзандларида намоён бўлишини ўйлаб фаолият юритиш керак экан. Яъни, Хусрав Дехлавий тили билан айтганда

«Аёл оқилаю эр ишбилармон,

Демак, кундан – кунга обод Хонадон».

Қадр ва қадрлилик тўғрисида. Оиладаги эр – хотиннинг бир – бирига қадр – қиммати ва иззат – ҳурмати оиладаги фарзанд тарбиясига онгли муносабатда бўлишликнинг асосий негизини ташкил этади. Умуман олганда қадр, деган ахлокий тушунчани қуйидагича ифодалаган маъқул. **Инсон қадр** – бу инсон учун унинг ҳаётдаги ва жамиятдаги фаолиятида аҳамиятли бўлган ва инсоннинг инсонийлигини намоён қиладиган ахлокий мезоннинг ифодасидир. Ва табиийки, қадрияг таърифларидан бири ҳам ана шундан келиб чиққан, яъни инсон учун қадрли бўлган барча нарсалар ва ходисалар (предмет ва жараёнлар) **қадрият** деб аталади.

Демак, булар оркали жамият ҳаётида ва айниқса, инсон ҳаётида кадрли нарса ва ҳодисалар яратилади ҳамда пайдо бўлади. Шунинг билан бирга кадрли деган тушунчамизнинг (сўзимизнинг) акси борлигини ҳам инкор эта олмаймиз. Ёки кўпгина кишилар ёки нарсалар йўқотилгандан (бой берилгандан) кейин уларнинг кадрига етиш бошланади. Жумладан, ота-онани кадрига етишда буни яққол етиши мумкин. Ёки вақтни кадрига етиш борасида «**Вақтни бекор ўтказиш ахмоқликдир**», деган «оталар сўзи» бор.

Ёки тежамкорликни кадрига етиш борасида «**Шамини кундузи ёндирган одамнинг тун қоронғу бўлади. Пулини беҳуда исроф қилган одам, оғир кунда хор бўлади**», деган ҳикматли фикрларга ўхшаш манбалардан бола тарбиясида фойдаланилса булар тарбияда таъсирчан восита бўлади.

Ёки соғлик – саломатликнинг кадрига етиш борасида «**Тозаликдан қочган киши хасталик домига илинади**» ва «**Тозалик баланининг қувватини кучайтиради ва гўзаллигига гўзаллик кўшади**» каби «Оталар сўз»дан фойдаланилса тарбияда соғлом – турмуш маданиятини шакллантиришда муҳим маънавий асос бўлади.

Инсон учун кадрли жиҳатларни янада давом эттириш мумкин. Аммо, минг афсуслар бўлсинким, кўпгина кадрли жиҳатларни йўқотгандан кейин кўпроқ кадрига етамиз. Бу борада ота – она кадрига (уларни тириклигида яхшироқ ҳурмат қила олмайди) ёки саломатлик кадрига (ичиш, чекиш, бошқа ноҳўя ҳатти – ҳаракатлар натижасидаги йўқотиш) сўнг етиш ниҳоятда аянчлидир, чунки бу ниҳоятда кучли пушаймон қиладиган ҳол ва бунда сўнгги пашаймон билан ҳам уларни ўрнига тушира олмайди. Айниқса, чекиш, ичиш, гиёҳвандлик, ОИТС дардига мубтало бўлиш ва шу каби салбий иллатлар инсондаги кўпгина кадрли жиҳатлар (ҳолатлар) ни кадрсизланиб кетишига сабаб бўлади.

Шунинг учун ҳам халқимизда

*Ёшликнинг қадрини бил ёшинг улғаймасдан бурун,
Соғлиқнинг қадрини бил бемор бўлмасдан бурун,*

деган ҳикматли кўрсатмавий фикрлар бор.

Демак, оилада бола тарбияси, ундаги эр – хотин ўртасидаги муносабатлар оила маънавиятининг асосларидан бирини ташкил этади. Ушбу қисмни В.А.Сухомлинскийнинг қуйидаги фикри билан хулосалашни лозим топдик: «**Оила ҳаётининг бош муддао ва мақсади болалар тарбиясидир. Болалар тарбияси-нинг бош мактаби эса эру хотин, ота – онанинг ўзаро муносабагидир**».

Оилада маънавий баркамол инсон тарбиясига эътибор. Оилада фарзанд маънавиятини юксалтирмасдан туриб, оила маънавиятини, халқимиз ҳаёт ва турмуш тарзини ҳам самарали юксалтириб бўлмайди. Бу борада, яъни маънавий тарбия бериш жараёнида хўжакўрсинликга йўқ қўйиб бўлмайди, акс ҳолда тарбияда ғоявий бўшлиқ пайдо бўлади. Бу эса ёшларимиз орасидан ишёқмас, дангаса, лоқайд, манкурт каби иллатларга эга бўлганлари чиқиши мумкинлигидан далолат беради. Шу сабабли ҳам маънавий баркамол инсон тарбиясини оилада фарзандларнинг ёшлигиданоқ бошлашга тўғри келади. Бунда фарзандларимизни ёшлигиданоқ тўғрилиқка, ҳалолликка, покликка, ватанпарварликка, инсонпарварликка, эзгуликка, меҳнатсеварликка ўргатиб, уларни юксак ахлоқий қилиб тарбиялаш оилада маънавий баркамол инсон тарбиясининг **дастлабки – асосий босқичидир**. Бу орқали фарзандларимизнинг дунёқарашини кенгайтиришга, яъни эътиқоди, рўҳияти, хулқ – атвори меъёрлари ва одоб – ахлоқи меъёрларини юксалтиришга эришамиз.

Маълумки, биз соғлом фарзанд деганда нафақат жисмоний жиҳатдан соғлом фарзандни, балки ҳам жисмонан, ҳам маънан, ҳам ақлан, ҳам маърифатга йўғрилган кайфиятли фарзандни тушунамиз. Бундай фарзандлар онгига имон ва инсоф, меҳр – оқибат, шафқат ва раҳмдиллик, уят ва андиша, ор – номус, ўзаро ҳурмат, юксак ватанпарварлик, ота – онасига, оиласига, элига, халқига садоқат каби миллий кадриятларни ва ғояларни сингдириш самарали кечади.

Муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимизда соғлом муҳитни барпо этиш борасида, яъни соғлом авлод ва жамият, баркамол шахс ва баркамол авлодни шакллантириш борасида доимо ғамхўрлик қилиб келмоқда ва бу фикрлар ҳамда ғоялар мазмун – моҳиятини эркин фуқарони ва озод шахсни шакллантириш, баркамол инсонни тарбиялаш муаммоларини ҳал қилиш масаласи ташкил этади. Бу ҳақда Президентимизнинг «Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда» асаридаги қуйидаги фикри аҳамиятли-дир:

«.....ҳар бир фуқаро:

- ўз ҳақ – ҳуқуқини танийдиган бўлсин, бунинг учун курашсин;
- ўз кучи ва имкониятларига таянадиган бўлсин, имкониятларини ишга солиб, самарасини кўрсатсин;
- атрофида содир бўлаётган воқеа – ҳодисаларга мустақил муносабат билдира олсин;
- шахсий манфаатини мамлакат ва халқ манфаати билан уйғун ҳолда кўриб, фаолият юритсин [2. 232 – 233 – б.].

Демак, агар биз оилада фарзандларимизни маънавий баркамол қилиб тарбиялашга эриша олсак қуйидаги ижобий натижаларга эришамиз: фарзандларимиз шон – шуҳрат ва мансаб орқасидан бунунчи бўлмайди; моддий қийинчиликларга ва маънавий таҳдидларга тўғри келганда қаддини букмайди; уларда фидойилик, ашкорат, мардлик, ўз Халқини севиш, Ватанни кадрлаш, аجدодларидан фахрланиш каби олижаноб фазилатларга эга бўлади. Агар ҳолда оиладаги фарзандларимиз ичидан турли қийинчиликларга дуч келганда дош беролмайдиган ва турли таҳдидларга чидай қийиндиган инсонлар пайдо бўлиб қолиши мумкин. Улар оила учун ҳам, жамият учун ҳам ва ҳаттоки давлат учун ҳам зарар келтирадиган ноқайд, манқурт, ишёкмас, танбал, дангаса, хуллас «маънавий киншук» одамлар бўлади.

Халқимизда инсонни инсон қилиб кўрсатадиган жиҳат унинг инсонийлигидир, деган гап бор. Унинг асосини эса маънавий – ахлоқий жиҳатдан баркамоллик ва поклик ташкил этади. Маънавий – баркамолликнинг асосий қирралари тўғрисида қуйидаги манбада инсонпарли фикрлар келтирилган. Улар қуйидагилар:

« – ота – онаси, фарзандлари, қариндошлари, хуллас бутун оила аъзолари, қўни – қўшнилари, маҳалла – қуйи, кишлоқдошлари ва бутун мамлакат, халқ фаровонлиги ҳақида қайғуриш;

- теварак – атрофдаги инсонлар унга керак бўлганлиги сингари, Уни ҳам уларга керакли бўлишга интилиш; одоб – ахлоқи, феъл – аъворини ёқимли қилишни инсоний бурч деб ҳисоблаш;

- ота – боболардан, аждодлардан ёдгорлик бўлиб қолган маданий меросни кадрлаш;

- миллий кадриятларни эъзозлаш ва уларга содиқ бўлиб қолиш;

- ватанпарварлик, халқпарварлик, инсонпарварлик туйғуларининг барқарор бўлиши;

- ўзаро муомала – муносабатда ўрнатилган бўлишга мойиллик, биронинг оғирини енгил қилишни одат қилиш;

- умумхалқ маъқуллаган, давлат томонидан қонуний деб қабул қилинган Конституцияни ҳурмат қилиш ва унга садоқат намуналарини амалда кўрсатиш;

- Ватанни ҳимоя қилиш, бошқача айтганда, ҳарбий ватанпарварлик туйғулари билан яшаш;

- диёнат ва адолат, меҳр – шафқат ва эзгуликни ҳимоя қилиш;

- ваъдага вафоли бўлиш ва бошқалар [19. 25 – 26 - б].

Демак, фарзандларимизни маънавий баркамоллигини таъминлаш оила маънавиятини юксалтиришнинг ҳаракатлантирувчи кучидан

иборат бўлиб, унда мунтазам равишда оилада фарзанларимизнинг маънавий – маърифий баркамоллигининг шаклланиши ва мустақиллик мафкураси ҳамда миллий ифтихор билан суғорилганлиги ҳам асосий эътиборда бўлади.

Оилада маънавий сифатларни тарбиялаш. Маънавият инсонни яхши сифат ва фазилатлар билан безайди. Кишилар манавиятли одамларга яхши муносабатда бўлади ва натижада ўз қалбларига кулок соладиган ҳамда ўзининг қилаётган ишларига эътибор берадилар, яъни ўзига ҳисобот беради. Хуллас, **маънавият инсонларининг дилига қувват, кўзига нур бағишлайди.**

Демак, ҳар қандай онгли инсон ўз оиласидаги фарзандларини маънавиятли қилиб тарбиялашни хоҳлайди. Бу борада улар олдида турган қуйидаги вазифалар ўта муҳимдир:

«Фарзандларимизда **ахлоқий фазилатларни** шакллантиришда ота – оналар олдида қуйидаги вазифалар туради:

- бола ҳаётининг биринчи кунлариданоқ унинг меъёрида ўсиши ва ривожланиши учун шароит яратиш;

- болаларни **атрофдагиларга ҳурмат билан** муносабатда бўлишга, уларнинг ишлари, қизиқишлари, манфаатлари билан ҳисоблашишга ўргатиш;

- болага жонкуярлик, вазминлик, камтарлик, умумманфаати билан ҳисоблашиш кўникмаларини таркиб топтириш;

- болага **нутқ маданиятини** шакллантириш, яъни уларда одоб билан гаплашиш, катталарга сизлаб, исми – шарифини тўлиқ айтиб мурожаат қилишни, аниқ дикция билан, мулойим ва ортиқча имо – ишорасиз сўзлашга ўргатиш;

- **фаолият маданияти** (ўйинчоқлар, китоблар, қўлланмалар, шахсий буюмлар билан муомала қилиш) кўникмаларини шакллантириш;

- болага **бурч хиссини** вужудга келтириш [34. 228 – б.].

Энди ушбу ота – оналарнинг вазифаларини амалга оширувчи хислат ва фазилатлар тўғрисида тўхталамиз, чунки уларсиз **оилада маънавий сифатларни тарбиялаб бўлмайди.**

Демак, биз фарзандларимизнинг маънавиятли бўлиши учун қандай хислат ва фазилатларга эга бўлишини билишимиз ўта муҳим экан. Биз бу ерда уларга тегишли ахлоқий тушунчаларнинг номларинигина келтириш билан чегараланамиз. Дастлаб фарзандларимизда мужассамлишиши лозим бўлган хислатлар номларини келтириб ўтамиз.

I. ХИСЛАТЛАР:

1. Умумий хислатлар: Етуклик, ёқимлилик, жозибакорлик, жиддийлик, кўркамлилик, маданиятлилик, мустақиллик, салобатлилик, тарбияланганлик, улугсифатлилик, шоироналик, ҳурматга сазоворлик, ўзига хослилик ва ҳоказо.

2. Ишбилармонлик хислатлари: Аниқлик, баркамоллик, ишчанлик, инсофлилик, масъулиятлилик, малакалилик, меҳнатсеварлик, саранжом – саришталилик, серҳаракатлилик, тиришқоқлик, тадбиркорлик, тежамкорлик, таъмасизлик, таваккалчилик, уддабуронлик, ишчиллик ва ҳоказо.

3. Собитлик хислатлари: бир сўзда туришлик, барқарорлик, боширлик, довюрақлик, жиддийлик, интизомлилик, камсуқумлилик, масъулиятлилик, нафси тийишлик, сабрлилик, тезкорлик, ташаббускорлик, фаоллик, ўзини йўқотмаслик, ўзига талабчанлик, ўз – ўзини ирода этиш, катъиятлилик ва бошқалар.

4. Эҳтирослилик хислатлари: ифбатлилик, келажакка ишонч, кўтаринкилик, кек сақламаслик, кулиб турувчилик, нозик табиатлилик, олижаноблик, оташинлик, тантанаворлик, хушхулқлик, миждолатпаразлик, эзгулик, ҳазинлик ва ҳоказо.

II. ФАЗИЛАТЛАР:

1. Ахлоқий фазилатлар: болажонлик, боадаблилик, ватанпарварлик, дўстлик, диёнатлилик, жонкуярлик, инсонпарварлик, ифбатлилик, имонлилик, илтифотлилик, камтарлик, кечиримлилик, назокат, меҳрибонлик, меҳнатсеварлик, муътадиллик, меҳмондўстлик, одоблилик, одамийлик, самимийлилик, тўғрилиқ, тавозелик, фидокорлик, ҳушмуомалалик, ғамхўрлик, ҳалоллик, ҳаромдан ҳазар этишлик ва ҳ.к.

2. Зукколик, идроклилик фазилатлари: баъманилик, дадиллик, дилкашлик, донишмандлилик, заковатлилик, зеҳнлилик, зийраклилик, ишқибозлик, матонат, мулойимлик, нотиклик, омилкорлик, соғлом фикрлилик, сукутлилик, сезгирлик, саводхонлик, танқидийлик, топқирлик, хотиржамлик, қизиқувчанлик ва ҳоказо.

Онлада бола маънавий тарбиясига руҳий таъсирлар. Руҳий таъсир – бу ходисалар ёки жараёнлар асосида бола ички дунёсини кўзгатувчи воситадир. Бундаги ҳодиса ёки жараёнлар хилма – хил бўлиб, улар ўзаро алоқадорликда учрайди. Баъзан улар алоқадор бўлмаган ҳолларда тасодифийдир.

Руҳий таъсир бола тарбиясида уларнинг қизиқишларида яққол сезилади, чунки қизиқишлар, бола шахси атрофида руй бераётган бирча ходисалар, оламлар, уларнинг ўзаро муносабатлари, янгиликлар боразидаги маълумотлар мажмуини таҳлил қилиш имконини беради.

Шунинг билан бирга бу кизиқишлар бола шахсининг дунёқарашини ҳам кенгайиб боришга дидактик омил ҳам бўлиб боради. Бу болалар тасаввурини кенгайтиришга ҳам сезиларли ижобий таъсир кўрсатади, яъни уларда излаш, изланиш, хаёл суриш натижасида ҳис – туйғулар мажмуи пайдо бўлади. Бу эса бола тасаввурининг дастлабки босқичларидир. Ана шу даврларда оилада бола тарбиясининг шаклланишининг энг фаол даврларидан бири ҳамдир. Бу биз аҳамиятсиз деб ўйлаган айрим кичкина нарсалар кейинчалик ниҳоятда бошқариш қийин бўлган иллатга айланиб кетиши ҳеч гап эмас. Шу сабабли ҳам мазкур давр бола тарбиясида муҳим босқичдир. Бунда албатта бола тарбиясига оид таъсирчан воситаларни ўйлаб кўриш керак. Шу сабабли ҳам бир ота – она олдида ўз фарзандлари тарбиясида фаол тарғиботчи бўлмоғи лозим. Бунга сабаб ҳар қандай ота – она фарзандига қачон қандай гаплар ўқишлигини ёки қайсилари ёқмаслигини биледи, чунки ота – она фарзандини чақолоқлигидан тарбиялаб келади. Бу борада ота – оналарнинг оилада фарзандларни руҳий таъсирланишлари ҳам билиши муҳимдир. Бунда ота – она бир воқеани ёки бир далилни баён қилишда фарзандларидаги руҳий ўзгаришларга эътибор бериб бориш керак бўлади. Кузатишларнинг кўрсатишича, оилада бола тарбиясига ва уларнинг руҳий оламига аллалар, эртақлар, ҳикматлар, ҳикоятлар, ривоятлар каби миллий маънавий меросимиз кучлироқ таъсир қилар экан. Ана шу маънавий мерослардан фойдаланишда ота – оналарнинг холислик, ҳақиқат тамойиллари асосида фаолият юритиши оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда ва маънавий юксалишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Энди қуйида бола тарбиясига руҳий таъсир қилишида аллалар, эртақлар, ҳикматлар, ҳикоятлар ва ривоятлардан фойдаланишни кўриб чиқамиз.

1. Оилада болаларга алла воситасида маънавий тарбия бериш

Ҳар қандай ота-она ўз фарзандларини баркамол бўлиб яшашини хоҳлаши – бу исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқатдир, яъни аксиома. Бу аксиоманинг нечоғлик ҳаётда ижобат бўлиши оналаримизга боғлиқдир, чунки фарзанд дунёга келиши билан она бағрида шафқат ва меҳр - марҳамати ила «йўргакланади». Бунга сабаб оналаримизни Оллоҳ меҳрга тўла буюк қалб егаси қилиб яратган. Онанинг фарзандга нисбатан битмас –туганмас меҳри бўлганлиги сабабли ҳам онанинг фарзандига, фарзанднинг онасига мустаҳкам илоҳий ришталари бор. Ана шу ришталар сабаб она қалбидан фарзандларни илоҳий ҳис туйғулар ёғилади ва бу кўпинча алла воситасида амалга

оширилади. Мазкур фикримизнинг далил-исботи сифатида Жалолдин Румийнинг куйидаги фикрини келтиришни маъқул топдик: «Она ҳаққига диққатли бўл, уни бошинга кўтар. Зеро, оналар тўлғоқ машаққатини чекишни бўйинларига олмаганларида чақалоклар дунё келиши учун йўл тополмас эдилар».

Алла қайси миллат вакили бўлишидан қатъий назар ҳамма вақт фарзанд маънавий тарбиясида фойдаланиб келинган. Шунинг учун ҳам аллани ҳаммага ёқадиган кўшиқ дейилади.

Алла ҳаммаша қадимий ва навқурон кўшиқдир. Бу ҳақда машҳур шоир Расул Ҳамзатов «Оналар кўшиқлари инсоният кўшиқларининг ибтидосидир. Агар аллалар бўлмаганда эди, дунёда бошқа кўшиқлар ҳам бўлмас эди. Балки, ер юзида қувонч, бахт ва шеърят камрок бўлур эди», деб ёзган эди [9. 66 – б.].

Алла онанинг ўз фарзандини бир умр эзгуликка интиштирувчи, яъни руҳий далда берувчи нурли кўшиғидир- даватидир. Унда она ўзининг фарзандига нисбатан орзу-ҳавасларини, эзгу-ниятларини, меҳр-муҳаббатини баён этади. Шу сабабли ҳам миллий руҳнинг фарзанд қалбида барқарор таркиб топиши она алласига боғлиқдир.

Демак, оила маънавиятини оиладаги фарзандлар миллий имунитети ва халқимиз миллий менталитети асосида ташкил этишда оилада фарзанднинг биринчи эшитган ёқимли кўшиғи бўлмиш-алла воситасида шакллантиришнинг заминида инсоний миносабатлар ва килк маънавияти ётади.

«Биз оилани соғлом фикрли, ўз сўзига эга шахсларни камол тоштиришнинг дастлабки пиллапоёси деб биламиз. Ота-она, ака-опа ва оиланинг қолган барча аъзолари боланинг шахс сифатида камол топишида ўз тасирини кўрасатади. Кичик ижтимоий гуруҳнинг энг ёши аъзоси ҳам норасидалигидаёқ кўрган, эшитганларини ўз хотирасига жойлайди. Албатта, бу ҳолат гўёки тошга ўйилган нақшдек унинг онгида муҳрланиб қолади. Бу хотира унинг онгида сақланади ва уни ҳеч нарса билан олиб ташлаб бўлмайди. Демак, оила ҳар томонлама сайқал топган ибратга, маънавиятга ва ахлоққа эга бўлган аъзолардан таркиб топган бўлса, болада ҳам бу хислатлар шаклланиб боради» [35. 7 – 8 б.].

Аммо минг афсуслар бўлсинки ҳамма оилаларда соғлом оилавий муҳит мавжуд эмас. Айрим оилаларда отанинг диктаторлиги, оила аъзолари ўртасида қўпол муносабатлар (фақат буйруқ бериш, сўкиниш, ифво, фисқи-фасод, ёлғончилик, бадфеллик, такаббурлик, тамагарлик ва шу кабилар) мавжидлиги оиланинг таназзулини белгилайди ва натижа ҳам шунга ўхшаш бўлади. Бу ҳақда мухтарам

Президентимиз ўзининг «Юксак маънавият-енгилмас куч» асарида шундай дейди:» Оилада кўни-қўшниларни кўролмаслик, фиску-фасот, иғво муҳити хукмрон бўлса ҳеч шубҳасиз, уларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб бўлмайдиган оғир асорат қолдиради» [3. 54 – 6.]

Бу келтирилган икки манбадан ҳам кўриниб турибдики, оила, давлат, жамият муаммолари бир-бири билан чамбарчас боғланиб кетган ва боланинг маънавий тарбияси эса оиладан, яъни она алласидан бошланади.

Профессор О. Ҳасанбоевнинг ўз шогирдлари билан тайёрлаган «Миллий-маънавий қадриятлар ва комил инсон тарбияси» номли методик қўлланмасида оилада болаларни аллалар воситасида маънавий - ахлоқий тарбиялашда қуйидаги омиллар мавжудлигини қайд этадилар: **биринчидан**, оилада миллий тарбия тизими мавжуд; **иккинчидан**, болаларни аллалар воситасида маънавий - ахлоқий тарбиялашнинг анъанавий усуллари бор; **учинчидан**, она ўз алласи билан бола шахсига педагогик таъсир ўқатиш имкониятига ва шарт-шароитларига эга; **тўртинчидан**, бола тарбиясида оиланинг муҳум ўрин тутиши эътироф этилган [35. 9- 6.]

Халқимизда «эр савадхон бўлса оила савадхон бўлади, аёл савадхон бўлса, миллат савадхон бўлади деган нақл бор. Бунинг исботи азал-азалдан бизга маълум, яъни асрлар давомида оналаримиз ўз фарзандларига миллий - маъданий, миллий - маънавий қадриятларни аллалар воситасида сингдириб келмоқда. Бу ҳақда «Халқ педагогикаси» дан кўплаб маълумотлар топиш мумкин. Булар фарзандни онадан туғилганлигиданок унинг миллий руҳияти, имунитети, феъл-атвори ва дунёқарашини шакллантиришда беқиёс маънавий асосдир. Чунки, аллалар бола руҳиятига кучли таъсир этади, яъни уни овитади, тинчлантиради, нимагадир қизиқтиради, ухлатади ва шу қабилар.

«Гўдак 1-2 ёшга тўлганда уларда илк миллий – маънавий хусусиятларнинг нишонларини кўра бошлаймиз. Чунки, болада ҳосил бўлаётган, тўғрироғи, ота-оналар томонидан ўзлари ҳам билиб билмай шакллантираётган психологик, онг, тил, маънавият, дунёқараш бизнинг ҳоҳишимиздан ташқари ҳолатда миллийдир» [32. 26 – 6.]

Демак, оиладаги миллий - маънавий хусусиятлар бола руҳиятига у пайдо бўлгандаёқ сингиб боради ва мазкур жараён оила ижтимоий муҳитининг маънавий соғлом бўлишига ва «она – алла – бола» уйғунлигига ижобий таъсир этади. Демак, алла онанинг «она – алла –

бола» уйғунлигидаги ўз фарзанди билан руҳий яқинлиги бўлиб, унинг ушбу жараёнда бутун вужудидаги (қалбидаги) борлигини фарзандига аташ ҳолатидир. Оналаримизнинг фарзандлари учун жонини ҳам фидо қилишга ҳам тайёр. Шунингдек, ота - оналар ўз фарзандларини кўзимнинг нури, қалбим қуёши, деб суядилар. Бу ҳақда Эммануэл Кантнинг қуйидаги фикри ҳам ибратлидир: «**Фарзанд эртага эмас бугун, ҳозир бахтли эканлигини ҳис қилиш керак**». Умуман олганда оналар фарзандларини ўзининг буюк зебу-зийнати ҳам деб биладилар. Бу фикрларимизга далил - исбот сифатида қуйидаги ҳикоятни келтирамиз (Бундай далилларни жамият тарақиётининг барча даврларда ҳам топса бўлади): «Қадим замонда бир шаҳар бошлигининг хотини шаҳардаги мўътабар одамларнинг хотинларини зиёфатга даъват қилди. Меҳмонлар тайн этилган вақтда ташриф буюрдилар, ўриндиққа ўтириб, овқат келгунча ўзларининг қиммат баҳо кийимлари зирак, узук, зебугардон каби тақинчоқлар ҳақида сўз юритдилар, улар жуда қимматли зийнат асбобларига эга бўлишлари билан фахрландилар. Шу вақт содда кийим кийган зийнат асбобларини такмаган бир ёш хотин кириб келди. Бу хотин зиёфат эгасининг синглиси эди. Салом бериб меҳмонлар билан кўришди, кейин бўш бир ўриндиққа келиб ўтирди. Меҳмонлар бу хотин зиёфат эгасини синглиси эканлигини билмасаларда лекин унинг содда эканлиги, зебу-зийнат нарсаларини такмагани учун ҳайрон бўлиб ундан:

- Нега содда кийингансиз? Зирак, узук, зебугардон каби қимматли нарсаларингиз йўқми?- деб сўрадилар

У хотин:

- Менда сизларнинг қиммат баҳоли асбобларингиздан кўра қимматлироқ зебу-зийнатлар бор, -деди.

Меҳмонлар уларни кўришни истаган эди, у хотин ташқарига чиқиб бир ўғил, бир қиз, икки ёш болани етаклаб келди, уларни меҳмонларга кўрсатиб:

- Менинг жонимдан ҳам қимматли зебу-зийнатим мана шулардир. Бу дўндиқларимни отамнинг болалари ёнига қўйиб, сизларнинг ёнингизга киргандим. Айтингчи, ота-она учун фарзандидан ҳам қимматли нарсанинг бўлиши мумкинми? Сизларнинг зебу-зийнат деб ўйлаган нарсаларингиз фарзанд олдида ҳеч даражасига тушиб қолади. Келинг, ўйлаган пуч зийнатларингиз эмас сеvimли фарзандларингиз тарбиясига аҳамият беринг, сеvimли дўндиқларингизни одобли - ахлоқли, ғайратли, жасоратли этиб ўстиринг, суҳбатингиз, фикрингиз, зикрингиз мана шу тўғрида

бўлсин. Фарзанд – ота-она кўрки, зийнати, ҳамма зийнатларнинг зийнати, уни эсдан чиқарманг,-деди.

Бу оқил, доно хотиннинг ҳақоний сўзларидан меҳмон хотинлар таъсирланиб, сукут этиб ўйлаб қолдилар» [11. 44 – 45 б.].

Демак, оналарнинг ўз фарзанларини жони - дили деб билганлар ва калбидаги барча эзгу ниятларни алла орқали авлоддан- авлодга ўтказиб келмоқдалар. Юқорида таъкидлаганимиздек, диёримизда қадим-қадимдан бошлаб алла бола руҳиятини тарбиялашда таъсирчан восита бўлиб келган бўлса, у ҳозирда ҳам аҳамиятини йўқотган эмас. Бу бизнинг юртимизга давлат сиёсати даражасига кўтарилган ижтимоий-тарбиявий муомодир. Бу муоммоларга ечим излаш учун республикамизда «Оила» илмий - амалий марказ қшидаги «Алла уйи» лари ташкил етилди. Шахсан Юртбошимиз бу муаммога алоҳида эътибор бермоқда. Жумладан, Президентимиз И.Каримовнинг «Хафсизлик ва барқарорлик ва барқарор тараққиёт йулида» асарида «Она алласи фақат чақалоқнинг ором олиши учунгина айтилмайди, балки унинг воситасида боланинг кўнгил дунёсига миллий рух киради. Она тилидаги меҳр-муҳаббат, наслий туйғулар ва орзулар гўдакнинг жисму жонида илдиз қолдиради» [1].

Демак, она алласида нафақат болани ухлатиш, балки у болаларни руҳий ҳиссий, иродавий, маънавий - ахлоқий тарбиялашга, уларнинг илк нуткий кўникмаларини шакллантиришга, миллатнинг (оиланинг, халқнинг) турмуш тарзини баён қилишга, эзгу ғояларни маълум бир оҳанга солишга қаратилган фаолиятдир. Унинг воситасида болалар тинчлик ва хотиржамлик кайфиятда оромбахш этувчи ҳолатлар оғушида, руҳий жиҳатдан босиқлик каби ҳислатларга эга бўлиб ўсиб улғаяди. Бунда оналаримизнинг алланинг мазмун моҳият, унинг болага ғоявий, руҳий ва тарбиявий таъсирларини билиши ва баҳолай олиши ўта муҳимдир акс ҳолда оилада ёлғончи, кўпол муомалали, хасис, зикна каби иллатларга эга бўлган фарзандлар шаклланиб қолиши мумкин. Шу сабабли ҳам фарзанд-ларимизни инсонпарвар қилиб ўстириш керак. Чунки, инсонпарвар одамлар юртнинг тинчлигини, халқнинг фаровонлигининг ва осойишталигини, одамларнинг бахту – саодатини ўзининг бахту - саодати сифатида қабул этади. Улар жаҳолат, разолат, манқуртлик каби иллатлардан йирок бўлади.

Демак, аллалар болани эзгуликка йўналтирувчи илоҳий ва маънавий таъсир воситаси экан. Шу сабабли ҳам ҳар бир она, айниқса, ёш оналар ўз фарзандларини алла воситасида тарбиялашда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим бўлади:

Аллаларнинг миллий хусусиятларига. Бунда фарзандларни алла воситасида маънавий ахлоқий тарбиялаш, улар онги ва тафаккурига эзгулик туйғуларини сингдириш, улардаги ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғуларини шакллантириш, миллий гурурни юксалтиришга ҳамда миллий ва умуминсоний кадриятларга содикликни шакллантиришнинг дастлабки боскичларини шакллантиришга ҳаракат қилинади. Шунингдек, оила ҳар бир инсон учун дастлабки тарбия ўчоғи эканлигига эътиборни қаратган ҳолда айтиладиган аллалар фарзандни оилада амал қилинадиган интизомлилик, хушфёллилик, мулойимлик, миллий кадриятларга содиклик руҳида тарбиялашга қаратилган бўлиши керак.

Аллалар тарбия воситаси эканлигига. Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигини қўлга киритгач «Оиланинг соғлом муҳитга эгаллиги – жамиятнинг мустаҳкамлигига–давлатнинг қудратлилиги, яъни давлатнинг барқарорлигига олиб келади», деган тизим мамлакатимизда амалда ўз ифодасини топмоқда. Бу давлат сиёсати даражасидаги масала бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли бундай масалалар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ҳам оиланинг ижтимоий мақоми аниқлаб берилган, шу асосда оила, Фуқаролик Уй-жой кодекслари ва бошқа зарурий қонуний ҳужжатлар ҳам қабул қилинган. Шунингдек, Республика «Оила» илмий-амалий маркази, Республика Хотин-қизлар кўмитаси, Республика Байналминал маданият марказининг «Алла уйи» маданий- маърифий маркази ва шу қабилар ташкил этилди.

Демак, мамлакатимизда оила ва ундаги фарзандлар тарбияси учун тўлиқ ҳуқуқий пойдевор яратилган. Оила жамиятнинг бугуни ва келажаги негизи эканлигини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIV боб, 63-моддасида «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга», деб кўрсатган [4].

Демак, бу ҳужжат ва бу каби ҳужжатлар мамлакатимизда оммавий тарбиянинг нафақат алоҳида шахс, балки давлат ва жамият учун ҳам муҳим эканлигини яна бир бор таъкидлайди. Ҳеч шубҳасиз оилавий тарбиянинг дастлабки негизини аллалар ташкил этади, яъни оилада миллий - маънавий тарбия аллалар орқали бошланади.

«Алла халқ оғзаки ижодининг бола шахсида ота – онага, Ватанга, миллатга муҳаббат туйғусини энг дастлабки куртакларини шакллантирувчи воситаси сифатида майдонга келган. Алла воситасида бола миллий тил оҳангларига, бадий идрокка ўргатиб борилади» [20].

Демак, алла тарбия воситаси сифатида миллий-маънавий тарбиянинг катор йўналишларига самарали таъсир кўрсатади: **Биринчидан**, алла болага ўз она тилини танитади, **иккинчидан**, болага ўз она тилисининг ёрқин ва жозибадорлигини англатади, **учинчидан**, аллалар боланинг улуг авлодлар давомчиси эканлиги ва уларга ёш бўлишлигига ундайди, **тўртинчидан**, аллалар боланинг меҳр-шафқатли ва муҳаббатли бўлишига ундайди, **бешинчидан**, аллалар оилада ўзаро тотувлик, бир-бирини суяш, бир-бирини асраш каби қадриятларни бола онгида сингдиришни ҳам эътиборга олинади, **олтинчидан**, аллалар онанинг кўрган кечирганларидан озорланиши ва шу сабабли боласининг дилозор бўлмаслигини истаб айтайдиган қалб-дил сўзлари кўринишларида ҳам бўлади. Ушбу йўналишларни яна ҳам давом эттириш мумкин.

Демак, соғлом маънавий муҳитга ега бўламан деган ҳар қандай Она ўз алласида фарзанларини ҳар томонлама соғлом, маънавий-маърифий жиҳатидан етук қилиб тарбиялашда «Халқ педагогикаси» (оилавий ва миллий анъаналар, урф-одатлар маросимлар ва шу қабиларга оид) даги аллалардан кенг фойдаланиш зарур бўлади. Бу «Момо-бувилар – ёш оналар- турмуш остонасида турган қизлар-мактабгача таълим ходимлари» тизимида қатнашадиган одамларга бола ахлокий тарбиясида улкан масъулят юклайди. Бу уйғунлик оилада юксак маънавийли инсон тарбиясида асосий маънавий пойдевор бўлади.

Аллаларда маърифатпарварлик ғоялари мавжудлиги.

Маълумки, маънавий жиҳатдан соғлом оилавий муҳитда ўсиб, улғаядиган фарзандлар мустақиллигимизнинг мустақамланишида, Ватанимиз тараккиётида, юртимизда тинчликни барқарор қилишда фаол иштирокчи бўла олади. У бевосита оилада фарзанд пайдо бўлганидан бошлабқол аллалар воситасида онанинг ўз фарзандини маърифатли ва маънавийли бўлишини исташи билан боғлиқдир.

Демак, аллалар фақатгина болани ухлатиш воситаси бўлмасдан, балки, болага рамзий маънода маънавий оила дарси ҳам бўлмоғи лозим экан.

Улуғ педагог Абдулла Авлоний таъбири билан айтганда бола учун маънавий асос биринчи оила тарбияси ва ундаги она тарбиясидир.

Аллаларда умидбахш ғоялар мавжудлигига.

«Она алла айтаётган лаҳзада ички туғёнлари боис шоирга, бастакорга, ҳофизга, мусаввирга, тарбиячига айланадики, бу узвий кетма-кетлик шубҳасиз бола тарбиясида ахамиятлидир. Бундай

тарбиявий жиҳатдан юксак аллалар шак-шубҳасиз болаларнинг марифий, маънавий ва руҳий томонидан баркамол бўлиб улғайишига ҳисса қўшади. Халқда юракдан чиққан гап юракка етиб боради, деган нақл бор» [35. 51 б.]

Мамлакатимиздаги бағрикенг, марифатпарвар, оилапарвар, фарзандларининг буюк истикболининг, яъни баркамоллигини истовчи оналаримиз аллалари куйидаги йўналишларда дил изҳори сифатида баён этилмоқда:

-она ўз фарзандларига инсон фақат меҳнаткашлиги, ҳалоллиги, ростгўйлиги билан элга ёқишни таъкидлайди;

-она ўз фарзандларига тинчликни асраш, миллатлар, элатлар, қилқлар ўртасида ўзаро тотувлик, куда-андачилик, борди-келдининг мазмун-моҳиятини сингдиради;

-она фарзанди онгига яқин қариндошларини таништириш билан уларга меҳр-муҳаббат билан қарашни сингдиради;

-она ўз фарзандига ота қадри ва она муҳаббатининг мазмун - моҳиятини жойлайди;

- она ўз фарзандига аста-секинлик билан оилада ва тевақилроқдаги ноҳуш ҳолатларни ва улардан сақланишни таъкидлайди ва шу кабилар.

«Шахслараро муомалада ҳиссий муносабатлар юқори ўрин тутади. Она билан бола ўртасида ўзаро ҳиссий кўрик вазифасини ўтовчи аллаларнинг тарбиявий аҳамияти юқоридир. Машҳур чех олими И.Швейцар «Оиладаги яхши ёки ёмон муҳит, турли воқеа ва ҳодисалар, биз тушунмаган, англамаган аммо юрагимизга ваҳима солган кўрқув болалиқдан хотира бўлиб қолади. Хотиржам ва қувончли, ёхуд кўрқув, зўриқишдан иборат муҳит нафақат болада кучли таъсир қилади, балки унинг келажакда қандай инсон бўлиб шаклланишини белгилайди. Оила фақат ота – она ва болалардан иборат эмас. Бобо-буви ёки яқин қариндошларнинг ҳам бола тарбиясида таъсири бўлади. Бобо билан буви эса боланинг дунё қарашини ўсишида ёрдам беради, болаларни оиланинг ўз ички қизигидан олиб чиқади, катталар билан муомала маданиятини ўргатади» [31].

Бола маънавий–иммунологик тарбиясида эртақлардан фойдаланиш.

Маълумки, оила тарбиясининг асосий мақсадларидан бири оиладаги ота – оналарнинг ўз тасаввурига кўра, фарзандларида шакллантириши лозим бўлган маънавий – ахлоқий сифатларни қарор топтиришдан иборатдир. Бу мақсад ечимининг нечоғлик самарали

ҳал этилиши оиладаги ота – оналарнинг интеллектуал салоҳияти ва маънавий етуклигига боғлиқ бўлади. Шунинг билан бирга оила тарбияси самарадорлиги оиланинг ижтимоий мавқеи, маърифат даражаси, моддий имконияти, таянадиган маънавий кадриятлари тизимига боғлиқ бўлади. Шунингдек, оила тарбияси самарали бўлишининг яна бир жиҳати шундан иборатки, ҳар бир оилада ўрнатилган тургун анъаналар, урф – одатлар бўлиб, уларнинг ичида фарзанд тарбиясида халқ педагогикаси, халқ оғзаки ижоди намуналаридан фойдаланиш муҳим ўрин тутди. Чунки ёш болалар халқ оғзаки ижоди намуналари (эртақ, дoston, ҳикоят, ҳикмат, ривоятлар)ни тинглаганда, уларга амал қилиш ҳамда унинг қаҳрамонларига лойиқ бўлишга уринишади. Бу эса фарзандларда муайян эзгу – ниятли шахс сифатида шаклланишга ёрдам беради.

Демак, шахснинг баркамол бўлиб шаклланишида оила тарбияси ижтимоий тарбиянинг асосий пойдевори бўла олади.

Мазкур қисмда оилада болага МИТ беришда эртақлардан фойдаланиш ҳақида тўхталамиз.

«Эртақ – халқ оғзаки ижодининг асосий жанларидан бири; ҳикоя тарзидаги асар. Эртақ энг қадимий, оммавий ва кенг тарқалган жанр. Эртақ атамаси Маҳмуд Қашғарийнинг XI асрда ёзилган. «Девону луғатит турк» асарида «этуқ» шаклида учрайди. Юртимизнинг турли ҳудудларида эртақ халқ орасида матал, ушук, варсақи, чўпчак, ўтирик, тутал каби номлар билан ҳам аталади» [23. 494 – 6.].

Ўзбек халқ эртақларини шартли равишда уч йўналишга бўлиш мумкин. Улардан **биринчиси** – ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар. Уларга «Бўри билан тулки», «Чивинбой» каби эртақларни мисол қилиб олиш мумкин. **Иккинчиси** – сеҳрли эртақлар бўлиб, уларга «Ялмоғиз», «Семруғ», «Зумрад ва киммат» кабиларни мисол келтириш мумкин. **Учинчиси** – ҳаётий – маиший эртақлар бўлиб, уларга «Уч оға ни ботирлар», «Маликаи Ҳуснобод», «Аёз» кабиларни мисол қилиб олиш мумкин.

Оилада ота – оналарнинг ўз фарзандларига эртақ айтиб беришдан мақсади улар ўз фарзандларига ҳаёт ҳақида билим бериш, ўғит насихат қилиш, нутқ ўстириш, меҳру эътиборни амалда исботлаш орқали уларни эзгулик сари ундашдан иборат бўлмоғи лозим. Шунинг учун ҳам «эртақлар – эзгуликка етаклар» деган ибора кўп ишлатилади.

Болаларга руҳий таъсир қилишда эртақларни аҳамияти жуда катта, яъни эртақлар тинглаш орқали боланинг ҳис – туйғуси юксалади ва тасавури кенгайди. Эртақларни болаларнинг ноёб

ҳамроҳи дейиш мумкин, чунки улар орқали болалар дунёни билади ва англайди. Энг асосийси эртақлар орқали болалар нима яхши – ю, нима ёмон эканлигини, нима мумкин – у, нима мумкин эмаслигини англайди. Бу орқали зийрак болаларда адолатга ишониш, ёвузлик билан эзгуликни фарқлаш анча самарали кечади. Эртақлар орқали болалардаги дўстлик, ботирлик, мардлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, одамийлик, ҳаё, ифбат, андиша, ширин сўзлик, мурувватлилик, сахийлик каби ахлоқий фазилатлар элементларини шакллантириш мумкин. Эртақларни тинглаш орқали бу гўзал ахлоқий фазилатларга фарзандлар ҳавас қила бошлайди. Эртақларни фарзандларнинг ўзларига айтиб беришни машқ қилдириш ҳам ижобий тарбиявий самара беради.

Эртақлар ҳажми бола ёшига, айниқса, уларнинг дунёқарошига мос бўлиши керак. Эртақларни болалар ёшига қараб фақат расмли (бунда ота – она фарзандлар билан расмларни гапиртириш керак бўлади), кейин расмли сўзлар изоҳи билан (бунда ҳам ота – она бевосита фарзанди билан ишлайди) ва матнли расмлар билан ифодаланган эртақлар (бунда ота – она фақат кўрсатма беради) дан фойдаланган маъқул.

Ҳурматли ота – оналар фарзандларингизга эзгуликни тараннум этувчи эртақлар айтиб беришни одатий ҳолатга айлантириб олинг. Чунки, онги ва қалби эзгу – ниятлар билан йўғрилган кишидан ҳеч қачон ёмонлик чиқмайди ва ёмон одам ҳам бўлмайди.

Бола маънавий – иммунологик тарбиясида ҳикматлардан фойдаланиш.

Ҳикмат – у донишмандлар томонидан келажак авлодга қолдирилган маънавий мерос бўлиб, у ақл ва ҳақиқатга тўғри келадиган теран маъноли ақл – идрок ёки заковат маҳсулидир.

Ҳикмат – бу маънавият ва марифатнинг асоси бўлиб, унинг ёрдамида инсон дунёни билишга ҳаракат қила олади ва дунёни англашга интилади. Бунинг учун инсонда ақл – заковат бўлиш инсон қилаётган ишларининг мазмун – моҳиятини англайди, яхши билан ёмоннинг, эзгулик билан ёвузликнинг, инсофлилик билан инсофликнинг, дўст билан душманнинг фарқини англайди.

Ҳикматлар одамларни ҳаётда ўз ўрнини топишга ёрдам бера оладилар ва уларга риоя қиладиган одамлар қиладиган ишларни кенгашу – маслаҳат, ҳикоят – у, ривоятларни яна шундай гап ҳам борки, кенгашиш ақллиларнинг қўшилиши демакдир. Ақлли одамлар ишчилик бир ишни бошламоқчи бўлсалар, у иш ҳақида маслаҳатланиб яхши кикр юргизадилар, бошлаётган ишига мос ҳикматларни

ҳисобга олиб, ишнинг оқибатини ўйлаб фаолият юргизадилар. Бундай одамлар ҳаётида яхшилик, эзгуликка интилиш асосий мезон ҳисобланади. Бу эса инсон маънавий камолотининг асосини ташкил этади.

Ҳикоят – бадний адабиётида кичик эпик жанр, ҳаёт, ҳодисалари ихчам ифода этилган баъзан уйдирмалардан иборат бўлган кизиқарли воқеа ва ҳодисалар баёнидан иборатдир.

Ҳикоятнинг келиб чиқиши халқ оғзаки ижодининг афсона, эртак, латифа каби шаклларига бориб тақалади. Шарк адабиётида ҳам ғарб адабиётида ҳам ҳикоят қадим анъаналарига эга. Бирок у мустақил жанр сифатида фақат ёзма адабиётдагина шаклланган.

Демак, оилада бола МИТ оида ҳикоятлардан фойдаланишда бирон бир кўзланган максадимиз нуктаи назардан ҳикоят сўзлаб берамиз. Булар оилада кашандачиликка, ичкиликбозликка, кўпол муносабатларга қарши қаратилган ҳикоятлар бўлиши мумкин. Ота – она ҳикоятни ўз фарзандига руҳий, ҳиссий таъсир қиладиган қилиб баён қилиш керак ва ҳикоятнинг баъзи жойларида ота – она ролга кирса ҳам майли. Ҳикоятларни тинглаб фарзандлар эзгу – ниятлар қилса ҳурматли ота – она бунга бефарқ бўлманг. Бераётган тарбиянгиз натижасини башорат қилиб боринг. Тарбияда сабаб ва оқибат категориясининг уйғунликдаги ҳолати доимо эътиборингизда бўлсин [26. 22 б.].

Ривоят (араб. - ҳикоя қилмоқ) воқеа ва ҳодисаларни, инсон фаолиятини баъзан уйдурмалар воситасида, баъзан реал таъсирловчи оғзаки ҳикоя, фольклор жанри. Хажми 2 ёки 3 эпизоддан ташкил топади, анъанавий услубий шаклга эга бўлмайди. Одатда оддий бир ҳикоячи баёнидан бошланиб, оғиздан-оғизга ўтиш жараёнида эркин талқин қилинади.

Ривоят асосида воқелик ва тарихий шахс билан боғлиқ ҳодисалар ётади. ғоявий мазмунига кўра, тарихий ривоят ҳамда топоним ривоятлардир.

Тарихий ривоятда бирор шахс фаолияти ва халқ қаҳрамонлари билан боғлиқ ҳодисалар ҳикоя қилинади, аҳлок ва одобнинг идеал меъёрлари ташвиқ этилиб муайян ва фактлар ҳақида ахборот берилади. Бундай ривоятлар Навоий, Улуғбек, ибн Сино, Беруний, Машраб, Амир Темур, Султон Маҳмуд ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ воқеа ва ҳодисалар асосида ҳам яратилган.

Топоним ривоятларда шаҳар, қишлоқ, қўрғон, сарой, мақбаралар номи ҳамда уларнинг юзага келиш сабаблари билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинади.

Ривоятлар бизгача кўпроқ оғзаки, қисман ёзма шаклда етиб келган. Восифийнинг «Бадоеъ ул-воқоъ», Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» ва бошқалар асарларида ривоятларнинг қадимий намуналари келтирилган. Ўзбекистонда жуда кўп ривоятлар ёзиб олинган ва улар халқ тарихи ҳамда маданий эстетик қарашларни ўрганишда муҳим манбадир.

Ривоятлар бола тарбиясига, айниқса, уларнинг руҳиятига кучли таъсир қилади, яъни бола ривоятлардаги лутф ва назокат, ақл ва тадбир, ишқ ва вафо, яхшилик ва одамийлик каби ғояларни англаса, зулм ва зўрлик, ҳақсизлик ва адолатсизлик сингари иллатларга қарши курашади. Тарихий ривоятларда эса тарихий шахслар ҳақидаги сўнмас маълумотларга эга бўлади.

Ривоятлар ҳаётий воқеаларни ҳаётий уйдирмалар воситасида акс эттирувчи оғзаки ижод жанрларидан биридир. Ривоятлар тарихий воқеалар, кишилар турмуши, айрим шахслар билан боғлиқ, у ёки бу воқеа ҳақида хабар бериш ва уни тасдиқлаш вазифасини ўтайди. Тўмарис, Широқ, Алишер Навоий, Улуғбек, ибн Сино, Беруний, Машраб, Амир Темур, Султон Махмуд сингари халқ қаҳрамонлари билан боғлиқ бўлган воқеалар, ривоятларда акс эттириб, уларда ахлоқ – одоб меҳёрлари баён қилинади.

Ривоятлар халқ дилига жо бўлган адолатли раҳнамони ишташ, адолатсиз золимларни инкор этиш каби ғояларни бола онгига сингдириш йўллари очиқ чиқишни асос қилиб олади. Айрим ривоятлар у ёки бу жойни номи ёки бирор объект билан боғланган бўлиб, ҳикоя этилган воқеалар узок замонда юз берган бўлади. Ушбу ривоятлар асосида болада тарихимизнинг ўта бой ўтмишига нисбатан қизиқиш уйғотсак, бошқа тарафдан уларда маълум билим, тасаввур, тафаккур ва малакаларни янада бойитиб боришга имконият яратган бўламиз.

Умуман олганда, ривоятлар халқ тарихи, унинг эстетик қаҳрамонларини ўрганишда зарур бўлган оғзаки ижод жанри ҳисобланади [26. 22 – 24 б.].

Соғлом оила маънавиятининг бузғунчи ғояларга курашдаги ўрни. «Ижтимоий педагогикада «Ижтимоий роллар назарияси» бор. Шу назариядан ўзбек турмушига назар ташласак, унга кўра, ҳар бир одам муайян вазиятда муайян ролни бажаради. Масалан, дўконда харидор, тўй – маъракада меҳмон – мезбон, оилада ота – она ёки ўғил – қил ва бошқа хизматни бажарадилар. Ҳозирги миллат, ватан ҳимояси биздан оғоҳлик, курашчанликни кутмоқда. Демак, ҳар биримиз бу курашчанликни намоён қилишга тайёр бўлмоғимиз

керак. Бунга бизни мафкуравий тарбия махсус ўргатмоғи лозим. Айтайлик, ёшларимиз ўзларига «Дини исломни ўргатаман» деган кишининг асл ниятини биринчи мулокотдаёк билиб, унга нима дейиш, нима қилишнинг яхши машкидан ўтишлари керак. Яъни, «мафкураси мустаҳкам ўзбек» сифатидаги миллий вазифамизни аъло бажаришимиз душманнинг ниятларини, режаларини, дастрларини бузади. Умидсиз, ниятсиз, дастурсиз душман эса уйидан чикмайди. Бизга таҳдид солмайди. Бошка, мафкураси заиф, бирлашмаган миллатларни, мамлакатларни излайди [9. 96 б.].

Ана шу сабабли ҳам ҳозирги даврда оилаларимизда маънавий – ахлоқий қарашни аҳамияти янада ортмоқда. Бунга сабаб оилада фарзандларга нисбатан бўлаётган турлича муносабатлардир. Бунинг натижасида оилада тенг ҳуқуқлилиқ, эркин ҳатти – ҳаракат қилиш, ташаббускорлик ва фарзандлардаги одамовилиқ, тундлик, ичимдагини топ қабилда иш тутишлиқ каби иллатлар пайдо бўлиб қолмоқда, шунингдек, уларда ота – онага яқинлик, меҳр – муҳаббат ҳисси аста – секин йўқолаёпти. Булар эса ҳозирги глобаллашув даврида янада авж олаётган турли (терроризм, экстремизм, гиёҳвандлик, ОИТС, «Оммавий маданият ва эркинлик) таҳдидларнинг шум ниятларини амалга оширишга кўл келмоқда. Айниқса шундай хавф – хатарлар ва таҳдидлар бўлиб турган бир пайтда оилада фарзанд тарбияси энг оғир ва шарафли ҳамда мураккаб жараён дир. Ана шу жараённи олиб боришнинг оптимал вариантларини эгаллаган ота – онанинг фарзанд тарбиясига оид фаолияти самарали кечади. Бу орқали ота – онанинг орзу – умидлари анъана сифатида ибрат – намуна кўринишида авлоддан авлодга ўтиб келади. Бунга ҳар қандай эсли – ҳушли, маънавийли ва ақл – заковатли ота – она эришиш мумкин. Чунки, ҳеч ким ҳам ўз боласини ёмон бўлишини хоҳламайди. Ахир халқимизда «кўнғиз ҳам боласини оппоғим дейди», «Типротикон ҳам боласини юмшоғим дейди», деган нақллар бор-ку! Бундан ташқари ҳеч ким ҳам ўзини ахмоқ, деб ҳисобламайди. Бунга қуйидаги ҳолат орқали исбот топишимиз мумкин. «Айтишларича бир донишманд арик устига иккита кўприкни ёнма ён қурдирибди ва кўприк олдига минг кишини тўплаб, уларга «Ким ақлли бўлса, ўнг тарафдаги кўприкдан, ким ахмоқ бўлса, чап тарафдаги кўприкдан ўтсин», деб мурожаат қилибди. Натижа қуйидагича: Ҳеч ким «Ахмоқлар ўтсин», деган кўприкдан ўтмабди.

Демак, жамиятимизда ахмоқ одам ҳам, ёмон одам ҳам йўқ. Фақат уларнинг хоҳиш – истаклари яхши ёки ёмон ёки жамият манфаатига мос ёки жамият манфаатига зид бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам

оила педагогикаси зарур ва унда «Оила дарслари» керак ва бу орқали оила аъзоларимизнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга эришиш мумкин. Бу орқали эса оиладаги фарзандларимизни бугунги гоёларга қарши кураша оладиган қилиб тарбиялашимиз мумкин ва натижада улар ҳар қандай салбий таъсирлар ҳамда таҳдидларга қарши тура олади. Бу борада қуйидаги фикр аҳамиятлидир:

«Ёшларни бузғунчи гоёлардан ҳимоя қилишда оила педагогикаси ўз олдига қуйидаги вазифаларни қўяди;

- сиёсий, миллий мафкуравий қадриятларни ўғил – кизлар тафаккурига сингдиришнинг оилавий тарбия дастурини яратиш;

- ёш ота – оналарни мафкуравий тарбияга гоёвий ва услубий тайёргарликларини кучайтириш;

- оила педагогикасининг фалсафа, сиёсатшунослик, тарих, социология, ижтимоий психология, маънавият, ҳуқуқшунослик, миллий истиклол гоёси фанлари билан амалий ҳамкорлигига эришиш;

- оила тарбияси бўйича амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар мавзуларида миллий мафкуравий тарбия йўналишига асос солиниши;

- оилада мафкуравий тарбиянинг миллий ва умуминсоний ютуқларини умумлаштириш;

- маҳаллаларда мафкуравий тарбиянинг аниқ, мукамал, энг муҳим – амалий ижтимоий педагогик дастурини ишлаб чиқиб, ҳаётга тадбиқ қилиш керак.

Маълумки, ўзини «ҳамкор», «биродар», «ҳақиқий мусулмон», деб билган баъзи қора ниятли кучлар гўёки ўзларига «беғараз ёрдам» кўрсатмоқчи бўлдилар. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов «Биз дастлаб бу одамларни дин йўлига юрган, худо йўлида бизга холисона ёрдам бераётган кишилар, деб қабул қилдик. Аксарият одамларимиз уларга нафақат дастурхонини, балки бағрини ҳам кенг очди» деган эди.

Халқимизнинг соддалигидан фойдаланиб ўша «диндош» ва «миллатдош», «беғараз ёрдам» ниқоби остида гўр ёшларимиз онгини захарлаб ўз ғаразли мақсадларини амалга оширувчи куч сифатида шакллантиришга уриндилар. Улар ниятлари йўлида мачиту мадрасала куриб беришга тайёр эканликларини кўрсатиб, пуч ваъдалар эвазига ниқооди ожиз айрим ёшларни ўз томонларига оғдириб олишга уринишди [9. 97 – 98 б.].

Демак, фарзандларимизни ҳозирги глаббаллашув жараёни шундан билан келаётган бир пайтда биз уларни турли хил таҳдидлар ва салбий таъсирлардан сақлашнинг барча турларидан фойдалани-

шимиз лозим. Бунга асосларимиз бор. Уни биз куйидагича асослаймиз:


Биринчидан, ота – боболаримизнинг фарзандларини ва халқини ҳеч қачон ёвузлик кўлига топширганини, **иккинчидан**, бундан 3000 йил илгари шаклланган зардуштийлар таълимоти ва унга асосланган «Авесто» номли муқаддас китобда ҳам «Эзгу уй → Эзгу фикр → Эзгу амал» эзгулик тизимининг «Ёвуз ният → Ёвуз фикр → Ёвуз амал» ёвузлик устидан ғалабаси тараннум этилган, **учинчидан**, маданий ривожланишнинг «Илк Уйғониш даври»да ҳам эзгулик улуғланиб, одамлар ва халқлар маънавияти улуғланиб, инсонларни иймон – эътиқодли ҳамда инсоф – диёнатли бўлишга чақирган. Шунинг билан бирга босқинчилик ва ёвузлик қораланган, **тўртинчидан**, маданий ривожланишнинг «Сўнгги Уйғониш даври»да ҳам халқимизнинг руҳи ва қадриятлари улуғланган, инсон қадрига муносабат ўзгарди ва Соҳибқирон Амир Темурнинг асосий бошқарув тамойили бўлмиш соғлом маънавият маҳсули «Куч адолатда» номли дастурий – кўрсатмавий фикри ҳозирги миллий мафкурамиз таркибий қисмидан иборат бўлди. Улуғ бобомизнинг сай-ҳаракатлари туфайли ўша даврдаёқ мамлакат яхлитлиги ва халқлар бирлигини таъминлаш, марказлашган давлат барпо этиш халқимизнинг бунёдкорлигини дунёга тараннум қилишнинг ёрқин намунаси эди. Бунда илм – маърифат юксалди, қароқчиликка йўл қўйилмади, ўғрилиқка қарши курашилди, яъни «Амир Темур салтанати даврида, давлатнинг у бошидан бу бошигача бошида лаганда тилла тўлдириб олган кишининг лаганидан битта ҳам тилла қамаймаган». Маълумки, бундай ҳолатда ҳеч қандай салбий ва ғаразли кучлар ҳамда таҳдидлар Ватанимиз тақдирга ва халқимиз тинчлигига хавф сола олмайди. Ушбу жойда куйидаги хулосавий фикрни келтириб ўтишни лозим топдик: «Соҳибқирон Амир Темур ўз ҳикматларида ёшлар тарбиясида тўғри йўлни танлашга эътибор берган: «Фарзандларим! Миллатнинг дардларига дармон бўлмоқ вазифангиздир. Адолат ва озодлик дастурингиз, раҳбарингиз бўлсин. Орангизда **нифок тухумлари** экилмаслиги учун кўп диққат ва огоҳ бўлинг», дейди.

Ёки аёлларнинг оғир жисмоний ишлардан озод қилинганига эътибор беринг. Айтайлик, ёрдамчиси йўқ бирон аёл сув оладиган челақни дарвоза ташқарисига чиқариб қўйса, шу жойдан ўтган мўмин – мусулмонлар челақни олиб, унга сув тўлдириб шу жойга қўйиб кетишар эди. Дўконларга бақоллар умуман қулф осишмасди. Буларнинг ҳаммаси ўша замонда ҳаёт иймон ва эътиқод, инсоф ва диёнат талаблари билан **бошқарилганлигини**, одамлар ана шу юксак

туйғлар билан яшаганини кўрсатади [9. 98 б.]. Бешинчидан жади́дчи́лик ҳаракати даврида ҳам халқимизнинг азал – азалдан тани – жони ва қони – иймони маърифат билан йўғрилганлигини кўрсата олди. Жади́дчи́лик фаолиятининг ўзи ҳам маърифатчиликни ёркин намунаси эди. Бу ерда жади́дчи́лик ҳаракатининг фаол намоёндаларидан бирининг куйидаги фикрини келтириш ўринли деб ўйлаймиз: «Улуғ Чўлпон 1914 йили ёзган бир мақоласида «Овропанинг мўйдасидан, шишасидан, бузруқ ахлокидан сақланинг. Онларга бу жиҳатдан таклид этманг. Овропанинг мўйдаси, шишаси ва бузруқ ахлоқи сизларни хонавайрон, беватан, аср, кул қиладур», деб ёзган эди [10]. Абдулҳамид Чўлпоннинг бу фикри орқали Жади́дчи́лик ҳаракати намоёндаларининг фарзандларимиз маънавий – иммунологик тарбиясига нечоғлик эътибор берганлигидан далолатдир. Олтинчидан, ҳозирги глобаллашув даврига эътибор берадиган бўлсак, ёшлар маънавий тарбияси, хусусан, уларнинг маънавий – иммунологик тарбияси ҳар қачонгидан ҳам долзарб муаммога айланмоқда. Бунга сабаб ҳозирда ахборот алмашинувининг чегара билмаслиги ва ИНТЕРНЕТнинг глобал тармоғидан керакли ёки кераксиз маълумотларнинг кўплаб ёйилиши ёшлар онгини заҳарлашга маълум даражада сабаб бўлмоқда. Ушбу жараённи муҳтарам Президентимиз И.А.Каримов таъбири билан айтганда ҳозирги пайтдаги мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам хавфлироқдир.

Шу сабабли ҳам фарзандларимизни миллий мафкура руҳида тарбиялашда оиладаги соғлом маънавий муҳит муҳим асос бўлиб ҳисобланади ва оиланинг муқаддаслиги, оилада ота – она ҳамда фарзанднинг бурчи ва вазифаси ҳамда масъулияти, шунингдек, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари унинг асосий пойдеворидир. Бунинг учун эса ота – оналар аклий, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбияланган бўлмоғи лозим. Ана шундагина ота – она ўз оиласида бузғунчи гоёлар элементлари (ота – она ўртасидаги салбий муносабатлар: уруш – жанжал; ажралиш; мол талашиш; обрў талашиш; сўқиниш; ичимликка ружу кўйиш; кашандачилик ва ҳ.к.) бўлишига ҳам йўл кўймайди. Агар йўл кўйилса бузғунчи гоё элементлари (айрим болалар отасига қўл кўтаради, бирлашиб сўқишади ва ичишади ҳамда чекишади, отасини ўз уйдан ҳайдаб чиқариб қариялар уйига олиб бориб ташлайди ва шу қабилар) оилада авж ола бошлайди. Бундай ҳоларда оилада аклий, ахлоқий ва эстетик жиҳатдан тарбияланган ота – оналар ўз фарзандларини Ватанга садоқат, халқига ғамхўр қилиб тарбиялашга ҳаракат қилиш лозим

бўлади. Бу борадаги тарбиянинг турли методлар ва усуллари мавжуд. Улардан оиладаги фарзанд тарбиясига қайсилари мослигини танлаш ота – онанинг интеллектуал ва маънавияти салоҳиятига боғлиқ бўлади. Шунга кўра бу борадаги методлар ва усулларни қуйидагича ифодалашни лозим топдик (1.4.1-шакл).



1.4.1-шакл. Оилада бола тарбияси метод ва усуллари.

Булар ёрдамида фарзандларни бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиб, уларни баркамол шахс бўлиб етишишига ёрдам бериш мумкин.

II БОБ. ОИЛАДА БОЛАГА МАЪНАВИЙ – ИММУНОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШ

2.1. Болага маънавий – иммунологик тарбия бериш омилларининг ташкилий тузилмаси

Тарбия, бола тарбияси, шахс тарбияси деймиз – у, аммо унинг психологик мураккаб ва кўп қиррали динамик жараён эканлигини кўп ҳам ўйлаб кўравермаймиз. Аслида ҳаётда энг муҳим ва мураккаб муаммо ҳам бола тарбияси жараёни ва уни бошқаришдир. Шунинг учун ҳам донишмандларимиз бола тарбиясини Она қорнидаёқ бошлаш керак деб уқтирадилар. Бу айти ҳақиқат. Зеро соғлом онадан соғлом бола туғилади ва демак болангизнинг онаси соғлиги ҳам муҳимдир.

Болангиз ёки неварангиз яхши тарбияланган бўлсин десангиз, иншоо, ўзингиз шунга муносиб бўлинг. Чунки, ибрат – намуна бола тарбиясида бебаҳо «Маънавий хазина». Сиз зурриёдингизга яхши тарбия бера олсангиз улар сизга ихлос қилиб изингизга ўз оёқларини босиб юриб, сизнинг бош кийимларингизни кийиб, Сизнинг ҳаракатларингизга тақлид қилиб боради ва табиийки Сиздаги болангизга қолдирган мерос аста – секин унинг вужудини эгаллаб бораверади. Шу сабабли бўлса керак халқимизда

**Ёмондан яхши чиқди, деб қувонма,
Яхшидан ёмон чиқди, деб куйинма!**

деган қимматли фикр аҳён – аҳёнда истеъмолда фойдаланиб келинади.

Демак, оиланинг ва жамиятнинг орзу – умидларини қуйиндигича ифодаласак мақсадга мувофиқ бўлади: Яхши одамлардан яхши фарзандлар юрсин, фақатгина сиз бунга муносиб бўлинг! Бунга муносиб бўлишга қатор омишлар мавжуд ва улар турли – тумандир.

Оилада болага маънавий тарбия беришда ўзига хос омишлар мавжуд. Бу борада юкорида таъкидлаганимиздек, бола тарбиясида ота


– она ибрати асосий ўринлардан бирини эгаллайди. Бунга сабаб бола тарбиясида ота – она ибрати бир умрга татигуликдир. Ота – онанинг оилада ўз ўрнини билиши ва бунда ўзларини тутишлари фарзандлари учун андоза бўла олишлиги бола тарбиясида ўта муҳимдир, чунки фарзанд дастлабки таассуротларни ота – онасидан олади ва уларга таклид қилишни фарзандлар жудаям ёқтиради. Шу сабабли ҳам бу борада бобо ва момолар ҳамда ота – оналар ўз фарзандлари тарбиясида ибрат – намуна бўлсалар улар оилада фарзандлар тарбиясида фундаментал асос яратган бўлади. Бу ота – боболаримиздан авлоддан – авлодга ўтиб келаётган «Олманинг тагида олма ётади» ёки «Дарахтнинг меваси ўзидан узокка тушмайди» каби нақлларнинг исботини таъминлайди.

Демак, фарзандларимизнинг баркамол шахс бўлиши учун биз ота – оналар ибрат – намуна кўрсата олишимиз ва бу борада бола тарбиясига тегишли маълумотларни мукамал ўрганиб чиқиб, ундан тарбия жараёнида самарали фойдаланиш лозим экан. Бу ҳозирги кундаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлмиш, баркамол авлодни шакллантириш муаммосининг ечимларидан бири бўлиб ҳам ҳисобланади.

Мазкур йўналишда олиб борган изланишларимиз, хусусан, оилада болага маънавий – иммунологик тарбия бериш муаммоси ечимларини топиш борасидаги изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича, мазкур муаммо оптимал ечимини топиш учун ушбу жараёнга тегишли **омиллар, воситалар, талаблар, тамойиллар** ва улардан амалий фаолиятда фойдаланиш **йўналишлари, йўллари, шакллари, усулларини** тадқиқ этиш лозим экан.

Оилада болага маънавий – иммунологик тарбия бериш омилларини қуйидагидек ифодаладик (2.1.1. - шакл).

Энди кейинги қисмларда шаклда кўрсатилган оилада болага маънавий – иммунологик тарбия беришнинг омиллари ва уларнинг ташкил этувчилари ҳақида қисқача тўхталамиз. Шаклдаги «Оилавий муҳит» ва «Оилада бола тарбиясига оид руҳий таъсирлар»га тегишли маълумотлар 1.3. ва 1.4. параграфларда берилган.



2.1.1 – shakl. Bolaga ma'naviy – immunologik tarbiya berish omillarininng tashkiliy tuzilmasi.

2.2. Oilada bola tarbiyasiga oid munosabatlar

Milliy mentalitetimizga xos xususiyatlardan biri oilani muqaddas deb bилишdir, chunki busiz Ўзбек oilalari mustaqkam va muqaddas бўла олмайди. Шунинг учун ҳам халкимиз оила аъзолари ўртасидаги муносабатларга, эътибор бериб, оила куришда унинг мустақкамлигига, фарвонлиги, барқарорлиги ва истикболли бўла олишлигига алоҳида эътибор берган, тузилган oilаниннг ўз миллатига, аجدод – авлодларига ва жамият олдидаги энг муқаддас бурчларини англай олишлиги асосий эътиборда бўлган.

«Оила, эр – хотин муносабатлари қадимги қўлёмаларда, жумладан, «Авесто»да ҳам етарлича ўз ифодасини топган бўлиб, бунда барчаниннг оила ва oilaviy муносабатларига оид қоидаларга rioya қилиши лозимлиги таъкидланган. Асарда эр – хотинниннг вафо

ва садокати юксак баҳоланиб, уларнинг бир – бирларига ғамхўр ва меҳрибон бўлишларига эътибор қаратилган. Диққатга сазовор жиҳати шундаки, аёлнинг ҳақ – ҳуқуқини ҳимоя қилиш ўша даврда ҳам қонун даражасига кўтарилган» [34. 8 – б.].

Демак, оила ҳар қандай жамиятда ҳам ўз ўрни ва мавқеига эга бўлиб келган. Хоҳ у диний томондан бўлсин, хоҳ давлат идоралари томонидан бўлсин ҳаммасига оила тузилиши ва унинг истикболлиги муҳим аҳамият касб этган. Бу борада оила тузилишида қизнинг турмушга чиқишни хоҳлаши, йигитнинг уйланишни хоҳлаши ҳамда уларнинг дил изҳорлари, яъни розилиги, улар аҳдининг ота – оналар ва қариндош – уруғлар гувоҳлигида никоҳланиши (диний томондан тасдиқланиши – динда оила ва никоҳ муқаддас, деб уқтирилади) ва ниҳоят ушбу аҳднинг давлат идоралари томонидан расмийлаштирилиши мамлакатимизда яна битта кичкина оила – «кўрғон» ташкил этилганлигидан далолатдир.

Ушбу оила аъзолари (эр - хотин)нинг истикболли режалари, яъни орзу – истак ва эзгу – ниятлари туфайли оилада фарзандлар пайдо бўлади.

Табийки ҳар қандай оилада ҳам хоҳ индивидуал тарзда бўлсин, хоҳ ижтимоий ҳолатда бўлсин ўзига яраша ютуқлар ва камчиликлар (баъзида муаммолар) пайдо бўла бошлайди. Улар тахминан қуйидаги кўринишларда учраши мумкин:

- оилада хўжайинликни (гегемонликни) қўлга киритиш масаласи. Бу оила тузилган пайтларда сезилиб қолади. Бунга сабаб оилада эр – хотинига мен сенга эрман, нима десам – дерман, деса оилада аёл – мен устунман, ҳамманг менинг атрофимда айланасан ва ҳоказо кўринишдаги гаплар;
- оиланинг иқтисодий қудрати учун ким кўпроқ хизмат қилмоқда;
- кимнинг ота – онаси оила мустақкамлиги учун кўпроқ ҳисса қўшмоқда ва бу оилада қандай талқин қилинмоқда;
- тузилган оила ота – оналарига, қайинота – қайиноналарига, ака – укаларига, опа – сингилларига қандай эътибор (иқтисодий ва маънавий жиҳатдан) беришлигидаги нисбат қандай бўлмоқда;
- фарзандлар тарбиясидаги масъулият, бунда эркакнинг ва аёлнинг ўрни қандай бўлиши керак?;
- фарзандларга исм қўйишда кимнинг айтгани амалга ошиши. Аслида фарзандга исм қўйишнинг ўзига хос қонун – қоидалари бор;
- фарзандларни маънавий, касбий ва интеллектуал жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш. Бунда ҳар қандай ота – она учун қобил фарзанд ўстириш – бу буюк бахт эканлиги эсдан чиқмаслиги керак;

- фарзандларни мустакил ҳаётга тайёрлаш ва уларни калдирғоч боласини учирма қилгандек жамият тараққиётига фойдаси тегадиган қилиб учирма қилиш ва шу қабилар.

Ана шулар оила қудратини белгилашда асосий кўрсаткичлар бўлиб, улар оилани ибрат – намуна вилиб кўрсатишга ҳам муҳим асосдир. Бундай оилани мустаҳкам оила дейиш мумкин. Унда эркак оила кўрикчиси ва ҳимоячиси, аёл тартиб – интизом, тозаллик – ҳалоллик ва оила маънавий муҳити фидойиси бўлса, ундай оила элнинг эъзозидан халқнинг эътиборидан тушмайдиган буюк кўрғондир.

Оиладаги хоҳ эр бўлсин, хоҳ аёл менинг айтганим бўлади, ҳамманинг менинг айтганимни қиласан, деган ҳуқуқий фикри «буюк кўрғон»га дарс кетишига сабаб бўлади. Буни қиёсий маънода икки томоннинг арқон тортишишига ўхшатиш мумкин. Бунда икки ҳолат юз бериши мумкин. Ундаги биринчи ҳолат: икки томон ҳам арқонни бор кучи билан тортаверса ахирги арқон узилади – бу оиланинг бузилиш ҳолатидир. Иккинчи ҳолат – тортилаётган арқоннинг бир томонини озгина бўш қўйилса, арқон узилмасдан қолади. Бу арқонни бўш қўйган томон (хоҳ эр бўлсин, хоҳ аёл) ютдирди дегани эмас, балки оилани фалокатдан (жарга қулашидан) сақлаб қолган, яъни савобли иш қилган, оилани мукаддас деб билган, оила келажагини ва фарзандлар тақдирини ўйлаган томондир.

Оилада оила бошлиқлари томонидан оила аъзоларининг ижобий ишларини таъкидлаб бориши ҳам бир рағбатдир. Бу уларнинг яна ҳам энг ушбу ишларни қилишга ундайди, чунки кунлар ўтаверади, ким ундан орқада қолса, демакки, у ҳаётдан орқада қолибди, яъни у яхши (мазмунли) яшамаяпти.

Демак, оиланинг буюк кўрғон бўлишига оила аъзоларининг барчаси баб – баравар масъул. Оилада умумий фикрни эълон қилишда оила аъзоларининг фикрларини албатта эътиборга олиш керак. Ана шундай оилаларда ота – оналар пировард натижада давранинг тўридан жой оладиган, акс ҳолда давранинг тўғри йўғиҳига тушиб қоладиган бўлади.

Буларнинг ҳаммасида жамиятда оила ва оила аъзолари ўртасидаги муносабатлар ҳукм суради. Қуйидаги бундай муносабатлар ҳақида қисқача маълумот берамиз.

Оилада боланинг қандай тарбия топиши ота – она ибратига боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. Оиладаги оилавий муносабатлар эр – хотиннинг умумтаълим даражаси (интеллектуал салоҳияти ва маънавий дунёқараш кенглиги), умуммаданий савияси, ўз фарзандларига тарбия бера олишлик билим ва кўникмаларига боғлиқлиги, оилада соғлом турмуш тарзини шакллантира олишликларига

кўп жихатдан боғлиқ бўлади. Бунда албатта ота – оналар болаларни севиш ва ардоқлаш ҳамда уларнинг соғлиқларига ғамхўрлик қилиш, шунинг билан бирга уларнинг шахсиятини ҳурмат қилиш ва ҳеч қачон уларга нисбатан кўполлик қилмаслик керак ва энг асосийси ота – оналар бу борадаги ўз фарзандларига қиладиган сай – ҳаракатларини талабчанлик, яъни адолатли қаттиққўллик билан кўшиб олиб бориш лозим бўлади.

Бу борада ота – боболаримиздан бизгача бой маънавий мерос қолган. Улар:

- чиройли ва рамзий маънога эга бўлган урф – одатлар (она қорнида бола пайдо бўлиши билан унинг тўғри ўниб – ўсишига қайғуриш, исм танлаш, бешикка белаш, мучал тўйи қилиш, суннат тўйи қилиш, она алласи);

- оилада болани инсонпарварлик руҳида тарбиялаш (ота – она ўғитлари, панд – насиҳатлари, туғилган кунларни нишонлаш, қариндош – уруғлар ҳолидан хабар олиш, ҳикматли сўзлар, халқ мақоллари, эртак ва маталлар);

- оилада болани ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

- оилада болани миллий муносабатларимизга содиқ қилиб тарбиялаш (саломлашиш, катталарни ҳурмат қилиш, кичикларга меҳрибонлик кўрсатиш, мискинларга мурувват кўрсатиш, дастурхон атрофида ўтириш (бунда кўпинча панд – насиҳатлар қилиш эътиборга олинади), нима ёмону – нима яхшилигини тушунтириш, дастурхон атрофида ўтирган ҳар бир оила аъзоси ўз жойини онгли равишда билиши.

Ота – боболаримиздан қолган бу каби маънавий мерос номлари каторини яна ҳам давом эттириш мумкин. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, ота – оналар бу меросдан самарали фойдаланиш учун уларнинг ўзлари миллий урф – одатларимиз ва анъаналаримизни етарлича англаб етган бўлмоғи лозим ва бунда улар қайси анъана ва урф – одатлар қандай мақсад учун хизмат қилишларини чуқур билишлари лозим.

Демак, тарбия деганда ота – она ўз фарзандларида ўз изларини қолдириш тушунилар экан, чунки оила – тарбия масканидир ва бу муқаддас макон. Шу сабабли ҳам ўзбек оилаларида маънавият ўзбек халқининг миллий ғурури ҳамдир. Бу борада миллий менталитет миллатни салбий оқибатлардан холос қилса, миллий иммунитет эса халқни бало – қазолардан асрайди. Бу ҳақда «Ҳадис»да ҳам «Ота – она ўз боласига гўзал одобдан афзал нарса бера олмайди», дегани ҳам

айни ҳақиқатдир. Энди қуйида одоблар ҳақидаги маълумотларни келтирамиз.

Оилада саломлашиш одоби. «Одоб нима? Одоб инсон камолотининг дастлабки омили бўлиб, у ақл буюрган равишда ҳаракат қилиш, ярамас ишлардан, ёмон сўзлардан ўзини сақлашдир. Кишилар қадимдан ёш авлодни одоб қоидаларига ўргатиб, гўзаллик, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги тушунчаларни болаларга жуда эрта сингдириб боришган. ... Одоб нмадан бошланади? Ота – она ўз фарзандида миллий одоб – ахлоқ фазилатларини тарбиялашлари лозим. Аввал саломлашиш, кўришиши, кейин сўз бошлаш, яхши ва ёмон деб баҳоланувчи хулқ меъёрларини билиш, барчани сизлаш, узидан катта – кичикни иззатлаш, ўртоқлик, дўстлик бурчига садокат сақлаш, ота – она, қариндош – уруф, устозларни эъзозлаш, улар билан муносабатда беодобликка йўл қўймаслик қабиладарни ўргатишни мактабгача ёшдаги болалардан (оиладан – ТИХ.) бошламоқ лозим» [34. 223 – 224 – б.].

Демак, оилада бола тарбиясида «Саломлашиш → кўришиш → сўрашиш» тизимининг аҳамияти катта бўлиб, оилада бола онгига «Зўр» ёки «Яхши» ёки «Ёмон» қаби сифатларни сингдириш жараёнининг дастлабки босқичи ҳамдир. «Ассалому алайкум» сўзининг мазмун – моҳиятини фарзандлар онгига чуқур сингдириш муҳим аҳамият касб этади. Бунга сабаб бу саломнинг таржимаси ва мазмун – моҳияти орқали, яъни «Сизга сизга сизга – саломатлик, тинчлик, омонлик тилайман», дейиш орқали икки ўртада дўстона муҳит шакллана бошлайди.

«Саломлашиш → кўришиш → сўрашиш» тизимини болани ёшлигиданок амалга оширишга уринавериш керак ва бу бола 2-3 ёшлигида одат тусига кириш керак. Бундай жараёни амалга оширишдаги бола ҳақти – ҳаракатига ҳам эътибор берилишини ўргатиш бола тарбиясидаги асосий жиҳатлардан бири. Бунда салом бераётганда одоб сақланиши; салом бераётганда қўллар кўкракка қўйилиши; салом бераётганда одамнинг юзига қараб салом берилиши (Ассалому алайкум бобо, ассалому алайкум она, ассалому алайкум дада, ассалому алайкум ая ва ҳ.к.); мулойимлик билан салом бериши; одамларга нардан – бери зўрға салом бериш хунук ҳолат эканлигини билиши; нотаниш кишилар бўлса ҳам салом бериш лозимлиги ва шу қабиладар.

Кейин кўришишига ўтиши ва ундан кейин сўрашишга ўтилади. Бу тизимда учала ижобий жиҳатларни муҳим асослари ва қоидалари

бор. Ушбу жараённи амалга оширишда «Меҳр кўзда», деган наклини эздан чиқарманг.

Оилада саломлишишга тахминан куйидагидай талабларни кўйиш мумкин, деб ҳисоблаймиз:

1. Ким олдин салом беради? Деган саволга асосли ва мукаммал жавоб топинг. Бунда «Ҳадис»дан «Ким Аллоҳдан кўпроқ умидвор бўлса, уша олдин салом беради», деган фикрни ёки Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфнинг «Пайғамбаримиздан «Қайси амал энг яхши амалдир?» деб сўралганда, у зот: «Таниган ва танимаган одамингга таом ва салом бермоғинг», деб жавоб берганлар» деган наклига амал қилишни ва ёши каттага ёши кичикроғи, кўпчилик ўтирган хонадонга қирувчи киши, шогирд устозга, фарзанд ота – онага, кичик фарзанд катта фарзандлар каби одамийлик тамойилларини эътиборга олган ҳолда жавоб бериш мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Икки ёки ундан ортиқ гаплашиб ўтирганда уларнинг суҳбатини бўлиб салом бериш нажоиздир. Аммо бу жамоага нисбатан тавозе билдириб, уларга илиқ муносабатда эканлигини билдирувчи имо – ишора қилинса бўлади. Ёки суҳбат пайтида пауза бўлишини кутиш ҳам салом беришга имкониятни қидиришнинг бир туридир.

3. Овқатланиб ўтирган кишиларга салом бериш мумкин. Аммо кўл бериб кўришиб улардаги одатдан ташқари ҳолатни пайдо қилиш одобдан эмас.

4. Дастурхон атрофида ўтиришга кириб келишдан олдин салом бериб кейин ўтириш керак ва бу ҳам одобнинг бир тури, унга амал қилиш ҳам маънавиятга, ҳам одобга киради.

5. Ота – оналар, яқин қариндошлар, кадрдон дўсти – биродорлар билан саломлашиш ва кўришишдан қучоқ очиб кўришиш мақсадга мувофиқ бўлади ва бу орқали ўзаро меҳр – муҳаббат борлиги сезилади.

6. Бошқа таниш ёки нотаниш одамларга салом бериш керак. Буни фарзандларингиз «салом Худонинг қарзи» деб билишлари керак. Аммо кўришиш масаласига келганда бу бошқа ҳолат. Бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

7. Фарзандларимизга сўрашишни ўргатаётганда сўрашаётган одамингизнинг ўзининг ҳозирги аҳволи, яқинларининг соғлиги ва тинчлигини тилга олиб ўтиш ва илоҳим улар ҳам тинч, соғ, хотиржам ва осойишта ҳаётнинг эгаси бўлсинлар, деган сўзлар билан яқунланса нур устига аъло нур бўлар эди.

8. Фарзандларингизда сўрашаётган «Хўп бўлади», «Илоҳим соғ бўлинг», «Аллоҳ қўлласин», «Аллоҳ рози бўлсин», «Раҳмат»,

«Марҳамат», «Хуш келибсиз», «Лаббай», «Сизни кўрганимдан хурсандман», «Омад Сизга ёр бўлсин» каби илиқ фикрлардан фойдаланишга одатлантиринг. Буни оилангизда болангизнинг жуда ёшлик чоғиданок ўзингиз билан машқ (тренировка) қилдиригинг.

Кийиниш одоби. Оилада ота-оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги масъулияти фарзандларнинг бўш вақтидаги машғулоти, нима билан шуғулланишини, оила аъзолари, кўни-кўшнилар ҳамда қариндош-уруғлар билан муносабатини ва албатта кийинишини назорат қилишда яққол сезилади. Айниқса, ота-онанинг фарзанднинг ёшлигиданок кийинишга эътибор берилиши фарзанд тарбиясида муҳим жиҳатдир. Бунга сабаб фарзандларингизга чиройли, ўзига ярашадиган, бачкана бўлмаган кийиниши уларнинг ички ва ташқи гўзаллигининг уйғунлигини таъминлашда муҳим асосдир ва бу орқали фарзандингиз тарбиясининг кейинги босқичларида ҳам асосий пойдеворлардан бирини таъминлайди. Шу сабабли фарзандларингиз кийинишига мунтазам равишда эътибор бериб боринг. Фарзандингиз сиз маъқул кўрган кийимларни кийиб бошлайди. Фарзандларингизни кийинтиришда тартиблилик, покизалик, соддаликка, ярашишига синчковлик билан эътибор қилинг. Фарзандингизни кийинтиришда рўмолчани қандай жойлаштириш ва ундан қандай фойдаланиш кераклигини қайта-қайта ўқтиринг. Умуман олганда, фарзандингизнинг уйқудан туриб, юз-кўлини ювиб, нонушта қилиб бўлгандан кейин уни кийинтириш иш кунингизнинг асосий бир таркибий қисми бўлсин. Ҳар куни фарзандингиз кийинишига бир назар солиб кўйинг, бунда фарзандингиз ахлоқий, қолаверса маънавиятига салбий таъсир қилувчи ҳолатлар (кийимлардаги расмлар, бадандаги очикликлар ва ҳ.к.) бўлмаслигига аълоҳида эътибор қаратинг. Фарзандларингизга доимий ва байрамлар ҳамда бошқа тантаналарда кийиниши мумкин бўлган кийимларини фарқлашни ўргатинг. Энг асосийси фарзандларингизнинг кийими қулай, эркин ва осойишта ҳаракат қилишга имконият берадиган бўлсин.

Ҳурматли ота-оналар унутмаслик керакки, донишмандларимизнинг нақл қилишича одам учун ярашадиган кийимлар ичида энг улуғи бу ахлоқ кийимидир. Киши киёфасини безайтадиган, унинг ҳуснига – ҳусн кўшадиган бундан ортик гўзал кийимни топиш кийин ва бу ўз навбатида кийиниш одобининг мукамал ва муқаддас ҳолатидир.

Саломатлик тамойилларига риоя қилиш одоби. Оиладаги соғлом муҳит учун ота-она баб-баравар жавобгар эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Оиладаги фарзандга чиройли ва мазмунли исм қўйишдан

бошлаб уларни тарбиялаш жараёнида фарзандларнинг тўрт мучасини соғлом қилиб ўстириш ҳам ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарз.

«Маълумки, одамнинг соғлиғи 10-20 фоизи наслга, 10-20 фоизи атроф-муҳитга, 8-12 фоизи соғлиқни сақлаш шароитларига ва 50-70 фоизи турмуш тарзига боғлиқ. Соғлом турмуш тарзи – бу оқилона кун тартиби қоидаларига риоя қилиш, тўғри овқатланиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш, зарарли одатлардан сақланиш ва чиниқишдан иборат» [34. 52 – б.].

Бу борада ота-она ибрати ва роли ниҳоятда беқиёс. Мазкур жараёнда, яъни оилада бола тарбиясининг кўпроқ қисми она зиммасига тушади. Бунда халқимизда «Хотиннинг сариштаси одамнинг фариштаси», деган ҳикматли фикр юқоридаги фикрларимизга далил бўла олади. Шунга кўра, оилапарвар аёл ҳовли, уй-жой ва ошхонасини ҳамиша озода, супирилган, саранжом тутати. Озодалик ва пазандалик оиланинг асосий тамойилларига айланади. Бундай оилаларимизда ўниб-ўсаётган, улғаяётган фарзандларимизда тозалikka риоя қилиш албатта бўлади, чунки бола «андоза» ни дастлаб оиладан ота-онадан олади.

Юқорида қайд қилганимиздек, қадим замонларданок болаларни ўстиришда ота-бобаларимиз фарзандларининг соғлиқларига эътибор қаратганлар. Хусусан бу борада Абу Али ибн Сино соғлиқни сақлашда еттига нарсага алоҳида эътибор беришни тавсия этади. Улар:

- феъл-атворни яхшилаш;
- нарсаларни танлаб еб-ичиш;
- гавдани чиқиндидан тозалаш;
- баданнинг тўғри тузилишини сақлаш;
- тоза хаводан нафас олиш;
- мос кийим танлаш;
- жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўътадил қилиш [24. 318 – б.].

Шунингдек, Абу Али ибн Сино болага тарбия беришни она қорнидаёқ бошлаш лозимлигини таъкидлагани ҳеч қимга сир эмас. Унинг фикрича, болага гўдақлигидан бошлаб гигиеник тарбия беришда фарзандларни барқамол инсон қилиб вояга етказишда поклик, озодалик, масъулиятни ҳис қилиш сифатларини таркиб топтириш, атроф-муҳитга оғли муносабатда бўлиш, соғлом турмуш тарзига ўргатиш тозалikka риоя қилишнинг маънавий ва амалий асосларини ташкил этади.

«Фарзандим соғлом ўссин десангиз жисмоний ривожланиш – инсон организмнинг аста-секинлик билан табиий шаклланишига

эътибор беринг. Оила аъзоларининг рухий иклими (муҳит) катта таъсир килади. Оилада нохуш рухий иклим (муҳит) нинг мавжудлиги оила аъзолари рухий саломатлигининг бузилишига олиб келади:

1. Оилада зиддиятли вазиятларни юзага келтирадиган бир ёки бир нечта ўзига хос жиҳатларнинг мавудлиги.

2. Қўрқув, даҳшат, ҳижрон каби рухий ҳолатларнинг турли тарзда намоён бўлиши.

3. Оила аъзоларидан бирортасининг айби билан вужудга келувчи неврозлар.

4. Шу билан бирга оилада кимдир зарарли одатлар (гиёҳвандлик, таксикомания, тамаки, нос чекиш, спиртли ичимлик истеъмол қилиш)га ружу қўйиш.

5. Катта ёшдаги оила аъзоларининг болалар ва ўсмирлар ёшига доир жинсий ва жисмоний хусусиятларни яхши билмаслиги ва тўғри баҳолай олмаслиги.

Ота-оналарнинг оилада чиниқиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга, кун тартибига амал қилишга етарлича эътибор берилмаслиги, улар рухий саломатлигига жиддий путур етказиш мумкин» [34. 60 – 61 – б.].

Аксарият ота-оналар ўз фарзандларида 3 ёшдан бошлаб эслаш қобилияти шаклланади, деб ҳисоблайди. Бунда сабаб улардан 3 ёшдаги воқеалар эсингдами?, деб сўрашганида ўша воқеани сўзлаб бериш ҳолатлари учрайди. Шу сабабли ҳам ҳар қандай ота-она ийникса, фарзанди 3 ёшдан ошгандан кейин ота-она ҳамда оиланинг бошқа аъзолари бола учун ўз ибрат – намунаси негизида фарзандининг маънавий ва ақлий жиҳатдан фойдали сифатларини тарбиялаш керак. Бундай жараёнларда қатор талабларни эътиборга олиш лозим бўлади. Улар: фарзандингиз хонасининг ҳавоси мусаффо бўлишиги эришинг; юз қўлини, айникса, қўлларини ювиш одат тусига кирсин (эрталаб уйқудан тургандан кейин, овқатдан олдин ва кейин, ҳожатхонага киргандан кейин ва ҳ.к.); оғиз бўшлиқларини мунтазам равишда чайиб юриш; дастрўмол олиб юриш; таом ейишни ўргатиш; сочиқлардан қачон ва қандай ҳолатларда фойдаланишни билсин; уйқуга ётишдан олдин кийимларини алмаштириш ва бунда иложи борича тоза ҳавода айланиб келса айна муддао бўлади; сув, ҳаво ва кўн нурларидан самарали фойдаланишга эътибор бериш ва шу қабилар.

Маълумки, инсоннинг рухий саломатлиги билан жисмоний саломатлиги ўзаро чамбарчас боғлангандир. Шу боис фарзандлар рухий саломатлигига ҳам қатор талаблар қўйилади. Улар: оилангизда

соғлом муҳит яратишга ҳаракат қилинг; боланинг руҳий зўриқишига йўл қўйман (бунга оиладаги нотинчлик ва қўпол вазиятлар ёки боланинг узлуксиз равишда касалланиши сабаб бўлиши мумкин); бола эътиборини ёқимли ва қувончли ҳолатларга жалб қилишга мунтазам равишда эътибор беринг; фарзандингизга буюрган машғулотивингизга бажара олишлик ишончи бўлсин ва унинг натижасини назорат қилиб, хулосавий фикрни фарзандингизга айтинг; буюрган ишингизнинг натижасини ўзи баҳолашни фарзандингизга ўргатинг; доимо фарзандингизнинг яхши фазилатлари юксалиб бориши лозимлигини ҳеч эсдан чиқарманг ва ҳ.к. Шунингдек, фарзандингизга соғлиқ энг катта бебаҳо бойлик эканлигини англантиб боринг ва уни сақлаш фарзандингизнинг ўз қўлида эканлигини доимо ўқтириб туринг. Бу борада ҳикмат, ҳикоят ва ривожлардан, ибратли оила ҳамда одамларни мисол келтиришдан фойдаланинг.

2.3. Оилада бола тарбиясига оид салбий ҳолатларга қарши муносабатлар

Оила ва ундаги фарзанд тарбияси ота-оналарнинг энг муҳим, муқаддас ва истикболли бурчи бўлиб, бу уларга юксак маъсулиятни юклайди.

Оила ва унинг муқаддаслигини сақлаш давлат сиёсати даражасигача кўтарилган. Буларни қатор номдор йиллар (1998 йилни «Оила йили», 1999 йилни «Аёллар йили», 2000 йилни «Соғлом авлод йили», 2001 йилни «Оналар ва болалар йили», 2005 йилни «Сихат – саломатлик йили», 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», 2010 йилни «Баркамол авлод йили», 2012 йилни «Мустаҳкам оила йили») дан ва Ўзбекистон республикаси Конституциясида оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгилаб қўйилганлигидан ҳам англаш мумкин. Бу давлат ҳужжатларни қабул қилишдан асосий мақсад ўзбек оиласини янада мустаҳкамлаш ва улардаги ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашдан иборатдир. Номдор йиллар бўйича қабул қилинган давлат дастурларидаги вазифаларда ҳам оиладаги бола тарбиясини янада юксалтиришдан иборат бўлиб, уларда қайд қилинишича оилавий тарбия самараси кўп жиҳатдан ота-онанинг ўзаро муносабатларида яқдиллик бўлишига боғлиқдир.

Бола тарбиясида ота-онанинг ўзаро муносабатлари мустаҳкам маънавий ва моддий асослигига шубҳа йўқ ва шунинг билан ҳозирда эр ва хотиннинг оилада тенг ҳуқуқлилиги ҳам таъминланган. Бу борада ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига кўрсатаётган таъсирлари

(хоҳ ижобий бўлсин, хоҳ салбий), уларнинг маънавий дунёқараши, ҳаётий тажрибаларидаги уйғунлик ва ҳамжиҳатлик болаларига ўз таъсирини ўтказди. Аммо, минг афсуслар бўлсинки, оиладаги ички низолар оиладаги зиддиятларни келтириб чиқаради. Шунингдек, ота-оналарнинг фарзандига меъёридан ортиқ мол ҳадя этиш, уларнинг барча хоҳиш – истаклари ва ҳаттоки айрим ҳолларда талабларини бажариш ҳам оиладаги носоғлом муҳитнинг юзага келишига сабаб бўлади.

Бу борада донишманд Сукротнинг куйидаги фикри ибратлидир: **«Рухни даволамай туриб, танани даволаб бўлмайди».**

«Булар ота-оналардан ўз эътиборларини психологик ва гигиена масалаларига қаратишни, фарзандининг руҳий саломатлигини сақлашга оид машғулотлар тизимидан фойдаланишлари лозимлигини кўрсатади. Чунки айна мактабгача тарбия ёшида болаларда бир умрлик руҳий саломатлик негизлари шаклланади.

Бола руҳий саломатлигининг бузилишига сабаб бўлувчи манбалар каторида:

- ота-она ва оиланинг бошқа аъзолари билан номақбул муносабатда бўлиши;

- болани аклий ёки жисмоний жиҳатдан ривожлантириш учун ута фаоллик билан тарбиялашга интилиш, кичкина «вундеркинд»ни тарбиялаш мақсадида фарзандни ҳаддан зиёд кўп вазифалар юки остида эзиб қуйиш;

- болага муносабатда унинг шахсий хусусиятларини эътиборга олмасликлари;

- спорт секциясини эрта борган боланинг тренери билан ўзаро муносабатда нохушликнинг мавжуд бўлиши;

- боланинг атроф-теваракдагилар, жумладан, тенгдошлари билан салбий муносабатда бўлиши;

- оила аъзоларининг соғлом турмуш тарзига беъэтибор қарашлари мисол бўлади» [34. 75 – 75 – б.].

Демак, оилада боланинг руҳий ва жисмоний жиҳатдан соғлом бўлиб ўсиши ва соғлом турмуш тарзининг шакллантирилиши оиладаги ҳар қандай ҳолатдаги ижобий муносабатларнинг юзага келишига асос бўлади. Бунда ота-онанинг турмуш тарзи, яъни уларнинг маънавий қиёфаси ва интеллектуал салоҳияти бола тарбиясида амалий жиҳатдан асос бўла олади. Чунки, ота-она болалари учун азиз ва муқаддас кишилар бўлиб, улар «андоза» назифасини бажара олиши ниҳоятда муҳимдир.

Афсуски, ҳозирги кунда баъзи ўзбек оилаларида бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар бор. Улар: ота-оналарнинг ўзаро кўпол муносабатлари; оила аъзолари ичида кашандачиликка рўжў қўйиш; шаробхўрликни одат тусига келтириб олишлари; оила аъзоларининг ҳаддан зиёд тадбиркорликка берилиб кетиши (чет элларга турли максадларда бориб келиши, оилавий тадбиркорликни устин қўйиб, оилани, бола тарбиясини эсдан чиқариб қўйиш ва шу қабилар).

Буларнинг ҳаммасига бўлмаса ҳам баъзиларига фарзандингизнинг тақлид қилиб қолиши ҳеч гап эмас. Бу тарбияда юттиришнинг ўзгинасидир. Ёки ҳурматли ота-она Сизда ҳеч кўрмаган салбий ҳолатни кўриб фарзандларингиз дастлаб ҳайрон бўлиб қарайди. Мазкур ҳолатга фарзандингиз дастлаб ҳайрат билан қараса, аста-секин бу ҳолатга улар мослашади ва ҳаттоки уларнинг ўзи ҳам ушбу жараёнга кириб бориши мумкин.

Бўлган воқеа: Оилада меҳмондорчилик қизиқ турган бир пайтда дастурхон атрофида ўтирганлар ҳам хурсанд, яхши суҳбат қилиб ўтирган эдилар. Уй эгаси, яъни мезбон ҳам дастурхон атрофида ўтирганлар каторида чекиш учун оғзига сигарета тутган эди. Уша пайтда оилада меҳмонга хизмат қилиб турган фарзандларнинг ноанъанавий ҳолатдаги товушлари чиқиб қолди. Яъни улардан бири: Аҳмат хо –Аҳмат қара дадам сигарет чекапти, деса;

Фарзандлардан иккинчиси:

-Ие зўрку Тошмат, деб онасига югуриб кетди ва бориб, ая-ая юринг кўрасиз дадам сигарета чекапти.

Оиладаги бу ноқулай вазиятни сезган Ота дарҳол оғзидаги сигаретани олиб, унинг қутчасига солиб қўйди.

Бўлган воқеа: Бир куни намунали оилалардан бири деб танилган уйга икки киши келиб, бизни кечирасизлар фалончи ака озроқ кўпроқ ичиб қўйибди шекилли, ҳов нарида йиқилиб қолган экан биз тургизиб қўйдик, уйга олиб келарсизлар, деб хабар беришди.

Буни эшитиб фарзандлардан бири аясига қараб,

- ая дадам нега йиқилади, ҳеч бундай бўлмас эдику, деди, афсусланиб.

Фарзандлардан иккинчиси эса:

- ая дадамни биров атайлаб йиқиттимикан?

Афсуски, оилада бундай ҳолатларнинг юз бериши онда-сонда бўлса ҳам учраб туради. Улар қуйидаги кўринишларда учраши мумкин:

- оила аъзолари ўртасидаги кўпол муносабатлар: уруш – жанжаллар, сўқиниш ва ҳ.к.;

- кўни – кўшнилар ва оғанини – қариндошлар билан бўладиган кўпол муносабатлар: мол талашиш; обрўй талашиш; ер талашиш ва ҳ.к.;

- ичкиликка берилиш: шаробхўрлик, бошқа кайф қилдирадиган ичимликлар;

- кашандаликка берилиш: сигарета чекиш; нос чекиш; ўткир ҳидларни ҳидлаб кайф қилиш;

- баъзи аёллар тоғни урса талқон қилгудек эрларини уйда ўтиргизиб қўйиб, ўзлари шаҳарма – шаҳар юриб «Ишбилармонлик», «Тадбиркорлик» лар билан шугулланмоқдалар;

- баъзи ота-оналарнинг енгил – елпи ҳаёт кечирishi йўлига кириб кетишлари.

Оиладаги бундай салбий ҳолатлар бола тарбиясига кучли таъсир қилади, чунки оиладаги ёш болалар ота-онасига тақлид қилишни яхши кўради. Афсуски, юқоридаги каби ҳолатлар боланинг ахлоқий тарбиясига эжобий таъсир эмас, салбий таъсир қилади. Ушбу жараёнда бола тарбиясида ота – онага катта масъулият юкланади ва уни уддалаш нафақат оилага, балки давлатга ҳам фойдалидир.

«.....Айрим ота – оналар фарзандларининг бемехрлигидан нолишади. Ёмон йўлга кириб кетган фарзандлари ҳақида ота – оналарнинг фикрлари деярли бир хил: «Ўз билганидан қолмайди, ҳурмат қилишни билмайди.....» хўш, ўша бемехр боланинг отаси ёки онасини тарбияли дейиш мумкинми? Айниқса, ишдан сўнг, дам олиш кунлари ота вақтини чойхонада, она меҳмондорчиликда ўтказса ёки ундан ҳам аянчлироғи, ота ҳам, она ҳам «Ишбилармонлик»ка шўнғиб кетиб, бола тарбиясини унутса.

Тарбияси оғир болаларнинг кўпайиб бораётгани сир эмас. Бунинг ички ва ташқи сабаблари мавжуд. Минг афсуски, ота – онаси, қариндош – уруғи бўла туриб, гоҳида фарзандлар «Болалар уйи»га топширилмоқда» [34. 217 – б.].

Болага тарбия бериш жой танламайди, десак хато бўлмайди. Бунга сабаб биз ўз фарзандларимиз билан доимо биргамиз (уйда ҳам, машғулот бажараётганда ҳам, оилавий анъана ва урф – одатларда ҳам ва ҳ.к.). Ушбу жараёнларда фарзандларимизга панду – насиҳатлар берсак, нима яхши-ю, нима ёмонлигини ўқтира олсак ва бунда «Отанга тик боқма, охиратинг қуйиб кетади, ота – онани рози қилиш керак», «Ота касби – олтин касб», «Ота касби – давлат касб», «Ота касби – ўғилга ҳалол», «Ота касби – қорин тўйғизар», «Отанг қози

бўлса ҳам, гуноҳ иш қилма», «Отага итоат қилиш – Оллоҳга итоат қилишдир», «Жаннат оналар оёғи остидадир» каби қимматли нақллардан самарали фойдалана олсак, улар тарбиясидаги салбий ҳолатларга тушиб қолиш олди олинади.

Демак, болам баркамол бўлсин, деган ҳар қандай ота–она, ўз фарзандларини ёшига қараб нутқини ва ҳисоблаш тафаккурини ўстириши, шунингдек, уларда меҳнат ва меҳнат одобини шакллантирилиши, ҳар хил салбий ҳолатларга нафрат уйғотишга эришиши, доимо фарзандининг ота–она сўзлари ва кўрсатмаларига кулоқ солишлари қабиларга ўргатиб бориш лозим бўлади. Бунда ота – она ибрати билан биргаликда одоб – ахлоққа оид ҳикмат, ҳикоят, ривоят ва эртаклардан фойдаланган маъқул ҳамда пировард натижада уларнинг ҳар бирига муносаба билдиришига эътибор бориш. Айниқса, уларнинг хулосавий фикрларини сиз ҳам таҳлил қилиб кўринг. Ана шунда фарзандингизнинг қайси йўналишга қараб кетаётганлигини илғаб оласиз.

Қуйида салбий ҳолатларга оила ва оиладаги фарзандларда шаклланадиган муносабатлар тўғрисида тўхталамиз.

Оилада кашандачиликка нафрат муносабатини шакллантириш. Оиладаги бола тарбиясидаги ҳар қандай иллатга ёки салбий ҳолатнинг юзага келишига аввало, ота – она сабабчи, чунки «Қуш уясида кўрганини қилади». Ана шунинг учун ҳам ўз фарзандининг турли хил салбий ҳолатларга тушиб қолмаслиги учун ота – онадан катта масъулият талаб қилинади. Бу борада ота – оналар қуйидагиларни ўз олдига **асосий вазифалар** деб белгилаб олса фойдали бўлади:

- тарбияда майда нарса ёки аҳамиятсиз ҳолат бўлмаслигига доимий эътиборли бўлиш;

- фарзандингизга қўйган исмингиздан уялмайдиган бўлсин;

- фарзандингизга хўш феъллик, мулойим муаммо қилишлик уруғини сочинг;

- фарзандингизни шарм – ҳаёга ва иззат – ҳурматли бўлишга тайёрлаб ўстириш доимий шиорингиз бўлсин;

- фарзандингиз туғилганиданок унинг мунтазам ва мукаммал ўсиб боришига шароит яратиш;

- фарзандингиз фаолият маънавияти юксалишига доимо ғамхўр бўлинг. Бунда улар ўйнайдиган ўйинчоқлар, шунингдек, бошқа шуғулланадиган буюм ва нарсалари ҳақида доимо маълумотингиз бўлсин ва шу қабилар.

Ота – она ибрати ҳам фарзандларини тўғри тарбия олишлигига асосий сабаблиги ҳеч кимдан шубҳа уйготмайди. Шунинг билан бирга айрим ота – оналар баъзан ҳолларда болаларига етарлича талабчанлик қилмайди-да, фарзандларда учраган баъзи камчиликларни уларнинг соддалигига йўйади. Бундай ҳолларда ҳурматли ота – она эътиборсиз бўлманг, чунки бу болаларча соддалик эмас, балки беодобликдир. Бу эса яққол кўзга ташланадиган камчилик бўлиб ҳисобланади. Бунинг натижасида болаларда беандишаллик, шилқимлик элементлари пайдо бўлади. Беандишаллик каби иллатнинг келиб чиқишида ҳам ўзига хос сабаблар бор. Улар:

- оиладаги ота – она болаларга ўзини қандай тутишларини билиш масаласида камчиликлар бор;

- оилада ота – оналарнинг бир – бирига муносабатида бунга сабаблар топилади, чунки уларнинг ихтиёрий ҳатти – ҳаракатларидан болалар андоза оладилар, яъни уларда ота – онасига тақлид қилишга бўлган мойиллик кучли бўлади;

- оилада отанинг, айрим ҳолларда баъзи оналарнинг болалар олдида ҳам бемалол чекиш ёки ичишлари;

- оилада ғайри ихтиёрий қилиқларнинг вақти – вақти билан учраб туриши ва шу кабилар.

Маълумки, болалар оилада тақлид қилгич бўлади. Эътибор беринг-а фарзандингиз (баъзи оилаларда, албатта) кўлига сигарета қолдигини олиб, бир кўлини орқасига қилиб олиб, оғзига сигарета қолдигини тишлаб олиб уйнинг у томонидан бу томонига юрапти ёки худди шундай ҳолатни болангиз қаламни – ми, ручкани – ми, ё шунга ўхшаш предметни тишлаб олиб юрган пайтига «кўзингиз тушганми?». Бу қандай ҳолат? Болангиз 2-3 ёшда. Сиз нима қиласиз?

Бундай ҳолларда бола тарбиясига нисбатан зийраклик билан қарашга тўғри келади.

Маълумки, зийраклик фаҳм- фаросат ва одобни тартибга солиб турувчи ҳатти – ҳаракатлар натижасидир. Бу орқали инсон қачон гипириш, қачон гапга қўшилиш, қачон сукут сақлаш, нима мумкин, нима мумкинмаслигини англаб етади.

Демак, ота – оналар ўз фарзандларида салбий ҳолатлар (иллатлар) бўлишига йўл қўймасликлари учун уларда зийраклик етарли бўлиши керак экан. Бунда айниқса, салбий иллатлар пайдо бўлишининг дастлабки босқичларида сезиш, уларни бартараф этишга имконият кенгрок бўлади.

Мазкур қисм оилада фарзандга кашандаликка нафрат уйғотишга бағишланганлиги сабабли аввало, кашандачиликка мубтало бўлиш-

нинг туб илдиэларига эътиборни каратиш лозим бўлади. Уларни тахминан қуйидаги кўринишларда учратиш мумкин:

- ота – онанинг оилада фарзандлари олдида чекиши;
- ота – онанинг сигарета олиб келиш учун фарзандини дўконга юбориб туриши;
- ота – онанинг сигарета чекаётганида унинг тутунини оғзидан ҳар хил фигуралар қилиб чиқаришга атрофидагиларнинг ҳавасини келтириш;
- сигарета қутичаларининг чиройли ва бежирим қилиб тайёрланганлиги ва кабилар.

Бу қайд этилган ҳолатлардан келиб чиқадиган натижалар (оқибатлар) тахминан қуйидаги ҳолатларда учраш мумкин:

- оилада болалар сигарета ёки унинг қолдиқларини дадасига тақлид қилиб чекиш ҳолатидаги одатларга мослашиш;
- болалар маҳаллада чиқиндилар ичидан сигарета қолдиқларини топиб олиб, оғзига тишлаб дўстларига мактаниш;
- оилада болалар «дада - ая» ўйинини ўйнаб, «Аяси менинг сигаретам ва ёндиргичим (зажигалка) ни олиб бериб юбор» каби буйруқларни механик тарзда бериб бориши;
- дадаси боласига дўкондан сигарета олиб келишга буюрганда «Дада қанақасидан олиб келай», - деб сўраши ва сигареталарни фарқлай олиши;
- дадасининг туғилган кунига фарзандининг энг қиммат сигарета ва энг чиройли ёндиргич (зажигалка) совға қилишга ҳаракат қилиши ва ҳ.к.

Бундай ҳолатлар қаторини яна ҳам давом эттириш мумкин ва бу ҳолатлар ҳар қандай ота – онага ёқмаслиги аниқ. Шу сабабли ота – онанинг бу соҳадаги масъулияти ҳам катта. Бу борада улардан одобли ва зийрак бўлишлик, бола тарбиясида жонқуярлик ва фидойилик кўрсатиш талаб этилади. Бу борада ота – онанинг интизомлилиги ва ташаббускорлиги ўта муҳимдир. Улар асосида ҳар қандай ота – она фарзандларини кашандаликка нисбатан нафрат уйғотишга эриша олади. Бунда тарбиянинг таъсирчан воситаларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, ҳамда оқибати бевосита фарзандлари тасаввурига сигадиған воқеа – ҳодисалардан фойдаланиш мумкин. Улардан айримларини келтирамиз.

1. Маҳалламизда бир одам сигарета тутатиб ухлаб қолибди. Сигаретанинг чўғи ўчмаган экан, у гламга тушиб гиламни қуйдирибди ва уйи ёниб кетибди.

Натижалар оила аъзолари ўртасида таҳлил қилинса ва бу таҳлилда кўпроқ фарзандлар ўз фикрларини билдирса бу соҳадаги тарбия самаралироқ бўлади.

2. Бу ота ёки она тилидан баён қилиниши керак ва топишмоқ – фикрдан иборат бўлиши керак. Яъни, бир киши бор экан у жуда кўп чекар экан ва учта йўналишдаги натижага эга бўлибди. Улардан **биринчиси** уни ит қопмас эмиш, **иккинчиси**, уйига ҳеч ўғри тушмас эмиш ва ниҳоят **учинчиси**, кўп умр кўрмасдан оламдан ўтибди. Бу ҳақда сизларнинг фикрларингиз қандай?

Фарзандларнинг ўз фикрларини айтишга тўлиқ имконият беринг. Жавоблар қандай бўлишидан қатъий назар Сиз ўзингизнинг таҳлилий фикрингизни фарзандларингизга батафсил тушунтиринг. У тахминан қуйидагидек бўлсин: у киши кўп чекар экан – болаларим, бу яхшими? ёки ёмонми? (Жавоблар: ёмон). Шу сабабли сизларга бу учта йўналишнинг маъносини тушунтираман. Яъни, учта йўналишнинг **биринчиси** – уни ит қопмаслиги аниқ, чунки у кўп чекканлиги сабабли соғлиғини йўқотиб, ҳасса суяниб юрадиган бўлиб қолган, ҳассаси борлигини кўрган итлар унинг олдига яқинлашмайди, **иккинчиси** – унинг уйига ўғри тушмаслиги аниқ, чунки у кўп сигарета чекканлиги сабабли унинг ўпкаси тўлиқ касалланиб, у доимо йўталиб юради, борадаган ўғри ҳам уни уйғоқ экан, деб ўғри ҳам кетиб қолади ва ниҳоят **учинчиси** – кўп умр кўрмасдан оламдан ўтиши ҳам аниқ, чунки у сигаретани «овқатга айлантириб олиб» бошқа турли касалликларни орттириб олган бўлади ва касалликлар туфайли у узок яшай олмайди. Ушбу жараёнда таҳлилий фикрнинг аҳамияти каттадир.

3. Кайф бўлган ота сигарета чекиб уни учирмасдан чўнтагига солиб қўйибди ва ухлаб қолибди.

Натижада отанинг пальтоси, костюми ва баданидан баъзи жойлари куйиб қолибди.

Сиз бундай ҳолатни қандай баҳолайсиз? Бу ҳақда фарзандларингиз фикрини ҳам эшитиб кўринг. Улардан бу ҳолатнинг сабаби ва оқибатини баҳолаб беришини сўранг.

Бу каби ҳолатларни Сиз ҳам кўплаб келтира оласиз ва булар фарзандингизни кашандаликка нафрат уйғотишда муҳим дидактик исослар ҳам бўла олади.

Оилада ичкиликбозликка нафрат муносабатини шакллантириш. «Оилада бўладиган мулоқотнинг софлиги, мазмундорлиги, оиладаги болаларнинг хулқ – атворига, маънавий – камолотига таъсирини кучайтириш кўп ҳолда ота – она ўртасидаги ва уларнинг

болалар билан бўладиган ўзаро мулоқотига боғлиқ. Оиладаги ўзаро мулоқот бу ҳаётний эҳтиёж, болани ижтимоий ва маданий ҳаётга тайёрлашнинг асоси. Ота – онанинг оиладаги моддий, ташкилий, тарбиявий ва ўзаро шахсий масалалар юзасидан бир – бири билан бўладиган муносабатлари соф, эрнинг хотинга, хотиннинг эрга ўзаро самимий ҳурмати асосига қурилсагина, бундай оилада мусаффо маънавий муҳит вужудга келади. Отанинг онага, онанинг отага бетакаллифлиги, бир – бирига қўпол муомаласи, ҳаётний қийинчиликларни енгишдаги, бола тарбиясидаги турли қийинчилиги шу оиладаги ўзаро муносабатларнинг бузилишига олиб келади» [19. 199 – б.].

Мазкур фикр оилада ота–онанинг бола тарбиясидаги масъулияти нечоғлиқ буюк эканлигини англатади. Ўз навбатида фарзандлар ҳам оиланинг қувончи, давомчиси, ота–онанинг таянчи ва энг асосийси улар жамиятнинг ҳаётбахш кучидир. Уларнинг яхши тарбияси умр мевасининг маззали (тотли) бўлиши, оиланинг фахри ва бахти ҳамда бу бахтнинг бардавон бўлишлигининг мустаҳкам асосидир. Шу сабабли ҳам ҳурматли ота – оналарнинг фарзандлар тарбиясидаги масъулияти масаласида фарзандларининг бўш вақтидаги нималар билан шуғулланиши ва кимлар билан қандай муносабатда бўлишлигини доимо назорат қилиб бориш ўта муҳимдир. Юқорида таъкидлаганимиздек тарбияда майда – чуйда нарса бўлмайди. Бу борада рўй бериши мумкин бўлган айрим вазиятларни таҳлил қилиб кўрайлик.

1. Айтайлик уйингизда фарзандларингиз «Меҳмон кутиш» уйинини ўйнапти (бу ҳар қандай хонадонда учраши мумкин, чунки болаларда ёшлигиданок тақлид қилишга мойиллик кучли бўлади) ва улар 2 та пиёлагами ёки рюмкагами бирор суюқлик қуйиб тўқиштириб, идишлардаги суюқликни ичишга тайёргарлик кўрапти. Буни кўриб сизнинг ҳаёлингиздан нима ўтди? Улар отанинг дунқарашига боғлиқ ҳолда турли кўринишларда учрайди. Улар тахминан қуйидагича ҳолларда учраши мумкин:

- ҳа яшавор «Ота ўғил», «бўласан», «бўласан»;
- аяси – аяси бу томонга бир қаравор, ажойиб бир мўжизанинг гувоғи бўласан;

- нима қилаяпсанлар, бу яхши одат эмас, уялмайсизларми?

2. Сиз болангизга дўқондан ароқ ва пиво олиб келиш учун пул бериб юбордингиз. Дўқондан ўғлингизга ароқ ва пивони бермади. Бундай ҳолда сизнинг ҳаёлингиздан нималар ўтди. Бундай ҳолда Сизнинг ҳаёлингиздан қатор фикрлар ўтади. Улар тахминан қуйидаги кўринишларда учрайди:

- ҳа, ҳақиқатдан ҳам фарзандимни спиртли ичимликларга юбориб хато қилибман, бундай ҳолатни такрорламаслигим керак;

- дўкондорга нима, пулини бериб юборгандан кейин бериб юборавер-майдами?;

- ўғлингизга нисбатан: шу оддий нарсани ҳам қилиб келмаса бундан келажакда нима кутиш мумкин – а.

3. Фарзандингизга «болам роса чанкаб кетдим, дўконга бориб 2 шиша пиво олиб кел», дедингиз. Фарзандингиз маҳалланинг ўртасидаги кўчада икки кўлига 2 шиша пивони бепарво олиб келаяпти. Айниқса, бу ҳолат киз фарзандингизда рўй берса. Бу ҳолатни кўриб Сизнинг хаёлингиздан нима ўтди. Бундай ҳолатда ҳам тахминан қуйидагича фикрлар пайдо бўлиши мумкин:

- ҳой нима қилаяпсан, пивони бирор идишга солиб яшириб олиб келсанг бўлмайдами;

- ҳой пиво олиб келаяптганининг маҳаллага кўз – кўз қилмоқчимисан, бу – нима гак;

- кўни – кўшнилар кўрса фалончи ичимликка ўз фарзандини юбориб, улардаги ичкиликка майилликни шакллантираяптими? – деса нима бўлади;

- фалончи болаларига ҳам ичимлик ичишни одатий ҳол қилиб қўймоқда, деса неча пуллик киши бўлдим;

4. Фарзандларингиз билан меҳмондорчиликдан уйга қайтиб келаяпсиз. Уйингизнинг олдида кўшнларингиздан бири маст ҳолда ерда ётибди, кийимлари чанг, бетлари (юзлари) лой бўлиб кетган ва шу каби салбий ҳолатлар. Бундай ҳолда Сизнинг хаёлингиздан қандай фикрлар ўтади ва фарзандингизга бу ҳолда нима дейсиз. Улар тахминан қуйидаги ҳолларда бўлиши мумкин:

I. Хаёлингиздан ўтадиган фикрлар:

- «бу кўшни ўчиб қолибди-ю, яхши бўлмапти-да»;

- «Кўзачасига сикқанча ичмайдами? Энди у кўни-кўшниларга ва оила аъзолари юзларига қандай қарайди?»;

- шунча ичкиликка ружу қўйганча унинг пулига рўзгорига керакли нарсаларни олиб келса бўлмайдами?;

- унинг шу ҳолатидан фарзандлари «андоза» олса, унинг кейинги ҳиёти нима бўлади;

- оиласини ва маҳаллани номусга қолдирди-ку.

II. Фарзандларингизга айтадиган фикрлар:

- ҳов анави ётган одамни танияпсизларми? Кўшнимиз бўлади. Унинг ҳозирги аҳволи жудаям аянчли. Кўрдиларингми ичкиликнинг оқибатини?;

- ҳов анави ётган одам кўшнимизми? Унга нима бўлган экан. Тўсатдан мазаси бўлмайд қолдимиз, тезда уйдагиларига хабар беринглар;

- ётган одамни кўрсатиб, кўрдиларингми ароқ нафақат одамни, филниям йикитади. Шунинг учун бу йўлга, яъни ичкиликбозликни ҳеч ҳам ҳавас қилманглар;

- кўрдиларингми ароқ ичган одамнинг аҳволини? Бу ҳолатдан унинг турмуш ўртоғи ва фарзандлари маҳаллада «бошини кўтариб юролмайди»;

-ароқ ичишнинг оқибати шундай бўлади? Энди у соғлиғидан ажрайди, пулларини йўқотади, кийимларини ифлос қилади, рўзгорига ишлатиладиган маблағни йўқ қилади, турмуш ўртоғи ва фарзандлари олдидаги обрўйини йўқотади, маҳалла – куй унга «Фалончи - алкаш», деб лақаб қўяди.

Афсуски, бундай ва бунга ўхшаш ҳолатлар ҳаётда учраб турмоқда. Кўриб ўтилган мисоллардан (уйда, дўконда, маҳаллада ва кўчадаги ҳолатлар) кўриниб турибдики бундай ҳолатлар фақатгина салбий оқибатларга олиб келади. Биз фарзандларимизга ана шундай салбий оқибатлар домига тушиб қолмаслигига доимо эътиборда бўлмоғимиз лозим. Бундай ҳолатларда фарзандларимизда юқоридагидек салбий ҳолатларга нисбатан нафрат уйғота олишимиз керак бўлади.

Ўқув қўлланманинг ушбу қисмига хотима сифатида О.У.Ҳасанбоева ва шогирдлари томонидан тайёрланган «Оилада баркамол авлод тарбияси» номли ўқув қўлланмасидан қуйидаги фикрни келтиришни маъқул топдик: «Меҳр – муҳаббат, садоқат ҳислари билан боғланган, маънавий – ахлоқий жиҳатдан етук эр – хотинлар тарбиялаган фарзандлар гўзалликка иштиёқманд, руҳан тетик, бағри бутун, ҳаётга қизиқувчан, тинч – тотув оилавий ҳаёт кечиретишга тайёр бўлиб ўсадилар. Акс ҳолда, ота – она ва фарзандлар ўртасида меҳр-оқибатсизлик, ўз ҳаётидан жамиятдан норозилик, оилада нотинчлик, ҳеч нарсага қизиқмаслик, лоқайдлик ҳолатлари ҳукм суради. Бу эса оиланинг инқирози учун замин ҳозирлайди.

Носоғлом муҳитда дунёга келиб, турбияланган болаларда хиёнатга, турли ахлоқсиз ҳатти – ҳаракатларга (ичиш, чекиш, нашавандлик, гиёҳвандлик, шаробхўрлик ва шу қабилар – Т.И.Х.), руҳий тушқинликка мойиллик кучли бўлади. Шунинг учун эр – хотиннинг бир – бирига мослиги оила барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга» [34. 25 – 6.].

Оилада фарзандларни қўпол муносабатларга нафрат руҳида тарбиялаш. «Мазкур ёшда (7 ёшгача бўлган давр – Т.И.Х.) болаларнинг атрофдагиларнинг муносабатлари, айниқса, таъсирчанлик

билан қабул қилишларини барчамиз яхши биламиз. Шу ўринда болалар руҳий саломатлигини сақлашда оиланинг аҳамияти катта эканлигини эътироф этиш лозим. Чунки кўп нарса оиладаги ўзаро муносабатлар ва унинг бола руҳиятига кўрсатадиган таъсирига боғлиқ.

Ҳамма гап шундаки, оилавий тарбия зарурий жараён бўлиб, айрим ҳолларда у мажбурий тавсифга эга бўлиши натижасида бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатиши, шунга кўра турли хил асаб хасталикларига олиб келиши мумкин. Афсуски, барча оилаларда ҳам тарбия жараёни бирдек тўғри йўлга қўйилган эмас [34. 73 – 74 – б.].

Шу ўринда оилаларимиздаги соғлом муҳит бола тарбиясида ўта муҳимдир ва унда ахлоқий тарбия нечоғлиқ тўғри олиб борилиши ҳам муҳим. Сир эмаски, ота – оналар оилаларда болалари тарбиясига турли йўналишда таъсир этадилар. Улар рағбатлантириш ёки жазолаш йўналишларида бўлиши мумкин.

Рағбатлантиришларнинг ҳам ўзига хос восита ва йўллари бор. Бунда болани ҳаддан ортиқ рағбатлантириб юбориш хато бўлади, чунки керагидан ортиқча рағбатлантириш худбинликни келтириб чиқаради.

Жазолаш эса бизга педагогика фанидан маълумки, турли йўналишларда олиб борилади. Оилада улар асосан икки йўналишда олиб борилади. Улардан биринчиси, болани жисмоний жазолаш, **иккинчиси эса руҳий жазолашнинг бир қисми бўлмиш сўз билан жазолаш.** Сўз билан жазолашда қуйидаги тамойилларга амал қилинса, тарбияда таъсирчан воситаларга эга бўлган бўлинади:

- сўз даволайди, сўз майиб қилади, сўз ўлдиради;

- яхши сўз билан илон инидан чиқар,

Ёмон сўз билан пичоқ қинидан чиқар;

Афсуски, оилаларда оила аъзоларининг ўзаро кўпол кўпол муносабатлари: болаларни калтаклаш ва уларга ўшқиритиш; ота – оналарнинг «Менинг болам, мен нима қилсам ўзим биламан» ёки «Менинг болам, нима хоҳласам шуни қиламан»; ота – онанинг фарзандга беҳурматлик кўрсатиши ва шу каби кўринишдаги муносабатлар айрим оилаларда мавжуд ва улар, бола руҳиятини синдиради ва улардаги инсонпарварлик, оилапарварлик, фидойилик, мустақиллик, ташуббускорлик каби ижобий хислатларни ривожлантирмайди, шунингдек, уларда ҳаяжон, кўрқув, ваҳима, хавотир ва шу кабилар пайдо бўлишларга олиб келинади. Булардан ташқари ота – оналарнинг баъзилари энг севимли фарзандини бошқа фарзандларини очикчасига устун қўяди. Бу оилада болаларга бошқа фарзандларини чуқур алам қайғусига ғарқ бўлишига сабаб бўлади. Шунингдек, баъзи оилаларда бобо – буви, ота – она, ака – ука, опа –

сингиллар ўртасидаги кўпол муносабатлар (уруш жанжаллар, бир – бирини менсимаслик, ўзаро келишмовчиликлар, мулк талashiш ва ҳ.к.) бола руҳиятига салбий таъсир қилади ва бундай кўпол муносабатлар орқали буладиган вазиятлардан оиладаги болаларнинг юраги безиллаб қолади.

Бундай ҳолатларнинг юз беришига асосий сабаб оиладаги соғлом турмуш тарзининг бузилганлигини, яъни носоғлом муҳитнинг пайдо бўлиб қолишидир. Проф О.У.Ҳасанбоева ва шогирдлари тадқиқотларидан қайд қилинишича, бундай носоғлом муҳитнинг пайдо бўлиб қолишини сабабларини қуйидагича изоҳлайдилар:

«-ота – она ва оиланинг бошқа аъзолари билан номақбул муносабатда бўлиши;

-болани ақлий ёки жисмоний жиҳатдан ривожлантириш учун ўта фаоллик билан тарбиялашга интилиш, кичкина «вундеркинд»ни тарбиялаш мақсадида фарзандни ҳаддан зиёд кўп вазифалар юки остида эзиб қўйиш;

- болага муносабатда унинг шахсий хусусиятларини эътиборга олмасликлари;

- спорт секциясига эрта берган боланинг тренери билан ўзаро муносабатида нохушликнинг мавжуд бўлиши;

- боланинг атроф – теварақдагилар, жумладан, тенгдошлари билан салбий муносабатда бўлиши;

- оила аъзоларининг соғлом турмуш тарзига безътибор қарашлари мисол бўлади [34. 75 – 76 – б.].

Бундай ҳолатларда оиладаги маънавий – ахлокий тарбиянинг роли аҳамиятли бўлиб, фарзандларда кўпол муносабатларга нафрат уйғотиш керак бўлади. Бунинг учун ота – она фарзандларининг ҳиссиётларига бефарқ бўлмаслиги керак ва аксинча уларнинг мавжуд изтироб ва ташвишларига шерик бўлишга ҳамда уларни тушунишга интилиш керак. Ушбу жараёни муваффақиятли амалга ошира олсангиз фарзандларингиз Сизга дўст бўлиб, ўзларининг ички ҳиссиётларини ҳам сиздан яширмайдиган бўлади ва қолаверса улар ҳаёт сўқмоқларида сизга яқин ёрдамчилар ҳам бўла олади. Бу борада, яъни оилада ота – она ибрати ўта муҳимдир. Бунда биринчи уй тарбияси онанинг вазифаси эканлигини эсдан чиқармаслик керак.

Мазкур фикрларнинг тасдиғини тадқиқотчи Ф.Йулдошеванинг қуйидаги фикридан ҳам топишимиз мумкин: «Болага бериладиган тарбиянинг 70 фоизи она орқали сингдирилиши аллақачон исботланган. Ота – оналарнинг болаларга етарлича вақт ажратмасликлари нағижасида оиладаги шахслараро муносабатлар юзага келаётган но-

хуш ходисалар: ота – она ва фарзандлар ўртасидаги зиддиятларнинг пайдо бўлиши, болаларнинг уйдан кетиб, жиноят йўлларига кириб қолишлари, ака – ука ва опа – сингиллар ўртасида жиддий низоларнинг содир этилиши ва турли салбий оқибатлар кузатилмоқда.

Бола тарбиялаш учун аввало, ота – оналарнинг ўзлари тарбияли бўлишлари, бир – бирларини ҳурмат қилишлари, фарзанд тарбиясида ўзаро келишиб, ҳамжиҳатликда қарор қабул қилишлари ва сабр – тоқатли бўлоқлари даркор» [14. 13 – 14 - б.].

Демак, оилада болаларни кўпол муносабатга нафрат руҳида тарбиялашда энг аввало, уларда соғлом турмуш тарзига хос одатларни шакллантириш керак бўлар экан.

Шунингдек, оилада болаларга сингдирилиши лозим бўлган тарбиянинг мазмун – моҳиятини Ватанга муҳаббат, меҳр – оқибат, ўзаро ҳурмат каби юксак инсоний фазилатларни шакллантирилишлар ташкил этса оиладаги юқоридаги каби салбий ҳолатлар юз бермаслиги мумкин.

2.4. Намунали инсонлар ибрат намунаси

Дунё яхши одамлар. Яхши оилалар, яхши жамоалардан ташкил топган, десак хато бўлмайди. Чунки, улар туфайли дунёда одамлар ҳаёт кечираяпти. Шу сабабли ҳам дунё абадий барҳаёт, ҳаёт ўткинчидир. Буни ўйлаган онгли одамлар бу дунёда яхши ишлар қилиб яшаб қолишга ва нарғи дунё тараддудини қилишга ҳаракат қилиб яшайдилар. Бундай яхши одамлар ва оилалар ҳамда жамоалар жамият тараққиётининг беазаги ҳамдир. Улар бошқалар учун (теварак – атрофдагилар учун) ибрат – намуна бўла олади. Улар кўпгина ихлосмандлари учун идеалга айланиши ҳам мумкин.

«Идеал» тушунчаси французча «*ideal*», лотинча «*idealus*» сўзларидан ҳосил бўлган бўлиб, «киёфа», «мезон», «мукамаллик» маъноларини англатади. Атама сифатида орзу – интилишларнинг олий мақсадини ифодалайди.

Бу борада профессор Х.А.Турақуловнинг қуйидаги фикрни аҳамиятлидир: «Ҳақиқатдан ҳам киши яшаши давомида то умрининг охиригача ўрганади, яъни тўғри ишлар қилиш орқали унинг қилган ишлари илгарилаб кетади, баъзан эса нотўғри иш қилиб қўйиб, унинг натижаси асосида киши ўзини тўғрилаб олади. Баъзида эса бошқа кишилар ҳатти – ҳаракатларининг ижобий ва салбий ҳолатларидан хулоса чиқариш орқали ҳам киши ҳаётдан таълим олади. Яъни, кишилар яхши томонларини ўзига ибрат – намуна қилиб олади.

Шунинг учун бўлса керак «Ибрат – намуна – ҳаёт дорилфунуни», деб ҳам аталиши [24. 78 – 79 – б.].

«Ибрат – намуна – ҳаёт дорилфунуни» тизимидаги маълумотлар оилада болани тарбиялаш, улардаги жасоратли бўлишликни, маданиятлиликни, маънавиятлиликни, интеллектуал салоҳиятлиликни, оилапарварликни ва шу каби инсоний фазилатларни шакллантиришда муҳим маънавий асосдир. Куйида уларнинг баъзи йўналишлари ҳақида қисқача тўхталамиз:

1. Фарзандларни жасорат руҳида тарбиялашда Ватанисизнинг шу даражага етиб келишига сабабчи бўлган ва қаҳрамонлик кўрсатган тарихий шахсларимиз ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бу орқали уларда ватанпарварлик тарбиясини ҳам олиб боришга имкон туғилади.

Бу борада тарихий шахсларимиз Зардушт, Тўмарис, Широқ, Спитамен, Муқанна, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Алишер Навоий, Паҳловон Маҳмуд, Паҳлавон Муҳаммад, Нажмиддин Кубро ва шу қабила халқимизга ибрат – намуна бўла олганлари учун ҳам абадий яшамокдалар, чунки улар ҳаёт вақтидаёқ ўзларига «жонли ҳайкал» қуриб бўлган эдилар. Уларнинг баъзилари ҳақида қисқача маълумот берамиз:

• **Зардушт.** Зардуштийлар динининг асосчисидир. Ривоятларга кўра, донишманд Зардушт 30 ёшлар атрофида мазкур таълим билан чуқур шуғулланади ва бу таълим унинг қалбидан мустаҳкам ўрин олади. Натижада Зардушт томонидан баён этилган, шаклланган тушунча ва билимлар бири тизимга киритилиб «Авесто» номли муқаддас китоб пайдо бўлади. У шундайин муқаммал ахлоқий – маърифий муқаддас китоб бўлдики, уни бемалол ва ишонч билан ҳаёт йўриқномаси деса бўлади. Бу асарнинг ғоялари билан сугорилган фарзандларимиз конида «бунёдкорлик жўш уриб туришига ишончимиз комил.

• **Тўмарис.** У милoddан олдинги 530 йилда массагетлар йўлбошчиси малика Тўмарис Кир II бошчилигидаги босқинчиларга қарши курашда қаҳрамонлик кўрсатган.

Тўмариснинг жасоратини халқимиз орасида Озодлик учун Курашчи ва Ватанга садоқат рамзи сифатида фарзандларимиз онгига сингдирсак, айниқса, оиладаги қизларимизда миллий ғурур янада юксакликка кўтарилади.

• **Широқ.** Аҳамонийлар шоҳи Доро I милoddан олдинги 519 – 518 йилларда Ватанисиз устига қўшин тортиб келади. Оддий йилқибоқар Широқ душманларга ҳийла ишлатиб, уларни чалғитиб

Қизилқумнинг ҳалокатли жазирама даштига бошлаб боради, халқни ёвузлардан саклаб қолади ва ўз жонини қурбон қилади. Широқ фаолиятдан фарзандларимизда ватанпарварлик тарбиясини беришда ва миллат ҳимоячиси сифатида Юрт Қайғуси билан яшашни ўргатишда фойдаланиш аҳамиятлидир.

• **Спитамен.** Милоддан олдинги IV асрда юнонистонлик Искандар Зулқарнайн (Александр Македонский) Ватанимиз худудига бостириб кирди. Халқ қаҳрамони Спитамен бошчилигида Самарқандда кўтарилган кўзғолон Искандар Зулқарнайн кўшинларига қатта талофат келтиради. Бу кўзғолон бутун бактириялик ва суғдиёналикларни озодлик учун курашга илҳомлантирди.

Спитамен фаолиятдан фарзандларимиз онгига юрт тинчлиги ва миллат қайғуси ҳақидаги ички туйғу ҳамда гурурларни сингдиришда фойдаланиш ижобий тарбиявий самараларни беради.

• **Муқанна.** VIII асрнинг бошларида араб босқинчилари Мовароуннаҳр худудини босиб олдилар. Истилочиларга қарши 10 йилдан ортиқ курашга бошчилик қилган Муқанна бўлади.

Муқанна фаолияти миллий мафкурамиз бош ва асосий ғояларини фарзандларимиз онгига сингдиришда ибрат – намуна бўла олади. Унинг Ватан қайғуси билан яшаш ва бунда 10 йил давомидаги жасорати фарзандларимиз онгига жасоратлилиқ ва қаҳрамонлиқ туйғуларини уйғотади.

• **Темур Малик.** XIII асрда Чингизхон бошлиқ мўғиллар мамлакатимизга юриш бошлади. Хўжанд шаҳри ҳокими ва саркарда Темур Малик душманга қарши курашди.

Темур Малик фаолияти бўйича юрт тинчлигини ҳимоя қилиш ва душманга қарши жанговар курашчи сифатида фарзандларимиздаги Ватанпарварлик тарбиясини ва халқимизга тажовуз қилувчи турли хил таҳдидларга мардановор кураш лозимлиги ҳақидаги масъулиятни шакллантиришга эришиш мумкин. Унинг жасорати ва қаҳрамонлиги тўғрисида бир неча романлар ёзилди. Улардан болалар миллий тарбиясида фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

• **Жалолоддин Мангуберди.** Халқимизнинг Мўғил Истилочиларига қарши олиб борган курашида Жалолоддин Мангубердининг жасоратини тарих ҳеч қачон унутмайди. У ўз кўшинлари билан ўн бир йил давомида душманнинг ғарб мамлакатларига ва жанубга қараб юришни тўхтатиб қўйди.

Жалолоддин Мангуберди жасорати тўғрисида унинг ашаддий душмани Чингизхоннинг ўзи куйидагича фикрини беихтиёр атиб юборди: «Отадан дунёда ҳали бундай ўғил тугилмаган, у саҳродан

шер каби жангчи, дарёда наханг каби ботир». Унинг бу фирки Жалолиддин Мангубердининг жасорати уни хайратга тушурганлигидан далолатдир.

Жалолиддин Мангубердининг Ватан кайғуси, Халқ тинчлиги ва фаровонлиги билан йўғрилган фаолияти фарзандларимизни миллий мафкурамиз бош ва асосий ғояларига содик килиб тарбиялашда юксак маънавий асос бўла олади. Унинг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон тарихидан ва кўпгина романлардан қимматли маълумотларни топиш мумкин. Булар фарзандларимиз маънавий – ахлоқий тарбиясида ва фарзандларимизни турли ташқи таҳдидларга қарши курашишга тайёрлашда муҳим маънавий – дидактик асос бўла олади.

• **Нажмиддин Кубро.** Оддий чумолига озор бермасликни тарғиб килиб юрган руҳоний Нажмиддин Кубро жасорати «Ё ҳаёт, ё мамот!», «Ё Ватан, ё шарафли ўлим», деб халқни курашга чорлади. Аслида душман унга омонлик тилаган эди, яъни унга оила аъзолари билан шаҳардан бемалол чиқиб кетишига Чингизхон ижозат берган эди. Аммо, ўз тақдирини халқи ва Ватани тақдиридан айро тутмаган Ватандошимиз Нажмиддин Кубро юқоридагидек хитоб билан халқини душманга қарши отлангирди (оёққа турғазди). Унинг ўзи ҳам қўлида **Озодлик байроғини** кўтариб жангга кирди ва жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Унинг қўлидаги байроғини, у оламдан ўтгандан кейин ҳам ололмади. Шундан кейин унинг бармоқларини кесиб, байрокни унинг қўлидан оғанлар.

Унинг бу жасоратидан фарзандларимизнинг баркамол қилиб тарбиялашнинг турли жабҳаларини амалга оширишда фойдаланиш ижобий, тарбиявий самараларни беради.

• **Амир Темури.** Мўғил истеълочиларидан халқимизни озод қилиш, халқ турмушини ўнглаш йўлида олиб борилган кўп йиллик курашларга Соҳибкирон Амир Темури бошчилик қилди. Унинг раҳбарлиги ва раҳнамолигида марказлашган буюк давлат барпо этилди. Уни бошқаришнинг «**Куч адолатда**» тамойили доимо амалда бўлди. Адолатли жамият қуриш масаласи Соҳибкирон Амир Темурининг доимо эътибор марказида турди. Унинг бевосита раҳбарлигида ҳамда жасорати туфайли миллий давлатчилигимизда қуйидагилар таркиб топди:

- 1) Мамлакат батамом душманлардан озод қилинди.
- 2) Мамлакатда тартиб – қоида ўрнатилди ва унинг ҳудудий барқарорлиги таъминланди
- 3) Мамлакат ҳудудларидаги ички тартиб – интизом бутун мамлакат тартиб – интизому билан уйғунлаштирилди.

4) Мамлакат ичидаги ҳокимликлар ва улар ўртасидаги ўзаро соғлом муносабат ва алоқа ўрнатилди ҳамда ҳокимларга улар фаолиятининг ажралмас қисми эканлиги тўлиқ сингдирилди.

5) Мўғилистон сари 7 бор ишонч билан юриш қилди ва уларнинг ҳаммасида ғалаба қозониб, юртимиз шуҳратини жаҳонга ёйди.

6) Моварауннаҳрнинг шарқий ва шимолий ҳудудларининг дахлсизлиги таъминланди, яъни чегаралар мустаҳкамланди.

7) Мамлакатда миллий ва умуминсоний ҳамда диний кадриятлар таркиб топди ва уларга амал қилишга кенг имкониятлар яратилди.

8) Миллий кадриятларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Самарқандга дунё бўйича илм фаннинг илғор ютуқларига оид бой мерос ва донишманд алломаларни олиб келишга шароит тайёрланди. Марказий Осиёда биринчи дорилфунун (Самарқанддаги мадрасада талаба, толибларга оммавий таълим – тарбия бериш) ва биринчи академия (Улуғбек обсерваториясидаги тадқиқотлар) ни очилишига имконият яратилди.

9) Моварауннаҳр марказлашган қудратли давлатга айлантирилди.

Фарзандларимизнинг маънавий – ахлокий интеллектуал, жисмоний ва ҳ.к. жиҳатдан тарбиялашнинг барча жабҳалари учун Амир Темур фаолиятидан ибрат – намуна топиш мумкин, чунки у юртимиз фахри ва ифтихоридир.

Юртимиз тарихида юқорида қайд этилган қаҳрамонлар каби ибрат – намуна бўладиган тарихий шахсларимизни кўплаб келтиришимиз мумкин.

Бу ерда шуни алоҳида қайд этиш мумкинки, ҳурматли ва намунали бўлиш учун, фақатгина уларга хавас қилиш етарли эмас, чунки бундай мақомга эга бўлиш чун жуда катта фидойилик ва жасорат керак. Бу ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Демак, ибрат – намуна истасанг ибрат кўрсатиб, намунали бўлишга ҳаракат қил, чунки ибрат кўрсатишнинг ўзи намуна мактабидир, деган хулосани чиқарсак хато бўлмайди.

2. Фарзандларимизга икки дунё саодатини ўйлаб фаолият юритишни ўргатиш. Мазкур қисмда фарзандларимизга ўзларининг тириклик давридаёқ ўзига ҳайкал ярата олган улуғларимизни ибрат – намуна қилиб кўрсатишни лозим топдик. Бунинг учун профессор Х.А.Тўрақуловнинг «Инсон камолотининг маънавий асослари» номли рисоласидаги маълумотлардан фойдаландик.

• Амалий фаолият туфайли касб – корини ва илму – ҳунарни улуглаш орқали одамлар ўзига буюк мазмун – моҳиятли таҳаллусни пайдо қиладилар ва улар унинг ҳаёти, фаолиятининг мазмун –

моҳиятини ифода этади ва ҳаттоки шу таҳаллус орқали тарихда абадий қолади, яъни ўзига «Жонли хайкал» ўрнатади. Фарзандларимиз ичидан ҳам ўзига «Жонли хайкал» ўрната оладиганлар чиқишига умидвормиз. Уларга ибрат – намуна сифатида улуг инсонлар ҳаёти ва фаолиятдан фойдаланилса яхши бўлади. Буларга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Уларнинг баъзилари ҳақида қисқача хулосавий маълумотларни келтирамиз:

- **Маҳмуд аз – Замахшарий** – «Жоруллоҳ» («Аллоҳнинг кўшниси»), «Устод уд – дунё» («бутун дунёнинг устози»), «Устод ул – араб вал - ажам» («Араблар ва араб бўлмаганлар устози»), «Фахру Хаворазм» («Хоразм фаҳри»), «Каъба ул - адаб» («Адаб аҳли учун баъмисоли Каъба») каби таҳаллус ва номларга сазовор бўлди;

- **Алишер Навоий** – «Шеърят мулкининг султони» деган ном билан ўзига буюк ҳайкал ўрнатди;

- **Имом ал – Бухорий** – «Имом уд - дунё» («Бутун дунёнинг имоми»), «Муҳаддисларнинг имоми», «Ҳаддис илмининг султони» каби номли таҳаллусларга эга бўлди;

- **Паҳлавон Маҳмуд Пурёйвалий** – «Паҳлавон замон» номига эга бўлди;

- **Абу Наср Фаробий** – «Муаллимий соний» («Иккинчи муаллим»), «Шарқ арастуси» каби номларига сазовор бўлди;

- **Хожа Ахрорий Волий** – «Шайхлар шайхи» деган юксак номга сазовор бўлган;

- **Ғиждувоний** – «Хўжаи жаҳон», деган юксак мақомга эга бўлган;

- **Абу Наср Мансур ибн Ирок (Аррох)** – «Шарқда иккинчи Батлимус», деган номни олган;

- **Али Қушчи** – «Шарқ Птоломейи» номини олишга муносиб хизмат қилган;

- **Ал – Матрудий** – «Имом ал - Худа» («Ҳидоят йўли имоми»), «Имом ал - мутакаминин» («Мутакаминлар имоми») номларига сазовор бўлган;

- **Ибн Сино** – «Шайх ур - раис» («олимлар бошлиғи»), «Табиблар подшоҳи», деган номларга сазовор бўлган;

- **Нақшбанд** – «Баҳоуддин балогардон» деган таҳаллусга доимо мос ва хос хизмат қила олди. У жаҳон мулкининг нигоҳбони – Балогардон бўлган;

- **Лутфий** – «Малик ул - калом» («Суз подшоси»), деган номга лойиқ бўлди;

- **Камолиддин Бехзод** – «Шарк Рафаэли», деган юксак ном билан аталди;

- **Санд Аҳмад ибн Мавлоно Жалолиддин Косоний** «Махдуми Аъзам» даражасига етган улуг аллома бўлган;

- **Паҳлавон Муҳаммад Абдусаид** – «Пайлавони олам» номи билан шуҳрат қозонган. У Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаронинг қиёматли дўсти ва кўнгил маҳрами бўлган.

Паҳлавон Муҳаммад Алишер Навоийнинг «Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад» қасида рисоласида «**Азҳари миналишамс** – қуёшдек нур сочувчи зот», «**Шамсул миллат** – миллат қуёш и», деб таърифланган ва ушбу асарда Паҳлавон Муҳаммад Абдусаид сиймоси, ботиний ва зоҳирий дунёси ўз ифодасини топган;

Паҳлавон Муҳаммад Абдусаид ҳикмати: «**Ўғлим, бир тарози борки, унда тап эмас, ақл - у идрок тортилуру!**»;

- **Хожа Аҳмад Яссавий** «Туркистон мулкининг шайхул машойихи», деб ҳурмат билан тилга олинган;

- **Амир Темур** «Машҳури замон саркарда» номини олган ва бу номни олганда 1000 (минг) та жанг ўтказиб бирортасида ҳам енгилмаган. У сиёсий майдонга кадам қўйганда 24 ёшга тўлган эди.

Машҳур давлат **арбоби**, Ўрта асрларда давлат қурилиши ва тузилиши ислохатчиси, адолат учун толмас **курашчи**, илм – фан ва маданият **раҳнамоси**, озодликка ва тараққиётга бўлган интилишини ўзида мужассам этган **холоскор ва дохий**.

1370 йилда Амир Темур Балхда бўлиб ўтган қурилтойда **Мовораоуннаҳрнинг улуг амири**, деб эълон қилинди.

- **Шайх Нажмиддин Кубро**. Адолатпарвар Шайх номи билан машҳур бўлган.

Оддий чумолига озор бермасликни тарғиб қилиб юрган роҳаний **Нажмиддин Кубро** вақти келганда «**Ё ҳаёт, ё мамот!**», «**Ё Ватан, ё шарафли ўлим!**», деб халқни курашга чорлади.

- **Ҳазрати Қосим Шайх**. У қуйидаги номлар билан улуғланган: **Олийжаноб хазрати**; **тарикат эгаси**; **ҳақиқат насабли**; **вилоят буржининг юлдузи**; **хидоят сандигининг гавҳари**;

- **Пифагор** «Рақамлар файласуфи» номи билан маълум ва машҳур бўлган.

- **Жалолиддин Мангуберди** «Саҳрода Шер, дарёда наҳанг» каби жангчи деб таъриф берилган;

- **Умар Хайём** «Иккинчи Птоломей», деган номга сазовор бўлган;

- Абул Хайр ибн ал – Хаммор «Иккинчи Гиппократ» номини олишга сазовор бўлган;
- Абдуллахўжаева Малика – замона алломаси, деган номга сазовор бўлган;
- Қобулов Восил Қобулович – бошқариш илмининг дарғаси (Лидр науки) номига сазовор бўлган;

• Мария Складовская Кьюри. Тарихда аёллардан чиққан биринчи академик, икки марта Нобель мукофотига сазовор бўлган;

Мария Кьюри тўғрисида Альберт Эйнштейн фикри: «Мария Кьюри дунёда шон – шуҳрат ўзгартирмаган бирдан – бир одамдир» ва ҳоказо бу каби улуғ инсонларимиз номини яна давом эттириш мумкин.

3. Фарзандларимизга замонавий қаҳрамонларни намунали оилалар ибрат – намунаси сифатида таништириш.

Маълумки, мансаб, лавозим, хизмат мавқеи инсонни, унинг одамий-лигини ва оилапарварлигини кўрсатишда муҳим кўрсаткичлардандир. Улар жамиятдаги туб ижтимоий ўзгаришларга ҳам тўртки бўла олади. Ана шу жиҳатлари билан элнинг эъзозидан, халқнинг эътиборидан тушмасдан яшаб келаётган улуғ инсонларимиз мамлакатимизда жуда кўплаб топилади. Уларнинг турмуш тарзини фарзандларимизга намунали оила соҳиблари ва соҳибалари сифатида таништирсак ибрат – намуна тарбиясида яна бир йўналиш ҳосил бўлади.

Юқоридаги қайд этилган фарзандларни жасорат руҳида тарбиялаш ва фарзандларни икки дунё саодатини ўйлаб фаолият юритишга ўргатишдаги маълумотлар мозийга тегишли бўлса, мазкур тадқиқот ишимизнинг ушбу қисмида бевосита замондош улуғ инсонлар ибрат – намунаси ҳақидаги маълумотларни келтирмоқчимиз. Бу борада мустақиллигимиз давридаги қаҳрамонларимиз ҳақида фарзандларимизга маълумот берсак, уларда ўтмишимиз ва бугунимиз ҳам бунёдкорликка йўғрилган ҳамда унга арзийдиган улуғ инсонларимиз ҳам ҳамма вақт бор бўлган, деган улуғ туйғу ва фахрни юксалтиришга муҳим асос қўйган бўламиз.

Демак, фарзандларимизга ҳозирда ҳам Тўмарис, Муқанна, Широқ, Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Ал – Хоразмий, Ал – Беруний, ибн Сино, Ал – Фарғоний, Алишер Навоийлардек каби улуғ инсонларимиз бор эканлигини таъкидлай олар эканмиз.

Булар тўғрисидаги маълумотларни оилада болалар интеллектуал салоҳиятига мослаб, улар тилида тушунтирилса ибрат – намуна тарбияси самарали бўлади.

III БОБ. ОИЛА ДАРСИ МАШҒУЛОТЛАРИ

3.1. Оила дарси машғулотларини ўтказишнинг педагогик шарт – шароитлари

Маълумки, эр – хотин «Оила → жамоа (маҳалла) → жамият → давлат» тизимидаги оила шахсини камол топтиришнинг дастлабки муҳим таянчи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жамиятимизда оиланинг аҳамияти йилдан йилга оширилиб бормоқда («Инсон манфаатлари йили» (1997 й.), «Оила йили» (1998 й.), «Аёллар йили» (1999 й.), «Соғлом авлод йили» (2000 й.), «Оналар ва болалар йили» (2001 й.), «Қарияларни кадрлаш йили» (2002 й.), «Обод маҳалла йили» (2003 й.), «Меҳр ва мурувват йили» (2004 й.), «Сиҳат – саломатлик йили» (2005 й.), «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» (2006 й.), «Мустаҳкам оила йили» (2012 й.) ларга аталган давлат дастури). Оиладаги соғлом муҳит ва унга мос маънавий салоҳият бола тарбиясига мустаҳкам ахлоқий – дидактик асос бўлади, яъни оиладаги ота - она, опа – сингил, опа - ука, ака – ука, ака – сингиллар ўртасидаги соғлом муносабат оиладаги болаларни шахс сифатида камол топишида ўзининг ижобий таъсирини кўрсата олади. Бунга сабаб оила аъзоларидан энг кичиги ҳам ёшлигиданок кўрган, эшитганларини ўз хотирасига жойлай бошлайди ва бу ўз навбатида улар хотирасида мустаҳкамланиб бораверади.

Демак, бундан оилада тарбия топган боланинг келажакда баркамол инсон бўлиши учун аввало, улар ўсиб – улғаяётган оила ҳар томонлама сайқал топган, ибрат – намунага, маънавийга ва ахлоққа эга бўлган оила бўлишлиги талаб қилинар экан. Бу эса мамлакатимиздаги ота – оналарга катта масъулят юклайди. Шунингдек, оиладаги ота – онанинг ҳар бир хатти – ҳаракати болалари учун ахлоқий дарс машғулотларига ўхшаб кетиши керак экан. Бу орқали уларнинг оилаларида ўсаётган болаларида ҳам бу каби ҳислатлар ва фазилатлар шаклланиб бораверади. Афсуски, баъзи оилаларда бошқача «манзара» учраб қолади, яъни оила муҳитида кўпол муносабатлар, салбий ҳолатлар, «тадбиркорлик», «ишбилармонлик» каби бола тарбиясининг маънавий кифоасини издан чиқарадиган ҳолатлар учраб туради. Бундай оилалар давлатга ҳам, жамиятга ҳам зарар етказди. Бу борада Муҳтарам Президентимиз И. Каримовнинг

куйидаги фикри ибратлидир: «*Оилада кўни – кўшиларни кўролмаслик, фиску- фасот, иғво муҳити ҳукумрон бўлса, ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси боланинг хотирасида тузатиб бўлмайдиган оғир асорат қолдиради*» [3. 54 – 6.].

Шу сабабли ҳам оила, жамоа, жамият ва давлат тақдири бир – бири билан чамбарчас боғлангандир. Ана шу сабабли ҳам бола тарбиясини донишмандларимиз таъкидлаганидек, иложи бўлса уни она қорнида пайдо бўлганиданок бошлаш лозим экан ва бу мунтазам давом этадиган жараён дир. Шунинг учун ҳурматли ота–оналаримиз олдида турган вазифа дунёда энг қийин ва мураккаб муаммолардан бири ҳам бола тарбияси ва уни бошқариш дир! Шу сабабли ҳар бир хатти – ҳаракатларимиз фарзандининг тарбиясида «оила дарси» бўлиб ҳисоблансин, чунки ўзингиз ибрат–наъмуна бўлмасдан туриб фарзанд тарбиясини яхшилаб уддалай олмайсиз, чунки «Дарахтнинг меваси ўзидан узокка тушмайди». Ўқув қўлланманинг ушбу қисмида бола тарбиясининг дастлабки босқичлари тўғрисида улуғ мутафаккир Бархурдор ибн Махмуднинг куйидаги кўрсатмавий фикрини келтиришни маъқул топдик:

ИЛМУ ОДОБ

«Агар она янги туғилган болага сут беришда узрли бўлмаса, ўзи сут берган» маъқул. Чунки, онанинг сути бошқаларнинг сутига нисбатан ҳазимлироқ бўлади. Сут берганида ҳам ҳар икки кўкракдан сут бериш лозим. Бири нон ўрнида бўлса, бири сут ўрнида бўлади. Агар она сут беришга узрли бўлса, доя қабул қилмоқ керак. Аммо, хунук, тентак ва айбли доялардан сакланмоқ керак, яъни сут берувчи доя ҳар қандай нуқсонлардан ҳоли бўлсин. Чунки, сут болага катта таъсир кўрсатади.

Болани эмизиш мудати икки йил бўлади. Аммо йигирма бир ойни ҳам жоиз топганлар. Болани етти ёшгача эркин кўйилади. Етти ёшдан эса илму одоб ва олий фанларни ўрганишга тарғиб қилмоқ лозим.

Болаларни ёмон, билимсиз кишилар билан ҳамсуҳбат бўлишларига йўл қўймаслик даркор. Чунки улар нимани кўрсалар ва кимга эргашсалар, ўша нарсаларга тезда кўникиб қолишади. (Ана шунинг учун ҳам «оила дарслари» керак бўлади. – Т.И. Х.). Агар шу ҳол рўй берса, ундан сўнг Лукмон ва Афлотуннинг мингта панду насихати билан ҳам уларнинг кўнглидан ўрганган нарсаларини чиқариб бўлмайди» [18. 56 – 57 – б.].

Бола тарбиясида ота – она вазифаси. Бола тарбиясида ота–онанинг ҳар бир хатти–ҳаракати ҳаёт дорилфунуни вазифасини бажариши лозим. Бунга сабаб болалар фаолиятига ўйин, меҳнат,

санъат, билим ҳамиша хосдир. Шу сабабли ота – оналар ўз фарзандларининг ушбу турдаги фаолиятига жиддий эътибор қаратиши лозим бўлади. Уларнинг фарзандлари билан биргаликдаги фаолиятини ташкил қилиш ва оилада индивидуал ҳамда жамоавий тарзда тарбиявий ишларни олиб бориш, улардан ўз оталик ва оналик бурч вазифаларини мустақкам ҳамда чуқур билишлари талаб этилади.

Соғлом маънавий муҳитга эга бўлган оилалардаги ота – оналарда оила дарсларини ташкил этишда қуйидагидек шахсий хислатларга эга бўлиши талаб этилади:

1). Оиладаги фарзандларининг ёши неча бўлишидан қатъий назар, уларни тушуна олишлиги.

2). Ота – онанинг бошқаларга айниқса, фарзандларига таъсир ўтказа олиши, шу жумладан, руҳий таъсир ҳам, чунки бу орқали тарбияда таъсирчан воситалар яратилади.

3). Ота – онанинг ўз фарзандларига ибрат – намуна бўла олиши, чунки бу боғлиқликда олдингилардан ибрат олиб, фарзандларига намуна бўлиши жуда қимматли маънавий асосдир.

Носоғлом оилавий муҳитда эса буларни амалга ошириб бўлмайди. Бундай оилаларга бошқача ёндашув керак бўлади.

Оилада ота – онанинг фарзанд тарбиясидаги шахсий хислатлари фарзандларининг жамоавий фаолият юритишида етакчи ҳаракатлантирувчи куч бўлиб ҳисоблаади.

Бу борада ота – оналарнинг ўз вазифаларини яхши билиши муҳимдир. Қуйида улар тўғрисида қисқача тўхталамиз:

1. Отанинг вазифаси: «Оила кўрғон»нинг кўрикчиси ва носпони; оиланинг маънавий, моддий ва интеллектуал жиҳатдан кўллаб – қувватловчиси; аёли ва фарзандларининг барча фаолият турлари бўйича ҳомийси; оилада бўлиши мумкин бўлган салбий таъҳид ва тазйиқларга қалқон; ўз турмуш ўртоғига уйни идора қилишни ўргатувчи; кўпол муомала ва муносабатлардан йироқ; ширинсўз, хушмуомала, мулойим, муруватли бўлиш кабилардир.

2. Онанинг вазифаси: «Оила кўрғони»нинг маънавий устуни; оилада фарзандларнинг маънавиятли ва маърифатли бўлишининг фидойиси; фарзандларни оқ ювиб, оқ тарашнинг ташаббускори; эркак тийёрлаб келган моддий маҳсулотларни фарзандларига тайёрлаб беришдаги пазандалик; оилада меҳмон кутишнинг замонавий – маънавий вариантнинг новатори бўлишлик; эри ва болаларини ўз ишқига ишга ва ўқишга яхши қайфият улашиш билан кузатиш; фарзандларининг тақдири билан мунтазам равишда қизиқиб бориш кабилар.

Оила дарси машғулотларини ташкил этиш шарт – шароитлари. Оила дарсида ота – оналар ҳар доим фарзандларининг тарбиясида куйидаги жиҳатларга катта эътибор бериши керак: хулқ – атвори; тартиб – интизоми; элементар меҳнат кўникмалари ва ҳисоблаш тафаккурининг шаклланиши; жисмоний соғлом бўлиши; оила аъзолари ўртасидаги ҳурмат – иззат муносабатлари; оилада каттага ҳурмат ва кичикларга иззатда бўлишдек инсонийлик фазилатларини шакллантириш ва шу қабиларга.

Буларни амалга ошириш учун оила жуда қулай муҳитдир. Шунинг учун ҳар қандай ота – она бола тарбиясининг таъсирчан воситаларини пухта ўзлаштирган бўлиши керак. Тажрибаларнинг кўрсатишича бу борада «**Оила дарслари**»нинг ўрни беқиёс. Бу ҳақда **Олимат ул – Банот (XIX аср)** – маърифатпарвар татар олимасининг «Оила дарслари» номли ахлокий – маърифий китобида ҳам қимматли фикрлар билдирилган.

Оила дарси – бу оилада зарур ва керакли манбалардан фойдаланган ҳолда фарзандларни ижобий ҳаракатларга ундовчи, ўз камчиликларини бартараф этувчи янги фикрлар ва ҳис – туйғуларни вужудга келтирувчи аниқ вазият ва ҳолатларни ташкил қилиш усулига асосланган машғулотдир.

Оила дарси машғулотлари (ОДМ) нинг ҳар бир усули ўзининг характерли хусусиятларига эга бўлиб, улар икки йўналишга бўлинади. **Биринчи** йўналишдан асосий мақсад болани илҳомлантирувчи ижобий ҳислатларни шакллантириш бўлиб, унда боланинг ахлоқ – одоби, маънавий ва ақлий ҳамда меҳнат тарбияси эътиборда бўлади. Ушбу йўналиш натижасида оиладаги фарзандларда шаклланган ҳурсандчилик, миннатдорчилик, ота – оналарига ҳурмат ва ўз кучига ишониш каби ҳиссиётларнинг пайдо бўлиши ОДМнинг ижобий тарбиявий таъсир ҳосил бўлганлигидан далолат беради.

Мазкур машғулотнинг аҳамиятли жойи шундаки, унинг ёрдамида оиладаги фарзандлар тарбиясида уятчанлик, эпсизлик, хафсаласизлик, ўкинч, хафагарчилик ва фақатгина ачиниш каби ҳиссиётларни йўқотишга эришилади.

Иккинчи йўналишдан асосий мақсад эса фарзанд тарбиясида ота – онанинг шахсий ҳиссиётларини ривожлантиришдан иборатдир. Бунда ОДМни олиб бориш давомида ота – оналарнинг ғоявийлиги, маънавий дунёқараши, интеллектуал салоҳияти, соғлом турмуш маданияти кўзга ташланади ва янада ривожланади. Улар ота – оналардаги: инсонпарварлик; меҳрибонлик; сезгирлик; зийраклик; кузатувчанлик; синчиковлик; чидамлилиқ; ўз – ўзини бошқара

олишлик; мақсадга интилувчанлик; тезкорлик; ташаббускорлик; топқирлик каби жиҳатларда яққол сезилади.

ОДМни олиб боришнинг аниқ бир алгоритмик тарздаги шакли йўқ. Унинг мазмуни оиладаги муҳит ва фарзандларининг характер – хусусиятларига боғлиқ ҳолда ўзгариб туриши мумкин. Шунинг билан бирга ОДМни олиб боришда муайян **тамойилларга** амал қилишга тўғри келади. Улар:

- ота – онанинг ўз фарзанд (лари) шахсига ҳурмат билан қараши;
- ота – онанинг ўз фарзандларнинг турли руҳий ҳолатларини эътиборга олган ҳолда уларга бериладиган тарбияга доимо эътибор бериш;

- ота – онанинг ҳар бир фарзандларининг индивидуал хусусиятларидан хабардор бўлиб бориши ва керакли жойларда улар тарбиясига тузатиш кирита олиш;

- ота – онанинг ҳар бир фарзандининг истикболига қизиқиши ва болалар тарбиясида доимо яхши **фарзанд ота – онани даврада тўрға ўтқазди, ёмон фарзанд эса ота – онани пойгоҳга туширади**, деган нақлга амал қилиб фаолият юритиш.

Шунинг билан бирга юқорида қайд этилган тамайиллар асосида оила дарсларини ташкил этиш турлари тўғрисида қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- оилада дам олиш кунларига (шанба, якшанба) мўлжалланган оила дарслари;

- оилада оилавий ва оммавий байрамларни кутиб олишга мўлжалланган оила дарслари;

- оилада оилавий маросимларни ва урф – одатларни ўтқозишга мўлжалланган оила дарслари.

Бу ҳақда ОДМни мавзулари ва ОДМни уюштиришга бағишланган қисмда батафсил тўхталамиз.

Оилада ота – она томонидан ташкиллаштириладиган оила дарслари бўйича олиб бориладиган машғулотларни ўқитиш йўли билан эмас, балки тренинглар, машқлар, қизиқарли савол – жавоблар, баҳслар, тарбиявий масалалар таҳлили, бошқа шу каби тарбиявий тадбирлар уюштириш билан амалга оширилади. Бундаги машқлар эркин, қизиқарли, жонли бўлиши керак.

Энди ОДМнинг шарт – шароитлари тўғрисида фикр юритамиз. Уларни тахминан қуйидаги кетма – кетликда олиб боришни тавсия этамиз:

1) Оила дарслари машғулотларини олиб боришга тайёргарлик:

- машғулот мақсад ва вазифалари аниқлаш;

- фарзандларни рағбатлантирувчи омил ва унга қўйилган талабларни аниқлаш;

- оила имконияти ва шароитидан келиб чиққан ҳолда машғулоти ўтказишнинг қулай вақтини аниқлаш;

- натижаларни баҳолаш турини аниқлаш;

- дарс машғулоти турини аниқлаш (баҳс – мунозара, тарбиявий масалалар тузиш ва унинг ечими муҳокамаси, тарбиявий тадбир уюштириш, байрам дастурхони тузаш, белгиланган режани амалга ошириши муҳокамаси ва шу кабилар).

2) Ташкилий масалалар:

- оила дарси ўтказиладиган жойнинг етарли эканлигига ишонч ҳосил қилиш;

- оила дарси машғулоти ўтказилишига ҳамма нарса тахтлиги (фарзандларнинг хонада ёки ҳовлида ҳамма нарсани яхши кўра олишлиги шароити, уларнинг машғулоти жойида эркин ҳаракат қила олишлиги ва ҳ.к.);

- машғулоти жойида ва ташқарисида шовқин даражасининг дарсга таъсирини ўрганиш.

3) Машғулоти олиб бориш жадвали қуйидагиларга боғлиқ ҳолда тузилади:

- шанба кунги машғулоти – оила дарси (ҳафталик якуни муҳокамаси: ютуқ ва камчиликларни баҳолаш);

- якшанба кунги машғулоти оила дарси (шанба кунги аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва якшанба кунига мўлалланган режаларнинг бажарилиши);

- байрам кунларига бағишланган (1 – январь – «Янги йил», 14 – январь – «Ватан ҳимоячилари кун», 8 – март - «Халқаро Хотин – қизлар кун», «23 – март - «Наврўз», 9 – май – «Хотира ва қадрлаш кун», 1 июнь – «Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кун», 1 – сентябрь «Мустақиллик кун», 1 – сентябрь «Билимлар кун», 21 – октябрь – «Ўзбек тилига давлат мақоми берилган кун», 8 – декабр – «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кун» байрамлари) оила дарслари;

- оилада оила аъзоларининг туғилган кунларини ўтказишга бағишланган оила дарслари (оила аъзоларининг таваллуд кунлари, юбилейлари ва шу кабилар);

- оилада оламдан ўтган оила аъзоларининг хотиралари билан боғлиқ маросимларга оид оила дарслари;

- оиладан узоқда жойлашган мартабали инсонларни кутиб олиш билан боғлиқ оила дарслари (бобо, бувиларнинг фарзандлариникига келиши, устозларнинг шогирдларининг ўйига ташрифи ва шу кабилар).

4). Оила дарси машғулотида кейин хулосалаш жараёнига тайёргарлик:

- оилада ўтказилган машғулотдан кейин фарзандларнинг хулосавий фикрини билиш ва бу борада суҳбат ўтказиш. Унда нима яхши, нима ёмон ёки ким ақлли, ким тарбияли саволларга жавоб излаш керак;

- фарзандларнинг кейинги фаолиятини режалаштириш;

- оила дарслари орасида улар натижалари бўйича мониторинг ўтказиш. Бунда бола тарбиясининг «бўлади яхши жуда яхши аъло» каби тизим асосда олиб боришга ҳаракат қилинса жуда яхши ижобий самара беради.

Оила дарсини ташкил этувчиларга тавсиялар ва маслаҳатлар. Оила дарсини ташкил этувчилар (ота ёки она) дарс машғулоти учун мавзунини олдиндан режалаштириши лозим ва вақтини 1.3 – қисмда кўрсатилгандек танлайди. Бунда ота – она ҳам юқори интеллектуал салоҳиятли ва юксак маънавий савияли бўлса ҳамда улар ўз вазифасини онгли равишда сезса, шунингдек, бола тарбиясига мос мавзу танланса оила дарсини самарали амалга ошириш мумкин.

1). Оила дарсида ота (она) вазифаси

Ота (она) оила дарсининг самарали бўлишига ва истиқболда фарзандларининг маънавий баркамол бўлиб етишиши таъминловчи маънавий асос бўлишига шахсан жавобгардир. Шунингдек, у бир вақтнинг ўзида оиланинг мунтазам равишда ҳам моддий, ҳам маънавий, ҳам интеллектуал жиҳатдан юксалиб боришга масъулдир. Шунинг учун у оила дарсини ўтказишда қуйидаги вазифаларни эсдан чиқармаслиги керак:

- оилада мазкур оила дарсини ўтишгача бўлган манбалар ва маълумотлар тўғрисида мукамал билимга эга бўлиш;

- олдинги маълумотлар билан оила дарсида ўтиладиган маълумотлар билан оила дарсида ўтиладиган маълумотлар билан боғлиқликни ўрнатиш, чунки олдинги маълумотлардан мазкур машғулотларда фойдаланиш бу борада муҳим аҳамият касб этади;

- ОДМлари орасида фойдаланиладиган маълумотлар узвийлиги ва узлуксизлиги эътиборга олиш керак. Акс ҳолда ота (она) болалари учун фақат маъруза ўқийвергич – насиҳатгуйга айланиб қолади;

- ҳар бир ОДМнинг бош ғояси бўлсин, ундан кейин асосий ғоялари ҳам эътиборга олинса дарс машғулоти самарали бўлади;

- ота – она оила дарсининг оила аъзолари олдиндан қандай қабул қилишлигини билиш керак. Агар оила аъзолари нима мақсадда бир жойга тўпланганимизни сезиб ва кутиб ўтирса оила дарсини

бемалол ўтказабериш мумкин. Агар оила аъзоларидан баъзилари буни хоҳламай турса (бу оила аъзоларидан бирортаси айб иш қилганда, оилада баъзи нохуш ҳолат юз берганда, айнан шу кунига бошқа муҳим иш (тадбир) чиқиб қолганда юз бериши мумкин) машғулотни ўтказиш самара берадими – йўқми? Буни ўйлаб кўриш керак. Самарасиз дарс бўлгандан кўра бўлмагани маъқул. Бундай ҳолларда Ота (она) томонидан қизиқарли, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ҳикоя ёки ривоят ёки ибратли латифа айтиб берган маъқул. Булар машғулотингиз бош ва асосий гоёларига мос бўлсин;

- ОДМнинг бош ва асосий гоёсини баён қилишида Ота (она) дан ниҳоятда устакорлик ва нотиклик талаб этилади, акс ҳолда вазхонлик айниқса, болаларга ёқмайди. Оила дарсларидаги маълумотлар, яъни насиҳатлар, кўрсатмалар баёнингиз қизиқарли бўлсин. Уларни оила аъзоларингиз яна эшитгиси келсин ва бунда оила аъзоларингиздан эришган ютуқлардан албатта кўшиб юборинг. Эсдан чиқарманг бу жиҳат улар учун бир мукофотдир, яъни бу уларни ушбу жараёнга яна ҳам чуқурроқ кириб боришига маънавий – дидактик асос бўлади;

- ОДМи давомида фаолиятингиз йўналиши ва шаклини иложи борица олдиндан режалаштириб олинг! Улар: суҳбат, эртак ёки ривоят ҳамда ҳикоят айтиб бериш; педагогик масала ечиш ва ечимни таҳлил қилиш; маънавий – маърифий (оилавий ҳолатга оид) мазмундаги шеър айтиб бериш; Давлат мадҳиясини ўрганиш; оилада ибратли одамлар ва оилалар тўғрисида фикр алмашиш кўринишлардаги каби бўлиши мумкин. Умуман олганда улар ранг – баранг бўлсин, оила аъзоларингизнинг зерикашига йўл қўйманг!;

- Ўзингизча белгиланган вақт чегарасига амал қилинг! Вазхонлик, насиҳатгўйлик, танбеҳ бераверишликка йўл қўйманг! Фарзандингиз ўз хатосини шу машғулотдан кейин ўзи онгли равишда сезсин ва «Дада (ая) Мен шу жойда нотўғри қилибман-а», деса дарс машғулотини аъло даражада ўтган бўласиз. Эсингизда тутинг фақат вазхонлик, насиҳатгўйлик боланинг энсасини котиради. Хуллас бу оила дарсингиздан кейингиси қачон бўлар экан, деб улар кутсин;

- оила дарсингизда оила аъзоларининг ўтирадиган жойлари (ота, она, дада, ая, ака, ука, опа, сингил ва ҳоказо) аниқ бўлсин;

- оила дарсингиздан қўйилган мақсадга эришдингизми? Буни аниқ баҳолаб боринг, яъни мониторинг ўтказинг. Бу машғулотдан кейингиси ўтиш оид боғлиқликни ўрнатинг. Юз берган камчиликларни (агар рўй берса) кейинги машғулотда тузатишни ўйланг.

Оила дарси машғулотларини олиб боришга маслаҳатлар:

- оила дарсларига фарзандларни ёшлигиданок жалб қилинади. Улардаги «Ассалому алайкум», «Раҳмат», «Бобо соғ бўлинг», «Буви соғ бўлинг», «Дада соғ бўлинг», «Ая соғ бўлинг», «Бобо яхши ётиб туринг», «Буви яхши ётиб туринг», «Дада яхши ётиб туринг», «Ая яхши ётиб туринг» кабилар дастлабки машғулотлар маҳсулидир.

- ўз машғулотиингиз мақсадига дарҳол киришманг, машғулоти олиб бораётганингиизга расмий тус берманг. Иложи борица фарзандларингиз ўзлари фаол равишда машғулотига киритиб кетсин. Аввал уларнинг қизиқишларини уйғотиинг (баҳсталаб бир ҳолатни ўртага ташланг) ва бирор тарбиявий масала (ёки эртақми, ривоятми айтиб) ёрдамида фарзанд (лари)-ингизнинг диққат эътиборини қозониинг. Бунинг учун мазмуни ҳаёт билан ёки машғулоти аъзоларининг тажрибаси билан боғланадиган воқеа ёки ҳодисалардан фойдаланган маъқул;

- ОДМнинг асосий вақтида ота (она) фаолиятига кўпроқ эътибор қаратиинг, чунки фарзандлар ота – онадан андоза олишни яхши кўради. Агарда оилада бобо ёки бува бўлса, албатта улар фаолияти билан боғланг. Бу борада тарбиянгииз янада таъсирчан бўлади, чунки бобо – бувалар невараларини фарзандларидан ҳам яхши кўриши аниқ. Чунки, «Данагидан мағзи ширин»;

- ОДМнинг охирироғидаги қисмида «**Хаёлий сайр**» қисми ҳам бўлсин. Бу уларнинг орзу – ҳавас ва эзгу – ният қилишида керак бўлади. Айниқса, шанба кунги бўладиган машғулотида фарзандларингизнинг ҳафталик фаолиятини кўриб уларга рағбат берасиз ва баъзан бирор нарса (ўйинчоқми, бир жойга боришми ва ҳ.к.) ваъда қиласиз. Фарзандларингизда ўша онданок хаёл суриш (хаёлий сайр) бошланиб кетади ва улар ичидан ташаббускорлари ўз таклифларини ҳам айтади.

ЭСЛАТМА: Болани алдаманг. Бу сизга кейин жуда қимматга тушади. Болани алдаш орқали унга ёлғон гапиришга шароит яратиб берган бўласиз;

- ОДМнгииз уларнинг ақлий савиясига мос бўлсин. Бола билан бола тилида гаплашинг. Улар ҳаётидаги энг ёркин ва қизиқарли ҳолатлар орқали улар қалбига кириб бориб, кейин мақсадингиизга ўтиинг! Бунда нима ёмон, нима яхши, нима мумкин, нима мумкин эмаслигини ўргатсангииз ва улар бўйича ҳосил бўладиган ҳолатларни сабаб – оқибат тизимида баён қилсангииз фарзандингиздаги таҳлил қилиш қабилити ҳам ўсади. Бу эса болани ҳулосавий фикрлар чиқаришга тайёрлайди. Буларга педагогик масалалар ёки машқлар

тузинг. Улар натижаларини машғулот пайтида таҳлил қилинг. Бунда иложи борица фарзандларингиз фикрини кўпроқ эшитинг.

Бор фикрлар канча кўп бўлса, улар ичидан энг оптималини танлаб олиш имконияти кучаяди;

- ОДМнинг мавзусини даврада ўтирганларнинг бири мисолида бошлаб юборинг. Чунки, муайян ҳолат тезроқ уларнинг кўз унгида гавдаланади. Ҳосил бўлган тасаввурлар асосида каралаётган ҳолатлар бўйича муаммолар қўйиб боринг. Масалан, оила аъзоларининг овқатланиш пайтида ўз ўрнини билиши борасидаги оила дарсида Шаҳзод ўз жойига тўғри ўтирдими ёки Шаҳзод овқат еяётганда қошиқни қайси қўли билан ушлади ёки Шаҳзод овқатни чайнаётганда оғзини қандай кимирлатди ёки Шаҳзод овқатни Севинчдани олдин бошлаб юбордими ва ҳоказо каби муаммоларни қўйиш мумкин;

- ҳосил бўлган муаммовий вазиятлар бўйича фарзандларга саволлар беринг. Уларни тўлиқ эшитинг. Кўнглингиздагидай умумий ечим топилмаса, турмуш ўртоғингизга мурожаат қилинг. Бунга турмуш ўртоғингиз ҳам тайёр бўлмоғи лозим. Агарда оилада бобо ва бувалар бўлса, албатта уларнинг ибратомуз фикрларини эшитинг ва буни машғулот пайтида ҳал бўлишини таъминланг. Охирида ўзингиз умумий фикрни демак, деб бошлаб баён қилинг.

Ота - онанинг оила дарси машғулотларида қўшимча маълумот олиш учун саволлар қўйиш қобилияти ва уларнинг машғулотлардаги фаоллиги белгилари:

- машғулот пайтида саволни биттадан (фарзандларнинг ёшига мос ҳолда) беринг ва жавобини кутинг. Агарда фарзандингизнинг жавоби сизни қониқтирмаса, бошқа фарзандингизга сенинг фикрингчи, деб мурожаат қилинг. Дарҳол ўзингиз жавобини тушунтиришга киришиб кетманг. Акс ҳолда улар доимо сизнинг фикрингизни кутадиغان бўлиб қолади. Бу эса дангасалик белгисидир.

- саволлар қисқа ва аниқ бўлиши билан бирга фарзандингизни шунга яқин савол билан қалғитадиغان бўлмасин. Акс ҳолда улар характерида қатъиятсизлик пайдо бўлишига олиб келади;

- очик саволлар беринг. Чунки, улардан Сиз жавобларини тушунтириб беришни талаб қиласиз. Шунда улар ўз фикрларини эркин ифода этишга эришади. Акс ҳолда уларнинг эркин фикрлашига имконият жуда кам бўлади;

- берган саволингиз ва унга мос жавобнинг мазмун – моҳиятига жуда қатта эътибор беринг, чунки тарбияда адашиш мумкин эмас, яъни ёшликда йўл қўйилган кичик хато қатта бўлганда ёмон иллатга айланиши мумкин;

- берган саволингизга жавоб беришига фарзандингизга вақт беринг ва у ҳар қандай жавоб берганда ҳам кулманг ва бошқаларнинг кулишига ҳам йўл қўйманг, бундай ҳолатда бола изза бўлади. Бу эса боладаги **эркинлик ва ташаббускорликни** йўқотади;

- сизни фарзандингиз ўйлаб кўриши, эришиши ва сизга кўпроқ маълумот беришга ҳаракат қилишга тўлиқ шароит яратинг. Бу орқали фарзандларингизни чуқурроқ ўрганасиз. Ўзининг фикрларини баён қилишни ўрганади. Акс ҳолда боладаги **ташаббускорлик ва олға интилувчанлик** каби ҳолатлар сусаяди;

- кўзланган мақсадга эришганлигингизни текшириб кўриш учун фарзандларингизга саволлар беринг. Бу ҳолат оила аъзолари жуда ёш бўлганда такрор – такрор қайд қилиниши лозим;

- мақсадга эришганликка қараб уларга рағбат беринг ва кейинги (масалан, якшанба куни Сенга ни олиб бераман, мени хурсанд қилдинг ўғлим ёки қизим, деб) машғулотда ундан фойдаланинг.

Ота – оналарнинг оила дарси машғулотларидаги фаоллиги куйидагилар:

- оила дарси машғулотини олиб боришга қулай фурсат ва муҳит яратиш;

- машғулот пайтида тана ва тил ёрдамида ўз диққатингизни ҳамда фикрингизни таъкидланг;

- кўриш ва кузатиш алоқаларидан максимал фойдаланишга эришинг;

- бош ва асосий ғоялар бўйича ўз мулоҳазаларингизни билдиринг;

- изоҳловчи, таъкидловчи, йўналтирувчи, тасдиқловчи саволлар беришдан фойдаланинг;

- асосий ҳиссиётлар бўйича ўз мулоҳазаларингизни билдиринг;

- қисқача қилиб «Нимага эришдик?» деган савол билан машғулотни хулосаланг.

Оила дарси машғулотларидаги таъсир ва акс таъсирга оид ҳолатлар

- машғулот аъзолари ўртасидаги ўзига хос хулқни намоён бўлишига эътибор беринг;

- бу хулқнинг таъсирини кузатиб боринг;

-хулқни таҳлил қилишда иложи борича машғулот аъзоларининг фикрини билинг;

- барча машғулот аъзоларининг бир фикрга келишига ҳаракат қилинг;

- охирги хулосавий фикрнинг ижобий нуктаи – назардан эканлигига ишонч ҳосил қилинг.

Ота - онанинг оила дарси машғулотларини олиб бориш малакалари:

1). Новербал (сўзсиз, мимика, пантомимика, қараш ва ҳоказолар) тарздаги дарс машғулотларини олиб боришда эътибор берилиши керак бўлган жиҳатлар қуйидагилар:

- гапираётганингизда ҳар бир машғулот аъзосини (айниқса, фарзандларингизни) кўз остингизда тутинг. Уларнинг ҳаммасига бир хил эътиборда бўлинг. Агар фарзандлар ичидан бирортасини суюкли деб унга кўпроқ эътибор қаратсангиз бошқаларнинг энсасини қотирасиз ва бу дарс ҳеч қандай ижобий натижани бермайди;

- оила аъзоларингизнинг диққатини бузмасликка ҳаракат қилинг. Агарда оила аъзоларида чалғиш ҳолатлари кузатилса, дарҳол уни ҳам мавзуга тортишга ҳаракат қилинг;

- машғулот аъзоларининг (айниқса, фарзандларнинг) бош кимиралиши, табассуми ёки бошқа ҳатти – ҳаракатлари уларнинг ниманидир айтмоқчи эканлигига ишорадир. Бунга албатта эътибор беринг;

- машғулот пайтида хотиржам бўлинг – бу жуда керак. Шунинг билан бирга машғулот мақсадига эришишга қатъиятли бўлинг.

2) Вербал (нуткий) тарздаги дарс машғулотларини олиб боришда эътибор бериладиган жиҳатлар қуйидагилар:

- машғулотларга тайёргарлигингиз пухта бўлсин: машғулот саволларини шундай изчил тузингки, унда дарснинг бош ва асосий ғоялари мазмуни тўлиқ очиладиган бўлсин; аниқловчи саволлар очик саволлар бўлсин, яъни «Сиз бу ҳақда нима дейсиз?», «Нимага?», «Қандай?», «Агар (шундай) бўлиб қолса, сиз бунга нима дейсиз?», «Сизнинг фикрингиз-чи?» ва шу кабилар. Машғулот қатнашчиларидан сиз берган саволларга нуқул «Ҳа» ёки «Йўқ» деб жавоб бераверса, билингки бола зерикаяпти. Унга алоҳида эътибор қаратинг ва фикрини сўранг. Кўплашиб уни жараёнга киритиб олинг;

- машғулот пайтидаги шаклланган фикрларни бошқалардан ҳам сўраб тасдиқлатиб олинг ва «Демак, экан», деб яқунланг;

- машғулот пайтида ўз овозингиз оҳангига эътибор беринг. Фикрларингизни секин (бақирмасдан) ва аниқ баён қилинг;

- машғулот аъзоларини иложи бориचा кўпроқ гапиртиришга ҳаракат қилинг. Навбат билан гапиришга ҳаракат қилинг. Бу маданиятлиликнинг бир белгиси ҳамдир;

- ҳамма саволларга фақат ўзингиз жавоб бераверманг! Саволларнинг жавобларини тўлиқ бўлмаганини машғулотнинг бошқа аъзоларининг тўлдиришига имконият беринг ва бу дарс машғулотнинг асосий таркибий қисмларидан бири эканлигини эсдан чиқарманг;

- саволларга жавобларнинг вариантлари кўплигига эътибор беринг. Бу жавобларни таҳлил қилишга имконият яратади ва саволлар заҳирасини шакллантиришингиз мумкин бўлади;

- машғулот аъзолари фикр билдирганда, уларнинг фикрини бир оз ўзгартириб (уларни қўллагандай бўлиб), яъни фалончи айтганидек, деб ўз сўзингиз билан уни такрор баён қилинг. Бу фикр билдирган фарзанд учун рағбат бўлади, чунки у бу фикр орқали отам (онам) менинг фикримни маъқул топди, деган фикрга келади;

- машғулот давомидаги баҳс – мунозарали ҳолатларнинг мазмун – моҳиятига доимо эътиборда бўлинг, у сизнинг мақсад–вазифаларингизнинг амалга ошишига манба бўлиб хизмат қилсин! Ана шунда машғулотга яқун яшашдаги якуний фикрни чиқаришингиз осон кечади;

- Шахсий тажриба, ибратли ҳаётли кишилар тажрибасидан келиб чиқиб машғулот аъзоларининг якуний фикрларини мустаҳкамланг ва «Демак, келажакда биз намунали (ақлли, доно, раҳбар, олим ва шу кабилар) кишилар бўлишимиз керак экан», деб машғулотни яқунланг.

Оила дарси машғулотларини ўтказишнинг таркибий қисмлари ва элементлари:

Биринчи таркибий қисм: изюминка (фарзандлар билан ишлашнинг ўзига хос томони).

Элементлари: фарзандларнинг машғулотга қизиқишини уйғотиш учун қисқа – қизиқарли баҳсли суҳбат; машғулотга оид саволлар; айрим жиҳатларга нафрат уйғотишга мўлжалланган саволлар; машғулотларнинг олдингиси билан навбатдагиларини боғлиқ ва бунда ҳаётий сабоқлар ҳамда далиллардан фойдаланиш ва ҳ.к.

Иккинчи таркибий қисм: «Оила дарси» машғулотида катнашувчилар натижаларини таъкидлаш.

Элементлари: «Оила дарси» машғулоти натижасидаги кутилаётган натижалар; машғулот аъзоларининг нимани билишлигини таъкидлаш; машғулот дарсларидан кейин машғулот аъзоларининг нима қилишга ҳақидаги хоҳиши ва шу кабилар.

Учинчи таркибий қисм: оила дарси машғулотида ота (она) ни ҳиссаси.

Элементлари: машғулот ўтказиш учун бошланғич маълумотлар; машғулот ўтказиш учун етарли билимлар; бирор фаолият тури бўйича машғулот ўтказиш мазмуни ва шу кабилар.

Тўртинчи таркибий қисм: Интерфаол услуб.

Элементлари: интерфаол машғулотнинг иш тартиби; машғулот давомида жамоавий муҳокама – баҳсни ташкил этиш; фикрларни эркин баён қилишга шароит яратиш; баҳсли – муҳокамали – таҳлилий фикр билдиришларга шароит яратиш; якуний тушунтиришга эришинг ва ўзингиз ҳам тушунтиришлар қилинг; машғулотларни бажариш давомида катнашувчиларнинг топшириқларни тўғри бажариб боришини мониторинг қилиб боринг.

Бешинчи таркибий қисм: Хулосалаш ва баҳолаш.

Элементлари: Машғулот аъзоларининг ўзларининг хулосалари (ёдлаган шеър, ўрганган эртаги, билган ҳақоят ёки ривояти, қиссадан ҳисса рукнидаги фикрлар, машғулот пайтидаги хулосавий – вазифавий фикри ва ҳ.к.; машғулот туфайли (натижасида) олинган маълумотлар ва билимлар; машғулот аъзоларининг ўрганган маълумотлари ва билимлари; машғулот режаси билан олинган натижанинг мос келиши ва шу кабилар.

3.2. «Оила дарси» машғулотларини ўтказиш технологияси

Бош ғоя: Оилада фарзандни миллий ва умуминсоний кадриятлар негизида тарбиялаш.

Асосий ғоялар:

- оилада фарзандларни авлод – аждодларимиз, яъни донишмандларимизнинг тарбияга оид ўғитлари асосида тарбиялаш;
- оилада фарзандларимизни миллий – маънавий кадриятлар асосида тарбиялаш;
- оилада болаларни урф – одат, маросим ва анъаналар руҳида тарбиялаш;
- фарзандларни оилавий анъаналарни уюштириш асосида тарбиялаш;
- фарзандларни байрамларни кутиб олиш ва ўтказишни ташкил этишга ўргатиш асосида тарбиялаш.

«Оила дарси» машғулотининг мақсади: Оилада болаларни миллий-маънавий кадриятларимизга содиқ қилиб тарбиялаш.

«Оила дарси» машғулотининг асосий вазифалари:

- оилада фарзандларни катталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялаш;

- оилада фарзандларни даврада ўз ўрнини топиб ўтиришга ўргатиш;

- фарзандларда саломлашиш одобини таркиб топтириш;

- фарзандларда кийиниш одобини шакллантириш;

- фарзандларда бобо-бува ва ота – онани рухлантириш кўникмаларини шакллантириш;

- оилада фарзандларни оилавий расм – русумлар асосида тайёрлаш;

- оилада фарзандларни тарбиявий ўғитлар асосида тарбиялаш;

- оилада фарзандларнинг меҳнат кўникмаларини шакллантириш;

- оилада фарзандларнинг ҳисоблаш тафаккурини шакллантириш.

Машғулот ўтказиш технологияси:

Машғулот ўтказишнинг ҳар бир турида янги тушунчалар, номлар биттадан киритиб бериш зарур. Машғулотлар иложи борича ранг – баранг бўлсин. Машғулотни ўтказишнинг биринчи босқичидан иккинчи босқичига аста – секинлик билан (буни алоҳида таъкидлаш шарт эмас) ўтиш. Машғулотда қайсидир фаолият турини киритишдан олдин, барча керакли мазмун ва таянч маълумотларни тайёрлигини қайта кўриб чиқиш. Баҳс учун шундай саволлар тузунг-ки, унинг жавоблари фақат «ҳа» ёки «йўқ» сўзларидан иборат бўлмасин, балки берган саволларингизга жавоб орқали фарзандингиз кўнглидагини ҳам билиб олишга эришишингизни ўйланг. Машғулот давомида фарзандларингизга тушунарли бўлган фикрлардан фойдаланинг ва булар машғулот диққат марказида бўлсин ҳамда машғулот давомида бериладиган маълумотларни ўрганиш фарзандларингиз энгил тушунадиган бўлсин.

Машғулот пайтида савол бера туриб, сўровнинг турли босқичларидан фойдаланинг. Масалан, болаларингизга мурожаат қилиб, «Болалар нима дейди?», «Бу ҳақда нималарни ўйлайсиз?» кабиларни айтиб кўринг. Савол бериб бўлганингиздан кейин, фарзандингизнинг жавоб беришига имконият ва вақт беринг. Берилган жавобни асослаш ва уни батафсил тушунтириш учун фарзандингизга имконият беринг.

ОДМни уюштиришда қуйидагиларга эътибор бериш керак: танқиддан қочиш (бу уларнинг иззат нафсига тегади); агар сизни фарзандларингиз фикри қониқтирмаса, уни тузатишга ҳаракат қилинг ва бунда тузатишдан олдин бу ҳақда ижобий бир нарса айтинг; жараёнга ўта фаоллик ва синчиковлик билан эътибор берманг, чунки ҳар қандай ҳолат ёки жараёнга бундай қараш орқали хоҳлаганча эътироз билдирилиши мумкин; бираваракайига бир неча нотўғри

жавобларни таҳлил қилинг, токи фарзандларингиз баъзи хатолари билинмай кетсин; машғулотивингизни дилингизда баҳоланг (ёмон бўлди, қоникарли бўлди, яхши бўлди, жуда яхши бўлди) ва машғулотивингизни якунлашдаги хулосавий фикрингизни айтишда буни эътиборга олинг.

Машғулотивингизнинг биринчи босқичи.

Машғулотивингизни бошлаганда ҳозир сизлар билан оила дарси машғулотивингизни олиб борамиз, деб алоҳида таъкидлаш керак эмас. Бу одатий ҳолдек ўз – ўзидан бошлангандек бўлиши керак. Аслида эса бу машғулотивингизни шанба кунни кечқурун бошлангандек, якшанба кунни куннинг охирида якунлангани маъқул.


Оилада оила аъзолари даврада ўз ўринларини топиб ўтириб олганларидан кейин Ота (она) фарзандлари кайфиятини яхшилайдиган битта иккита фикр айтилади. Иложи борица улардан яхши иш қилганларини қайд этсангиз, оила аъзоларингиз фикрлари бир жойга мужассамлашади. Кейин машғулотивингизни бошлайверасиз. Айтайлик, мўлжаллаган дарсингиз одоб ва ахлоққа оил бўлсин.

Унда қуйидаги дидактик – кўрсатмавий маълумотлардан фойдалансангиз маъқул бўлади:

1. ОДОБ

Одоб – улуғлик ва юксаклик қасрининг нарвони, бу нарвон орқали барча мақсад ва манзилга етиш мумкин. Латиф сирларнинг ҳақиқатини англовчилар ва ҳар қандай рамз маъносини тадқиқ қилувчилар айтадиларки, **одамийлик рисоласининг дарсларини ўқишга азм қилиб, бахтиёрлик кўчасига қадам қўювчи ҳар бир инсонга, аввало, шарму одоб қондасини ёд қилмоқ шартдир. Токи бахт муаллимнинг йўлланмаси билан ҳаёт қонунининг илмини идрок қилишда билимли ва уста бўла олсинки, ҳақиқатан ҳам, инсоният учун одоб ажойиб тож ва одамийлик безаги учун қимматбаҳо гавҳардир [18. 7 – 6].**

1.1. ҲИКОЯТ



Одоб хазинасини юрагини жойлаган бир йигит бор эди. У ўз бахтини тополмай бир неча вақт сарсон – саргондонликда юрди. Кунлардан бир кун у Анушервон ходимларидан бирининг хизматига кириб қолди. У ердаги кийинчилик ва макру

хийлаларнинг азобига қанчалик бардош бермасин, бирор фойда бермади. Қоронғу тунларни эса оғир хиёллар билан ўтказди. Байт:

*Куннинг жсамолини кўрай деганда,
Тунда сабр қилмоғ ёлғиз чораси.
Гавҳар қидирувчи меҳнатдан кўрқса,
Қўлига чиқмагай гулнинг сараси.*

Кунлардан бир кун Анушервон ўз мулозимларидан: «Энг юмшоқ нарса нима?» – деб сўради. Биров: «Шоҳи», деб жавоб берди. Биров: «Товуқ пайтлари», деди. Яна бирови эса: «Шоҳидан ҳам юмшоқроқ нима бўлиши мумкин», деди. Шу гайт ҳалиги йигит сарой тепасида турган эди. У мулозимларнинг гапидан Анушервоннинг кўнгли тўлмаганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлгач деди: «Энг юмшоқ нарса тинчликдир!» Анушервон унга офарин айтди ва яна сўради: «Энг яхши овқат нима?» Йигит: «Шаҳвоний қувватни оширмайдиган ва танда иллат кўзгамайдиган овқат энг яхши овқатдир», деди. Яна сўради: «Энг яхши Шароб кайси?» Йигит: «Ақлни зое қилмайдиган ва касаллик пайдо қилмайдигани», деб жавоб берди. Яна сўради: «Гулларнинг ичида энг ширин ҳидлиси кайси?» Йигит: «Ота – она тириклигида уларни хурсанд қиладиган, ўлгандан кейин эса уларнинг номини боқийлаштирадиган ҳаёт гули бўлмиш фарзанд», деб жавоб берди.

Анушервон йигитни тақдирлади ва ўз ҳақимлари орасига олди. Байт:

*Доно ночорликдан қолса ҳам бир кун,
Умиди хосилдан кўрсатур нишон.
Мушкни кўр, либосга бекитилса ҳам,
Ҳид сочиб ўзини қилур намоён!*

(Муиниддин Жувайний)

1.2. ҲИКМАТЛАР

1). Букротдан:

- Одоби билан одобсизнинг ўртасидаги фарқ қандай? – деб сўрадилар.

- Гапирадиган ҳайвон билан гапирмайдиган ҳайвон орасидаги фарқ каби, - деб жавоб берди Букрот.

(«Фавоқиҳ ал - жулоса»)

2). Одоб шундай узукки, агар у ҳар кимсанинг тасаввур бармоғига мувофиқ келса, унинг улуғлик оти ҳамма маракаларда жавлон қилади.

(«Бархурдор ибн Маҳмуд»)

3). Одоб аҳли билан ҳамсухбат бўлиш – гуллар ҳидини уфураётган тонг насимидан ҳам ширин.

(«Оталар сўзи»)

4). Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у бу барокотдан умирбод баҳраманд бўлади.

(Алишер Навоий)

5). Ақл қуввати – ҳикмат.

Афлотун ҳаким айтади:

- Баданнинг қуввати – овқат, ақлнинг қуввати эса ҳикматли сўзлар, донолик ва донишмандликдир. Агар ақл шулардан маҳрум бўлиб қолса, овқатсизликдан бадаң ҳалок бўлгани каби ҳалок бўлади.

Оналар болаларини таом едиришдан аввал сут билан боқадилар, шунга ўхшаш комил устозлар ҳам ўқувчиларга дарс беришда аввал энгил илмлардан ўргатиб, кейин оғир илмга кўчадилар [11. 15 – б.].

б) Ақл – кучдир

Ақл – идрок дардларини қувувчи, ўлимларни чекинтирувчи беқиёс кучдир.

7). Ақл ҳаммага керак

Ақл ҳаммага керак бўлгани билан у ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Шу сабабли ҳам кишилар турли ақлий камолот босқичлари асосида тавсифланади. Улар: онгли одам; ақлли одам; доно одам ва шу кабилар бўлиб, улар ичидан доно бўлиш мароклидир.

(Холбўта Турақулов)

8). Ақл – инсон камолотининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, унинг ёрдамида одам ҳаётда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлади.


(Холбўта Турақулов)

Кимки ахлоқи зоҳири хушдур,

Ана ҳаргиз ёмон гумон қилма.

(Оразий)

2. АХЛОҚ



Ахлоқ – арабча «хулқ» сўзининг кўплиги бўлиб, инсоннинг нафсида, табиатида ҳосил бўлган ва такрор қиладиган бир иш ҳолатидир. Агар такрор этилган иш гўзал бўлса, «кўркем хулқ, яхши хулқ» дейилади, ёмон бўлса, «ёвуз хулқ, ёмон хулқ» деб аталади. Адаб,

тавозеъ, садоқат, марҳамат, шафқат, ҳаё, мурувват, хулқ, вафо, адолат, саҳийлик каби яхши хислатлар кўркем хулқли одамларда мужасамдир.

Ҳирс, таъма, бахиллик, такаббурлик, хиёнат каби ярамас хислатлар ёвуз хулқли одамларда бўлади. Куркам хулқли одамни халқ хурматласа, ёвуз хулқлидан нафратланади [11. 72 – 6.].

3. АДАБ

«Адаб» ҳар бир аҳвол ва одатда ақл буюрган равишда ҳаракат қилиш, яъни ярамас ишдан, ёмон сўздан нафсини тийиш, ўзининг ҳам, бошқаларнинг ҳам иззатларини сақлаб, обрўларини тўкмасликдир. Адаб инсон камолотининг бирламчи омилларидан саналади. Баданимизнинг қувватланиши учун ейиш, ичишга муқтож бўлганимиз каби, инсоннинг ақли ҳам адабга муқтождир. Адабли бўлмаган ақл қурол – аслаҳасиз баҳодирга ўхшайдирки, ҳеч бир иш қила олмайди, аксинча, душманларга мағлуб бўлади. Адаб зийнати билан зийнатланмаган одам душманларини севинтиради, дўстларини эса қайгулантиради.

Адабсиз бир отанинг фарзанди адабли ва фозил бўлса, отасининг айб ва нуқсонлари билинмайди. Агар фарзанд адабсиз бўлса, отаси ҳар қанча улуғ ва фазилатли бўлса ҳам, унинг даража ва фазилатларини йўққа чиқариб, оила орасига совуқлик ва бахтсизлик уруғларини сочади. Ҳар нарса кўпайган сари арзон бўлади, адаб эса ҳар қанча кўпайса қиммати ошади. Сўзнинг қисқаси адаб ақлга нур бағишловчи ва саломатликнинг сармоясидир. Буни қўлга кирғизиш чораси адабли ва тарбияли одамлар билан суҳбатдош бўлиш, тарбия ва адабдан ялонғоч қолганлардан узқ бўлишдир. Адабсизлик эса қонун ва ахлоққа тесқари бўлган ярамас ишлар ва ёмон сўзларни ҳеч уялмасдан ишлатмоқ ва сўзламоқдир.

Бир қанча гўзал рақс ва одатлар бордирки, буларни бажариш ҳар бир ахлоқли, тарбияли одамнинг вазифасидир. Масалан: вужудимиз ва кийимларимизни пок тутиш, ўзгаларга гўзал муомала қилиш, омонатга хиёнат қилмаслик, касалларни зиёрат қилиб, ҳолларини сўраш, назокатли, мулойим, очик юзли, ширин сўзли бўлиш, ҳеч кимни ранжитмаслик, ота – она ва устозларга итоат қилиш, умуман инсонлар қошида ёмон кўринадиган ҳар турли иш ва ҳаракатдан сақланиб, гўзал ишларга одатланишдир. Бундай гўзал ишларга риоя қилганлар камолотга эришадилар.

*Агар одобли бўлсанг, эй сарафроз,
Ки иззатда бўлурсан қиш билан ёз.
Адабсиз ҳеч бир иш битгани йўқдир,
Киши мақсад сари етгани йўқдир.
Агар сен оқил эрсанг боадаб бўл,
Хабардор бўл ҳаминша – бу улуғ йўл.*

Бу келтирилган дидактик материалларни Сиз (Ота ёки она) фарзандларингизга қандай етказишингиз ва бу борада ўзингизни қандай тутишингиз фарзандларингиз тарбиясида ўта муҳимдир. Фарзандларингиз бу каби маълумотларни эшитаётганларида воқеа ичига «шўнғиб» кетсин ва бу жиҳатларни оила билан ҳам боғлаб олиб боринг. Ана шунда берган маълумотингиз янада ҳаётий чиқади. Векеа баёнида уларнинг фикрларини ҳам сўраб қўйинг (Тўғрими? Сиз нима дейсиз? Бундай фазилат ва хислатлар бизларда ҳам бор – а! ва ҳаказо). Уларнинг воқеага муносабати доимо эътиборингизда бўлсин. Фарзандларингизда зеркишни сезсангиз дарров унинг олдини олинг. Акс ҳолда оила дарс машғулотингиз самара бермайди.

Эсдан чиқарманг иложи борича оила дарсингиз босқичма – босқич бўлсин. Унинг биринчисидан иккинчисига ўтишга асос тайёрланг. Бу орқали машғулотингиз кейинги босқичга кириб боришингиз осон кечади.

Машғулотнинг иккинчи босқичи

Тарбия – бу ошанингизни ўз фарзандини дунёга келтириб, уни боқиб, таълим бериб баркамоллик сари юлга етказиш, учур қилишдагиларга сазо – ҳаракатлари ва ташхирликлари ҳамда мураббийликлари мажмуидир.
(Холбуша Тўрақулов)

Машғулотингизнинг бу босқичи бевосита олдинги босқичга боғлиқ бўлиб, унинг узвий давоми бўлсин. Оила машғулотларингизнинг босқичларига ва ташкилий қисмига зинҳор расмий тус берманг, чунки ҳадеб болани теткайверсангиз уларнинг асабига тегасиз. Бунга сабаб

ортиқ-ча насиҳатгўйлик шу жараёнга нисбатан нафрат уйғотиб юбориш мумкин.

Машғулотимизнинг биринчи босқичи одоб ва ахлоққа тегишли бўлганлиги сабабли кейинги босқич тарбияланганликка бағишланганлиги маъқул. Бу соҳага ҳам фойдаланиш мумкин бўлган дидактик материалларни келтирамиз.

4. ТАРБИЯ

4.1. Тарбиянинг кучи

Тарбиянинг инсон камолотидаги куч – қудрати чексиздир. Шу сабабли бола тарбиясини она қорнидаёқ бошлаш керак. Чунки тарбия туфайлигина шахс камолоти узлуксизлигини муваффақиятли таъминлаш мумкин. Шахс камолотида тарбияланувчининг ёш хусусиятлари, албатта, эътиборга олинади. Профессор Х.А.Тўрақуловнинг фикрича, уларни шартли равишда қуйидагича уч босқичдан иборат қилиб ифодалаш лозим, яъни болалик, етуқлик ва кексалик.

4.2. Миллий тарбия

Миллий тарбия – бу дунёдаги илғор цивилизацияларни ва маънавий уйғониш даврларини ўрганиб, уларнинг менталитетимизга мосларини маданиятимизга ва миллатимизга хизмат қилдириб, замонавий шароитларда ёшларимизни ижтимоий ва юксак маънавий фаол шахс даражасига келтириш воситасидир.

(Холбўта Тўрақулов)

4.3. Тарбия жараёни

Туғилганда ҳамма чақалоқлар бир хил йиғлайди. Аммо улар катта бўлганларида турли мавқега эга бўлади. Нима учун?...

Инсон ўз онасидан туғилиши билан уни ташқи муҳит асосида тарбиялаш бошланади, чунки, одатда у ички муҳит асосида она қорнида 9 ой 9 кун 9 соат 9 минут тарбия олади.

Тарбия инсоннинг ўз оиласи, жамоаси, жамият муҳитида эл эъзозидан, халқ хурматидан тушмасдан яшашида ўта муҳим асосдир, чунки ҳеч ким ҳам ўз онасидан «ёмон» бўлиб туғилмайди.

Туғилгандан кейин ҳам ҳеч бир ота – она ўз боласининг ёмон бўлишини хоҳламайди, балки уни ардоқлаб ўстиради.

Шу ўринда нафақат инсон, балки жониворлар ҳам боласини ўз ардоғида ўстиради. Яъни, типратикон (кирпи) боласини «**ЮМШОҒИМ**» деб, кўнғиз боласини «**ОППОҒИМ**» деб ўстирар эмиш.

Ҳар қандай ёмонлик, гуноҳ ишлар тарбиясизликдан (билимсизликдан, «маънавий қашшоқликдан») келиб чиқади.

Шахс камолотида тарбиянинг ўрни ҳақида Демокритнинг қуйидаги фикри қимматлидир: «**Инсонни инсон қилиб ўстирувчи нарса – бу ТАРБИЯДИР**».

Бунга тарихдан жуда кўплаб мисоллар келтириш мумкин ва ҳаттоки тарбия натижасида жисмоний ногирон бўлишига қарамасдан буюк бўлган инсонларни биламиз. Менимча, буларнинг ҳаммасига тўғри тарбия ва илм зарур бўлган. Бу ҳақда Арастунинг ҳам қуйидаги қимматли фикри бор: «**ТАРБИЯ уч нарсага эҳтиёж сезади: истеъдодга, илмга, машққа**» [24].

4.4. Тарбия ҳақида

Табиб касални
даволаса, мураббий
инсондаги нодонликни
даволайди.

(Холбўта Тўрақулов)

Тарбия – ўсмоқ, баланд ерга чиқмоқ маъносидадир. **Афлотун** тарбияни: «Инсоннинг баданига, табиатига қобил бўлгани қадар гўзаллик ва камолот беришдир», - деб таъриф қилади.

Донишмандлардан бири:

- **Тарбия** – инсонда табиатнинг сигдира билган мукаммалиятини ҳосил этишдир, - деб таърифлайди.

Мураббий бир жиҳатдан табибга ўхшайди. Табиб касалнинг соғайиши учун унга керакли дориларни беради, мураббий эса нодонлик касаллигидан кутказиш учун лозим бўлган даволарни ишлатади. **Табобат** аъзоларимизнинг иш ва вазифаларини ўрганиб, дориларнинг қайси аъзога қандай таъсир этишини тажриба ва текшириш билан билиб, унга кўра даволаш фанидир. **Тарбия эса, руҳий ҳолатимиз қувватини керакли даражада кашф этиб, унинг кенгайиши ва камолга етиши нима билан ҳосил бўлса, шу йўлда ҳаракат қилишдир.**

Тарбиянинг ахлоққа таъсири борми? Баъзилари: «Тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, яъни инсон аслида қандай бўлса, шундай ўсади, асло ўзгармайд», - деб айтадилар. Уларнинг бу сўзлари тўғри эмасдир.

Тарбиянинг ахлоққа таъсири албатта бордир. **Тарбия – бу тамал тоши.** У қайси тарафга қўйилса, ўша тараф оғирлашади.

Ахлоқий тарбиядан мақсад инсондаги ғазаб ва шахват қувватларини бир меъёрда тутиб, нафсни бузукликдан сақлаш, ахлоқни кўркам қилиш ва тузитишдир.

Тарбия ва таълим боланинг ёшлик вақтидан бошлаб, йигитлик замонларида қувватланади.

Донишмандлардан бири:

- Халқ саодати ёшларнинг гўзал тарбиясига тобедир, - дейди. Бу сўз тарбиянинг ёшликда таъсири қувватли эканига далилдир [11. 73 – 74 – б.].

4.5. Оила вазифалари

Вазифа – ўзимиз ва ҳамма одамлар учун адо этишимиз лозим бўлган бурчдир. Бу бурчни адо этишимиз билангина инсонлик сифатига лойиқ бўламиз. Устларига олган вазифаларини бажармаганлар, мунтазам суръатда ишламаганлар инсоният даражасидан тубан саналадилар. Эҳтиёжли одам бир марта ўйлаб қараса, ҳар томонини турли вазифалар билан ўралган ҳолда кўради.

Энг аввало, инсон ўз манфаати учун лозим бўлган вазифаларни адо этиши керак. Бу вазифалар уни ҳар жиҳатдан сақлайди, юқори даражага етказишга хизмат қилади. Масалан: соғ – саломатликни сақлаш, жамият томонидан буюрилган ишларни бажо келтириш, ейиш – ичишда ўртача ҳолни сақлаш ва тарбия, ахлоққа қарши бўлган ёмон ишлардан чекиниш каби вазифаларни ўз ичига олади.

Иккинчидан, инсон ота – онаси, ака – укаси, опа – сингил, кариндош – уруғ, хотин ва болалари билан маънавий ва моддий томондан боғлиқдир. Улар учун лозим бўлган вазифалар «Оила вазифалари» дейилади [11. 74 – б.].

Машғулотнинг биринчи босқичи шанба куннинг иккинчи ярмида бўлишлигини эътиборга олинса, машғулотнинг иккинчи босқичи якшанба кунда олиб борилади. Бу машғулот турига қараб иккинчи, учинчи ва шу каби босқичларда олиб борилиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам машғулотнинг охириги босқичида ОДМнинг охириги босқичида барча аъзолар ўз фикрларини айтгани маъқул. Уларнинг фикрларини мукамалми, йўқми, охиригача эшитинг. Энг охирида машғулотнинг мақсадини амалга оширишга оид жиҳатларни эътиборга олган ҳолда ҳар бир хулосавий фикрларни алоҳида – алоҳида таъкидлаб хулосаланг. Машғулот пайтидаги фаол фарзандларингизни «Сендан хурсандман», «Ҳамма нарсага аклинг етиб қолибди», «Укаларингга ҳам буни ўргатасан, деб ўйлайман», «Оиламизни намунали оила бўлишига ҳиссани қўшаяпсан», «Сизлардай ақлли фарзандларим борлигидан хурсандман» каби олқишлар билан рағбатлантириш керак ва сизларда шаклланган фазилатлардан кейинги давра атрофида фойдаланишни ҳам уларга таъкидлаб қўйинг. Кейинги тўпланганимизда «...» мавзу тўғрисида баҳслашамиз, деб топшириқ кўринишидаги фикрни айтинг ва бу бўйича ким қанча тарбиявий масала ўйлаб келишини ҳам таъкидланг. Уларга ўйлаб келган масалаларингиздаги ечим таҳлили тўғрисида ўзингиз биринчи гапириб берасиз, деб ўқтиринг.

Изоҳ: ОДМда тарбиявий масалалар ечими таҳлилида оила аъзоларининг барчаси ўз фикрлари билан чиқиш қилсин. Ундаги баҳс соғлом бўлсин. Бирининг таҳлилий жавоби устидан иккинчисининг кулишига йўл қўйманг. Бунга йўл қўйсангиз, улардаги ўз фикрини айтишдан тортиниш ҳолати рўй беради.

Яна бир жиҳат: Фарзандларингиздан «Бобо ёки дада қайсимизнинг жавобимиз яхши бўлади. Фақат тўғрисиини айтинг, икковингнинг жавобинг ҳам яхши бўлди деманг?» Бундан ҳолатда ҳеч қачон хушёрликни қўлдан берманг, чунки тарбиядаги кичкинагина хато, ҳаётда катта муаммони келтириб чиқариш мумкин.

Ота ёки Она: Ҳаммангизга раҳмат! Сизлар билан бундай суҳбатлашиб ўтириш менга ҳам ёқимли. Эндиги суҳбатимизда Сизлардан яхши фикрлар, шеърлар, рақслар, тарбиявий масалалар тузиб келишни кутиб қоламан. Сизларнинг ҳар бир суҳбатингизга мақоллар, шеърлар ва эртақлар билан қатнашингиздан биз хрсанд

бўла олсак, кейин табиат қўйнида дам олишга ёки катта шаҳарларда саёҳатга ҳам оилавий равишда ҳаракат қиламиз.

Ҳаммангизга яхши дам, яхши кайфият ёр бўлсин. Барака топинглар, яхши дам олинглар, деб машғулотни тугатинг. Агар Сиз машғулотни яхши ташкил қилган бўлсангиз, улар Сизга «Бобо (дада) сиз ҳам яхши дам олинг, яхши тушлар кўринг, хайр», дейишиб тарқалишади. Бу ҳолат бир неча марта ўз исботини топган.

3.3. Оила дарси машғулотларининг намунавий рўйхати

ОДМнинг мавзуларини танлашда оилада баркамол авлод тарбиясига ҳамда ОДМни ўтказишнинг бош ва асосий ғояларига, шунингдек, ОДМнинг мақсад – вазифаларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу соҳада олиб борган изланишлар ва кузатишларнинг кўрсатишича, ОДМнинг мавзуларини қўйидаги уч гуруҳга бўлган маъқул экан: бевосита оиланинг ички тартиб – интизомига мўлжалланган мавзулар; оилавий муносабатларга оид мавзулар ва оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид мавзулар. Қўйида улар рўйхатини, қисқача изоҳлар билан келтирамиз:

3.3.1. Оиланинг ички тартиб – интизомига оид мавзулар

1. Саломлашиш одоби

Бунда оилада фарзандларимиз онгига ёшлигиданок ким қандай салом бериш, қандай ҳолатда ким кимга салом бериш кераклиги, имо – ишора билан салом бериш ва шу каби ҳолатлар мазмун – моҳиятини сингдиришингиз лозим. Мазкур машғулотнинг самарали ўтиши учун фарзандларга «Ассалому алайкум», «Ва алайкум ассалом» сўзларининг асл моҳиятини тушунтириш керак. Уларнинг «Салом», «Привет», «Чаоу» каби сўзлардан фарқларини уларга пухта тушунтириш керак. Сиз бу орқали фарзандларингизга маънавий – иммунологик тарбия ҳам берган бўласиз.

2. Оила аъзоларининг дастурхон атрофида ўз ўрнини билиб ўтириш одоби

Бунда фарзандларингизга энг аввало, бобо ва буви, кейин дада ва ая ва ундан кейин фарзандлар ёшига қараб дастурхон атрофида ўтириш ўқтирилади. Шунингдек, дастурхон атрофида ўтирганда оил аъзоларининг хоҳлаган пайтда туриб, хоҳлаган пайтда келиб ўтиравериши мумкин эмаслиги таъкидланади.

Дастурхон атрофидагилардан мабода бирортаси акса урса, «Ё Алҳамдилилоҳ», деб ўтирганлардан кечирим сўраб қўйиши

одобдандир. Оила аъзолари унга «Соғ бўлинг», деган таъкидни айтса, унга «рахмат» деган миннатдорчиликни албатта билдиринг, акс ҳолда сизга «Раҳмат қани?», деб юбориш мумкин (Бундай ҳол бўлган). Бундай ҳолда Сиз хижолат бўлиб қоласиз, айниқса, неварангиздан эшитсангиз. Бу уларнинг маънавий тарбиясида ўта муҳимдир.

3. Кийиниш одоби

Бунда фарзандларингизга бежирим, чиройли, тоза ва уларнинг юриш – туришларига халакит бермайдиган кийимларни кийишни ўргатишингиз лозим бўлади. Уларга шуни уқтириш керак, фақат қимматбаҳо кийим кийган чиройли бўлавермайди. Яна ўқтириш керакки, агар одамнинг ҳам қалби, ҳам кийиши гўзал ва тартибли бўлса, ана шунда ҳақиқий гўзаллик пайдо бўлади.

4. Фарзандни соғлом ўстириш одоби

Бунда оиладаги фарзандингизни она қорнидаёқ соғлом бўлишига эътибор беришингиз лозим бўлади. Болангизни чақалоқлигидан она сутини эмизиш, уни чўмилтириш (албатта белгиланган вақтда), кийимларини алмаштириш режангиз бўлсин. Оила дарсларида нима чун шундай қилаётганингизни оилангиздаги бошқа (бу жиҳатларни тушунадиган) фарзандларингизга тушунтиринг. Бу уларда оилавий фаолият кўникмаларини ҳосил қилиб боради. Ундан кейин уларни муайян оилавий режимга ўргатиб боринг. Бу режимингиз фарзандингизнинг соғлом ўсишига хизмат қилсин. Зинҳор фарзандларингиз олдида чекманг, спиртли ичимлик ичманг ва айниқса, эр – хотин уришманг. Ана шулар ОДМнгиз марказий нуктаи – назарида бўлса. Сиз бола тарбиясида адашмайсиз.

5. Оилада овқатланиш одоби

Бунда оилада оила аъзолари, дастурхон атрофига жойлашиб олгандан кейин, оила бошлиғи овқатланишни бошлаш баробарида «Қани олинларчи бир маза қилиб овқатланайлик, ҳаммангларга ёқимли иштаҳа», деб овқатланишни бошлагани маъқул. Кейин оила аъзолари бирин – кетин овқатланишни бошлайсиз ва шу каби ички тартиб – интизомга риоя қилиш оила дарсингизнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисоблансин. Бундан ташқари фарзандларингизнинг овқатланиш пайтида ўзини тутиши: овқатни дастурхондан олиши, оғзига солиши, чайнаши ва шу қабила ҳамда ўтирган пайтда бошқаларга халакит бермаслиги доимо эътиборингизда бўлсин.

6. Меҳмон кутиш одоби

Бунда фарзандларингизни мулоқотга ҳам, муносабатга ҳам чорлаймиз. Шунда бу жиҳатга алоҳида эътибор беринг. Аёл меҳмонлар келганда, эркак меҳмонлар келганда, аралаш меҳмонлар

келганда уларга хизмат қилиш, асосан улар ўтирган хонага кириб чиқиш одобини қаттиқ ўргатиш керак. Меҳмонлар келгунча дастурхонни безаш ва унга тайёргарлик кўриш алоҳида мавзуингизнинг мақсади бўлсин. Бунда «Меҳмоннома» омли китобдан, «Ўтган кунлар» ва «Маҳаллада дув – дув гап» бадиий фильмларидан ҳамда «Меҳмонжонлардан айланай» каби видеофилмлардаги лавҳаларда таҳлилий фойдаланиш ижобий самара беради.

7. Бола таомномаси

Бунда фарзандни туғилишидан тортиб, то катта бўлганича эътибор бериладиган жиҳатлар бор. Улар: она сутини эмиш; овқатланиш вақтини (эрталаб, тушки ва кечки), тамонинг турини (куватини ҳам) белгилаш кабилар. ОДМда фарзандларингизга бу каби жиҳатларни сингдириб бориш ва овқатланиш маданияти ҳақида гапириб беришдан эринманг. Қандай таомлар, қандай вақтда истеъмол қилинганда соғлом тан ҳосил бўлишини улар онгига сингдиришга доимо ҳаракат қилинг. Фарзандингизнинг қайси вақтида қандай овқатни ейиш лозимлигини онгли равишда билишлигига эришсангиз, билингки Сиз фарзандингизга таомлар ҳосияти ва имкониятини улар онгига сингдира олибсиз. Бу фарзандингиздаги соғлом турмуш тарзини шакллантиришдаги дастлабки қадам бўлади.

8. Турли ўйинлар ва ўйинчоқлар билан ўйнаш дарси

Бунда дастлаб фарзандларингиз турли хил ва турли йўналишга мос ўйинчоқлар олиб беринг. Уларнинг қайси ўйинчоқларга кўпроқ қизиқишини кузатинг ва аниқланг. Кейин аниқланган йўналишга тегишли ўйинчоқларни кўпайтириб, қолганларини олиб ташланг. Бола тарбияси жуда азиз, Сиз бунга эринманг. Бу ҳолат фарзандингизнинг ким бўлишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Ана шу асосда ўйинлар ташкил қилинг. Ўйинлардан ҳам асосий мақсад фарзандингизнинг маънавий – ахлоқий тарбиясига қаратилган бўлсин. Ана шундай қилсангиз «оила дарси»ингиз самарали кечади.

9. Ҳам чизамиз, ҳам ўйнаймиз дарси

Бунда фарзандингиздаги конструкторлик ва технологик билим ва кўникмаларини шакллантиришга асос солаётганлигингизни унутманг. Бунинг учун китоб дўконларида нарса (предмет) ва ҳодиса (жараён)нинг расми аслидагидай тасвирланган ва қолганларида машқлар учун фақат контури (чегараси) чизилган шакллари бор китобчалар бор, уларни фарзандларингизга олиб келиб беринг, унинг ичидаги шакллардаги бўш жойларини аслига қараб мос ранглар билан бўяшни машқ қилдириш. Фарзандларингизда буни мусобақа тарзида уюштирсангиз, бу ўзига яраша ўйин жараёни ҳамдир. Маълумки, ёш

болалар ўйинни яхши кўради. Шунинг учун бу кўринишдаги ОДМни ўйинни ташкил қилиш асосида олиб борган маъқул. Эътибор беринг фарзандингиз шаклнинг бўш жойини бўяшда чизикдан чиқиб кетмасин ва бўш жойларни бир текис бўясин. Агар бўяшдан хато килса, бу масъулиятсизликнинг дастлабки элементиدير, бундан тартибсизлик келиб чиқади.

10. Меҳнат тарбияси

Бунда оилада фарзандларингизда меҳнат кўникмаларини шакллантиришингиз энг асосий мақсадингиз бўлсин. Машғулот мазмунини босқичма – босқич бўлиб олиб боринг. Олдин таништириш босқичи (масалан, кўчат экиш ёки ҳовли жойларда тозалик ва йиғиштириш ишларини олиб бориш ва ҳ.к.), кейин эса амал қилиш босқичига ўтинг.

Фарзандларингизнинг қилган меҳнатида қониқиш ҳосил қилиши доимо эътиборингизда бўлсин. Агарда фарзандингиз «Дада зўр дарахт ўтказдик – а, унинг мевасини ҳали маза қилиб еймиз!» деган қониқишли хитоб эшитилса, демак, Сизнинг ОДМингиз самарали бўлган.

11. Оила тежамкорлиги одоби

Бундай машғулотда оила аъзоларига тааллуқли бўлган нарсалар барча оила аъзоларига тегишли эканлигини эсдан чиқарманг. Фарзандларингиз онгига «Ортиқча исрофгарчилик таназзул аломати» ёки «Режасиз сарф – харажат оила қашшоқлашуви омили» эканликларини ОДМингизда сингдириб боринг. Яна шундай машғулотлардан «Оила имконияти», «Оила эҳтиёжи» каби тушунчалар устида бош қотирилса янаям яхши бўлар эди. Бунга педагогик (тарбиявий) масалалар тузиб, унинг ечимларни бўйича оилавий таҳлил ўтказинг ва энг охирида хулосавий – тавсиявий фикрни Сиз айтинг.

Бу мавзу бўйича қуйидаги дидактик маълумотни, яъни ривоятни беришни лозим топдик.

УЧТА НОН

Эй фарзанд! Ҳар доим шуни эсда тутгинки, Сенинг кўлингдан оила иқтисодий кудратини мустаҳкамлаш борасидаги ишларга ёрдам бериш келдимми? Сен, аввало, топган маблағингни қандай сарфлашни билмоғинг ниҳоятда муҳим. Бунда сен бизга авлоддан – авлодга ўтиб келган «Учта нон» номли ривоятга амал қилсанг адашмайсан. Ривоят мазмуни қуйидагича:

Бир кишидан оилавий кудратингизни қандай режалаштирасиз? деганда, у қуйидагича жавоб берибди: Мен ҳар куни учта нон топишга ҳаракат қиламан ва уни қуйидагича тақсимлайман: биттасини қарзимга бераман, иккинчисини ўзим ейман ва учинчисини қарзга бераман. Яна биринчи киши қуйидагича мурожаат қилибди:

Тушунмадим, фикрингизни очикроқ қилиб тушунтирсангиз:

У «Майли батафсил айта қолай, деб фикрини қуйидагича баён қилибди: топган учта нонимнинг **биринчисини** отам ва онамга бераман, чунки улар туфайли мен шу даражага етдим, **иккинчисини** ўзимга ишлатаман, чунки кўп қатори яшаб мен ҳам ўз ўрнимни топиб, фарзандларим ва яқинларимга «Ибрат - намуна» бўладиган ҳаёт кечиришни мақсад қилиб олганман, **учинчисини** эса болаларимга бераман, чунки менинг ҳам узок умр кўриб, мазмулли ҳаёт кечириш ниятим бор. Уша пайтларда қарзга берган, яъни болаларимга берган нонларим менга ҳам қайтади».

Бу ривоятга амал қилиш нафақат оила иқтисодий кудратини тўғри режалаштириш, балки оила маънавиятини юксалтиришда ҳам мустаҳкам асосдир. Бу орқали оиладаги қадр – қиммат, меҳр – оқибат каби ахлоқий кадриятлар доимо улуғланади [24. 89 – 90 – б.].

12. Ота – она бурчини англаш дарси

Бунда аввало, оиланинг тузилиши ва ундаги ота – она бурчи, вазифаси ва масъулияти ҳақида ривоят, ҳикмат ва ҳикоятлардан кенг фойдаланишга ҳаракат қилинг. Улардаги ҳолат ёки воқеалар тўғрисида баҳс – мунозара олиб боришдан эринманг.

Фарзанд (лари)нгизга Сиз менинг ўрнимда бўлиб қолсангиз ёки катта бўлсанг ва оила курсанг Сен қандай иш тутган бўлар эдинг, деган саволларни беринг. Улар жавобини бўлмайд эшитинг. Фикрини эркин айтишга кенг имконият яратинг. Шулардан кейин «Демак, Сизларнинг фикрингизни эътиборга олиб ота – она бурчини шундан деб белгиласак бўлар эканда, деб», ота – она бурчини айтиб беринг ва буни маъқуллашини болаларингиздан сўраб кўринг.

Ота–она бурчи тўғрисидаги маълумотларни кўпгина китоблардан топишингиз мумкин.

Уларни мазкур ўқув қўлланманинг адабиётлар рўйхатидан ҳам топишингиз мумкин. Бу дарс машгулоти ҳеч қачон эскирмайди, бундан ҳамма жамиятда ҳам долзарб бўлиб қолаверади. Уларни босқинчилик ажратишда оиладаги маънавий, моддий, маърифий, интеллектуал соғлом турмуш тарзи жиҳатлари бўйича ажратиш маъқул. Бу дарс ҳам ҳаётий, ҳам китобий маълумотларни хоҳлаганча топиш мумкин.

13. Ота ҳаққини билиш одоби.

Бунда ҳикматлардан фойдаланиб, дарслар машғулотларини бошлаш самарали бўлади. Мана масалан, «Ота рози, худо рози», «Отанг оиланинг устун», «Отанг оила кўргонининг кўрикчиси», «Отанг оила аъзоларининг ишонган тоғи» каби ҳикматлар муҳокамаси орқали, бу ҳикматлар мазмун – моҳиятини фарзандларининг онгига сингдириб боришга ҳеч ҳам эринманг.

Отангизнинг қариллик пайтида юз бериши мумкин бўлган ҳолатларни ифодаловчи ривоятларни айтиб беришдан эринманг. Бу ҳақда маълумотлар жуда кўп. Бундан ташқари маҳаллангизда ёки тиниш – билишларингиз орасидан ёшлигидан отасини хафа қилиб, ҳозирда фарзандларидан айнан шунга ўхшаш ҳолатларни кўраётган оталарни мисол келтириб ҳеч бир нарса жавобсиз қолмаслигини улар онгига сингдириб бораверинг. Буларга оид бадиий фильм, ҳужжатли фильм, видеофильмлар ва адабиётлар жуда кўп. Шунингдек, ота дунёсини олиш фарзанд учун ҳам фарз, ҳам қарз эканлигини ҳам улар онгига сингдириб боринг.

Сизнинг ўзингиз ҳам фарзандларингиз учун идеал бўлишга ҳаракат қилинг. Шу ҳолдагина фарзандларингиз Сизнинг берган тавсия ва маслаҳатларингизга сўзсиз амал қилади. Булар ОДМнинг муҳим жиҳатларидир.

14. Она ҳаққини билиш одоби

Бунда онани қадр – қимматини оширувчи ибратли фикрлар, ҳикматлар ва ривоятлар ҳамда улар мазмун – моҳиятини ўрганиш «Она дарси» машғулотингизнинг диққат марказида бўлсин.

Она Ватан, Она тупроқ ва Оналарни қиёслашда Она ўз вартаварини 9 ой 9 кун ўз бағрида саклашларига алоҳида ургу берилса ҳақ машғулотларидаги тарбия жараёни яна ҳам таъсирчан бўлади.

Фарзандларингизга ОДМда шеър айтиб беришни шарт қилиб қўйинг.

«Дунёда энг гўзал аёл ким? – деган савол ташлаб, фарзандларингизнинг кўп қиррали ва кўп вариантли фикрларини қанчалардан эшитинг ва машғулот охирида уларнинг «Дунёда энг гўзал аёл, ҳар кимнинг ўзининг онаси», деган жавобни шакллантириб бериши ҳаракат қилинг.

«Жаннат – оналар оёғи остидадир» («Ҳадис»дан), деган нақлни фарзандларингиз онгига чуқур сингдиришга ҳаракат қилинг. Шунингдек, «Она билан бола, гул билан лола» узвийликнинг ОДМда қўйилиши тоғишга ҳам эътибор бериб боринг.

«Оила дарси»да онанинг ўрни ва нфузи ҳамда оила бошлиғи Отага садокати ҳақида ибратли фикрларни айгишдан эринманг. Ҳар бир айтган фикрингиз бўйича фарзандларингизнинг муносабатларини ўрганинг ва лозим топилганда уларга тузатишлар киритиб боринг. Бу оилавий соғлом муҳитнинг маънавий асосини ташкил этади.

15. Сафар қилиш одоби

Бунда ҳар бир қилинадиган сафарга фарзандларингизнинг ёки оиланинг муайян бир ютуғи сабаб бўлсин. Чунки, фарзандларингизни сафарга олиб чиқиш уларга рағбатингиздир. Фарзандларингизга қарата «Сизлар шундай яхши, хайрли ишларни ёки вазифани бажарганлигингиз учун зиёратгоҳларга сафарга олиб бориб келаман», дейсиз. Албатта, бундан кўзланган мақсад фарзандларимизга миллий кадриятларимизга бўлган эътиборни кучайтириб, бой меросимизга ҳурматни кучайтиришдан иборатдир. Ёки табиат қўйнига олиб чиқиладиган сафарга эса фарзандларимиздаги табиатга бўлган муносабатини ижобий томонга йўналтиришни мақсад қилиб олган маъкул. Ёки оғанини – қариндошлар бағрига қилинадиган сафарлардан кўзланган мақсад эса оғанини – қариндошлар ўртасидаги инсоний муносабатларни шакллантириш назарда тутилади.

Умуман олганда сафар қилишнинг турларига қараб фарзандларингизга сафар мазмун – моҳияти ҳақида ОДМда маълумот бериб боринг. Бу дарсингизнинг таништириш босқичи бўлади, кейин саёҳат қилиш давомида ва охирида эса англаш босқичи амалга оширилади.

Сафар қилиш ҳам унинг турига қараб қийиниш, унга мос олиб юбориладиган буюмлар ва нарсалар ҳам тайёрланади. Булар ОДМнинг таништириш босқичида режалаштириб, тайёрлаб қўйилади.

3.3.2. Оилавий муносабатлар одобига оид мавзулар

Оилавий муносабатлар одобига оид мавзуларини танлашда оиладаги эр – хотин, ака – ука, опа – сингил ва қариндош – уруғлар орасидаги муносабатлар ҳамда оиладаги ижтимоий муносабатларга оид мавзулар ҳам танланиши мумкин. Уларни танлашдан мақсад фарзандларимизни маънавий – ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш ва бу орқали уларни турли хил таҳдидларга қарши фикр билдира оладиган ва салбий таъсирлар домига тушиб қолмаслигини таъминлашдан иборатдир.

Бунга сабаб ҳозирги глобаллашув даврида теварак – атрофимизда турли хил маънавиягга эга бўлганлар борлиги ҳеч кимга сир эмас. Айниқса, маънавий жиҳатдан қашшоқ, яъни маънавий беморларнинг мавжудлиги ўз ота – оналарни ниҳоятда хушёр

бўлишингизи талаб этади. Чунки, тарбиядаги арзимаган бир хато келажакда фарзандларингиздаги катта – катта нуқсонлари ёки иллатларни келтириб чиқаришга асос бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. Шу сабабли танланадиган мавзуда ана шу жиҳатлар эътиборга олинса яхши бўлади.

1. Мулоқот – муомала одоби

Бунда оилада фарзандларингизни мулоқотга қизиқишини сўндирмаслик керак. Уни мунтазам равишда ривожлантириб боринг. Айниқса, ОДМга тўпланганингизда фарзандингиз фикрини эркин баён этишига имконият беринг ва ушбу жараёнда иккинчи фарзандингизнинг қўшилиб кетишига йўл қўйманг, бу ёмон иллат, яъни у маданиятсизликнинг дастлабки босқичидир. Бу гапирётган болангизнинг руҳиятига ёмон таъсир қилади. Ана шундай жараёнларда Сиз ота – она ҳушёр бўлсангиз фарзандингиздаги ироданинг мустаҳкамлигига, улардаги билим ва малакаларнинг юксалишига, жавобгарлик ҳиссининг ортишига эришасиз

Мулоқот – муомала одоби дарсингизда илтимос деб муомала қилишга ўргатиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки илтимос – инсонлараро ўзаро ижобий муносабатининг энг кўп тарқалган кўринишидир. Илтимос, фарзандлар билан яқинлашишга, ўзаро самимий муносабат ўрнатишга ёрдам беради.

«Оила дарси»даги бундан муносабатлар билан тарбияланган фарзанд кўча – куйда учрайдиган «Ширинсуҳан», «мулойим», «дўстларимиз» нинг найрангларига учмайди, балки ўзининг уларга нисбатан тегишли муносабатларини ҳам билдира оладиган бўладилар.

2. Оилавий руҳий саломатликни сақлаш одоби

Бунда фарзандларингиз шахсиятини ҳурмат қилиш асосий бурчингиз бўлсин, чунки уларда шахсиятнинг чексиз имкониятлари бор. Фақатгина уларнинг ҳаммасини юзага чиқаришга ҳамма вақт имконият бўлавермайди.

Маълумки, инсонга ҳурмат инсонлараро ўзаро муносабатларнинг асосий талабидир. Ота – онанинг оиладаги руҳий саломатликни сақлашда фарзандларга бўлган ҳурмати алоҳида ўрин тутади, уларда ишонч, самимийлик, ўзаро ҳурмат ҳисси, муомалада мулойимлик, катталарнинг маслаҳатлари ва таклифларига мойилликни уйғотади. Агарда бунинг акси бўлиб оилада кўполлик, фарзандлар шахсиятига ҳурматсизлик (Мен сенга отаман ва ҳамма нарсани мен топиб бераяпман, фақат менинг айтганим бўлади, деган тамойил ҳукм сурган оилалардаги ҳолатлар) бўлса, фарзандларда уларга жавобан

хафагарчилик, ғазаб, ҳаттоки, баъзи нарсаларни атайлаб тескарисини қилишга интилишлар ҳам бўлиши мумкин бўлиб қолади. Ва ҳаттоки баъзи пайтларда бундай оилалардаги болалар адолатли талабларни бажаришдан ҳам бош тортади.

Ҳурматли ота-оналар фарзандларингиздаги тартибни бузилишини, тарбиясидаги салбий ўзгаришларни сезиш кийин эмас, лекин тарбиявий таъсирнинг усулини тўғри танлаш учун тартиб-бузарлик сабабларини ўрганиш керак, чунки шахснинг турли руҳий ҳолатларини ташқи кўриниши бир хил бўлади. Масалан, оилангиздаги бирор фарзандингизнинг фаоллиги сусайганини Сиз ҳам оиланинг бошқа аъзолари ҳам сезиши мумкин. Бунда фарзандингизнинг инжиқлиги, ҳатто кўз ёшлари, кайфияти йўқлиги, ҳеч ким билан мулоқот қилишни хоҳламаслиги кабилар белги бериши мумкин.

Фарзандингизнинг руҳий ҳолатини тушуниш учун Сизнинг шахсий фазилатларингиз ва хусусиятларингиз етарли бўлади. Булар оилавий соғлом муҳитнинг шаклланишида ўта муҳимдир. Бунда айниқса, ота – оналарнинг кузатувчанлиги ва синчковлиги юксак даражада шаклланган бўлиши керак ва бу орқали оилада фарзандлар орасидаги нохуш ҳолат ёки ноқулай вазиятни сезасиз-да, бу орқали «оила дарси» машғулотингиз мақсад ва вазифаларини белгилаб олинг-да, машғулотни ана шу нуқтаи – назардан тушқил этинг. Акс ҳолда оиладаги арзимаган кайфиятсизлик, кейин оилавий муаммоларга айланиб кетиши мумкин. Бу эса оилада кенг қамровдаги маънавий – иммунологик тарбия олиб боришни талаб этиб қолади.

3. Бозор одоби

Бунда оила бюджетига катта эътибор беринг ва оилада бу каби машғулотларни ўтказишда Сизнинг ўзингиз шахс сифатида шаклланганлигингизни унутманг. Демак, сизнинг оилага ва жамиятга фойдангиз керак. Сизда энди оила қудратини (иқтисоддий (моддий), маънавий ва интеллектуал жиҳатлардан) мустаҳкамлаш каби асосий вазифаларингиз турибди, яъни оила бюджетини ташкил қилиб, уни мақсадли сарфлаш турибди. Бу борада қуйидаги уч жиҳатга эътибор беришга тўғри келади: **онлавий эҳтиёж**. Бунда фарзандларингизга биринчи, иккинчи ва ҳоказо даражали нарсаларни олиш лозимлигини тушунтиришга ҳаракат қилинг. Акс ҳолда фарзандларингиздан бири велосипед олишни иккинчиси, қандайдир спорт тренажёри олишни ва учинчиси яна бир каттароқ нарсани олишни талаб қилиши мумкин ёки бир кунда 10 марта музқаймоқ ейишни ёки бир неча жойга сайрга олиб боришни хоҳлашлари мумкин. Буларнинг ҳаммасини олиб беришга имконият йўқ, албатта. Бундай пайтда Сиз «Мен

ҳаммангнинг талабингни бажара олмайман, ахир», «Мен сизларни боқайми ёки фақат нарса олиб беришга овора бўлайми», деб айтиворишингиз мумкин. Бу эса бола тарбиясига салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам «Бозор одоби»га оила дарси керак. Ана шундай оилани режалаштириш, оиланинг қудрати, оилавий эҳтиёж, оилавий орзу-ҳавас каби тушунчалар ОДМнинг диққат марказида бўлсин; **оилавий орзу – ҳавас**. Бунда оилавий эҳтиёж зарур ва уни бажаришга ҳаракат қилиш лозим, аммо сизлар ҳам бу борада менга ёрдам беришларингиз керак, деб фарзандларингизга мурожаат қилиб кўйинг-да, бу орқали Сизларнинг орзу – ҳавасларингни биргаликда амалга оширишга имконият яратилади, деб ўқтиринг. Демак, энди сиз фарзандларингизга орзу – ҳавасни имконият даражасида бажаришини ўқтира оласиз; **оила равангани ўйлаш**. Бунда фарзандлар тақдири муҳим рол ўйнайди. Шу сабабли ҳам ўз фарзандларингизга идеал бўлишга ҳаракат қилинг. Ана энди оиланинг иқтисодий қудратида бозор қилиш одобининг ниҳоятда зарур эканлигини сезасиз. Бу борада шундай иш тутингки, фарзандларингиз сизнинг рўзгор юритишингизга ҳавас билан қарасин. Шу билан Сиз фарзандларингизни жамиятимизга яхши ва хайрли ишларни қилишга ҳам ўргатган бўласиз.

Доимо Сизнинг оилангизда оилавий эҳтиёж билан **оилавий имкониятнинг мос келиши** асосий тамойилингиз бўлсин.

4. Ҳаётий сабоқлар дарси

Бунда ҳаётий сабоқлар инсоннинг турмуш (ҳаёт) мазмунини ифодаловчи омил эканлигини эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бунга сабаб инсон ҳаётий сабоқлар асосида ўзининг турмуш тарзини белгилаб бораверади ва ҳаттоки баъзи ақлли одамлар ҳаётда ўзининг мустаҳкам ўрнини топиб, ўзларига жонли «Ҳайкал» ўрнатадилар. Ҳаётда баъзи ҳолларда бунинг акси ҳам рўй бериб қолади, яъни баъзи одамлар эса ҳаёт сабоқларидан тўғри хулоса чиқара олмайдилар-да, манқурт, лоқайд каби даражаларга тушиб қолиши мумкин, чунки бундай одамлар бир марта қилган хатосини яна такрорлайди (қилган хатосидан хулоса чиқармайди) ва натижада лоқайдга айланиб қолади. Маълумки, **лоқайдлик иллат**. Лоқайд одамнинг оиласига ҳам, жамоасига ҳам, давлатга ҳам фойдаси тегмайди.

Оилада бундай фарзандларнинг пайдо бўлиб қолиши «**маънавий қашшоқ**» лар отрядига яна битта аъзонинг қўшилиши деганидир. Ҳурматли ота – она Сиз бундай бўлишидан эҳтиёт бўлинг, фарзандларингиз тарбиясини маънавий – иммунологик жиҳатдан мукамал қилиб олиб бориш доим эътиборингизда бўлсин. Бунга

Сизда маънавий асослар бор. Улардан айримларини куйидагича ифодалаш мумкин:

«Кимки ҳаётда олмаса таълим,
Унга ўргатолмас устоз муаллим».

«Яхшига якинлашиб, ёмондан узоклашиб
яшаш доимий шиорингиз бўлсин».

«Ҳаётинг сабоқлар – «ҳаёт дорилфунун»
эканлиги доимий эътиборингизда бўлсин».

Мазкур мавзуга оид профессор Х.А.Тўракуловнинг «Инсон камолотининг маънавий асослари» рисоласида «Малика она» мавзусидаги маълумотни келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдим.

МАЛИКА ОНА

(Келини Шириннинг кўнгил мулкидан)

*Бошида ярашган дурра рўмоли,
Бугдой ранг, қора қош бирам ҳаёли.
Гаплари салмоқли, сўзи маъноли,
Энамга тан берар эди ҳатто зиёли.*

Оддий кишлоқ аёлининг ҳаёт сабоқларини оқ коғозга туширар эканман, қандай эшитган бўлсам шундайлигича эсдалик қолишини лозим топдим.

Энам: «Болажоним, аёл кишида 7 нарса мужассам бўлиши керак», - дер эдилар:

- 1) Аёлнинг уяти бўлиши керак
- 2) Тозалик бўлган жойда барака бўлади
- 3) Ҳурмат ва иззатни билиш керак
- 4) Эпчил ва уддабурон бўлиши керак
- 5) Инсоннинг икки кўли ёқасида бўлиши керак

Тошмаслиги керак, тошган нарса тўкилади.

6) Ўшак (ғийбат)дан йироқ бўлиш керак. Оғзига маҳкам аёл ҳаётда ҳеч нарса йўқотмади

- 7) Фарзанди борлигинг юзи ёруғ,
Фарзанди йўқлигинг юзи чориғ.

Яратган ҳам ҳеч кимни ҳаёт неъматидан курук қўймасин болажоним! – дердилар.

Ана шу 7 нарса аёлда бўлса бундай аёл ҳар қандай рўзғорни гуллатади, дер эдилар.

Ишлатадиган мақоли:

Сарпушли қозонга кўқим тушмайди,

Тўзиган ҳовлига девона кирмайди.

Хурматли ота – она ҳаёт сабоклари ОДМнгизда ана шу каби ҳаётий ҳикматлар, болаларбоб ривоят ва эртаклардан фойдаланиб, уларнинг айнан ҳаётий хулосалари ҳақида батафсил тўхталсангиз, фарзандларингиз тарбияси янада таъсирчан бўлади.

5. Фарзандларингизга ҳақиқатгўй бўлиш фазилатини ўргатиш.

Бунда самимийлик ва ростгўйлик каби шахсий фазилатларга эътибор беришга тўғри келади.

Умуман олганда ҳақиқатгўйлик ўзаро ишончга қурилади ва у самимий муносабатларни ўрнатишга хизмат қилади. Шу маънода **ростгўйлик** ҳамма вақт ҳам тўғрилик ҳисобланавермайди, чунки фақат рост гапираман деб, дўстининг яширинган жойини душманига айтиб қўйиш мумкин. Бу эса дўстликка кирмайди. **Бу қанақа ростгўйлик?**

Демак, бу жиҳатлар барча инсонларнинг ҳақиқатгўй инсонлар билан муносабатда бўлишлигини ва ёлғончилар билан мулоқот қилишдан қочишлигига маънавий асослардир.

Таникли адиб **Харви Маккей** бу ҳақда «Одамлар ўртасидаги ҳар қандай муросанинг асосий шарти муросанинг ўзи эмас, аввало, уларнинг ҳақиқатгўй бўлишидан иборат», деб алоҳида таъкидлаб ўтади.

Бу мавзудаги ОДМни ўтказишда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим бўлади:

- фарзандларга пок виждон билан яшашнинг мазмун – моҳиятини ўргатиш;
- фарзандларни кўзга тик қараб гапиришни ўргатиш;
- фарзандларга бошқа киши (айниқса, ёши катталар) фикрини тинглаш маданиятини ўргатиш;
- фарзандларимиз онгига киши ёлгон сўзлаганда ўзларига бўлган ҳурматни йўқотиб қўйишлигини тушунтириш;
- фарзандларда ваъдага вафо қилишни шакллантириш ва бунда ўз сўзида турмаслик қандай оқибатларга олиб келишлигини фарзандларга тушунтириш;

• энг асосийси фарзандларингизга асл қиёфасини йўқотмасликни ўргатинг ва уларга «кунгабоқар» ёки «Хамелеон» («Бақаламин») каби лақабларни олиб қолишининг оқибатларини тушунтиринг.

Мазкур мавзуга олиб борадиган ОДМннгизда қайд этиладиган инсоний фазилатларга тарбиявий масала тузинг ва фарзандларингизга улар ечимларининг бир неча ўхшаш вариантларини таклиф этинг. Оила даврасида берилган жавобларни таҳлил қилиб, улар ичидан энг тўғриси, яъни мукаммалини хулосавий фикр сифатида қабул қилдиришга эришинг.

Бу каби машғулотларнинг ўхшаш вариантлари жуда кўп. Бу ҳақда сиз ҳам бир ўйлаб кўринг.

6. Оилада фарзандлар онгига маънавий сифатларни сингдириш дarsi

Бунда фарзандларингизга ҳаётнинг гўзаллиги ҳақида маълумот бериб борганингиз маъқул, чунки инсон Онадан туғилибдики, унга ҳаёт кечирishiдек буюк олий неъмат ато этилган бўлади.

Ҳаётнинг гўзаллиги эса берилган олий неъматдан қандай фойдаланишга боғлиқ бўлади. Бу айниқса, инсоннинг бирор давонни ошиб ўтганида яққол сезилади. Бунга сабаб ўша эришган натижага, кишига кўзланган мақсадга етишдаги енгил ёки оғир, керакли ёки кераксиз, бевосита ёки билвосита ҳолатлар кўз олдидан бирма – бир ўтказилишига асос бўлади, яъни маълум бир даврнинг сарҳисоби бўлади. Ана шундай сарҳисобларни ўтказишда ижобий ҳолатлар юз бериб бораверса, ўша инсон ҳаётини гўзал деб аташ мумкин.

Инсон ҳаётининг гўзаллиги уни янада катта (кучли) ғайрат билан фаолият юритишга асос бўлади. Ана шундай гўзал ҳаёт эгаларининг борлиги туфайли ҳам давлатимизда мунтазам равишда тараққиёт бўлиб турибди.

Гўзал ҳаёт соҳибларини эса унинг маънавий хислат ва фазилатлари бегаб туради ҳамда улар туфайли киши ўзлигини англайди. Шунинг учун ҳам халқимизда илмли, билимли, ақлли, доно каби интеллектуал салоҳиятли ва шарм – ҳаёли, уятни биладиган, ҳалол, ростгўй, тозаликни севадиган, озода, пок, виждонли, инсофли, диёнатли каби маънавий етуклик каби орзу – ҳаваслар қилинадилар. Бу ерда шуни унутмаслик керакки, кашандачилик ва ичкиликбозлик ёмон иллат эканлигини фарзандлар онгига мунтазам равишда сингдириб боришга эринманг. Улар оқибатларига мос ривоятлар ва эртаклардан кўпроқ фойдаланинг.

Маънавий сифатларга оид педагогик масалалар тузинг ва унинг ечимини оилавий таҳлил қилинг.

ЭСЛАТМА: Фарзандларингизни «маънавий қашшоқ» бўлиб қолишига ҳеч ҳам йўл қўйманг, чунки ундай одамларга исталган широбни кўрсатиб, уни оби ҳаёт деб ишонтирса бўлади, яъни уни қайқа «етакласангиз» ўша томонга ўйлаб ўтирмай кетаверади.

Фарзандларингизни билимли ва илмли қилишга ҳаракат қилинг, чунки ундай одамлар ҳаётда камроқ «қоқиладилар» ёки умуман бундай ҳолатга тушмайди, ҳеч бўлмаганда бундай «қоқилиш»дан осонлик билан чиқиб кета олади.

УНУТМАНГ: ақлли бўлиш яхши, доно бўлиш ундан ҳам яхши, чунки ақли одам қийин вазиятдан осонлик билан чиқиб кета олади, доно одам эса бундай вазиятга бундай вазиятга умуман тушмайди.

7. Касб – ҳунарни эгаллаш дарси

Бунда дастлаб шеърят мулкининг султони бўлмиш Алишер Навоий бобомизнинг қуйидаги фикрини ўрганишдан бошланг:

Ҳунарни асрабон нетгумдир охир,

Олиб тупроқами кетгумдир охир.

Хурматли ота – она! фарзандларингизга илм ва ҳунар сирларини мукаммал ўргатиш доимий эътибордаги ишингиз бўлсин. Шунинг учун уларнинг чуқур илдизлари оилада томир отиши керак. Фарзандларингиз дунёвий ва диний билимлар асосларини билиш билан бирга касб – ҳунар асосларини эгаллаб боришлари керак. Буни фарзандларингизга такрор ва такрор таъкидлашдан эринманг.

Бу борада юқоридаги Алишер Навоийники каби инсонларнинг фикрларига ҳам эътиборни қаратинг. Бунда фақатгина, айтилаётган фикрларни фарзандларингизнинг ёши ва ақлий салоҳиятига мос қилиб тушунтиринг, акс ҳолда уларни ўзингиздан «совутиб» қўясиз.

ОДМнгизда фарзандларингизга тушунтирингки, агарда одам бирор касбни, ҳунарни ёки илмни эгаллашни истаса, унга фақатгина ҳавас қилиш етарли эмас. Чунки фақат ҳавас ушбу фаолиятни пухта эгаллашни кафолатламайди. Бу соҳадаги тарбиялаш жараёнингиз самарали кечиши учун буюк инсонлар турмуш фаолиятидаги касб – ҳунар ҳамда илм ва билимга йўғрилган ҳаётдан далиллар келтиринг. Уларни ибрат – намуна қилиб кўрсатинг.

Фарзандларингизга буюк инсонлар ҳар доим бирор касб – ҳунар билар шуғулланганликларини ва ҳаттоки ўз фарзандлари ҳамда шогирдларини ҳам бу соҳага йўналтирганликларини уларга етиб борадиган қилиб тушунтиринг.

Қуйида айнан шу тарбия йўналишига тегишли айрим дидактик материалларни келтириб ўтамыз:

• **Пахлавон Маҳмуд** – шунга машҳур бўлиши билан бирга, у пўстиндўстлик билан шуғулланган. Унинг Ватанпарварлиги тўғрисида қатор ривоятлар бор;

• **Умар Хайём** – буюк математик ва рубойишунос, файласуф бўлган, 3 – даражали тенгламаларни ечиш алгоритмини дунёда биринчи бўлиб яратган. У киши ҳам чодир тўқиш касби билан доимо шуғулланиб келган;

• **Саид Али Ҳамадоний** – буюк аллома бўлиши билан бирга, қолпоқ тўқувчиликни ўзига касб қилиб олган ва ҳаттоки шогирдларидан ҳам ҳунар ўрганишни талаб қилган;

• **Зардўштра** – чорвадор бўлган – от ва туя боққан. **Зардўшт** деган сўзнинг маъноси ҳам сарик туя эгаси демакдир. Ваҳоланки, биз Зардуштирани пайгамбаримиз ва Зардўштилар динининг асосчиси деб биламиз. Шунингдек, у «Авесто» номли муқаддас китобнинг ҳам муаллифидир;

• **Абулқосим Фирдавсий** – улуғ мутафаккир, машҳур «Шоҳнома» асари (У 35 йил давомида ёзилган)нинг муаллифи бўлган. Боғбонлик касби билан шуғулланган, яъни «Фирдавс» деган боғда боғбон бўлган. Унинг исмидаги «Фирдафс» – жаннат деган маънони англатади;

• **Ҳожи Юсуф** – буюк олим бўлган, дунёда учинчи бўлиб 1896 йилда глобусни яратган. У киши ҳам ҳунармандлик ва пиллакашликлар билан шуғулланган;

• **Сукрот** – буюк файласуф – донишманд бўлиши билан бирга ҳайкалтарошлик билан шуғулланган ва шу қабилар.

8. Маънавий бойлик – нима? оила дарси

Бунда профессор Х.А.Тўрақуловнинг «Инсон камолотининг маънавий асослари» рисоласидаги «**БОЙЛИК**» номли мавзудаги маълумотларни айнан келтириб ўтишни лозим топдик:

Бойлик тўғрисида жуда қадимдан кишилар у ёки бу фикрларни билдириб келганлар.

Мен ҳам ўз навбатида бу мавзуга ўз дунёқарашимдан келиб чиққан ҳолда ёндашганман. Мен учун энг катта битмас – туганмас **бойлик** – бу соғлиқдир. Ҳар куни ўз оиламни соғ-саломат кўриш менга дунёнинг барча бойлигидан, дур – у гавҳарларидан, кўзни қамаштирувчи олмосларидан минг бора ортиқ туюлади. Бу эса менинг ютуғим, маънавий бойлигим бўлса керак, деб ўйланиб қоламан. Яна бойлик ҳақида қуйидаги фикрларни ҳам билдириш мумкин:

• **Бойлик** – бу кишининг маблағи кўплиги;

- **Бойлик** – бу кишининг ҳашаматли биноси борлиги;
- **Бойлик** – бу кишининг турли русумдаги техникалари кўплиги;
- **Бойлик** – бу кишининг нуфузли жойларда ишловчи жўраларининг кўплиги;
- **Бойлик** – бу кишининг соғ – саломатлиги;
- **Бойлик** – бу кишининг оиласидаги осойишталик ва ишхонасидаги хотиржамлик;
- **Бойлик** – бу кишининг маънавий дунёкарашининг кенглиги;
- **Бойлик** – бу кишининг интеллектуал салоҳиятининг кенглиги;
- **Бойлик** – бу кишининг ўзига «жонли ҳайкал» ўрнатиш.

Аммо, маънавий қашшоқлик энг ёмон иллат. Ундай одамлардан оила ҳам, жамоа ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам манфаат топмайди.

... Бу ҳақда Али ибн Абу Толибнинг ҳам «Илм молдан яхшидир, у сени муҳофаза қилади, молни эса сен кўриқлайсан. Илм ҳоким, мол маҳкумдир. Мол нафақа қилиш билан камайса, илм зиёда бўлади», деган қимматли фикри мавжуд.

Луқмони Ҳаким айтади: «Илм ва бойлик ҳар қандай айбни яширади. Жоҳиллик билан фақирлик эса ошкор этади».

Пулнинг кўп бўлиши, афсуски, кўпчилик назарида энг катта бойлик ҳисобланади. Аммо, шуни унутмаслик керакки, юқорида қайд қилганимиздек, пул билан ҳамма нарсани ҳам ҳар доим ҳал қилиб бўлмайди. Яъни, фақат пул билан ҳал бўлавермайдиган нарсалар ҳам кўп. Бунда кўпинча билим ва ҳунар керак бўлиши мумкин. Умуман олганда, кишининг маънавий жиҳатдан бой бўлиб, интеллектуал салоҳиятли бўлгани маъқул. Чунки, бундай кишилар иқтисодий жиҳатдан бойиш нима эканлигини ҳам билади. Шу сабабли ҳам маънавий дунёсини бойитиб бораётган одамлар доимо ютади. Чунки, бундай одамларнинг йўқотадиган нарсаси бўлмайди.

Қиссадан ҳисса шундан иборатки, илмни ва ҳунарни маънавий бойлик деганлар ҳаётда ютқазмайди.

Бу ҳақда «Қомуснома»да шундай дейилади: «Агар молсизликдан қашшоқ бўлсанг, ақлдан бой бўлмоққа сайъ кўргазгалки, мол билан бой бўлгондан, ақл билан бой бўлгон яхшироқдур, нединким ақл билан мол жам этса бўлур, аммо, мол била ақл ўрганиб бўлмас. Билғил ақл бир молдурки, уни ўгри ололмас, у ўтда ёнмас, сувда оқмас».

Бу борада Республикамизда ёшларнинг билим олиш борасида катта имкониятлар мавжуд. Бугунги кунда улар ривожланган мамлакатларда билим олиш имкониятига ҳам эга. Шунингдек, халқаро олимпиада ва спартакиадаларда ҳам кўрик - танловларда

катнашишларига ҳам кенг имкониятлар яратилди. Афсус ва надоматлар бўлсинки, ҳозирда ёшлар орасида маънавий кашшок ёшларимиз ҳам учрамоқда. Энг ёмони улар бу билан ўзларини айбдор сезишмайдилар. Ёнингизда пулингиз йўқ бўлса, канчалик уяласиз. Улар эса маънавий дунёси кашшоқлашиб бораётганлигидан ҳеч ҳам уялмайди.

Хуллас, «ҳам маънан, ҳам жисмонан, ҳам моддий жиҳатдан бой бўлишга нима етсин».

9. «Истеъдодли бола хонадонингизда» мавзусидаги «оила дарси».

Бунда оиладаги ҳар қандай фарзандингизга истеъдод кўртаклари борлигига ўзингиз ишонч ҳосил қилинг. Сир эмас фарзандингизнинг фавкулотда «ақлий қилиқлари»га ўзингизнинг ҳам баъзан қойил (хайрон) қолгансиз. Ана шу ноёб «ақлий қилиқлари»ни пайқаб, ўз вақтида унга эътибор берилса, истеъдодли бола Сизнинг хонадонингизда ҳам бўлиши мумкин. Шу сабабли ҳам шахс тарбияси ҳар қандай жамиятда долзарб муаммо бўлиб келган ва унинг ечимлари ҳақида ўша жамиятнинг онгли аҳолиси қайғриб келган.

Улар бўйича олинган истиқболли ечимлар авлоддан – авлодга ўтиб келаверган ва улардан баъзилари ўғит, ҳикмат ҳамда панд – насиҳат кўринишини ҳам олган. Айниқса, бу борада улуғларимиздаги истеъдодли ёшлар тарбиясида ибрат – намуна қилиб кўрсатсак, оилангиздаги фарзандларингизнинг баркамол шахс бўлиб ўсишига асосий маънавий туртки бўлади.

«Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Улар:

- **Ибн Сино** тўрт ёшида Қуръони Каримни тўлиқ ёд олган;
- **Алексей Толстой** олти ёшида француз, немис ва инглиз тилларини билган;
- **Александр Грибоедов** ўн бир ёшида университетга ўқишга кириб, олти йилда учта факультетни битирган;
- **Чингиз Айтматов** беш ёшида таржимонлик қилиб, ҳақ олган;
- **Мирзо Бобур** ўн икки ёшида давлатни бошқарган;
- **Алишер Навоий** беш ёшида шеър ёзишни уддалаган;
- **Гёте** тўққиз ёшида немис, лотин ва грек тилларида шеър ёзган;
- **Паскаль** ўн беш ёшида биринчи илмий ишини ҳимоя қилган;
- Улуғ композитор **Вольфганг Амадей Моцарт** тўрт ёшида мусиқа асбобларини чалиб кўшиқ айта бошлаган. Беш ёшида мусиқий асар ёзган;

- Академик **Л.Ландау** ўн йиллик мактабни 13 ёшида тамомлаб, 14 ёшида университетнинг 2 – курсига (тиббиёт факультетига) қабул қилинган;

- Атоқли олим **С.Маргелян** ёшлигидан математикага қизиққан. У бир ўқув йилида 8-9-10 – синфларнинг имтиҳонини топширган. 16 ёшида Университетнинг 2 – курсига қабул қилинган. **Бир ярим йилда номзодлик минимумини тамомлаб, 20 ёшида фан доктори бўлган» [24].**

Демак, фарзандларингиздаги истеъдодларни рўёбга чиқаришда юқорида қайд этилган истеъдодли инсонлар ҳаёти ва фаолиятидан ибрат – намуна сифатида фойдалансанги: фарзанд тарбиясида ижобий натижаларни қўлга киритишга эришасиз.

Ҳурматли ота–она шуни унутмангки, **истеъдод–шахснинг ривожланиши натижасида қобилиятларда намоён бўладиган тугма хусусиятдир.**

10. «Оила даврасида» мавзусидаги онла дарслари

Бунда асосан оила аъзоларининг оила даврасида ўзини тута билиши муҳим роль ўйнайди. Бундай жараёндаги намуналилик инсоннинг гўзал тарбия топганлигини англатади. Шунинг билан бирга оиланинг мустақамлиги учун ҳам оила аъзоларининг бир – бирига муносабатларининг гўзаллигига боғлиқдир. Бундай жиҳатлар оиладаги фарзандларга ҳам ўтади, чунки, «Куш уясида кўрганини қилади».

Ҳурматли ота – она! унутманг, фарзандингизни парвариш қилиш ва тарбиялаш Сизнинг муқаддас бурчингиздир.

Оилангизнинг озодалиги учун ҳамма баб – баравар қайгургани маъқул. Бу ОДМнгизнинг диққат марказида турсин. Айниқса, уйдаги қийин ишларни бажаришда оммавий равишда уни бажаришга киришилса, оилавий муносабатлардаги соғлом муҳим янада яхшиланади.

Агарда оилангизга болаларингиз дўстлари меҳмон бўлиб келиб қолса, Сиз уларни дастурхон атрофида ўтирғизиб, улардан ҳол – аҳвол сўраб қўйинг. Улар даврасида ўтираверишингиз шарт эмас. Ана шу жиҳатлар бўйича оила дарсларингиз аъзоларига ўз фикрларини билдиришларини таклиф этинг.

Унутманг! Ҳеч қачон оилавий жанжалларга йўл қўйманг. Ахир фарзандингиз «андоза»ни Сиздан олади.

Шу сабабли ҳам куйидаги жиҳатларни ҳисобга олиб, оилада мулоқот ва муносабатда бўлсангиз Сизнинг ОДМнгиз самарали кечади:

- ҳар тонгда ва кўчадан келганда ота – онанинг ўзи ўзаро саломлашиш керак;

- муомалангиз ҳар қандай шароитда ҳам мулойим ва майин бўлсин;

- кексалар олдида болаларни урушманг;

- кўни – кўшниллар, оғаини – қариндошлар, отахон – онахонларга, катта – кичикка ҳамиша очик юз ва оқл – фаросат билан муомала қилинг;

- меҳмон кутаётганингизда гўзал хулқ эгаси бўлишга ҳаракат қилинг. Ўзингизни ҳамма нарсангиз бордай тутинг. Акс ҳолда меҳмонга ноқулайлик туғилади;

- меҳмонни зериктирмаслик учун суҳбатга тортинг ва эътибор беринг, суҳбат мавзуингиз ёқмаётганлигини сезсангиз, зудлик ва усталик билан суҳбат мавзусини ўзгартиринг ва шу қабилар.

Булар оила даврасидаги минимум талаблар эди. Бу мавзуга оид кўплаб педагогик масала тузса бўлади ва ривоят ҳамда ҳикоятлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

11. «Дастурхон атрофида» мавзусидаги оила дарси

Бунда дарс машғулоти баҳс – мунозара асосида ўтказганингиз маъқул. Бунга сабаб дастурхон атрофида овқатланиш ва суҳбатлашиб ўтириш оила аъзоларининг бир – бирига эркинлигини таъминлайди ҳамда уларни бир – бирига яқинлаштиради. Айрим оилаларда оила бошлиги алоҳида овқатланади. Бу масалани ҳам ўйлаб кўриш керак. Мазкур оила дарсингизни дастурхон атрофида ўтказганингиз маъқул. Айниқса, бу фарзандларингизга зарур.

Дастурхон атрофида ўтириш ва овқатланиш одобини билишнинг ўзи бир ҳаётий мактаб. Шу асосларда одамлар оилада ва жамоада ўз ўрнини топиб боради. Акс ҳолда фарзандингиз бошқа муҳитга, масалан, болалар боғчасига борганда бирдан киришиб кета олмасдан, тортинчоқ бўлиб қолиши мумкин.

«Оилавий дарси»нингизни баҳс – мунозара асосида олиб борсангиз фарзандингиздаги тортинчоқликни ҳам йўқотишга эришасиз. Уларни тахминан қуйидаги йўналишларда амалга оширсангиз мақсадга мувофиқроқ бўлади:

- дастурхон атрофида ким қаерда ўтириши керак?

- дастурхон атрофида киши ўзини қандай тутиши керак?

- дастурхон устида нималар бўлиши керак? Нонуштада-чи? Тушликда-чи? Кечки овқатда-чи?

«Этикетнинг олтин китоби»да ёзишича оилавий дастурхон атрофидаги суҳбатлар қуйидагича бўлгани маъқул:

«Дастурхон атрофида одатда катталар суҳбат қуради. Болалар эса жим ва одоб билан тинглаши керак.

Дастурхон атрофида суҳбатлашаётганида турли мавзуларда гаплашиш мумкин. Аммо болаларнинг борлигини ҳам унутмаслик керак.

Одатда эса дастурхон атрофида оила юмушлари, харид қилинган нарсалар, сарф–харажатлар, оилавий муаммолар ҳақида гаплашилади. Бундай суҳбатларни эшитиш бола учун фойдадан ҳоли эмас.

Уй бекаси суҳбат мавзусини бошка – ҳамма учун қизиқарли бўлган мавзуга буриб юбориши мумкин.

Болалар эса катталарнинг суҳбатига уларнинг ўзларидан фикр сўрамагунча жимгина тинглашлари талаб этилади. Шунингдек, катталар ҳам фарзандларининг ўз фикрини айтишга имкон яратиб берсин.

Стол атрофида иштаҳани буғадиган мавзуда гаплашманг. Дастурхонга қўйилган таом ҳеч бир ҳолатда танқид қилинмаслиги, аксинча, уй бекасига тайёрлаган овқати ҳақида ширин сўзлар айтиш лозим [36. 71 – б.].

Демак, «оила дарси» нгизни дастурхон атрофида ўтказсангиз ҳам бўлар экан. Бу орқали фарзандингизни жамоада ва жамиятда ўзини тутишини ўргатасиз ва энг асосийси уларни маънавий ҳаётга тайёрлайсиз.

12. «Меҳмон кутиш одоби» мавзусидаги оила дарси

Бунда ўзбек халқининг меҳмондўстлигининг куйидаги тўрт жиҳатига эътиборли бўлинг:

- Ўзбек хонадонига меҳмон келса, улар меҳмонни ҳамма нарсаси бордай кутиб олади, гўёки уларда моддий (иктисодий) муаммо йўқдай. Бўлгандан ҳам у муаммони кўни – кўшнидан олиб бўлса ҳам тўғрилайди;

- Ўзбек хонадонига меҳмон келса, уй эгаларининг ҳеч бир иши йўқдек, атайлаб кутиб тургандек меҳмонга пешвоз чиқади. Аслида уларнинг минг хил иши ва ташвиши бўлиши мумкин;

- Ўзбек хонадонига меҳмон келса, агар эр – хотин уришиб ўтирган бўлса ҳам, улар очик чехра билан меҳмонни кутиб олади ва бор топганини дастурхонга қўяди, ҳаттоки баъзан бу орқали оилавий низолар ҳам ҳал бўлиб кетади ва бир – бири билан гаплашмай ўтирган эр – хотин, бир – бири билан мулоқотга киришиб кетади;

- Ўзбек хонадонига меҳмон келса – ю, унинг кўни – кўшнилари билмаса бўлмайди-ку ахир. Албатта меҳмоннинг олдига ҳеч бўлмаганда икки ён кўшнисини айтади.

Уларнинг энг асосий шиори:

Меҳмон келар эшикдан,

Ризқи келар тешикдан.

Демак, меҳмондўстлик ажойиб ҳислат. Бу орқали одамлар бир – бири билан дўстлашади ва қариндош – уруғ, ёру – дўстликка ҳам эришади.

Уйингизга келган меҳмонга эътиборли бўлишликни фарзандларингиз онгига сингдириб боринг. Унда куйидаги жиҳатларга эътибор беришлигини ўқтириб боринг:

- меҳмон келиши билан, у (улар) билан саломлашиб, унга таклиф қилиш тартибини;
- меҳмоннинг гапларини диққат билан тинглаш, уларнинг фикрларини бўлиб юбормаслик одобини;
- меҳмон билан сўрашиб бўлганингизданок дастурхон ёзишга киришинг ва уйдаги имкониятдан келиб чиқиб дастурхон безашда одам ўзини қандай тутиш кераклигини;
- меҳмонларингиз ичида нотаниш бўлса, уларни барчага (танимаганларга) таништириш одобини;
- меҳмон кутаётганда хонадондаги озодалилик ва тартиблилик қандай бўлиши кераклигини;
- меҳмонлар овқатланаётганда уй эгалари ўзларини қандай тутиш кераклигини ва шу кабилар.

Қайд этилган мавзулар бўйича ҳаётий далиллар тўпланг ва уларнинг сабаби ҳамда оқибатини оилавий таҳлил қилинг.

Фарзандларингиз онгига «**Меҳмонхонанг тор бўлса ҳам меҳру дилинг кенг бўлсин**», деган нақлни сингдиригиз.

13. Уйни жиҳозлаш мавзусидаги оила дарси

Бунда уйни жиҳозлаш деганда икки хил вариантга қаралиши лозим бўлади. Кўп қаватли уйларда даҳлиз, меҳмонхона, ошхона, ётоқхона, болалар хонаси, ванна ва ҳожатхоналар, балкон кабилар жиҳозлари қаралади.

Ҳовлиларда яшовчилар учун дарвозахона, ҳовли ичи, даҳлиз, меҳмонхона, ошхона, ётоқхона, болалар хонаси, алоҳида ажратилган хона (бу хона уй эгасининг ишқивозлиги (хоббиси) асосида жиҳозланади. Бундай хоналар ижодий соҳаларда ишловчи кишиларга кўл келади. Бу ерга олимлар, шоирлар ва шу кабилар келишини ўйлаб жиҳозланади), замонавий ошхона, ванна ва ҳожатхоналар, пешайвон кабилар.

«Оила дарси» нгизда уларнинг ҳир бири тўғрисида суҳбат ёки баҳс – мунозара ўтказинг.

14. «Уйларни тоза тутиш» мавзусидаги оила дарси

Бунда энг аввало, фарзандларингиз онгига «Тозалик соғлиқнинг гаровидир», «Соғ танда соғлом ақл», «Сахар турмоқ - саодатдир»,

«эрта турган эркакнинг бир ризки ортик, эрта турган аёлнинг икки ризки ортик» каби хикматли сўзларни сингдириб бориш ва вақти – вақти билан уларнинг мазмун – моҳияти тўғрисида фикр алмашишлар қилиш керак. Бу фикр алмашишларни давра суҳбатига айлантира олсангиз, билингки, Сиз «Оила дарси» машғулотларидасиз. Шунда сиз уларни тоза тутиш ва уларни тозалашга қўйиладиган талабларни ўргатиб бора оласиз. Эътибор беринг, суҳбатингиз аралаш, яъни пала – партиш равишда олиб борилмасин. Уларни қуйидагича йўналишда олиб борганингиз маъкул:

- **дахлсиз (агар ховлига бўлса дарвеза хона) ни қандай тартибга келтириш ва тозалаш тўғрисида.** Бунда фарзандларингизга келган одам дастлаб уйга кирадиган жойларга қараб хонадон тўғрисида хулоса чиқаришлигини ўқтиринг. Бунга ривоят ёки мақоллар келтирсангиз дарсингиз янаям самаралироқ кечади;

- **меҳмонхона тозалиги ва тартиби.** Бунда фарзандларингиз меҳмонхонада меҳмон кутилишини ва оила аъзолари байрам ҳамда дам олиш кунлари шу хонада бўлишлиklarини очик тасаввур қила олишликлари керак. Уларга шунинг учун меҳмонхона тоза ва озода бўлишлигини ўқтиринг. Шунда «Меҳмон отангдек улуғ», «Меҳмон атойи худо», «Меҳмон келар эшикдан, ризки келар тешикдан» каби хикматлардан фойдаланинг ва энг асосийси Сиз ҳам бирор жойга меҳмонга борсангиз, Сизни қандай кутиб олишни хоҳлайсиз? – деган саволни қўйингда, уларнинг ҳам фикрини эшитиб, демак, меҳмон хонадонимиздан хурсанд бўлиб кетиши учун биз меҳмонхонамизни тоза ва озода тутишимиз керак экан, деб хулоса чиқаринг. Кейин уларга меҳмонхонадаги тартиб ва тозалик ҳақида насиҳат қилсангиз эътиборли бўлинг;

- **ётоқхона тозалиги.** Уйларни тоза тутишда ётоқхона тозалиги ўта муҳимдир, чунки бу хона оила аъзоларининг энг кўп фойдаланадиган хонаси ҳисобланади. Фарзандларингизга ўқтиринг бу хонага «Ҳеч ким кирмайди-ку» деб бу хонага эътиборсиз бўлмасин. Агарда бу хонада ўринлар йигилмаса, кийим – кечак пала – партиш ҳар жойга отиб ташланган бўлса, бет сочик билан уй сочик фаркланмаса ва шу каби ноқулай ҳолатлар одат тусига кирган бўлса, афсуски ўгил – кизларингиз ҳам худди шундай андоза олишган бўлади.

Тасаввур қилинг, эрталаб туриб ховлида юрибсиз покизами, Зебунисоми, Гўзалми, Дилбарми деб қизингизни (ҳамманинг ҳам фарзандига гўзал исм қўйиши аниқ) чақирдингиз. Бир оздан кейин Сизнинг қаршингизга юз – қўли ҳали ювилмаган, сочлари тўзиган,

кийимлари тартибсиз, афтини бужмайтириб норози оҳангда (нега мени уйғотдингиз дегандай бўлиб) бир қизалоқ пайдо бўлди. Сиз бунга нима дейсиз? Агар олдингизга яна бир киши бўлганда қандай аҳволга тушар эдингиз? Ана Сизга ётоқхона тоза ва тартибли тутишнинг хосияти. Шунинг учун бу жиҳат ҳам оила дарсингизнинг асосий қисмларидан бири бўлсин;

• **болалар хонаси.** Уйдаги ягона ҳаёт жўшқин ҳолда қайнаётган хонадир. У ердаги тартиб интизом ва тозалик кейин уларнинг шахс сифатида шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун хона иложи борича кенг, шинам, тоза ва чиройли безалган бўлиши керак. Бу жиҳатлар бола соғлом маънавиятида ҳам муҳим асосга эга бўлади. Болалар хонаси тоза бўлиши яхши. Шунинг билан бирга нарсалар ивирсиб ётмаслиги керак. Бу фарзандларингиздаги эътиборсизликни пайдо қилади. Болалар хонаси ва ундаги ўйинчокдан тортиб, бошқа барча жиҳозлар вақти-вақти билан алмаштирилиб туриши керак. Ана шунда болаларингизда янгиликка қизиқувчанлик, тозалик, покизалик каби ижобий хислатлар шаклланади. Хонадаги нотозалик ва тартибсизлик фарзандларингизда одатдаги ҳолга айланиб қолса, уларда салбий ҳолатларга мослашиш кучлироқ кечади;

• **Алоҳида ажратилган (жиҳозланган) хона,** замонавий ошхона, ванна ва ҳожатхоналар, балкон ва пешайвонлар тўғрисида ҳам юқоридаги каби эътиборингиз бўлсин. Уларнинг ҳар бирининг жиҳози ва тозалиги бўйича суҳбат мавзуингиз бўлсин ёки амалий семинар уюштириб кўринг ва натижани оилавий таҳлил қилинг.

Умуман олганда бу мавзулар Сизга бир таклиф. Ўзингизда ҳам шундай вариантлар кўплигига ишонамиз. Фақатгина унутманг сизнинг фаолиятингиз фарзандларингиз учун бир дорилфунундир.

3.3.3. Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид мавзулар. Маълумки, яхши ва ёмон хулқнинг ҳаммаси шароит, тарбия, одатланиш натижасида вужудга келади. Яхши хулққа ҳам одат туфайли эришилади.

Ички қувватларнинг таъсирлари ва таъсирланишлари такрорланаверса, улар учун кучли бир малака ҳосил бўлади. Ахлоқ ҳам шундай вужудга келади. Бу эса оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг асосий кўрсаткичларидандир.

Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришни фарзандларингизнинг ёшлигиданоқ бошланг. Уларга нима ёхши, нима ёмон, нимани қилиш мумкин, нимани қилиш мумкин эмас, инсоний сифатлар ва иллатлар ҳамда уларнинг сабаб ва оқибатлари тўғрисида

тушунтириш ишларини олиб боринг. Буларга оилангиздан, маҳаллангиздан, қариндош – уруғлар орасидан мисол – далиллар топинг, уларни оилавий таҳлилдан ўтказинг. Бу борада қилаётган барча сай – ҳаракатларингиз оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган бўлсин. Бунда донишманд – мутафаккирлар фикрларидан ҳам фойдаланинг ва уларнинг ақлий қобилятини ўйлаб кўриб, уларга тушунтиринг (улар тушунадиган содда ҳолда келтиринг). Улар тушунганлигини Сизга билдирилган фикрлардан билиб олишга урининг. Улар қуйидаги кўринишларда бўлиши мумкин:

1. «Ўзимни ёмон ишдан тийишга қурбин етмайди, дейиш одам ўзини одам эмас, балки буюм, деб тан олиш билан баробар». (*Лев Толстой*)

2. «Яхшилик ҳақида фикр қилинглар, чунки яхшилик ҳақида ўйлаш кишини ўша яхшиликни қилишга ундайди. Ёмонликка надомат қилинглар, чунки надомат ўша ёмонликни тарк этишга бошлайди» (*Абдуллоҳ Ибн Аббос*).

Шу сабабли ҳам оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид мавзуларини танлашда оилавий соғлом муҳит, ундаги оила аъзоларининг ўзаро муносабатларидаги самимийлик ва мулоқимлик, ҳар бир оила аъзосининг оилада тутган ўрни ҳамда уларнинг оила равақи (ақлий жиҳатдан, маънавий жиҳатдан, жисмоний жиҳатдан ва шу қабилар)га қўшган ёки қўшаётган ҳиссаси қабиларга эътиборни қаратмоқ лозим. Шунингдек, оила қобиғидан чиқиб соғлом оилавий муҳитни шакллантириш ишлари ҳам Сиз ташкиллаштираётган ОДМда эътиборга олинса, фарзандларингизни маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялашга асос яратган бўласиз. Қуйида келтириляётган мавзулар намунавий тарзда келтирилмоқда. Бу борада Сизнинг ўзингизнинг ҳам мустақил фикрингиз борлигига ишонамиз. Шунинг учун ҳам бу ерда ўз вариантларингизни ишлатишингиз мумкин. Фақатгина шуни унутмангки, оилангиздаги ҳар бир тадбир ёки бирор бир оилавий дам олиш ҳолатлари Сизнинг дарсхонангиздир. Уларнинг ҳар бири сизнинг ОДМнгиздир.

Демак, қуш уясидагини қилишда соғлом муҳит унинг (уларнинг) ҳақиқий йўлчи юлдузи бўлсин. Ана шундай фарзандларингиз ҳар хил иллатлар ва турли таҳдидлар таъсирига тушиб қолмайди.

Энди қуйида мазкур йўналишдаги ОДМ мавзуларидан айрим намуналар келтирамиз.

Нутқ маданияти одоби. Бунда киши ўзаро мулоқотда бўлаётганда сўз ва унинг салмоғи ҳамда талаффузи бошқа кишига бўлган муносабатни белгилайди. Сўз оҳангги кўп нарсани ҳал қилиб

юборади. Айниқса, бирор нарса сўраётганингизда даб – дурустан «Амаки менга сўм қарз бериб тулинг? – деб сўрасангиз, у киши «Менга ўтказиб қўйган жойинг борми? дегандек, «Йўқ», деб қўя қолади. Агарда шуни бошқачарок, яъни олдин салом бериб, сўрашиб бўлгандан кейин «Амаки озгина пулга муҳтож бўлиб қолган эдик. сўм пулни бир – икки кунга қарз бериб турсангиз, тезда қайтаришга ваъда бераман», десангиз, ҳалиги одамнинг энсаси қотмайди ва бўлса албатта бериб юборади. Пулни қарзга олганингиздан кейин ҳам «Раҳмат амаки, ҳожатимни чиқардингиз, қарзингизни тезда қайтараман», деб аниқ – аниқ гапиринг, у кишига ўз миннатдорчилигингизни билдиринг. Мулоқотда ҳеч ҳам баланд овозда гапирманг, сўзларни равон талаффуз қилинг.

Эҳтиёт бўлинг кескин, масхараомуз талаффуз бошқаларнинг дилини сиёҳ қилади. Бундай ҳолларда битадиган ишингиз ҳам битмай қолади. Бу бевосита оила муҳитига боғлиқдир ва оиладаги оила аъзоларининг ўзаро нутқий мулоқотида бу ниҳоятда зарур, чунки ота – она оиланинг сарвари, файз – барокати, зеб-у зийнатидир. Шундай экан, эр – хотин ҳам ўз одоби, обрўси ва оилада тутган мавқеи билан ўта масъулиятли вазифаларни бажаришга муносиб ва тайёр бўлишлари шарт. Уларнинг онгли ҳаёти, хулқ – одоби ва яшаш тарзи фарзандларига намуна мактаби, ибрат кўзгуси бўлмоғи лозим.

«Оила дарси»даги асосий эътиборингиз ҳам ана шундай ҳолатларга қаратилса, тарбия самарали кечади. Бу борада педагогик вазиятлар тайёрлаб, тренинглар ўтказилса, албатта ижобий натижалар қўлга киритилади.

Бу борада қуйидаги каби маълумотлар бериб боринг:

«Қаъбул Ахрорнинг ривоят қилишича, Яхё алайҳиссалом кўркем юзли, камтар. юмшоқ сўзли ҳамда сўзларни ўз ўрнида ишлатадиган, ниҳоятда ибодатга берилган бўлган.

Ёшлиқ вақтларида маҳалла болалари Яхёни ўйинга чақиришиб, бирга ўйнайлик деса, у «Мен умримни ўйнаб ўтказиш учун яратилмаганман», деб жавоб берар эди. Унга ёшлигиданок пайғамбарлик даражаси берилганди [24. 164 – б.].

Демак, мулойим муомалали ва нутқингизнинг равон бўлиши нутқ маданиятингизнинг таркибий қисмлари экан. Шундай экан оилада ушбу жараён учун қуйидагиларга эътиборли бўлинг:

- сизнинг кайфиятингизнинг йўқлиги ёки соғлигингизнинг ёмонлиги атрофдагиларга дағал муносабатда бўлишга асос бўлмаслиги керак;

- буйрукни ҳам мулойим овозда беришга ҳаракат қилинг;

- суҳбат пайтидаги сўзларингиз оҳанги Сизнинг дунёкарашингизга мос бўлсин;

- мулоқот пайтида енгил ҳазил ёки ҳазиломуз фикрлардан фойдаланиш мумкин, лекин у ҳам меъёридан ошиб кетмасин. Унутманг енгилгина ва нозик ҳазил қила олиш ақллиликнинг белгисидир;

- таклиф билдиришда ҳам нутқнинг аҳамияти ва роли катта, шу сабабли ҳам мазкур жараён оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу ҳолатлар ОДМда баҳс – мунозаранингиз бўлсин. Бу борада шеърларни ифодали ўқишини машқ қилдириб кўринг.

Математик тафаккурни шакллантириш одоби. Бунда фарзандларингизнинг интеллектуал салоҳиятини уларнинг эгаллаши лозим бўлган саводхонлиги асослари ва ҳисоблаш тафаккури ташкил этишлигини унутманг.

Математик тафаккурни шакллантиришни ҳисоблаш ишлари ва аниқ нарсалар билан ҳаракат қилиб, ўлчаб, ҳисоблаб, тоифаларга бўлиб, ҳар хил нарса ва ходисалар доирасида, ҳар хил вазифаларни бажариб, фарзандлар ҳаёти учун аҳамиятли қилиб олиб бориш керак. Бунга Сизда тўлиқ имкониятлар бор. Бунга мисоллар кўп. Масалан, улар: фарзандингизга маълум миқдордаги пулни бериб дўкондан нарса олиб келишни буюрасиз. Унинг пулини ва қайтимини ҳисоблатинг; фарзандингизнинг бўйини ўсишини назорат қилиш учун уйнинг бир бурчагида ҳар сафарга ўлчовга бир белги қўйиб бориш ёки унинг охирлигини кузатишга ҳам худди шундай ёндашиш; бирор машқни бажаришни ҳар куни неча мартадан ошириб боришини назорат қилиш; фарзандингизга олиб берадиган музқаймоқнинг бир кунлик пули, ҳафталик пули ва бир ойлик пули қанча бўлишини ҳисоблашиш. Бунга бошқа керакли нарса олса қандай бўлади ва шу қабилар. Ойлангизда бир кунлик сарф – ҳаражат тўғрисида фарзандингизга маълумот беринг ва бу маблағ кимнинг ҳисобидан келаётганлигини фарзандларингизга тушунтиринг.

Оилавий имконият билан оилавий эҳтиёжнинг мослигини қандай таъминлайсиз. Буни ҳам улар тили билан нарсаларга таққослаган ҳолда тушунтириб беринг. Шу орқали улар онгига тежаш ва тежамкорлик тушунчаларини сингдириб боринг ва бу орқали оилавий орзу – ҳавас талабларини қондириш тушунчасига ҳам замин яратан бўласиз.

Ҳурматли ота – она фарзандларингизга мол – мулкни беҳуда исроф қилиш ақлсизлик, бойликни ўйламасдан сарфлаш таназзул

аломати эканлигини кайта – кайта тушунтиринг. Бунга кўплаб мисоллар келтиринг. Уларнинг барчасида фарзандингнинг ҳисоблаш тафаккури ишга тушсин. Бу уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишда ўта муҳимдир. Бу фикримизнинг исботи сифатида куйидаги воқеавий фикрни келтирамиз:

«Агарда фарзанд ақли ва тадбиркор бўлса, уни сақлаб қола олади. Бу борада ҳовли сотиб олишда ҳам бир нақл кўп ишлатилади, яъни «Олмоқчи бўлган ҳовлингнинг сотмоқчи бўлган эгаси ҳовлини ўзи қурганми ёки ота – онаси қуриб бериб кетганми? Ана шу саволга бериладиган жавоб ҳовли олишда жуда муҳимдир. Агарда ҳовлини унинг ота – онаси қуриб бериб кетган бўлса, у ҳовлини сотиб оласан, аммо ҳовлини сотаётган кишининг сотмоқчи бўлган ҳовлисини ўзи қурган бўлса, бу ишни битириш анча мушкул». Чунки, бунда ҳовлини қуриш жараёнидан ҳар бир ҳаракат ва харажат (ҳисоб - китоб) унинг кўз олдидан ўтаверади.

Демак, одам доимо ўз меҳнатига «ичи ачийди» ва унинг кадрига етади. Бировнинг меҳнати кадрига эса ҳамма ҳам етавермайди. Бундай жараёнларда инсоннинг ақли теран ва фаросатли бўлиши ҳамда келажакни олдиндан кўра билиши муҳим инсоний хислатлардан бўлиб ҳисобланади [24. 112 – 113 – б.].

ОДМнгизга бу мавзу бўйича маълумотлар жуда кўп. Масалаларни фарзандларингиз ўз фаолиятлари билан боғлаб тузинг. Масалани айтиб фарзандингиз унинг ҳаёлида ҳисоблаш жараёнини кетаётганлиги гувоҳи бўласиз. Масаланинг жавобини топганда уларнинг кўзлари чакнаб кетганини кўрсангиз ўзингиз ҳам маъна киласиз.

Оила ва инсоний фазилатлар уйғунлигини ўрнатиш одоби

Бунда оила бахти оилада эр – хотиннинг бир – бирини тушуниши асосида шаклланиши асосий эътиборингизда бўлсин. Турмуш ўртоғингиз қизикқан соҳалар ва мавзулар ҳам Сизнинг эътиборингизда бўлсин. Бу оила мустақамлигида муҳим аҳамият касб этади ва фарзандларингиздаги инсоний фазилатларни шакллантиришда маънавий – намунавий асос ҳамдир. Ана шу жиҳатларга эътибор бериб олиб бориладиган турмуш тарзида албатта оилавий суҳбатлар ҳам мароқли бўлади. Қуйида оила сирини сақлаш ва бахтли оила қуриш хусусида иккита киматли фикрларни келтирамиз:

«Оила сирларини сақлаш хусусида Пайғамбаримиз (с.а.в) шундай деганлар: «Қиёмат кунида Аллоҳ наздида энг ёмон мавқедаги инсонлардан бири турмуш ўртоғи билан яшаб, сўнгра унинг сирини очган инсондир».

..... «Бахтли оила куриш хусусида М.Морган шундай дейди: «Эрингизга ҳеч қачон ўз фикрингизни қабул қилдириш учун ҳаракат қилманг. Сўнгги сўзни эрингиз сўзласин. Сўзингизда қаттиқ туриб олиб ҳам йўқотасиз, ҳам ҳузурсиз бўласиз. Оила қиролликка ўхшайди. Эрингиз қирол, сиз эса қироличасиз» [36. 53 – б.]

Бундан келиб чиқадики, оиладаги эр – хотиннинг ўзаро муносабатларидаги оилавий муҳаббат, ўзаро ишонч, ўзаро тушуниш, ўзаро ғамхўрлик, ўзаро мулойимлик ва шу каби сифатлар оилада боланинг софдил, очик кўнгил, ширинсўз, мулойим, тўғрисиўз бўлиб ўсишига асос бўлади, чунки бола маънавияти ота – она руҳияти ва табиати асосида шаклланади.

Демак, булар асосида фарзандларингизга инсоний фазилатларни сингдириш мумкин ва бунга ўзбек хонадонларида маънавий асослар етарли. Фарзандларингиздаги хушчақчақлик табиат тухфаси эканлигини ҳам унутманг. Фарзандингиздаги ўткир зехнлилик, фаросатлилиқ ва шу каби ўнлаб, юзлаб фазилатларни сингдириш соғлом оилавий муҳитнинг асосини ташкил этади.

ОДМда оилавий соғлом муҳит негизида инсоний фазилатларни шакллантириш асосий режангизда бўлсин. Унутманг, яхши касб-кор, билим, ҳунар ва хуллас гўзал фазилатлар қанча одамларга улашсангиз шунча сайқаллашади, аммо ҳеч ҳам қамаймайди.

Оила мустаҳкамлиги ва гўзал хулқ ҳақида ҳикматлардан ОДМда фойдаланинг. Улар тахминан қуйидагилар:

«Оқила рафиқам! Агар эринг ёнингда бўлишини истасанг, шунинг пайига тушинки, токи у ҳеч ерда сенинг ҳузурингдаги каби роҳат – фарогат ва мулойимликка дуч келмасин».

(Пифагор)

«Инсон – ўзингга ўзинг ёрдам бер».

(Нитше)

«Бошқалар билан яшамаган ва ўзи билан ҳам яшай олмаган инсонда хайр йўқдир».

(Ҳадис)

Соғлом муҳитни яратиш. Бунда оилада соғлом муҳитни яратишни эр – хотиннинг уйқудан турган пайтдан бошлаш лозим бўлади, чунки эр – хотин бир оилани ташкил этдими, бунга асосан

улар жавобгар. Уларнинг эр – хотин бўлганигача бўлган даврнинг ўзига хос ўрни бор. Аммо, у даврларнинг ўзига хос тарбиявий муаммолари бор. Сиз эса оилада соғлом муҳитни шакллантиришни оила ташкил бўлган кунданок бошлаганингиз маъқул. Сизнинг ҳаётдаги ҳар бир кадамнингиз ва ҳар бир олган нафасингиз оилада соғлом муҳитни ташкил этишдаги иштирокингизни белгилайди. Шу сабабли ҳам ОДМда фарзандларингизга ўзларингиз «андоза» бўлинг. Энг яхши дарс шу бўлади. Айтайлик сиз уйкудан уйғондингиз. Биринчи турмуш ўртоғингизга кўзингиз тушади, унда дарҳол, ҳатто бир жойда ётган бўлсангиз ҳам «Хўжайин» яхши ётиб турдингизми? – деб кўнгил сўраб кўйсангиз, бир кунлик кайфиятга, унинг яхши бўлишига энергия (зарядка) берган бўласиз. Бу ҳолни ҳар куни такрорлашдан эринманг. Бу шунчалик кучли оқибатни белгилайдиган кучли сўрашувки, унга нафақат фарзандларингиз ҳам тақлид қила бошлайди. Ҳаттоки, баъзи оилалардаги кичкинагина гўдак неварадан бобонгнинг исми ким десангиз «Хўдайин» деб жавоб беради. Шу саволни бувисига нисбатан ҳам айтиб, ундай бўлса бувининг исми ким десангиз ҳам «Хўдайин», деб жавоб берганинг гувоҳи бўлганмиз. (бу бўлган воқеа, неварани тилидаги «Хўдайин» сўзи «Хўжайим» сўзини такрор ва такрор эшитиш натижасида пайдо бўлган).

Умуман олганда оилада соғлом муҳитни шакллантиришда эр – хотин ва уларнинг ўзаро ҳамда фарзандларига бўлган муносабатларида ўта муҳидир. Бу борада қуйидаги хулосавий фикрни келтиришни лозим топдик (70 – 80 ёшлардаги яхши оила соҳибларининг фикрлари асосида тузилди): «Инсониятнинг ҳаёт йўли қизиқ. Инсон ўз жуфти ҳалолнингни топиб, уйланад экансан. Орзу – ҳавас, эзгу – ниятга бой ёшликни ҳам ўтказаверар экансан. Ушбу жараёнда Аллоҳнинг улуғ неъматини бўлмиш фарзандларни катта қилар экансан. Уларнинг икки кўлидан (биридан дадаси, биридан аяси) ушлаб вояга етказиб, улар туфайли ўйлаган – режалаштирилган ниятлар оғушида эр – хотиннинг ҳаёт тажрибаси ҳам ортиб бораверар экан. Тўйлар қилинади: исм кўйиш, суннат тўй, мучал тўй ва ҳақозо. Шундай ниятлар оғушида ўзингизнинг ҳам, фарзандларингизнинг ҳам катта бўлиб қолганингизни сезмай қолгандай бўласиз. Энди қизларни турмушга чиқариш, ўғилларни уйлантириш керак бўлиб қолар экан. Энди бу хайрли ишлар учун нафақат ҳаётининг тажриба, балки оғайн – қариндошлардан маслаҳат олишга тўғри келади. Шу ерда эътибор беринг, бу оғайн – қариндош ёки ёру – дўстлар билан маслаҳат қилишдан олдин, аввало, эр – хотин ўзларингиз маслаҳатлашиб оласиз. Буни инкор қилманг! Бу ҳақиқат.

Демак, фарзандингиз ҳам оила курадиган даражага келиб қолгандан кейин энг аввало, маслаҳатни турмуш ўртоғингиз билан қиласиз, яъни турмуш ўртоғингиз қариндошдан яқинроқ бўлиб қолар экан. Кейин эса маслаҳатни бир жойга қўйиб олгандан кейин қариндош – уруғ ва ёру – дўстни чақириб маслаҳатлашасиз.

Қиссадан – ҳисса шундан иборатки, Ҳурматли ота – она! Сиз яхши ниятлар билан оила қурдингизми? Сиз фарзанд тарбиясига, уларнинг жамиятимизда ўз ўрнини топишга ҳаракат қилишингиз ҳам фарз, ҳам қарз. Бу орқали Сиз мустақил давлатимизнинг мустаҳкам пойдевори бўлмиш баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшган бўласиз. Мазкур жараённи олиб боришга Кайковуснинг «Қобуснома», Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Олимот ул – Банотнинг «Оила дарслари», «Саодатнома», Абу Наср Фаробийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Х.А.Тўрақуловнинг «Инсон камолоти» ва «Инсон камолотининг маънавий асослари» каби рисолалардан фойдаланинг. Улардаги айрим бир мавзуни олиб оила даврасида фарзандларингиз билан ўрганиб, уларнинг фикрларини ўрганиб чиқсангиз фойдадан холи бўлмайди. Айниқса, бу борада айрим шахсларнинг турмуш тарзини ибрат – намуна қилиб кўрсатиш ниҳоятда муҳимдир.

Ҳурматли ота – она! Соғлом муҳит осмондан тушмайди, **унутманг** бировни кўриб шукур қилиш, бировни кўриб фикр (соғлом) қилиш ҳаётий тажрибанинг асосини ташкил этади ва бу қолаверса ҳаётда тўғри йўлни танлашингизда ҳам керакли таянч маълумотлар бўлади.

Ширин сўз – жон озиғи. Бунда кўнгил олиш асосий тамойилингиз бўлсин. Буни нафақат фарзандларингиз учун, балки ҳаётнинг барча жабҳалари учун қўллаш мумкин. Айрим далилларни келтирамиз:

1. Эътибор беринг-га, уйингизга ҳар йили калдирғочлар уя қўяди. Агар Сиз уларга яхши муносабатда бўлмасангиз, улар кейинги йили келмайди.

2. Бир киши 3 та банкага 2 кг.дан гуруч солиб қўйиб, ҳар куни уларга уч хил муносабатда бўлган, яъни улардан биринчисига қўпол сўзлар билан муносабат билдирган, иккинчисига эътиборсиз бир қараб ўтиб кетаверган ва учинчи банкага тўғри келганда гуручга нисбатан олқишлар айтиб бир ойни ўтказган.

Натижа: *биринчи* банкадаги гуруч олдингисидан камайиб, қовжираб қолган, *иккинчи* банкадаги гуручлар деярли ўзгармаган, яъни озгина шишган ва кўпайгандай бўлган ва *учинчи* банкадаги гуручлар эса банка тўладиган даражада шишиб – кўпайган.

3. Ўсимликларни ўстиришда ҳам худди шундай тажриба олиб борилган, яъни бир хил иклимда бир хил ўсимлик экилган. Биринчисида одатдагидай парвариш ишлари олиб борилган ва иккинчисида айнан шу шароитда парвариш ишлари олиб борилган. Факатгина бунда доимо мулойим мусика қўйиб қўйилган.

Натижа: Иккинчи экин экилган жойдаги яхши тарафга ўзгариш жуда катта фарк қилган.

Энди оилангиздаги фарзандларингизга эътибор беринг, қайсига яхши гапириб, эркалатаверсангиз у Сизнинг пинжингизга тикилиб олаверади.

Демак, ширин сўз нафакат маҳсулотга, ўсимликка, жониворга ёқар экан, балки инсонларга хос бўлган қўнғил олишнинг асоси ҳам экан.

Ширин сўзнинг жон озиғи бўлишини истасангиз қуйидагиларга эътибор беринг:

- **фарзандингизнинг фикрини тингланг.** Бунда унинг фикрини диққат билан тинглаётганингизни билдиринг, сўз орасида «нахотки», «қойил - э», «шундай-ми?» каби сўзлар билан уни қўллаб – қувватлаб туринг. Ушбу жараёнда у ўз фикрларини тўла айтиб беришга имкон бўлади;

- **хазил – мутойибага мойилликни нуқотманг.** Иложи бўлса фарзандингизга «Сендан буни кутмагандим. Яшавор» ёки «Фикрларингни айтиб беришинг менга ёқаяпти», «Шу фикрингга яна ўхшаш фикрни айта оласанми?», «Менга ёки онангга ҳам шу каби мақтовларинг борми?» каби иборалар ишлатиб эркин фикрлашга имконият беринг;

- **фарзандингизга ўринли – мазмунли саволлар беринг.** Унда албатта ширин сўз билан мулоқот қилиш назарда тутилган бўлсин;

- **фарзандингизга яхши рағбатлантирувчи мақтовлар қилинг.** Уларга шеър айтиб берганда, яхши бир юмушни бажариб бўлганда, уйдан кийиниб кўчага (ҳовлига) чиққанда, саломлашганда, овқатланиш пайтида дастурхон атрофида намунали ўтирганда ва шу қабиларда уларни илҳомлантирувчи ширин сўзингиз билан муқофотланг;

- **фарзандингизнинг мулозамат билдирганини албатта баҳоланг ва ундаги мафтункорликка эътибор беринг, нима демокчилигини дарҳол англанг.** Агар фарзандингизнинг мулозамати беғараз бўлса, унга миннатдорчилик билдириб қўйинг. Бу жуда керак, чунки бу орқали фарзандингизда дунёқараш ва нутқ маданияти мунтазам равишда юксалиб боради.

Ана шу жиҳатлар асосида мазкур мавзудаги «Оила дарси»ингиз самарали бўлади.

Фарзандларни ўз – ўзига ишонч руҳида тарбиялаш. Бунда дастлаб «Этикетнинг олтин китоби»дан куйидаги мулоҳазага эътиборни қаратишни лозим, деб топдик: «Аслида, ҳар биримиз бошқаларга манзур бўлиб, ўзимизни ҳурматли инсон сифатида ҳис қилишни ёқтирамыз. Кўнгил олиш санъатида ўзимизни ҳурмат қилишимиз жуда муҳим, бу билан атрофимиздагиларга биза қандай муносабатда бўлишлари кераклигини кўрсатамыз. Ўзимизга ижобий баҳо берсак, бошқалар ҳам худди шундай баҳога мойиллик кўрсатади. Борди-ю ўзимизга бўлган муносабатда иккилансак, атрофдагилар ҳам кайфиятимизга қараб тезда ўзгариб қолади.

Ўз – ўзига ҳурмат тасодифан файдо бўлмайди. Уни тарбиялаш ва машқ қилдириб бориш зарур. Ўзимизга ишонсак, кўп нарсага эришишимиз мумкин. Фалсафа фанлари доктори Дэвид Шварц «Муҳим нарсалар ҳақида мулоҳаза юритишнинг сирли усули» номли китобида шундай ёзади: «Ўз – ўзига ишонч муваффақиятга эришишнинг муҳим шарти саналади. Ҳаммаси яхши бўлишига ишонинг, албатта ишонинг ва Сиз мақсадингизга эришасиз».

Демак, фарзандларимизни ўз – ўзига ишонч руҳида тарбияласак мустақил фикрга эга бўлган, иродаси мустаҳкам, яхшилик, яъни эзгуликка интилувчи ёшларни тарбиялашга эришиш мумкин.

Бу ОДМнгизда ҳам муайян йўналишлар бўйича фаолият юритишни тавсия қиламыз.

- **Фарзандингиздаги мафтункорликни тарбиялашга эътиборли бўлинг!** Чунки мафтункорлик кўнгил олиш санъатининг қони томири бўлиши билан бирга, у инсон ўзини ҳурмат қилиши натижасида пайдо бўладиган ажойиб фазилат ҳамдир.

- **Фарзандларингизга ўз фазилатларини намойиш қилишга ўргатинг.** Бунга оила аъзоларингиз ва дўстлар даврасидаги шодиёналарда, оилавий байрамларда ўзингизни қувноқ нигоҳларингиз билан оила аъзоларингизни, айникса, фарзандларингизни хушнуд қилиш орқали эришишингиз мумкин.

- **Фарзандингизнинг билимдон бўлишига эришинг.** Бунда оилада қисқа метражли фильмлар (видеотасмалар ва DVD фиклар) дан фойдаланинг. Арзимаган бўлса ҳам Сиз бермоқчи бўлган билим натижасида фарзандингиз дунёқараши кенгайиб бораверади.

- **Фарзандингиз учун руҳлантирувчи омилларни ишга солинг.** Бунда оиладаги фарзандларингизни узок вақт бир хил фаолият билан шуғулланиб қолишидан эҳтиёт бўлинг. Бундай

ҳолатларда фарзандингиз фаолиятини (олдингисини такомиллаштирган ҳолда) янги кўринишга алмаштиришга ҳаракат қилинг. Ушбу фаолият эскисини инкор этиш ҳисобига бўлмасин. Янги такомиллашган кўринишда бўлса, фарзандингизда ўзига ишонч янада ошади ва ундаги ижодкорлик элементлари пайдо бўлади.

• **Ўз ишига ишонч ҳосил қилиш мустақиллик мезони.** Бунда фарзандларингизда ўз ишдан қониқиш ҳосил қилиш ҳиссини кўпроқ ўйланг. Худди шунингдек, фарзандларингизда ўзига куч топиш, ўз – ўзига нисбатан мустақил бўлиш, кадр топиш ўз ишига ишонч ҳосил қилиш, ўзаро муносабатларда билимдонлик, ижодий кайфиятли рўёбга чиқариш, садоқат тўғрисида, мамнуният ҳиссини пайдо қилиш кабиларни намоён қилиш бўйича педагогик вазиятлар ҳақида масалалар тузинг ва унинг ечимини топиб, таҳлил қилинг.

Бунда ҳикматлар, ҳикоялар, кинолардан фойдаланиш ижобий самаралар беради. Киноларни кўриб бўлгандан кейин қаҳрамонлар фаолиятини оилавий муҳокама қилишни унутманг.

Оилада фарзандларни маънавий – ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш. Бунда фарзандларингизда шаклланиши лозим бўлган дастлабки маънавий сифатларни бир ўйлаб кўришингиз лозим бўлади. Шунинг билан бирга шакллантириладиган маънавий сифатларни шакллантиришни ахлоқий жиҳатдан қандай олиб борган маъқул эканлигини ҳам мукамал билишингиз зарур бўлади. Буни ўзингиздан бошлаганингиз маъқул. Бунга сабаб ота – онанинг ўз фарзандинга энг кўп таъсир этиш имконияти бошқаларга нисбатан кўп эканлиги ҳеч кимга сир эмас, чунки ота – оналар ўз фарзандларини тарбия қилишда ўзларидаги бор меҳрни ва маҳоратни ишга солади. Бунга алоҳида исбот керак эмас. Бизга маълумки, «типратикон (кирпи) ҳам боласини юмшоғим» ёки «Қўнғиз ҳам боласини оппоғим», деб суяр эмиш. Бунга бир қанча ривоятлар бор.

Бизнинг давлатимизда «Оила давлат ичида кичик давлатдир» тамойили асосида фаолият юритиб, юртимизда баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказиш давлат сиёсати даражасигача кўтарилган. Буни онгли равишда сезган ҳар бир баркамол ота – она фарзандларининг илмли, маърифатли бўлиши учун муҳит, шароит яратиш беришга интилади ва улар тарбиясида ўзларининг қимматли вақтларини аямасдан фарзандларини маънавий – ахлоқий жиҳатидан баркамол бўлиб етишишини ўйлаб фаолият юритади.

Баъзида «Фалончининг боласи каттани кичиртириб кўйгандай, унинг билан суҳбат қилсанг маза қиласан», деган гапни эшитиб қоламиз. Бунинг асосида табиийки, оиладаги оила аъзолари

Ўртасидаги ўзаро муҳаббат, ўзаро ишонч, ўзаро бир – бирини тушуниш, ўзаро бир – бирига ғамхўрлик қилиш каби инсоний сифатлар ётибди. Оила фарзандинг руҳияти ҳам, табиати ҳам оиладаги ана шу инсоний сифатлардан «озуқа» олади. Бунга асос сифатида қуйидаги фикрни келтирамиз:

Ота – боболаримизнинг нақл қилишларига Ота турмуш ўртоғига қандай муносабатда бўлса, ўғил бола аёлларга худди шундай муносабатда бўлади. Ёки қиз бола тарбияси масаласида «Онасини кўр-да қизини ол», деган нақл оила истиқболини белгилашлигидан далолатдир.

Унутманг ота – оналарнинг болалар олдида ўз муносабатлари ҳақида тортишиб кетишидан уларнинг фарзандлар олдидаги масъулиятсизлиги, худбинлиги англашилади. Уларнинг бу низолари фарзандлар руҳиятига салбий таъсир қилади. Натижада маънавийтсиз болалар отряди юзага кела бошлайди.

Демак, фарзандга меҳрни ота – онадек ҳеч ким бера олмайди. Шундай экан, келинг бу меҳрни, бу муҳаббатни фарзандингизга бериш доимий муаммонгиз бўлсин. Буни Сиз оилангиз даврасида дастлабки маънавий – ахлоқий тарбия элементларини фарзандларингиз онгига мунтазам равишда сингдириб боришингиз мумкин. Уларни тахминан қуйидаги кўринишларда олиб борсангиз маъқулрок бўлади:

- **эр – хотин сифатида ўзаро ижобий муносабатларингиз ибрати ва намунаси.** Бунда Сизнинг турмуш тарзингиздан фарзандларингиз «андоза» олаолсин, яъни, «Ўғлингиздан кимга ўхшашни хоҳлайсан, деса, дадамга ўхшашни хоҳлайман десин» ёки «Қизингиздан кимга ўхшашни хоҳлайсан, деса, аямга ўхшашни хоҳлайман», деб жавоб бергизишга эришсангиз фарзанд тарбиясида адашмаётган бўласиз;

- **фарзандингизнинг ҳам маънан, ҳам жисмонан соғлом бўлиши доимий ғамхўрлигингизда бўлсин.** Бунда фарзандларингиздаги овқатланиш одоби, саломлашиш одоби, фарзандлар тарбиясидаги нутқий аниқлик одоби, ўйинчоқлар билан ўйнаш одоби (бу фарзанднинг руҳий ва жисмоний тарбиясидаги муҳим омилдир), фарзанднинг тенгдошлари билан ҳаракатли ўйинларни бажариш одоби, боланинг эртак айтиб бериш ва тинглаш одоби қабилага доимо эътибор бериб бориш керак;

- **фарзандларингизга оила даврасида ўзини тутиш ва ўз ўрнини билишни ўргатиш.** Бунда оила аъзоларининг ҳар бирининг ўз ўрни бўлишини фарзандларга таъкидлаш ва асослаш керак бўлади;

• **фарзандларингизни уйни тозалаш ва жихозлаш ишларига ҳам ўргатиб боринг.** Бунда уйнинг ҳар бир хонаси ва уларнинг вазифалари тўғрисида фарзандингизга маълумот беринг. Нима учун даҳлиз, меҳмонхона, ошхона, ётоқхона, болалар хонаси, алоҳида ажратилган хона (оила аъзоларининг ишқивозлигига (хоббисига) қараб, масалан, ижодхона), ваина, ҳожатхоналар, балкон ёки пешайвонлар кераклигини асосланг;

• **меҳмон кутиш одоби инсонийлик сифатлар эканлигини унутманг ва буни фарзандларингиз онгига сингдириб боринг.** Бунда камида дастурхон тузаш, меҳмондорчилик таомларини номларини келадиган меҳмонга турига қараб туза билиши кабилар эътиборга олинса яхши бўлади;

• **оилада хушчакчак суҳбатни ташкиллаштириб туриш – фарзанд соғлом руҳий ҳолати ва табиатининг асосий негизидир.** Буни кўпроқ оила даврасида айниқса, овқатланиш пайтида ёки оилада тарбиявий масалани ечимини топишда амалга оширган маъқул;

• **оилавий анъана ва маросимларда фарзандингизнинг фаол иштирокчи бўлишга эришиш керак.** Бунда оилада фарзанд туғилганда, унга исм қўйганда, бешик тўй қилинганда, мучал тўйларида ва бошқа тўй ва маросимлардаги каби оммавий йиғинларда уларнинг фаоллигига мунтазам равишда эътиборли бўлиб бормок фойдалидир;

• **фарзандингизга тилак ва истак билдиришни ёшлигиданок машқ қилдириш.** Тренинглар ўтказинг. Улар онгига сафарга кетаётганда, саёҳатга чиқаётганда, хизматга отланаётган кишиларга нима дейиш кераклигини аста – секинлик билан сингдириб боринг. Худди шунингдек, қуйидаги йўналишлар бўйича ҳам тилак ёки таскин билдиришлар бор: дастурхонга дуо қилганда, бирор жойдан, сафар ва зиёратдан қайтган кишиларга; одамлар кўнгилларга тўлмаган, гумонсираган шахс, воқеа – ҳодиса, иш ҳақида; марҳумлар хотирасига фотиҳа ўқилганда, беморни кўргани борганда; остона хатлаб, ўзга хонадонга кирилганда; ўзга хонадонга кирганда; бирор киши янги кийим, уй – жойлик, мол – мулклик бўлганда каби жихатларга билдириладиган фикрларга халқимиз жуда бой. Булар фарзандларингиздаги маънавий сифатларни шакллантиришда таъсирчан воситалардир;

• **фарзандларингизга табриклаш ва олқишлашларни ўргатинг.** Бунга хоҳлаганча маълумот ва материаллар топасиз ва буни оила даврасида хоҳлаган пайтда амалга оширса бўлади;

- фарзандларингизда спорт ўйинлари билан мунтазам шуғулланиш одобини шакллантиринг. Бу орқали сиз орзу килинган ҳаёт ва ёркин ақлнинг шаклланишига эришасиз. Унутманг халқимиз жисмонан бақувват одамни полвон, ҳам жисмонан, ҳам маънан бақувват одамни паҳлавон, дейди.

- фарзандларингизга совға бериш ва совға олиш одобини ўргатинг. Бунга меъёр деган тарозига ниҳоятда эҳтиётда бўлинг;

- фарзандларингизга жамоат жойида ўзини тутишни ўргатинг. Бу фарзандингизнинг ҳаётда ўз ўрнини топишда ўта муҳимдир;

- фарзандингизга телефонда сўзлашиш маданиятини ўргатинг. Бу инсонлар билан ўзаро муносабатдаги маънавий асосдир.

Бу қайд этилган йўналишлар бир намуна сифатида келтирилди. Буни сиз бошқачарок тузишингиз ҳам мумкин ва ҳаттоки ҳар бир йўналишни яна қайсидир мос йўналишларга бўлишингиз мумкин. Энг асосийси буларни сиз доимо ОДМда амалга оширишингиз мумкин. Бу мавзу жуда кенг қамровли ва у катга ҳажмдаги маълумотларни билиб олишингизни талаб қилади. Бунда видеофильмлардан фойдалансангиз «Оила дарслари»ингиз яна ҳам самаралироқ бўлади.

Фарзандларга совға беришни ва олишни ўргатиш. Бунда совға бериш ва олиш ҳаётда ҳурсандчилик белгиси эканлигини унутмаслигимиз керак.

Фарзандларингиз онгига совға бериш ва олиш инсоний сифат эканлигини ва энг асосийси ўша кишингизнинг ҳурсандчилигини баҳам кўришлигингизнинг хосияти ҳақида фикрлар билдириб боринг.

Фарзандингиздан «Сиқилган кишига кулгу бахш этмоқ, билиб кўй бир ботмон қандан яхшироқ», деган донишмандларимиз нақлидаги қандай совға бор, деб сўраб ОДМни бошлаб юборинг. Кейин совганинг қиймати ва турлари тўғрисида фарзандларингизга тушунча беринг. Совгани кимга, қандай тайёрлаш ва топшириш санъатини фарзандларингизга сингдириб боринг.

Совғалар турлари: китоблар; расмий; гардероб предметлари; кандолат маҳсулотлари; заргарлик маҳсулотлари; жонли совғалар; гуллар, гулдасталар; пардоз – андоз маҳсулотлари; хўжалик совғалари ва шу кабилар.

Фарзандларингизга совға тайёрлаётганингизда уларнинг диди ва эҳтиёжини ҳисобга олинг.

Фарзандларингизни кузатинг, совға олаётганда қандай ҳолатга тушади, ундаги миннатдорчилик хисси қандай ёқимли-ми, йўқми?

Бу фарзандингиздаги мамнунлик совғанинг кай даражада ёкканлигини кўрсатади.

Умуман олганда фарзандингиздаги мамнунлик совғанинг кай даражада ёккан ёки ёкмаганлигини эмас, балки кўрсатилган эътибордадир.

Хурматли ота – она! Унутманг, фарзандингизга кичиклигидаёк совға олганда гарчи у ёкмаса ҳам, чиройли жилмайиб миннатдорчиликка ўргатиш керак. Совға берганда ҳам худди шундай ҳолат рўй берса, демак, фарзандингиз бировга яхшилик қилиш орқали ўзи ҳам хурсанд бўлиб юришга ўрганган бўлади.

Эслатма: Совға турларини расмий равишда йўналишларини қайд этиб ўтдик, аммо уларнинг турлари ҳам, йўналишлари ҳам жуда кўп. Бизнингча энг яхши совға китоб билан гул.

Китоб совға қилсангиз фарзандингиз яхши ва интеллектуал салоҳиятига эга бўлади. Китобнинг дизайнига ҳам эътибор беринг. Буни улар китоб жавонига иштиёқ билан териб қўйишга ҳаракат қилсин.

Гуллар совға қилишда эса гуллар рангига эътибор беринг. **Рангларда** турфа маъно ва моҳият бор. Уларнинг айримлари ҳақида қуйидаги қисқача малумотларни келтирамиз: **Оқ** рангли гул – маъсумлик, беғуборлик ва самимийлик; **Пушти** рангли гул – севги, ёшлик ва назокатни; **Қизил** рангли гул – эҳтиросли; **Яшил** рангли гул – умид ва ишонч; **Ҳавораи** гул – эътиқод ва имонни; **кўк** рангли гул – садоқатни; **сарик** рангли гул – ҳасад ва макр – ҳийлани; **кулранг** гул – ғамлик ва тушкунликни; **тўқ малла** рангли гул – қайғу ва ғам – аламни; **нафармон** рангли гул – итоаткорлик ва бўйсинишни; **бинафша** рангли гул – дўстликни; **тўқ сарик** рангли гул – таннозлик ва мағрурликни; **тиллара**нг гул – кадр – қимматни; **кумуш** рангли гул – абадийлик ва шой – шухратни; **бўтакўз** рангли гул – ишонч ва оддийликни; **лилия ва марварид** гуллар – тозалик ва маъсумликни; **калампи**ргул – эзгуликни; **бинафшагул** – маъсумлик ва сирлилики билдиради.

Демак, бизнинг фарзандларимиз эстетик дидли табиати оилага мос ҳамда руҳий ҳолати доимо соғлом ва энг асосийси ҳам қувониб, ҳам қувонтириб яшайдиган табиатан гўзал, инсоний (маънавий) сифатлар билан йўғрилган бўлиши керак. Хурматли ота – она «Оила дарслари»ингизда юқоридаги қайд этилган жиҳатлар бўйича тренинглар ўтказинг ва албатта натижа оила даврасида таҳлил қилишсин.

Ана шунда фарзандларингиз керакли, кераксиз нарсаларни олиб ташлайвермайди. Бу оила тежамкорлигида ҳам, улардаги гўзал табиатли бўлишдек инсоний фазилатларни шакллантиришда ҳам ва айниқса бошқаларга ҳурсанчилик улашишда ўта муҳимдир.

Фарзандингиздаги кишиларга тилак ва истак билдириш ҳамда таскин бериш санъати. Бунда фарзандингизда оилада соғлом турмуш тарзини қандай ташкил қилиш керак, деган саволга жавоб топа оладиган бўлишингиз керак.

Маълумки, халқимиз эзгу – ниятли, орзу – ҳавасли бунёдкор халқдир. Бундай инсонларни эса хушмуомалалик, мулойимлик, бағрикенглик, ўзини ҳам, ўзгани ҳам яхши кўришлик, гўзал муомала ва муносабатлар (хуш келибсиз, хуш кўрдик, яхши боринг, яхши қолинг, яхши ётиб турунг, ширин тушлар кўринг, ёқимли иштаха, иштахангиз карнай бўлсин, хайрли тун, хайрли тонг, яхшиликка буюрсин) беаб туради. Бундай инсоний муносабатлар сирасига яқинларига яхши тилаклар билдириш, яхши ниятни баён қилиш, дуолар қилиш, олқишлар айтиш, таскин беришлар киради. Бу бизга ота–боболаримиздан қолган улуг ва бой меросдир. Фарзандларимизни ушбу жиҳатларга содиқ қилиб тарбиялаш биз ота – оналарнинг ҳам бахтидир.

Ушбу ҳолатлар нафақат оилада фарзанд тарбиясида, балки инсоннинг турли фаолиятида, турли даврларида олиб бориш мумкинки. Сиз бунга нима дейсиз? Одам умрининг охиригача ўрганади, деган гап бор–ку. Қуйида биз ОДМнгизда тренинг ўтказишга тааллуқли бўлган айрим йўналишлар ҳақида маълумот бермоқчимиз. Мазкур қисмда «Этикетнинг олтин қоидаси» номли китобидаги маълумотлардан фойдаландик.

• **Сафарга, саёҳатга, хизматга отланаётган кишиларга:**

«Сафарингиз беҳатар бўлсин», «эсон – омон яна дийдор кўришайлик», «Худо ёр, пирлар мадодкор бўлсин» каби талақлар билдирилади.

Мўйсафидлар, ота – оналар фарзандларини қуйидагича дуо қилишадилар: «Ой бориб, омон қайтгин», «Омад ёр бўлсин», «Тўрт мучанг соғ бўлсин», «Худо ўз паноҳида асрасин», «Чорёрлар мададкор бўлсин» ва шу қабилар.

• **Бирор жойдан, сафар ва зиёратдан қайтган кишиларга:**

Ният билдириш бўйича «Зиёратлар қабул бўлсин», «Яхшигина бориб келдингизми, боришдан кўзланган ниятингизни Аллоҳ рўёбга чиқарсин», «Яхши келганингиз билан» ва шу қабилар.

Миннатдорчилик билдиришлар бўйича «Муродингиз ҳосил бўлсин», «Раҳмат айтганингиз келсин», «Раҳмат» ва шу қабилар айтгани маъқул.

• **Марҳумлар хотирасига фотиҳа ўқишда:**

Тилаклар: «Худо даргоҳида қабул қилсин», «Жойлари жаннатда бўлсин», «Гурида тинч ётсин», «Арвоҳи шод бўлсин», «Худо раҳмат қилсин», «Худо сабр берсин», «Марҳумнинг қолган умрини сизга, бола – чақангизга берсин», «Қаратмаган табибингиз қолмади, худонинг иродаси шу экан», «Қўлларингдан келган барча сайъ – ҳаракатларни қилдиларинг, буям бир Худонинг иродаси», «Ўлим ҳақ, Сизларга сабр берсин», «Худо бор, ўлим барҳақ», «Бандалик, ўлим ҳаммамизнинг ҳам бошимизда бор, борар жойимиз ҳам ўша манзил», «Умри ўхшамасину, фалончи писмадончига қуйиб қўйгандек ўхшабди» қабилар ишлатилади.

• **Беморни кўришга борганда:**

Таскин берилади. Улар: «Тузилиб қолдингизми, кўринишингиз яхши, ранг – рўйингиз ҳам яхшигина», «Худо шифо берсин», «Бизлар тезда тузилиб кетишингизни ният қиламиз», «Дардини берган Худо, шифосини ҳам беради, тезда яхшилик кунларда кўришайлик», «Соғайиб кетинг», «Аллоҳ тани – жонингизни соғ қилсин», «Бола – чақангизнинг ҳузур – ҳаловатини кўринг», «Анча тузалиб қолибсиз, ҳали кўрмагандек бўлиб кетасиз», «Умрингиз узок бўлсин», «Тезда тузалиб кетинг, бизга йўл – йўриқ кўрсатиб юрганингизнинг гувоҳи бўлайлик, шунга Аллоҳ сизга мададкор бўлсин» ва ғу қабилар.

• **Остона ҳатлаб, ўзга хонадонга қирилганда:**

«Илоҳо оилангизда тинчлик, хотиржамлик бўлсин», «Қадам етди, бало етмасин», «Оилангизда осойишталик ва хотиржамлик бўлсин», «Бой – бадавлат ва сиҳат – саломат бўлинг», «Бой – бадавлат бўлинг, Хизр баракасини берсин», «Фарзандларингизнинг икболи баланд бўлсин, Сизлар уларнинг орзу – ҳавасини кўрингизлар» ва шу қабилар дуолар қилинади.

• **Бирор киши янги кийим, уй – жойлик, мол – мулклик бўлганда:**

Тилаклар билдирилади. Улар: «Қуллик бўлсин», «Муборак бўлсин», «Насиб этсин», «Тўйлар ва яхшилик кунларга кийинг», «Тепкилаб – тепкилаб кийинг», «Ярашибди, яхшилик кунларга кийинг», «Яхши кунларингизга ярасин», «Муборак бўлсин, шу ерда кўплаб тўйлар қилинг», «Жуда чиройли чиқибди, яхшилик кунларингизга хизмат қилсин», «Толганингиз тўйга буюрсин», «Ярашибди, буюрсин», «Эгнингизда тўзисин», «Ҳозирда бунақа

машиналар ҳаммадан ҳам бор эмас, доимо яхшилик кунларингизда хизмат қилсин», «Ўйлаган ниятингизга етиб юринг», «Бунга ҳам етганлар бор, етмаганлар бор, буюрсин, яхши бўлибди, доимо яхшилигингизга буюрсин», «Биз хурсандмиз, Илоҳи яхшиликларингизга ёр бўлсин», «Топиш – тутишларингизга оллоҳим барака ато қилсин» ва шу кабилар.

• *Инсоннинг бошига ҳар хил савдолар тушганда кўнгил сўралади.*

Билдириладиган фикрлар (жумла, ибора, сўзлар, мақоллар, нақллар): «Кўнглингизни чўктирманг, ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ», «Албатта ёруғ кунлар ҳам келади», «Бошингиз омон, жонингиз соғ бўлсин», «Бошингиз тошдан бўлсин», «Бу кунлар унут бўлиб кетади», «Давлат, пул кўлнинг кири», «Мол топилади, жон топилмайди», «Мушкулингиз осон бўлсин», «Дўстга зор, душманга хор, нодонга муҳтож қилмасин», «Кўнглингизга олманг», «Оғир бўлинг», «Бориға барака», «Баракасини берсин», «Қаторда хато бўлмасин», «Кўпга берсин, кўп қатори бизга ҳам берсин», «Бир – биримиздан кам қилмасин», «Ишингиз бароридан (ўнгидан) келсин», «Кўп берсин, кўл берсин, кенг феъл, кетмас давлат берсин», «Ёмоннинг юзини тескари қилсин», «Яхшиларга ёндаштиргин, ёмонлардан узоклаштиргин», «Айтганингиз келсин», «Фаришталар омин, десин» ва шу кабилар.

• *Яхшиликка даъват этувчи халқ мақоллари:*

Булардан тилак, истак, олқиш, миннатдорчиликлар ва таскинлар билдиришларда фойдаланилади.

- Яхши сўз жон озиғи, ёмон сўз бош қозиғи;
- Яхши ошини ейди, ёмон бошини;
- Яхшидан вафо, ёмондан жафо;
- Яхшилик тўрға элтар, ёмонлик гўрға;
- Яхшиликка яхшилик – ҳар кишининг иши, ёмонликка яхшилик – эр кишининг иши;
- Яхши сўз ҳам, ёмон сўз ҳам бир оғиздан чиқади;
- Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон сўз билан пичок қинидан чиқар;
- Яхшини бил ўзидан, ёмонни бил кўзидан;
- Яхшини кўриб шукур қил, Ёмонни кўриб фикр қил;
- Яхшилик қилсанг яшир, Яхшилик кўрсанг ошир;

Демак, фарзандларимизга ширинсўзлик, мулойимлик ва хушхулқликни ўргатишга етарлича дидактик материаллар бор экан.

Сиз буларни ОДМни ўтказаетганингизда турли тренинглари уюштириш орқали амалга оширсангиз маъқул бўлади. Тренинглари ҳам иложи борича тадбирий ўйин кўринишида олиб бординг. Масалан, «Дадаси - аяси», «Меҳмон - меҳмон», «Машина сотиб олиш», «Дастурхон безаш», «Янги кийим кийиш» ва шу кабилар.

Ҳар бир тадбирий ўйин сизнинг назоратингизда бўлсин ва ўйин натижасида юқоридаги каби мулойимлик ва ширинсўзлик санъатидан фарзандларингизни қандай фойдаланганлигини баҳоланг. Керакли жойларида рағбатлантинг.

Миллий байрамлар. Бунда фарзандларингиз қалбига ва онгига миллий ва умумбашарий қадриятлари сингдириш асосий эътиборингизда бўлсин.

Маълумки, миллий байрамларда у ёки бу миллатнинг тарихидаги муҳим воқеа – ҳодисалар нишонланади. Ана шундай нишонланиш жараёнини ташкил этиш ва уюштириш Сизнинг оила дарсингизнинг мақсад ва режасини ташкил этиши керак.

Ўзбекистон Мустақилликка эришгач Президент И.А.Каримовнинг фармони билан Рўза ва Қурбон ҳайитларининг биринчи кунлари дам олиш куни деб эълон қилинди. Наврўз умумхалқ байрами сифатида ҳар йили тантана қилиниб, бу кун (21 март) дам олиш куни деб эълон қилинди.

Унутманг байрам кунлари – бу муҳим воқеаларга бағишланган, анъана сифатида нишонланадиган, иш куни деб ҳисобланмайдиган кунлардир.

Мамлакатимизда қуйидаги кунлар байрам қилинади ва халқимиз у кунлари дам олади: Янги йил байрами (1 - январь); «Халқаро Хотин – кизлар куни» байрами (8 - март); Наврўз байрами (21 - март); Хотира ва қадрлаш куни (9 - май); Мустақиллик куни (1 - сентябрь); Ўқитувчилар ва мураббийлар куни (1 - октябрь); Конституция куни (8 - декабрь); Рўза ҳайити (Ийд ал - Фитр)нинг биринчи куни; Қурбон ҳайити (Ийд ал - адҳа)нинг биринчи куни.

Мамлакатимиздаги байрамларнинг мазмун – моҳиятини миллий қадриятлар бойитиб, безатиб боради.

Халқимизда қўшнилари ва қариндош – уруғларини байрам билан муборакбод қилишади, совгалар улашади. Халқимизда байрам муносабати билан одамларимиз анчадан бери аразлашиб қолган, бир – биридан хафа бўлиб, гина сақлаб юрганлар ҳам ярашади.

Бизнинг байрамларимиз кадр – қиммат ва меҳр – оқибат билан йўғрилган ва шунинг учун ҳам байрамларимиз инсонларни бир – бирига яқинлаштиради.

Шу сабабли ҳам ОДМнгиз кўпроқ миллий байрамларга бағишланган бўлса, фарзандларингизда миллий урф – одат ва миллий гурур шаклланади ва энг асосийси фарзандларингиз ориятли ва меҳр – оқибатли бўлади.

Оилавий анъаналар. Бунда фарзандларингиз онги ва қалбига миллий – маънавий қадриятларни сингдиришни ўйлаб фаолият юритинг.

Маълумки, **анъана** – ўтмишдан келажакка мерос қоладиган, авлоддан авлодга ўтадиган, жамият ҳаётининг турли соҳаларида намоён бўладиган моддий ва маънавий қадриятлардир ҳамда одамларнинг турмуш тарзи, моддий шароитлари турли анъаналарнинг шаклланишига таъсир қилади.

Анъаналар ёшларни тарбиялаш, уларни кекса авлод тажрибасига ўргатиш воситаси ҳамдир. Буни халқимизнинг қуйидаги анъаналаридан ҳам сезса бўлади: кексаларга ҳурмат кўрсатиш; қариндош – уруғ, маҳалла – кўй билан меҳр – оқибатли бўлиш; эл – юртга садоқатли бўлиш; ҳашарга ижобий муносабатда бўлиш; меҳмондўстлик; нонни эъзозлаш ва шу қабилар. Шунинг билан бирга мамлакатимизда Наврўз, Мустақиллик куни, Қурбон ҳайити каби байрамлар миллий анъаналаримизга айланиб кетган.

Оилавий анъаналарга қуйидагиларни киритиш мумкин: чақалокнинг дунёга келиши; фарзандга исм қўйиш; бешик тўйи; ақика; суннат тўйи; мучал тўйи; никоҳ тўйи; ҳовли тўйи; юбилейлар ва шу қабилар. Мазкур анъаналарни «Оила дарси» машғулотлари сифатида уюштиришга эриша олсангиз фарзандларингизнинг ҳар томонлама ривожланиши ва маънавий камол топиши, ўз кадр – қимматини англашда «Маънавий ривожланиш босқичлари»ни навбатма – навбат амалга оширган бўласиз. Бунга сабаб мазкур йўналишлардаги дарсларингизда фарзандларингизга ҳам миллий, ҳам умуминсоний ахлоқ меъёрларини сингдиришга эришасиз.

«Оилавий анъаналар оила аъзолари ҳаётининг узвий қисми ҳисобланади. Ҳар бир оила аъзоси шахсий ҳаётидаги шундай муҳим воқеалар ўзига хос тантана, байрам тусини олади.

Оила аъзоларининг туғилган кунини биргаликда нишонлаш, биргаликда кўшиқ куйлаш (Мадҳияни оилавий хор бўлиб айтиш Т.И.Х.), Шеърхонлик, китобхонлик кечалари уюштириш, дам олиш кунларини табиат бағрида нишонлаш, турли таомлар пишириш, фарзанди учун муҳим бўлган турли тadbирларда иштирок этиш ва бошқалар ҳар бир оила ҳаётини тартибга солиб турувчи, унинг маънавий – ахлоқий муҳитини таъминловчи оилавий анъаналардир.

Оилавий анъаналар боланинг ҳар томонлама шаклланишида ижобий роль ўйнайди ва оилани жипслаштиради» [23. 338 – 339 – б.].

Ҳурматли ота – она! Мазкур йўналишдаги ОДМнгизни олиб боришга ниҳоятда бой дидактик материаллар ва имкониятлар бор. Сиз юқоридаги қайд этилган жиҳатларнинг ҳар бирига битта дарс машғулотларини ташкил этсангиз бўлади. Бундай дарсларни олиб боришга иложи борича фарзандларингиз ташаббускор бўлса, дарс машғулотингиз янада самарали бўлади.

Миллий урф – одатлар. Бунда фарзандларингизни миллий урф – одатлар билан нечоғлиқ таниш эканлиги ва уни янада юксалтириш қандай кечишини билиш асосий эътиборда бўлмоғи лозим.

«Миллий урф – одатлар – миллатнинг турмуш тарзига сингиб кетган, унинг шаклланиши ва ривожига хизмат қиладиган ҳатти – ҳаракат, кўпчилик томонидан қабул қилинган ҳуқуқ – атвор ва кўникмалар кўриниши.

Урф – одат, маросиму байрамлар қадимги даврлардан бойиб инсон ҳаётининг муҳим ва таркибий қисмига айланган» [23. 290 – б.].

Демак, ҳар қандай халқ ва ҳар қандай миллатнинг ўзига хос ва мос урф – одатлари бор. Айниқса, ўзбек халқини миллий урф – одатларсиз тасаввур этиб бўлмайди ва улар ўзига яраша тарбия манбаи ҳамда тарбияланиш жараёни ҳамдир. Улар: кичикларнинг катталарга салом бериши; эрталаб туриш, юз кўлини ювиб фарзандларнинг ота – оналарига ва ўзидан катталарга салом бериши; эрта туриб ҳовлисини супуриб, тозалаб, нонуштага тайёрланиши; меҳмонларни байрамдек кутиб олишга тайёргарлик кўрилиши; байрам ва ҳайит кунлари арафасида бетоб ва ногиронлардан кўнгил сўраш; ёрдамга муҳтож одамлар ҳолидан хабар олиш; қарияларни ҳурматлаш ва уларнинг ҳолидан хабар олиш; хашарлар уюштиришлар; сафарга, саёҳатга, хизматга отланаётган кишиларга, ночорроқ оилалардаги бўладиган тўйларни оғанини – қариндош бирга ўтказиши, марҳумлар хотирасига фотиҳа ўқиш; беморни кўргани борганда уларга таскин бериш; остона хатлаб, ўзга хонадонга кирилганда ниятлар билдириш; бирор киши янги кийим, уй – жойлик, мол – мулклик бўлганда уларга яхши ният билдириб, қўллаш; ҳосил байрами ўтказиш; қовун сайлини ўтказиш; дастурхонга омин қилишда дуолар қилиши ва ният билан дастурхон ёзиш кабилар фикримизнинг далилидир.

Юқоридаги анъаналарни ва урф – одатларни фарзандлар онги ва қалбига сингдириб бора олсак, катта – катта оилавий муаммоларни ҳам қийналмасдан ҳал эта олишимиз мумкинлигини уларга

тушунтира олишимиз мумкин бўлади. Бундай муаммолар сирасига ҳовли жой куриш, тўй ўтказиш (айниқса иктисодий ночор оилалар огаини – қариндошлари ёрдамига муҳтож бўлади), енгил машина харид қилиш ва шу қабилар қиради.

Бу соҳадаги ОДМнғиз орқали фарзандларингиздаги меҳр – оқибатли бўлишлик инсонлардаги бир – бирини қўллаб – қувватлаш ҳисси янада юксалади.

Гиёҳвандлик умр заволи. Бунда ҳам жисмонан, ҳам маънавий соғлом фарзандларни ўстириш ва тарбиялаш Сизнинг муқаддас бурчингиз эканлигини унутманг. «Оила дарслари» машғулотларини олиб боровчи ота – оналар учун куйида гиёҳвандликка оид айрим маълумотларни келтириб ўтамиз:

«**Наркомания** сўзи юнонча бўлиб, «пачке» – қарахтлик ва «**mania**» – телбаллик ёки қарахтликка мойиллик (иштиёқ) маъносини англатади – гиёҳвандлик сўзига тўғри келади. Бошқача қилиб айтганда, бир ёки бир неча хил гиёҳванд моддалар (алкагол, афюн, морфин, наша, кокаин, кодеин, гашиш, героин ва ҳоказолар)га ўрганиб, уларни истеъмол қилмасдан туролмаслик, хумор тутавериш ҳолатига тушиб қолиш тушинилади.

Гиёҳвандлик йўлига кирган шахслар дастлабки гиёҳванд моддани ҳар қалай осонлик билан ва арзонроқ, ҳатто текинга оладилар. Лекин тобора уни топишга қийналадилар, организмлари эса гиёҳванд моддани яна кўпроқ ва тез – тез талаб қила боради. Гиёҳванд моддага «Очлик» ҳолатида гиёҳвандликка мойил бўлган шахслар уни жуда қиммат баҳога сотиб олишга ҳам рози бўладилар.

«Одамлар нима учун гиёҳванд моддаларни истеъмол қиладилар?»

Қизиқувчанлик, қониқиш (кайф қилиш), муаммолардан қочиш, жазовадан тушиш, ота – онага ёки бошқа қимсаларга қаршилик кўрсатиш, ором олиш, синаб кўриш, тенгдош таъсири, етукликни ҳис қилиш, зерикшни енгил, ўрганиб қолганликдир.

Гиёҳвандлик инсонда бир қатор руҳияти ва ички аъзоларнинг бузилиши билан характерланади.

Энг аввало, касаллик механизмининг таъсири–гиёҳвандлик моддаларига ҳаддан ташқари бериши ва унинг зарарли таъсири. Гиёҳванд моддалар мия ва турли ички аъзоларнинг зарарланишига, иммунитетининг йўқолишига олиб келади» [12. 6-7 – б.].

Ҳурматли ота – она! Сиз «Оила дарслари»нғизни оддий (одатдаги ҳолдай бўлиб кетган) чекиш ва унинг оқибатидан бошланг бу ҳақда мазкур ўқув қўлланманинг «1.3.4. – оилада бола тарбиясига руҳий

таъсирлар» қисмида маълумот берилган эди. Ундаги тарбиявий масалага ўхшаш масалалар тузиб, натижаларини (ечимларини) оилавий таҳлил қилинг. Энг асосийси гиёҳвандлик оқибатларини фарзандларингиз ақл ← заковатини ҳисобга олиб ўрганиб чиқишга ҳаракат қилинг.

Фарзандларингиз даврасида қуйидаги шеърнинг мазмун – моҳиятини ўрганиб чиқсангиз фойдадан ҳоли бўлмайди:

НОЛА

(Гиёҳвандлик натижасида дунёга келган ногирон гўдак ноласи)

Отажон, не эди айтинг гуноҳим,
Осмонни ларзага солмоқда оҳим.
Вайрона бўлди – ку менинг дил боғим,
Мени мажруҳ қилди сиз ютган оғу.

Ялпизларни мен ҳам яхши кўраман,
Бирдан қизғолдоқни узгим келади.
Нетай юролмайман – оёқ бемажол,
Ҳаёт режаларин тузгим келади.

Тўрт мучаси соғу, ўзлари қувноқ,
Дўстларни кўрганда эзиламан хўп.
Мен ҳам сизлар билан ўйнайин ўрток,
Дилимни кемирар армонларим кўп.

Ота, хато қилдим, мен жабрдийда,
Бир умр кўзимда ғам – андуҳ бисёр.
Ўткинчи роҳатни ўйламаганда,
Мен ҳам яшармидим, соғлом, бахтиёр.

Отажон, нега мен дунёга келдим,
Ўқиндим, ўксиндим, кимга суюкман?
Бўғиб кўяқолинг, ногирон фарзанд,
Кимга керак ахир, ортиқча юкман.

Билмадим, не эди менинг гуноҳим?....

(Хурматой Умарова)

Булардан ташқари гиёҳвандликка қарши кураш бўйича чиқарилган буклет, албом, қисқа митиражли фильмлар ва шу кабилардан ҳам фойдаланишингиз мумкин. Энг асосийси бу борада ўзингиз ибрат – намуна кўрсатинг.

Меҳнат тарбияси. Бунда оилада фарзандингиздаги меҳнат кўникмалари ва ҳисоблаш тафаккури элементларини шакллантириш сизнинг асосий фаолиятингизнинг таркибий қисмларидан бири эканлигини унутмаслигимиз керак, чунки бу тарбия турлари фарзандингиздан ижтимоий фойдали меҳнатни ички эҳтиёж, интизом, батартиблик, ташкилотчилик, тежамкорлик, меҳнатни ҳурматлаш, миқдорларни таққослаш, ишчанлик, ишнинг кўзини билиш сингари сифатларни қарор топтиришга хизмат қилади.

«Меҳнат тарбиясини бериш ҳамма замонларда ҳам жамият тараққиётининг асоси, ёшларни ҳаётга тайёрлашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келган. Меҳнат тарбияси, аввало, оилада бола ўзини англай бошлаши биланок амалга оширилади боради. Жумладан, чақолоқлар гўдақлик босқичига ўтишлари биланок уларга дастлабки меҳнат тарбияси берилади бошланади. Шундай қилмаса, бола фақат истеъмолчига айланиб қолади ва натижада у ношуд ва ялқовгина эмас, маънавийати кемтик шахс ҳам бўлиб шаклланиши мумкин» [23. 278 – 279 – б.].

Ҳурматли ота – она! **унутманг**, фарзандингиз меҳнатда бевосита иштирок этсагина меҳнатга ўрганиш мумкин ва меҳнатга қанчалик эрта жалб этилса, унинг меҳнат тарбияси шунчалик ижобий бўлади. Фарзандларингизга бошлаган ишини охирига етказишни ва уни тартибли бажаришни ҳамда иш қуролларининг саз ва тоза бўлишга бўлган муносабатларини аста – секин шакллантира боринг. Айниқса, уларни буюрган ишингизни зўр бериб, завқ билан ишлашга ўргата олсангиз меҳнат тарбиянгиз янада ижобий бўлади. Уларнинг меҳнат машғулотлари учун алоҳида вақт ажратинг, уларнинг иш фаолиятини назорат қилинг, меҳнат жараёнида зўриқиш ва хато қилишларига йўл қўйманг.

Иш қуролларига бўлган онгли муносабат ҳам меҳнат тарбиясининг бир қисми. Буларда

«Иш қуролинг саз бўлса, машаққатинг оз бўлур» каби ҳикматларнинг мазмун моҳиятини ҳам тушунтириб боринг.

«Оила дарслари»нгизда муайян меҳнат турини бажариб бўлгандан кейин, натижани оилавий баҳоланг. Бу ўзига хос кўргазмали дарсдир.

Шарқона ахлоқ. Бунда мазкур йўналишдаги ОДМнгизнинг диққат марказида шарм-ҳаё, деган ахлоқий хислатни шакллантириш масаласи турсин, чунки у инсон ахлоқининг беазаги, муҳим мезони сифатида шарафланади. Шу сабабли ҳам шарм – ҳаё, ор – номусли инсонлар ўзгаларга ёмонлик қилмайдилар ва бу билан у ўзининг қадр – қимматини сақлашга ҳаракат қилади. Бу бизнинг хилқимизга ҳамда менталитетимизга хос бўлган юксак инсоний фазилатдир.

Хулқ – атвор, юриш – туриш, тарбия, хушахлоқлик, ота – онага ва устозларга ҳурмат, хушмуомалалик, мулойимлик, ширинсўзлик, очикюзлилиқ, вазминлик, камтарлик, ваъдага вафодорлик, тўғри-сўзлик каби маънавий тушунчалар шарқона ахлоқ категорияларидир.

Узоқ ўтмишимиздан то ҳозирги кунимизга қадар сайқалланиб, такомиллашиб авлоддан – авлодга ўтиб келаётган аجدодларимизнинг шарм – ҳаё, ахлоқ, хулқ – одоб, таълим – тарбия масалалари ечимларига оид доно ва ибратли сўзлари, пандномалари, насиҳатномалари, ҳикматли сўзлари фарзандларимизни шарқона ахлоқ билан йўғрилган қилиб тарбиялашга мустаҳкам маънавий асосдир.

«Шарқона тарбиявий кадриятларда таъкидланишича, хонадонда фарзанд тугилиши билан оқ унинг тарбияси ила машғул бўлмоқ лозим. Аввало, юксак умидлар билан унга исм қўймоқ даркор. Абу Али ибн Синонинг айтишича, бола ўз исмидан уялмаслиги, балки исми туфайли улуғлик ва унга монанд бўлиши истагини ҳис этмоғи лозим. Шарқда болани тил одобига ўргатишга алоҳида эътибор берилган. Шу сабабли болани мактабгача тарбия ёшидан оқ тил одобига ўргатиб бориш бизнинг аجدодларимиз удумига риоя қилаётганимиз, шарқона ахлоқ–одоб қоидаларини амалга ошираётганимиз–дан дарак беради» [23. 278 – 279 – б.].

Шу сабабли ҳам бу йўналишдаги «Оила дарслари» фарзандларингизни Шарқона, яъни миллий ҳаётга тайёрласа, иккинчи томондан улардаги соғлом турмуш тарзини шакллантириш самаралироқ кечади.

Бу «Оила дарслари»нгизда бирорта улуғ одамни ҳам қатнаштирсангиз таъсирчан бўлади.

3.4. Оила дарси машғулотида қўлланиладиган педагогик таъсирлар

Оилада ота – оналар ҳар доим фарзандлар тарбияси, айниқса, маънавий – ахлоқий тарбияси, хулқ–атвори, тартиб – интизомларига тузатишлар киритиб боришга ва улардаги шахсий инсоний хислатлар

ва характеридаги ижобий ҳислатларни ривожлантириши ҳамда камчиликларни бартараф қилиб боришга тўғри келади.

Бундай тарбиявий фаолиятни олиб боришга «Оила дарси» машғулоти ОДМ катта имкониятлар яратади, чунки ушбу жараёнда ота – оналар педагогик (тарбиявий) таъсир ўтказишнинг турли усулларидан фойдалана оладилар. Бунда фарзанднинг ҳиссий ҳолати, унинг ҳаракатининг характери ва сабабини олдиндан аниқлаш керак, бу эса ушбу ҳолатнинг психологик таҳлили, унинг бола шахсияти билан яқин алоқасини кўриб чиқишни талаб қилади.

ОДМ да керакли усулни танлаш ун фарзандингизнинг характери ва сабабини олдиндан аниқлашингиз керак бўлади ва бу ушбу ҳолатнинг психологик таҳлили, унинг фарзанд шахсияти билан яқин алоқасини ўрганиб чиқишни талаб қилади. ОДМ да қўлланиладиган педагогик (тарбиявий) таъсирлар асосан қуйидагича икки гуруҳга бўлинади:

1. Фарзандларни илҳомлантирувчи ижобий ҳиссиётлар негизида фарзанднинг ахлоқ – одоби, маънавий – ахлоқий тарбияси, тартиб – интизомини ростлаш ишларини олиб борувчи таъсирлар. Улар хурсандчилик, миннатдорчилик, ота – онага ҳурмат, ўз кучига ишонч кабиларни шакллантиришга таъсир қилиш керак.

2. Салбий ҳислатларга ундовчи характерларни йўқотишга ёрдам берувчи таъсирдир. Улар: уятчанлик, эписизлик, хафсаласизлик, ўкинч, хафагарчилик, ачиниш кабиларни йўқотишга таъсир қилиш керак.

ОДМ да педагогик таъсир усулларини қўллаш жараёнида ота – оналар нафақат тарбиявий ишларнинг яхши натижаларига эришади, балки ўзларини ижодий фаолияти ҳам йўллай олади, чунки ушбу жараёнда ота – оналарнинг ғоявийлиги муҳим аҳамият касб этади ва буларнинг амалий натижаларини фарзандлардаги қуйидаги инсоний сифатларнинг шаклланишида яққол сезиш мумкин: инсонпарварлик, меҳрибонлик, мулойимлик, хушфеъллик, сезгирлик, синчковлик, чидамлилик, ўз – ўзини идора қила билиш, мақсадга интилувчанлик, режали иш юрита олишлик, тезкорлик, ташаббускорлик, жасорат кўрсатишга мойиллик, фидойилик, топқирлик, зийраклик, кузатувчанлик, шунингдек, характернинг интеллектуаллик жиҳатлари.

Тарбияга ўзгаришлар киритувчи усулларни эгаллаш ва уларни ОДМ да қўллаш педагогик (тарбиявий) таъсир кўрсатиш усулларини қўллашда ота – онанинг тарбия мақсадларини янада мақсадли ва қулай бўлишига ёрдам беради.

Тарбиявий таъсир кўрсатиш усуллари ОДМ га мослаштириш усуллари ота-оналар ихтиёридаги тарбия усуллари имкониятларини янада кенгайтиради.

ОДМ да тарбиявий таъсир усулларида фойдаланишда қуйидаги тамойилларга эътибор қилиш лозим бўлади:

- фарзандларга ҳурмат – иззатда бўлиш ва бола шахсига эътибор;
- фарзандларнинг руҳий ҳолатини мониторингига эътибор бериш ва уларни тушуниш;
- фарзанд ҳатти – ҳаракати ва кейинги имкониятларини баҳолаб бориш;
- фарзанд истикболини ўйлаш ва шу қабилар.

Энди қуйида улар тўғрисидаги қисқача маълумотларни келтирамиз.

Фарзандларга ҳурмат – иззатда бўлиш ва бола шахсига эътибор бериш бўйича қуйидагиларни ҳисобга олиш лозим бўлади: инсонга ҳурмат – инсонлараро ўзаро муносабатларнинг асосий талаби, деган ахлоқий тамойилни; ота – она билан фарзандлар ўртасидаги самимийликка ва ушбу жараёндаги катталар маслаҳатларига қулоқ солишликка; ота – она ва фарзанд ўртасидаги муомаладаги мулойимлик ва меҳрибонликка; кўполлик фарзанд тарбиясидаги бола шахсиятига бўлган ҳурматсизлик эканлигига; фарзандлардаги хафагарчилик ҳолатларининг бўлмаслигига ҳаракат қилиш ва бу орқали фарзандларда учрайдиган берган топшириқингизнинг атайлаб тесқарисини қилишларини олдини олишни ўйлаб фаолият юритиш ва шу қабилар.

Фарзандларнинг руҳий ҳолатидаги салбий ҳолатларга эътибор бериш ва уларни тушуниш бўйича қуйидагиларга эътибор бериш лозим: фарзандлар тартиб – интизомини бузилишни, яъни улар тарбиясидаги салбий ўзгаришларни ота – онанинг ўз вақтида сезишига эришиш; фарзанддаги рўй бераётган салбий ҳолатлар сабабларини чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва бунда зинҳор кўполликка ўйл қўймаслик; фарзандлар тарбиясида салбий ҳолатлар рўй берганда тарбиявий таъсир усулини тўғри танлашга эришиш; фарзанднинг руҳиятидаги фаолликнинг аста – секин сўниб бориши, унинг инжиклиги ва камгап бўлиб қолиши, одамови, ҳатто йиғлоқи бўлиб қолишлари ҳам фарзандингиздаги салбий ҳолатлардир, унинг сабабларини тезда аниқлаб, мос тарбиявий таъсир усулларида самарали фойдаланиш йўллари излаш ва шу қабиларга.

Фарзандни ҳатти – ҳаракати ва кейинги имкониятларини баҳолаб бориш бўйича қуйидаги тавсияларга эътибор бериш лозим бўлади: фарзандларингиз қилаётган ҳатти – ҳаракат фаолиятини олийжаноб, яхши ёки ёмон деб баҳолаб боришни одат тусига киритинг; фарзандларингиз ҳатти – ҳаракатларини баҳолаб боришда уларнинг ички ва ташқий ҳиссий омилларини эътиборга олинг ҳамда уларнинг кейинги имкониятларини ишга солишда улардан фойдаланинг; фарзандларингизга Сизга ўз фикрларини очик ва эркин баён қилишга имконият беринг.

Фарзанд истикболини ўйлаш бўйича қуйидагиларни унутманг: фарзандларнинг тақдирига қизиқиш Сизнинг инсонийлик ва мураббийлик фазилатингиздир; фарзандларга муҳаббат ва уларнинг тақдирига қизиқиш авлодлар бардавонлигидаги иштирокингиздир; фарзандларга меҳрибонлик; эътибор ва ғамхўрлик, уларга хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишлар Сизнинг ота – оналик бурчингиз ва масъулиятингиздир; фарзандларни муҳаббат, садоқат руҳида тарбиялаш ота – оналик вазифангиздир; фарзандларингизда янги ижобий хислатларни ривожлантириш орқали уларга хурсандчиликни таъмин этишингиз ота – онанинг фарзандларга нисбатан меҳрибонлик намунаси.

Энди ота – оналарнинг ўз фарзандлари билан ОДМ да фойдаланиладиган педагогик (тарбиявий) таъсир усулларини келтирамиз:

1. Ишонтириш усули.

Ишонтириш – бу фарзандга маънавий – ахлоқий тарбия беришда муайян фикр ёки тушунчани аксиомалаштириш жараёнидан иборат бўлиб, у аниқ хулқ – атвор, шунингдек, қайсидир ишни мумкин эмаслигини ёки тўғрилигини ёки зарарлигини асослаш, тушунтиришдир.

Аксиома – бу исбот талаб қилинмайдиган ҳақиқат.

Ишонтириш жараёнида фарзандлар ён атрофидаги инсонларни ҳатти – ҳаракатлари ва ўз хулқини баҳолаш мезонларига бўладиган ахлоқий қарашлар шаклланади ва бунинг натижасида ота – оналарнинг фарзандлар олдидаги обрўси янада ошади ҳамда оила аъзолари орасидаги ўзаро соғлом муносабат ўрнатилади, шунингдек, оиладаги фарзандларнинг ҳар хил салбий таҳдидларга қарши тура олишдек қобилияти шаклланади. Бунга сабаб оилада ота – оналар ва фарзандлар ўзаро соғлом муносабат ўрнатилган бўлади, яъни фарзандлар ўзларидаги фикрларни ота – оналарига эркин айта олади. Бунинг аҳамияти жуда муҳим.

2. Рағбатлантириш усуллари.

Рағбатлантириш – бу илҳомлантирувчи тарбия усулларида бири бўлиб, унинг ёрдамида фарзанд маънавий – ахлокий тарбиясини юксалтиришга эришиш мумкин ва у тарбия жараёнини тўғрилашга ёки унга тузатишлар киритишга ёрдам беради.

Рағбатлантириш фарзанд тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Бунга сабаб, **биринчидан**, рағбатлантириш ёрдамида фарзандингиз хулқининг ижобий жиҳатларини мустаҳкамлашга эришасиз, **иккинчидан**, рағбатлантирувчи хатти – ҳаракатлар атрофдагилар учун ахлоқ намунаси бўлиб қолади, **учинчидан**, фарзандингиз хулқини тузатишга эришасиз, **тўртинчидан**, фарзандингиз тарбиясига тузатишлар киритиш имконияти кенгайди, **бешинчидан**, рағбатлантириш фарзандингизда ўз фаолиятидан қониқиш, хурсандчилик, фахр туйғусини уйғотиб, улардаги ўзини янада яхши тутиш ҳиссини кучайтиради ва уларни илҳомлантиради, **олтинчидан**, рағбатлантириш орқали фарзандингизда ўз қадрини билишлик, жамоа олдида ўз обрўсини оширишлик каби жиҳатлар юксалади.

Буларнинг барчаси фарзандингиздаги оиладаги тарбия жараёнига бўлган ихлосни оширади, уларнинг иродасини мустаҳкамлайди, маънавиятини юксалтиради ва энг асосийси бундай фарзандлар ҳар кимнинг гапига «эргашиб» кетаверадиган бўлмайди. Яъни, улар **маънавий – иммунологик жиҳатдан тарбия фанининг дастлабки босқичини пухта эгаллаган бўлади.**

Рағбатлантириш турлари:

Ижобий баҳо бериш – бу ижобий муносабат билдиришнинг хусусий бир кўриниши бўлиб, у фарзандингизнинг тўғри иш қилаётганлигини унга билдириб ва тасдиқлаб қўйиш жараёнидир.

Улар қуйидаги кўринишларда амалга оширилади:

- офарин ёки яшавор;
- тўғри ёки ана шундай бўлиши керак эди;
- яша - кам бўлма, мени хурсанд қилдинг;
- яшавор, Сендай фарзандим борлигидан хурсандман;
- ана шундай бўлишинг керак, бу оиламизнинг обрўйига мос;
- ана шу ишинг келажакда бўлишингга асос бўла олади;
- тўғри иш қилдинг, биз шуни сендан кутгандик ва ишонгандик ва ҳоказо шу кабилар.

Ижобий муносабатлар билдиришингиз жараёнида фарзандларингиз томонидан Сиз уларни ёқтиришларингизни ва уларга меҳрибон эканликларингизни билиб турсин. Унутманг сизнинг

фарзандларингизга самимий табассумларингиз, фарзандлар билан биргаликдаги ва ҳамкорликдаги ўйинлар ёки саёҳатлар ҳамда меҳмондорчиликларга боришларингиз ҳам фарзандингизни рағбатлантиришга киради.

Ушбу жараёнда мактов, мукофот ва ишонч билдиришлар ҳам рағбатлантириш турларига киради.

Мактов – бу фарзандингизнинг оиладаги фаолиятини тахлилий баҳосидир.

Мукофот – бу ҳам маънавий, ҳам моддий рағбат бўлиб, у анчагина таъсирчан усулдир, чунки бу ерда моддий манфаатдорлик ҳам бор. Бу фарзандни янада янги ютуқларга ундайди.

Ишонч билдириш – бу фарзандингиз ҳатти – ҳаракатларига бўлган ишончдан гувоҳлик берувчи, мазмунан қизиқарли топшириқлардан иборат бўлиб, кўпчилик ҳолларда у уларни янада илҳомлантиради.

Яна шуни ҳам қайд этиш мумкинки, ишонч билдириш фарзандларингизни қувонтиради ва улардаги бурч ҳиссини уйғотади, улардаги тартиб–интизомлиликни, ташкилотчиликни, ташаббускорликни, фаолликни мустаҳкамлайди, яъни бутун кучини топшириқни бажаришга сарфлайди, чунки унга оила олдида ишонч билдирилади. Шу сабабли ҳам бу боланинг хулқиға ижобий таъсир қилади ота – она эса фарзанднинг ҳурматига сазовор бўлади.

Ҳурматли ота – она рағбатлантириш ҳаққоний ва табиий бўлиши керак. Ортиқча рағбатлантириш фарзандингиздаги худбинлик, манманлик, кибр – ҳаводорлик каби иллатларни пайдо қилиб қолиш мумкин. Бу эса фарзандингиздаги салбий ҳолатлардир.

3. Меҳрибонлик кўрсатиш

Меҳрибонлик кўрсатиш – бу фарзандингиздаги оғрик ва хафагарчилик, ғазабланиш, тушқунлик каби ҳолатларни бола ҳаёлидан чиқариб ташлашга қаратилган тарбиявий усулдир.

Бу усул оилада фарзанд тарбиясида жуда керак ва ўта муҳимдир, унинг ёрдамида хафагарчиликнинг олди олинади ёки у йўқотилади.

Хафагарчиликнинг сабаблари жуда кўп. Улар: бир яхши ишни атайлаб тескарисини қилиш; ўч олиш; оиладаги ёмон муҳит; оиладаги ота – онанинг фарзандга бўлган ўта қаттиққўллиги; оиладаги ота – оналар ўртасидаги доимий низоли вазиятлар; оилада доимий равишдаги ичкиликбозликка ружу қўйиш; кашандачилик ва унинг оилани таназзулга бораётганлигини болалар кўриб туриши ва шу кабилар.

Ота – оналардан бундай пайтларда жуда катта эътибор талаб қилинади, агар лозим топилганда ота – она ўзидаги фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар бўлса, фарзандларига шу одатини ташлашга ваъда берса, фарзанд тарбиясидаги таъсирчан воситага эга бўладилар. Бу ҳам ҳар бир ота – онанинг фарзандларига бўлган меҳрибонлигининг бир кўриниши ва тарбиявий таъсирнинг бир туридир.

4. Эътибор бериш

Эътибор бериш – бу фарзанд тарбиясига кўп қиррали ёндашувнинг бир кўриниши бўлиб, унда ота – онадан фарзанд тарбиясидаги кучли жавобгарлик ҳиссини уйғотади.

Эътибор бериш фарзандларга кўрсатилган меҳрибонликнинг дастлабки асословчи босқичидир.

5. Ғамхўрлик кўрсатиш

Ғамхўрлик кўрсатиш – бу ота – онанинг ўз фарзандинга ўзининг самимийлиги, меҳрибонлигини ва меҳр – мурувватлилигини кўрсатиш жараёнидир.

Ғамхўрлик кўрсатиш фарзандлардаги қийинчиликларни енгиллаштиришга, уларда ота – оналарга нисбатан ишонч, қувонч ва ҳатто фахр уйғотади. Шунингдек, ота – оналар билан фарзандларнинг ўзаро яқинлиги, улар муносабатларидаги самимийлик таъминланади.

Ғамхўрлик кўрсатиш фарзандлардаги инсонпарварлик ҳисларини уйғотувчи усуллардан биридир. Унинг ёрдамида инсонлар орасидаги соғлом муҳитни ўрнатиш ва салбий ҳолатларга бўлган муносабатларда ўз мустақил фикрни билдира олишликлар амалга оширилади, яъни фарзандингизга ҳар хил оқим ёки таҳдид таъсир кўрсата олмайди.

6. Маънавий қўллаб – қувватлаш

Оилада фарзандларни маънавий жиҳатдан қўллаб – қувватлаш, уларнинг маънавий дунёқарашини кенгайтиради ҳамда улардаги тортинчоқлик каби салбий ҳолатлар йўқотишга ёрдам беради. Бу орқали фарзандларингизда оилавий тадбир ёки оилангиз турмуш тарзига хайрихоҳлик шаклланади ва ўзи қатнашаётган жараёнда фаолликни юзага чиқаради. Умуман олганда фарзандингизда ижобий ҳислатлар юксалади.

7. Ўз кучига ишончни мустаҳкамлаш

Фарзандлардаги ўз кучига ишончни мустаҳкамлаш орқали улардаги ирода ва чидамлилиқни шакллантиришга эришилади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, фарзандлар унда ўзини ҳар томонлама кўрсата олади. Бунинг учун оила ҳаётида фарзандларга бу борада

ўзини кўрсата олиш учун шароит ва имкониятлар яратилган бўлиши керак.

Фарзандлардаги ўз кучига бўлган ишончини ошириш уларни кувонтиради, илҳомлантиради ва бурч ҳиссини уйғотади.

8. Қизиқарли фаолиятга тортиш

Бунда фарзандларнинг хулқини мунтазам равишда кузатиб бориш зарур бўлади ва уларнинг кизикадиган соҳа ҳамда йўналишларини аниқлаб боришга ҳаракат қилиниши керак.

Фарзандларни кизиқарли фаолиятга тортиб тизимли равишда оддийдан мураккабга, бир қирралидан кўп қирралига ўтиб бориши керак. Фарзандларда бўладиган ортиқча зўриқишларга зинҳор йўл қўйманг.

9. Енгил қойиш

Бу тарбиявий таъсир жуда кўп ҳолларда қўлланилади. У асосан фарзанднинг айб иш қилиб қўйиб қаттиқроқ жазо кутаётганида енгил қойиш уларнинг кўнглини юмшатади ва ота – она билан фарзандлар ўртасидаги тангликни барҳам этади.

10. Жазолаш

Бунда ота – оналар фарзандларида фақатгина ўз қилган ишларидан ўқинишни ҳосил қилишни ўйлаб иш тутиш керак. Ана шундай ҳолатдагина фарзанд бу қилган ишини бошқа қайтармасликка ҳаракат қилади. Акс ҳолда фарзандингизнинг қилган кичкинагина хатоси оилавий муаммога айланиб кетиши мумкин.

Унутманг ҳурматли ота – она жазолаш фарзандингиздаги чидамлилиқ, ўзини тузата олишликни ва энг асосийси ўзидаги салбий ҳолатларни тузата олишликка хизмат қилсин.

Фарзандни жазолашда ҳаддан ошиб кетмаслик керак. Ундан келиб чиқадиган ҳолатлар, улардаги уят ва ҳижолатдан иборат бўлиш, яхши томонга ўзгариш хоҳишини ташкил этиш асосий мақсад бўлсин.

Жазолаш турлари:

Машқ қилдириш (айбдор фарзанд ўз бурчини бари бир қилиш шарт эканлигига ишонч ҳосил қилсин) керак ва бунинг билан фарзандингиз онгида буюрилган ишни ўз вақтида бажариш ва уни ҳаққоний бажариш кераклиги шакллансин.

Чегаралаш бунда фарзандни қилган айби учун уни бирор – бир оилавий яхши тадбирга қатнашишига рухсат бермаслик кўзда тутилади.

Танбех бериш ҳам фарзанд фаолиятидаги салбий фаолият учун берилади. Бундан кўзланган мақсад оилада фарзандларингизни

танбех эшитиб қоладиган эшитиб қоладиган фаолиятдан кутқаришдан иборат бўлиб, бу орқали фарзандларингизда ўз вазифаларини вақтида бажаришга ўргатасиз, шунингдек, уларнинг шўхликлардан ўзини тийишга эришилади.

Огоҳлантириш

Бу тарбия таъсири орқали фарзандларингизда хавотир пайдо бўлади ва бу орқали ўзидаги салбий ҳолатлар бўлиб қолишидан эҳтиёт бўлиб туради. Бу эса фарзандингиз ҳулкидаги жавобгарлик ҳиссини вужудга келтиради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, **педагогик (тарбиявий) таъсир усули** – бу аниқ тарбиявий ҳолатларни ташкил қилиш услуги бўлиб, унда маълум қонуниятлар негизда фарзандларни ижобий ишларга ундашга, ўз камчиликларини йўқотишга ундовчи янги фикрлар ва ҳиссиётларни уйғотади.

3.5. Оила дарси машғулотларидан намуналар

ОДМ нинг мавзулари ва улардаги бўлиши мумкин бўлган педагогик (тарбиявий) таъсирлар оилада фарзанд тарбиясида ўта муҳим маънавий асосдир. Бу қайд этилган мавзулар ва тарбиявий таъсирлар Сиз ота – оналарга намуна сифатида берилди. Бизнинг ишончимиз қомилки Сизда бундан яхши вариантлар ҳам учраши мумкин. Аммо, ҳам ота – она ҳам фарзандларига бир хилда тарбия беравермайди. Ана шу жиҳатларни эътиборга олиб биз ОДМ мавзуларини қуйидагидек уч йўналишга ажратган эдик:

1. Оиланинг ички тартиб – интизомига оид мавзулар. Бундан кўзланган **мақсад** оилада фарзандлар маънавий – ахлоқий тарбиясининг дастлабки элементларини шакллантириш, яъни оилада фарзандлар маънавий – иммунологик тарбиясининг **тайёргарлик босқичини бошлаш**.

2. Оилавий муносабатлар одобига оид мавзулар. Бундан кўзланган **мақсад** оилада фарзандларда одамлар ўртасидаги инсонийлик муносабатларини шакллантиришнинг таъмал тошини қўйиш, яъни оилада маънавий – иммунологик тарбиянинг фарзандлар онгига ва қалбига **инсонийлик фазилатларини сингдиришдек муҳим босқичини бошлаш**.

3. Оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга оид мавзулар. Бундан кўзланган **мақсад** оилада соғлом оилавий муҳитни ташкил этиш ва унинг бардавонлигини таъминлаш, яъни оилада маънавий – иммунологик тарбиянинг **миллий ва умуминсоний**

кадриятларга содиқлик тамойилига амал қилишнинг таъкидловчи босқичига киришиш.

Юкоридаги қайд этилган мавзуларнинг ҳар бири бўйича ОДМ ни олиб бориш мумкин ва улар албатта фарзандингиз маънавий – ахлоқий тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади. Бу ерда ҳам намуна сифатида ҳар бир йўналишдан ОДМ бўйича биттадан мавзу ишланмасини келтириб ўтишни лозим топдик.

Ота – она ҳурмати мавзуси бўйича она дарси машғулоти ОДМ га тайёргарлик:

- дарс машғулотини вазифасини аниқлаш;
- имконият ва оилавий шароитдан келиб чиққан ҳолда ОДМнинг босқичлари ва вақтини аниқлаш;
- ОДМ ни ўтказиш учун ўринлар ва жойларни тайёрлаш;
- ОДМ дан кутиладиган натижани аниқлаш;
- ўқув материалларини ва унга оид дидактик материалларини топиш.

ОДМ бўйича ташкилий масалалар:

- дарс машғулоти ўтказиши учун жой ва шароитнинг етарлигига ишонч ҳосил қилиш;
- оилада фарзандларнинг ҳамма нарсани яхши кўра олиши, эркин ҳаракат қилиши ва қатнашишлари учун шароит яратиш ва хона ичидаги нарсаларни халақит бермаслигини текшириш;
- хона ичида (ёки ҳовлида) ва ташқарисида шовқин қилиш ёки халақит бериш даражасини текшириш.

Машғулотнинг мақсади:

Ота – оналарнинг фарзандлари билан ўзаро тилтопишишини мустаҳкамлаш ва улар билан бўладиган турли ҳолат ҳамда вазиятларда тўғри тарбиявий ечимни топишга эришиш ва энг асосийси ота – она ибрат – намунасида фарзанд тарбиясида фойдаланиш.

Машғулотнинг вазифалари:

- фарзандлар онгига «Ота рози – худо рози», деган уйғунликнинг мазмун – моҳиятини сингдириш;
- она калби ва уни авайлаб – асраш фарзандлар бурчи эканлигини баён қилиш;
- фарзандлар онгига ота – она ҳақларини бажо этиш ҳақидаги тушунчаларини сингдириш;
- болага индивидуал топширик бериш.

Машғулот босқичини аниқлаш:

Биринчи босқич – шанба куни ҳамма аъзолари тўпланган вақт, яъни куннинг иккинчи ярмида. Бунга қисқагина ҳафталик оилавий

ҳисобот ва эртага болаларга бериладиган топшириқлар ҳам кириб кетади.

Иккинчи босқич – якшанба куни кун давомида бўлади. Бунда шанба куни олинган топшириқлардан кун давомидан то кечгача бажарилиши лозим бўлган фаолият юритилади. Кун давомидаги машғулот кўпинча индивидуал тарзда ҳам давом эттирилади.

Учинчи босқич – бу якуний босқич ва у якшанба куни кечки пайтда бўлади. Бу кечки овқатга тўплангандан кейин бошлаб юборилаверади.

МАШҒУЛОТ БАЁНИ

Биринчи босқич бўйича қуйидагилар амалга оширилади, яъни шунба куни кечки овқатланишни тугатиб бўлгандан кейин, ота ёки она фарзандларининг ҳафта давомида қилган ишларини қисқача таҳлил қилиб, уларга мос (яхши ёки ёмон) муносабатларини билдиради ва фарзандларига қуйидагича мурожаат қилади:

Азиз фарзандларим ҳафта давомида қилган ишларингиздан оиламиз хурсанд. Биз сизларни келажакда ҳам яхши одам бўлиб шаклланишларингизни истаймиз. Шу сабабли ҳар шанба куни шундай тўпланганимизда битта – иккита яхши нарсаларни ўрганишни одат қиламиз!

Розимисизлар?

Овозлар – ҳа.

Ундай бўлса, кулоқ солинган, бу оилавий тадбир бўлгани учун биринчи машғулотни ота – онадан бошлаймиз! Сизлар бунга

Розимисизлар?

Овозлар – розимиз.

Ундай бўлса, мен буни бир ривоятлар ўқиб беришдан бошламоқчиман. Биринчи ривоятимнинг мавзуси: «**Ота рози – худо рози**».

«Ота рози – худо рози»

Ота фарзандини тарбиялайди, ўстириб улғайтиради. Дунёнинг энг яхши неъматларини ўзига эмас, фарзандларига раво кўради. Унинг бундан қувонганини кўриб завқланади. Ота, таъбир жоиз бўлса, ўзи учун эмас, кўзларининг нури, белининг қуввати бўлмиш фарзандлари учун яшайди. Уларни бахтли – саодатли қилишга бутун умрини бағишлайди.

Модомики, шундай экан, отани кадрлаш, унинг олдидаги фарзандлик бурчини бажариш ҳам қарз, ҳам фарз. Қолаверса, кимки отасини улугласа, уни Аллоҳ ҳам улуглайди. Аксинча, ким хор қилса уни ҳам Яратганнинг ўзи хор қилади.

Қилмиш – кидирмиш, дейдилар. Отага кўрсатган ҳиммати ҳам, жаҳолату зулм ҳам бир кун унинг фарзандидан қайтади. Аммо ҳеч қайси ота фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Мен сизларга айтиб берадиган ривоят ҳам худди ана шу хусусдадир.

Қадим замонда бир йигит бўлиб, унинг қаромоғида юз ёшдан ошган отаси ҳам бор экан. Бечора қариянинг на белида қуввати, на оёғида мадори қолган, оғзида лоқал бирорта тиши ҳам йўл экан. У ҳолсизликдан тўшакка миҳланиб қолган экан. Бироқ жоҳил келин уни ёқтирмас, эрига нукул ёмонлайверар экан. Бир куни эри ишдан қайтганида шундай дебди:

- Шу отангизнинг очофотлиги, еб тўймаслиги жонимга тегди. Тинмай кавшанади, бир дақиқа бўлса ҳам чақаги тинмайди. Бунақада ҳеч қачон биримиз икки бўлмайди. Ҳаммасини отангизнинг ўзи еб тугатаверади.

Ўғил қараса чиндан ҳам отаси кавшанаётганмиш.

- Энди, - деди хотинига қараб, - бўш қоп тик турмайди. Кекса одамни овқат тутиб туради – да!

- Э... э э..... – деб жаврай кетибди хотин. – бунақаси кетмайди. Ётиб еганга тоғ ҳам чидамайди.

Ўғил ўша кундан бошлаб отасини кузата бошлабди. Эрта тонгда қараса, кавшанармиш, ётар пайтда қараса, ҳамон кавшанармиш. Хотини эса жаврашини бас қилмасмиш.

Ниҳоят сабр косаси тўлган ўғил хотинига дебди:

-Хўш, нима қил, дейсан, хотин?

- Еб тўймас отангизни йўкотинг, гап тамом – вассалом!

Хотинининг жаврайверишидан тинчлигини йўкотган ландовур эр унга бўйсинибди. Эрта тонгда отасини бир қопга солибди-да, ортмоқлаб дарё томон жўнабди. Нияти уни дарёга чўктириб хотинининг хархашасидан қутилиш экан. Ярим йўлга етгач, ортидаги қопдан овоз чиқибди:

- Эй нодон ўғил, мени қаёққа ва нима мақсадда олиб кетаётганингни биламан!

Отасининг бу гапини эшитган йигит бир сакраб тушибди.

Ота эса сўзини давом эттирибди.

- Қасоскор дунё экан.

Бир пайтлар мен худди сенга ўхшаб кекса отамни қопга солиб дарёга чўктириб келган эдим. Энди ўша мудҳиш қилмишим ўзимга қайтмоқда. Мен – ку, экканимни ўраяпман. Қолаверса умримни яшаб, ошимни ошаб бўлдим. Хотининг мени тинмай кавшанади, дегани ҳам тўғри. Мен бечора бир дона туршакни уч кунлаб сўриб юрсаму,

чайнаб ютолмасам нима қилай? Буёғига сен хотининг билан тинч яшасанг, бас.

Энди, болам, режангни бошка кунга қолдир. Мени қопдан чиқариб бироз очик ҳавода сайр қилдир у, ортингга қайт!

Негаки, «Отам бобомни қопга солиб олиб кетди. Кўрайчи, нима қиларкан», деб ортингдан ўглинг кузатиб келаяпти. У бобомни очик ҳавода сайр қилдиришга олиб чиккан экан, деб ўйласин. Шунда бир куни сен ҳам қариб менинг ҳолингга тушганингда, сени худди мана шунақа очик ҳавода сайр қилдиради.

Шум ниятингни эси зинҳор – базинҳор сезмасин. Аксинча, у бир куни сени ҳам шу куйга солади. Қопга солиб дарёга ташлайди.

Мен бунга қандай чидайман, болам?

Отанинг бу гапларини эшитган нодон фарзанд «дод» деб фарёд чекибди. Зор – зор йиғлаб отасини қопдан чиқарибди. Узоқдан уларни кузатиб турган ўглини ҳам чақириб учовлон сайр қилишибди ва шум ниятидан воз кечиб, хотинига ланатлар айтиб – айтиб уйига қайтибди.

Отангни эъзозла, бошингга кутар,

Асраб авайлаю, шаънини улуғ тут.

Ҳайё хуйт, дегунча ёшлигинг ўтар,

Отангга қилганинг ўзўглингдан кут [16. 47 – 49 – б.].

Демак, фарзандларим ҳамма нарса, яъни одамларнинг қилган ишлари яхшисиям, ёмониям ўзига қайтади. Ана шунинг учун ҳам доимо яхши иш қилиш керак. Ота – онани ҳурмат қилиш керак. Эртага вақти келиб сизлар ҳам ота – она бўласизлар.

Ана шунда фарзандларингиз сизларни ҳам ҳурмат қилади. Сизлар ота – оналарингни ҳурмат қилиб, айтган ишларини қилиб бораверсаларинг, бизлар ҳам сизларни яхши бўлишингизга, яхши кийинишингизга, яхши – яхши жойларда ўқишларингга шароит яратамиз.

Энди оналар ҳақида ҳам тўхталамиз – ми?

Овозлар – ҳа.

Ундай бўлса, энди «Она қалби оғринмасин», деган ривоятни ўқиб бераман.

Она қалби оғринмасин

Ривоят. Қадим замонда подшоҳ бир аёлни ўлим жазосига маҳкум этаркан, дебди:

- бу аёлнинг қўл – оёқларини боғлаб, шаҳар марказига олиб бориб қўйинглар. Шаҳар аҳли унинг ёнидан ўтганда қўлига бирор нарсани отиб ўтсин. Кимда – ким бу аёлга ҳеч нарса отмай ўтса,

унинг ўзи ҳам шу аёл ёнига ўтказилади ва худди шундай жазога мубтало этилади.

Подшоҳнинг амри вожиб. Шаҳар аҳли тизилишиб, аёл ёнидан ўтаркан, унга кўлига илинган нарсани отибди. Биров тош, биров ғишт, бошқа биров синган коса, тагин бошқаси таёк Бечора аёлнинг бутун бадани маматалок бўлиб, қонга беланибди. Аммо чурк этмабди. Барча азобларга сукут саклаб жавоб берибди.

Аёлга тош отиб ўтувчиларнинг охири кўринмасмиш. Ҳамма ҳамон кўлига илинган нарсани унга отиб ўтармиш. Ногоҳ кутилмаган воқеа содир бўлибди. Бир йигит аёлнинг қаршисига келиб тўхтаб қолибди. Аёлга отай деса кўлида ҳеч нарса олиб келмаган, отмай деса уни минорадан кузатиб турган шоҳ қаҳридан кўрқармиш. У қонга беланган аёлга бир қарабди – да, тагин бир қадам юрибди. Лекин нигоҳи уни кузатиб турган шоҳга тушгач тўхтабди. Бироз ўйланиб турибди-да, кейин шартта чопонининг этагини сўкиб, ичидан бир сиким пахта олиб, уни юмалоқлаб аёлга отибди. Шунда мўъжиза рўй берибди. Шунча тошу ғишту темирлар зарбига чидаган аёл бирданига фарёд кўтарибди. Унинг оҳу ноласи бутун оламини тутиб, ҳатто шоҳнинг ҳам юраги бунга бардош беролмабди.

- Йигитни тўхтатинглар! – деб фармойиш берибди шоҳ.

Йигитни аёлнинг қаршисида тўхтатишиб қарашса йигит аёлдан, аёл эса йигитдан кўз узолмасмиш. Ожизанинг чекаётган оҳу ноласидан эса ҳамон олам ларзага келаётганмиш. Шунда шоҳ:

- Эй аёл, сенга нима бўлди? Одамлар темир отди, чурк этмадинг. Тош отди, бошинг ёрилди, лом – мим демадинг. Барчасига чидадинг. Аммо мана бу йигит чопонидан бир чимдим пахта олиб отса, чеккан оҳу – ноланг, фарёдинг менинг – да юрак бағримни ларзага келтирди. Бунинг сабаби нимада? – деб сўрабди.

- Эй шоҳ, - дебди аёл. Ўша йигит менинг ўғлим бўлади. Ўғлим отган пахта менга ўзгалар отган тошу темирлардан юз чандон қаттиқ тегишини наҳотки тушунмасанг? Ўғлим берган азобга мен қандай чидай, қаердан тоқат топай?

Алқисса, она учун ўзгалар отган тошнинг зарбидан кўра фарзанди отган пахтанинг зарби минг чандон кучли. Бу оддий ҳақиқатдир ҳар бир фарзанд чуқур англаб етиши ва буни ҳеч қачон ёдидан чиқармаслиги керак. Бас, шундай экан, онага нисбатан доимо эҳтиёт бўлишимиз, ҳар бир сўзни ўйлаб гапиришимиз, «етти ўйлаб бир кес» наклига амал қилишимиз шарт [16. 37 – 38 – б.]

Демак, онага тик боқсанг кўкракларинг унинг кўксига ханжар бўлиб ботади. Она ёмон сўз қотсанг, у ўқ бўлиб юрагини тешиб ўтар

экан. Шу боис онага эҳтиётлик билан муомала қил. Уни эъозла, ардокла. Она фақат меҳр – муҳаббатга лойик.

Ана эшитдиларинг-а, она ўз фарзанди учун қандай азобларга ҳам тайёр бўлар эканлар. Биз буларни ҳеч ҳам унутмаслигимиз керак. Онамизни ҳурмат қилишимиз, уларга оғир ишларни қилдирмаслигимиз керак экан – а!

Демак, азиз фарзандларим бизларни ҳурмат қиласизларми?

Овозлар – Ҳаа!

Ундай бўлса, сизларнинг маза қилиб, ётиб ухлашларингдан олдин биттадан топширик бермоқчиман, майлими?

Овозлар – Ҳаа!

Сизлар эртага кечгача бобо – буви, ота – она тўғрисида шеърми? Ҳикоями? Эртақ – ми? Айтиб беришга тайёрланиб келинглар. Уларни биз эртага кечки овқатдан кейин, мана шу жойда бир мазза қилиб эшитамиз.

Сизларнинг яхши кайфият билан дам олишни бизлар ҳам истаймиз.

Соғ бўлинглар яхши дам олинглар.

Иккинчи босқич – бу назорат босқичи бўлади. Фарзандларингиз кеча олган топширикларини бажаришга киришди-ми, йўқ-ми? Буни назорат қилинг. Айрим жойларда ёрдам керак бўлса, ёрдам бериб юборинг.

Унутманг уларнинг бугунги фаолиятида фақат сиз берган топширик эмас, балки кундалик оилавий топширикларингиз ҳам бор – ку!

Учинчи босқич – бу босқич биринчи босқич каби ташкил этилади. Бунда фақат фарзандлар чиқишларига эътибор берилади.

Машғулот тахминан қуйидагича олиб борилади:

Ота: Ҳуш азиз фарзандларим, яхши овқатланиб бўлдиларингми? Овқат ёқдимми, мазали эканми? Демак, бундан қимга миннатдорчилик билдиришимиз керак экан?

Овозлар – аямга.

Ая – овқат тайёрлаш учун нарсаларни қим олиб келади?

Овозлар – дадамга ҳам катта раҳмат.

Ота: Энди маза қилиб бир суҳбатлашиб олайлик.

Ҳуш кечаги суҳбатимиз ҳаммангга ёққан бўлиши керак. Буни ўзларинг ҳам кеча маъқулладиларинг. Ҳаттоки, ота – она тўғрисида шеър ёдлаб келишни ҳам Шаҳзоднинг ўзи таклиф қилди. Тайёрлаб келган шеърларингни эшитишдан олдин кечаги машғулотимиз буйича фикрларингизни бирга – бирга эслаб чиқсак розимисизлар?

Овозлар – Ҳаа!

Демак, ота – онани фарзандлар ҳурмат қилиши керак экан. Шунинг учун ота – оналар ҳам ўз фарзандларига меҳрибончилик кўрсатиши керак экан. Шу сабабли ҳам бундай оилаларда ота – оналар билан фарзандлар иннок яшашади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, **фарзандлар ота – оналарини ҳурмат қилиш керак экан**, уларга итоат қилиш керак экан, уларнинг айтганларидан чиқмаслик керак. Ана шундагина оқил ва доно фарзанд ота – онасининг ҳақларини бекаму кўст бажаради. Улардан ота – онаси ҳам хурсанд бўлади.

Болалар агарда биз ота – онамизни ҳурматлашда озгина хатога йўл қўйсақ, одамлар ундай болани яхши кўрмай қоладилар, яъни ундай болага одамлар «**У ҳали ўз ота – онасини ҳурмат қилмайди, бизни ҳурмат қилармиди**», деб у болани ҳам ҳурмат қилмай қўяди.

Энди ўғилларим ва кизларим туғриси айтганда ҳам, чақалок пайтларингни бир кўз олдиларимизга келтиринглар -- а, биз сизларни туғилган кунларингдан бошлаб тарбиялаб, ўстирдик ва шу йўлда анча – мунча машаққатлар чекдик, яъни кийинтирдик, ичирдик, овқатлантирдик, саёҳатларга олиб бордик. Шулар эсларингдами?

Овозлар – Ҳаа!

Ҳа яшанглар бизлар сизларга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмаймиз. Бизлар сизларнинг бахтли, саодатли бўлишларингизни истаймиз. Келажакда катта одам бўласизлар деган умидимиз бор. Мана, **Севинч** аммасига ўхшаб олим бўлмоқчи, **Олий** ўқув ютида ўқитувчи бўлмоқчи, **Шаҳзод** эса дадасига ўхшашни хоҳлаяпти.

Демак, ота – оналаримизга очик юзли, ширин сўзли бўлиб, уларнинг дилларини оғритиб қўймаслигимиз ва иззат – ҳурматини бажо келтиришимиз керак экан.

Шу гапга сизлар розимисизлар.

Овозлар – Ҳаа, розимиз.

Энди кечаги топшириқларни қандай бажарганлигингизни бир кўриб чиқайлик. Бизнинг ишончимиз комил, бунга сизлар кун бўйи ҳам тайёргарлик кўрдинглар. Қани кимдан эшитамиз.

Овозлар – мен, мендан.

Биринчи бўлиб **Севинч** қўл кўтарди. Шунинг учун **Севинчга** имконият берамиз. Қани **Севинч** кизим марҳамат!

Эшик тақ – тақ қилаяпти,

Бобожоним келаяпти.

Келинг – келинг бобожон,

Турга ўтинг бобожон.

*Турда ўтириб бобом,
Болаларим келинг дер.
Бувижсоним ёнларида,
Болаларим олинг дер.*

*Бобожон бошлаб беринг,
Биз бошласак бўлмайди.
Сиздан олдин қўл узатиш,
Бизга тўғри келмайди.*

(Севинчи)

Энди ким қани? Висола қўл кўтараяпти. Марҳамат Висолабону!

*Бувижсоним уйда бўлса,
Тўлиб турар уйимиз.
Назоратдан четда қолмас,
Катта кичик бўйимиз.*

*Ҳамма нарса ўз вақтида,
Сараижому саришта.
Шунинг учун бувижсоним,
Уйимиздаги фаришта.*

(Висола)

Эндичи қани ким? Марҳамат Шаҳзод сенга навбат, шеър ёки бирор эртақми айтиб берасанми?

Шаҳзод: дадамга шеър айтаман.

Марҳамат эшитамиз!

*Менга савол берсалар,
Ким бўласан десалар.
Таъзим қилиб айтаман,
Мен дадамдек бўламан.*

(Шаҳзод)

Энди Алишер бобомиз нима дер экан. Алишер сенга навбат берайликми?

Алишер: Ҳа.

Ундай бўлса сўз сенга.

*Менинг исмим Алишер,
Бобомни Алишер дер.
Достони «Ҳайрат ул - Аброр»,
Уқинг такрор ва такрор.*

*Ташланг ўтмишга назар,
Ўқинг ўйнанг ким ўзар.
Бобом руҳи шод бўлар,
Шогирд Алишер шу бўлар.*

(Алишер)

Энг кичкина митти қизимиз қўл кўтараяпти. Лобархонга сўз берайликчи нима демокчи.

*Оқ ювиб оқ тараган,
Аяжоним сизга раҳмат.
Кеча кундуз қараган,
Аяжон сизга раҳмат.*

(Лобар)

Мана бизнинг эгизакларимиз бор. Иккалангга бирдан сўз берамиз. Доимо бир – бирларингни қўллаб – қувватлаб юринглар. Қани марҳамат.

*Эгиз биз деб ҳеч қачон,
Сенсирашиб юрмаймиз.
Фотимани она деб,
Сийлашни ҳеч қўймаймиз.*

*Каттани ҳурмат қилиш,
Ота – бободан мерос.
Паст овозда сўзлашиш,
Айниқса қизларга хос.*

(Фотима ва Зухра)

Ээ митти қизларимиздан яна бир киши қўл кўтараяпти. Ким дейсизларми? У Эъзозахон. Қани қизим бир чиқиш қилиб беринг.

*Оилада уч қизмиз,
Менинг ўзим бўлакча.
Отим Эъзога эрур,
Қайнаб турган булоқча.*

*Хафа бўлсам олдимдан,
Ҳеч ким нари кетмайди.
Одоб ахлоқ бобида,
Ҳеч ким мендан ўймайди.*

(Эъзога)

Мадинабону қўл кўтариб қолдилар. Қани қизим сендан нима эшитамиз.

*Исмим Мадинабону,
Бобжоним қўйганлар.
Учинчи авлодимнинг,
Бобожоним деганлар.*

*Бобожоним ишончини,
Оқлашга ҳаракат қиламан.
Келажакда албатта,
Математик бўламан.*

(Мадина)

Энди Ораста қизимга навбат берамиз. Қани қизим, марҳамат!

*Бобожоним келсалар,
Нурга тўлар уйимиз.
Ораста қизим деб сўйсалар,
Ўсиб кетар бўйимиз.*

(Ораста)

Ва ниҳоят навбат Гўзалой қизимга. Марҳамат.

*Мен бобомнинг ақилли,
Гўзал қизи бўламан.
Уйимизга келсалар,
Қўлларига сув қўяман.*

(Гўзал)

Ота: Азиз фарзандларим мана биз ўзимизнинг ота – она ҳурматига бағишланган машғулотиимизни ҳам якунига етдик. Сизларнинг бугунги катнашишларингиз бизни хурсанд қилди. Сизлардан умидимиз катта. Келажакда сизлар жамиятимизга керакли одамлар бўлишларингга ишонамиз.

Сизлар бу машғулотиимиздан бирор яхши нарса ўргандиларинг-ми?

Овозлар – Ҳаа.

Шунақа оилавий машғулотлар ўтказиб туришимиз сизларга ёқадими?

Овозлар – Ҳаа.

Ундай бўлса, келгуси машғулотларни ҳам олиб бораверамиз.

Сизларга яхши кайфият ёр бўлсин, яхши дам олинглар. Бизларнинг бахтимизга соғ – саломат бўлинглар.

Унутманглар! Сизлар бизнинг севикли фарзандларимизсиз, белнимизнинг қувватисиз, кўзимизнинг нурисиз, кўзимизнинг қорачиғисиз, ҳаётимиз мазмунисиз.

Ҳарй, соғ бўлинглар!

Эрталаб яхши кайфиятда учрашишни Аллоҳ насиб айласин.

БОБОЛАРИМИЗ НАСИХАТЛАРИ

1. ОТА – ОНА ҲАҚЛАРИНИ БАЖО ЭТИШ:

Эй фарзанд, сенинг вужудингга сабабчи бўлган ота – онангга хурмат ва уларга итоат қил, оқил ва доно фарзанд ота – онасининг ҳақларини бекому кўст бажаради. Уларни хурматлашда камчилик кўрсатсанг, номинг яхшилик билан ёд этилмайди. Ўз фарзанднинг сенга нисбатан қандай бўлишини истасанг, сен ҳам ота – онангга шундай муомалада бўл, фарзанд – мева, ота – она эса дарахт ўрнида деб фараз этайлик. Дарахт қанча яхши тарбия қилинса, унинг меваси яна ҳам яхшироқ ва ширинроқ бўлади.

Эй фарзанд, тушун: ота – онанг сени тарбия қилиб ўстирдилар, шу йўлда анча машаққат чекдилар, сенга ҳеч вақт ёмонликни раво кўрмайдилар, бахтли, саодатли бўлишингни тилайдилар. Шундай экан, бу мухтарам зотларнинг иззат – хурматларини бажо келтиришга ғайрат қил. Уларнинг дилларини огритма, очик юзли, ширин сўзли бўл, доимо ҳолларидан хабардор бўл, ҳеч вақт мухтожликда қолдирма, ҳар жиҳатдан уларни ўзингдан рози қилиб, дуоларини олишга ҳаракат қил, шу гўзал хислатларинг билан иззат ва шарофат ҳосил қиласан [11. 81 – б.].

2. Ота – онага хурмат:

Болалар! Ота – онани хурмат қилиш, улар олдида одоб билан туриб, хизматларини бажариш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Ота – оналарингизни ранжитадиган сўзлар айтишдан, кўнгилларини қолдирадиган ишлардан доимо сақланинг.

Ақлли болалар ота – оналарини хурмат қилиб, кучлари етганича улар хизматида бўладилар. Ёмон сўз айтишдан, аччиқланиб қарашдан ўзларини сақлайдилар. Ота – онага қандай хизмат қилиш ҳақида сизларга кичик бир мисол келтирамыз.

Бир киши кечаси уйқудан уйғониб ўғлидан «Сув бер!» деб сўради. Ўғли сув олиб келгунча, отаси яна ухлаб қолган эди. Ўғли: «Отам балки яна уйғониб сув сўрар», деб ухламасдан отасининг уйғонишини кутиб тонг отгунча ўтирибди.

Мана, болалар, одобли, тарбияли бола шундай бўлади. Ота – оналарингизни иззат – хурмат қилишга, уларнинг олқишларини олишга ғайрат қилинг. Ҳар бир бола ота – онаси қилган насиҳатларни жон қулоғи билан эшитиб, насиҳатларига ҳар вақт амал қилиши

керак. Ота – онасига озор бериб, уларнинг дилларини оғритадиган бола бахтли бўлмайди.

Байт:

Истасангким етмасин сенга бало,

Ота – онангга сира қилма жафо [11.102 – б.].

ҲИКМАТЛАР

Уч неъмат кадрига уч тоифа одам етади: ёшлик кадрига – қарилар, саломатлик кадрига – беморлар, хотиржамлик кадрига – ғам – ташвишли кишилар.

* * *

Адаб ақлнинг ташқи кўзгусидир.

* * *

Ҳақиқат тиканли гулга ўхшайди, ҳидлашни билмаганларнинг бурнига санчилади.

* * *

Отаси олдида ўз камчилигига иқрор бўлмаган фарзанд ўз касаллигини табибдан яширган бемор кишига ўхшайди.

* * *

Содда ва табиий ҳолда умр кечириш ҳаётнинг энг гўзал ва тўғри йўлидир. Бу йўл инсонни самимий, ҳақиқатгўй, номусли ва матонатли бўлишга олиб боради.

* * *

Меҳнатдан қочиш хору зорлик билан натижаланади.

ТҮРТЛИКЛАР

Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,
Шарофтожи эрур оёғин гарди.

(Абдурахмон Жомий)

Ота – она сўзи – ақлнинг кўзи.
Жавоҳир сандиғи ота – она сўзи,
Сандикни очгину жавоҳирлар тер.
Ҳар бири бебаҳо, ақлнинг кўзи,
Ҳар бири ҳикматдир, ўқи зеҳн бер.

(Калонхонов М., Калонхонова М.)

Она қалби огримасин

Онангни ҳурмат қил, азиз бил шундоқ,
У лойик эъзозу ҳурматга ҳар чок.
Дунёда онадек буюк зот йўқдир,
Унингдек, буюк ҳам йўқ эрур мутлоқ.

(Калонхонов М., Калонхонова М.)

Она меҳр

Онанинг меҳри бу – мисоли булоқ.
Фарзандига тинмай оқаверади!
Фарзанд ҳам улғайиб фарзанд кўрган чок,
Унга меҳри билан боқаверади!

(Калонхонов М., Калонхонова М.)

Ота рози – худо рози

Отангни эъзозла, бошингга кўтар,
Асраб авайлаю, шаънини улуғ тут.
Ҳаё хуйт, дегунча ёшлигинг ўтар,
Отангга қилганинг ўз ўғлингдан кут.

(Калонхонов М., Калонхонова М.)

Қарзингни уз, қарзга бер, сўнг ўзинг егин.

Ота – онанг тўйдиргил, қарзинг узасан,
Болангни тўйдиргил, қарзга берасан.
Қарзингни узмоқдан яйраб ўзасан,
Берган қарзларингни бир кун терасан.

(Калонхонов М., Калонхонова М.)

МАҚОЛЛАР

Каттанинг нақли – кичикнинг ақли.

* * *

Чол, чолнинг сўзи – бол.

* * *

Отангинг соқолига қарама,
Айтган мақолига қара.

* * *

Отадан ақл, онадан нақл.

* * *

Силаб, тараб соқолини,
Қариялар айтар мақолини.

* * *

Ота – она сўзи – болалар хазинаси

* * *

Мен боламан дейман,
Болам – боласини

ДОНОЛАР ЎГИТИ

Бир донишманднинг шогирди устодидан:

- Одамлар орасида эзгулик қилишга энг сазовор бўлган одам ким? – деб сўрабди.

- Онанг, - деб жавоб берибди устоди.

Шогирд яна сўради:

- Ундан кейин ким?

- Онанг, - деб айтди устод.

Шогирд яна яна сўради:

- Ундан кейин ким?

- Онанг – деди донишманд устод.

Шогирди яна тўртинчи марта «Ундан кейин ким?» деб сўрагач, устоди:

- Отанг ва бошқа карму қариндошларинг, - деб жаоб берди [11. 11 – б.].

Оила ғурури ва фахри мавзуси бўйича оила дарси машғулоти. Мазкур йўналишдаги мавзулар ҳар бир оиланинг ўз хусусиятидан келиб чиқиб аниқланади. Улар: оилада эр – хотиннинг турмуш қурганининг ўн, йигирма, ўттиз, қирк, эллик йилликлари; оиладаги кишиларнинг юбилейлари; оиланинг нуфузини белгилаб берувчи воқеаларнинг маълум бир вақтига бағишланган кунлар (оила аъзоларидан бирининг Ўзбекистон Қаҳрамони бўлган кун ёки бошқа нуфузли ордэн ва медаль олган кун, оила аъзоларидан бирининг фан номзодими, фан докторими, доцентми, профессор ёки академикми бўлган куни) ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси оила ғурури ва фахрини юксакларга кўтаришга асос бўла олади. Қуйида оила бошлиғи, яъни бобонинг фан номзоди бўлганига ўттиз йил тўлиши муносабатига бағишланган оила дарсининг баёнини келтирамиз.

ОДМ га тайёргарлик:

- ОДМ нинг мақсадини аниқлаш;
- ОДМ нинг вазифаларини аниқлаш;
- ОДМ нинг вақтини аниқлаш;

- ОДМ ни ўтказиш учун жойларни тайёрлаш ва ўринларни аниклаш;

- ОДМ дан кутиладиган натижаларни аниклаш;

- ўқув материалларини ва унга мос дидактик материалларни тайёрлаш;

- топшириқларнинг шакли ва ҳажмини аниклаш.

ОДМ бўйича ташкилий масалалар:

- дарс машғулотлари ўтказиш учун оила аъзоларининг ўтирадиган ўринларини аниклаш;

- дарс машғулотини ўтказишга байрамона тус бериш учун шарт – шароитларни тайёрлаш: ош еб бўлингандан кейин, оила аъзоларининг эркин ўтиришлари учун ўриндиклар тайёрлаш; оилада фарзандларнинг ва ота – оналарининг бир – бирини бемалол кўриб туришини ҳисобга олиб ўриндикларни жойлаштириш; дарс машғулотлари даврида оила аъзоларининг эркин ҳаракат қилиши ва хона ичидаги нарсаларни ҳалақит бермаслигини таъминлаш.

Машғулотнинг мақсди:

Оиладаги эришилган ютуқлар асосида фарзандларга фахрланиш туйғусини шакллантириш ва улардаги ғурурни юксалтириш.

Машғулотнинг вазифалари:

- фарзандларда ота – онанинг эришилган ютуқлари орқали фарзандларга фахр туйғусини шакллантириш;

- оилавий ютуқлар фарзандлар ғурурини янада юксалтира олишини кўрсатиш;

- фарзандлар онгига оилавий бахтнинг мазмун – моҳиятини сингдириш;

- фарзандларнинг руҳиятини кўтариш ва шунга мос фаолият юритишга ундаш;

- фарзандларга ҳалол ва покиза ҳаёт кечириш – мустаҳкам оилани ташкил этиш гарови эканлигини англашиш.

Машғулот босқичларини аниклаш:

Биринчи босқич – Шанба куни куннинг иккинчи ярмида ташкил этилади. Бунга оиланинг ташкил этилганидан ҳозиргача бўлган даврдаги ҳаёт йўли тўғрисида ахборот тўплангани ва оиланинг ҳар бир аъзоси тўғрисида ҳамда уларнинг оиладаги тутган ўрни тўғрисида тўхтатилади. Улар ҳаётидаги муҳим воқеалар алоҳида қайд қилинади, яъни эслашинилади (Бу мазкур оила дарсингизнинг зерикарли бўлмаслиги тамойили ҳамдир).

Ота – онанинг ҳаётдаги ибрат ва намунаси алоҳида кайд этилади. Оилада алоҳида эслашга молик ҳолатларни эслаш бўйича топшириқлар берилади.

Иккинчи босқич якшанба куни тушлик пайтида бўлади. Бунда оила аъзоларидан оиламиздаги муҳим воқеаларни эслаш бўйича фикрлар сўралади. Улар таҳлил қилиниб, нима яхши-ю, нима ёмон баҳоланади. Эндиликда оила аъзоларининг қиладиган ишлари ҳақида ҳам фикрлашиб олинади.

МАШҒУЛОТ БАЁНИ

Бунга алоҳида тайёргарлик кўрилади. Оила даврасида меҳмон кутиш одоби ва оила аъзоларининг дастурхон атрофидаги ўтириш одоби асосида оила аъзоларини ўз ўрнини эгаллаб олишини назорат қилинади. Умуман олганда бу машғулот байромона тусда олиб борилади. Дарсинг кўргазмали қисми ҳам, шу оила аъзоларининг ўзлари бўлади ва қуйидагича олиб борилади.

Биринчи босқич:

Азиз фарзандларим мана бизнинг онангиз билан турмуш қурганимизга ҳам 40 (қирк) йил тўлибди.

Ана шу ҳаёт йўлимизда яхшилик, ёмондир холи қудрат Аллоҳ насиб этган турмушимизни яшаб келмоқдамиз. Албатта ҳар қандай оилада бўлгани каби, бизнинг оиламизда ҳам фахрланса арзийдиган, Сизлар учун эса ғурурланиб юришга асос бўладиган ҳолатлар бўлган. Шундай ҳолатларни бир эслаб олиш учун бугун сизларнинг иштирокида ана шу байрамона дастурхон, яъни юбилей дастурхонини тузатдик, мана мазза қилиб дам олиб ўтирибмиз. Мен сизларга шу ҳаёт йўлимиз ҳақида қискагина маълумот бермоқчиман. Сизлар ҳам мен гапираётганимда қайси жойдаги воқеаларга дахлдор фикрларингиз бўлса ўша жойда (айниқса ўзларингиз иштирокидаги воқеаларда) ўз кизиқарли ва жонли фикрларингиз билан қўшилишингиз мумкин. Бу анжуманимизни шундай тартибда олиб борсам розимисизлар? Кейин ўйин – кулгу қилиб давом эттираверамиз.

Овозлар – жуда яхши бўлади.

Азиз фарзандларимнинг онаси, невараларимнинг суюкли бувижониси, кимматли фарзандларим, кадрли куёвларим ва севимли келинларим Сизларга яна бир бор ўзим билан турмуш ўртоғимни таништирай. Бизларнинг ҳаёт йўлимиз ҳам ҳамма қатори бўлган.

Ҳаёт йўлимизни учта йўналиш бўйича айтиб беришимни маъқул кўрдим. Улар: оиламизнинг жисмоний жиҳатдан кенгаши, оиламизнинг маънавий ва интеллектуал жиҳатдан юксалиши, оиламизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши.

Биринчи йўналиш – оиламизнинг жисмоний жиҳатдан кенгайиши. Турмуш қурганимиздан кейин 1975 йил 23 март куни катта ўғлимиз, 1976 йил 25 декабр куни иккинчи ўғлимиз, 1978 йил 8 декабр куни катта қизимиз, 1982 йил 28 июл куни кичик қизимиз ва 1984 йил 28 феврал куни учинчи ўғлимиз ва демак бешинчи фарзандимиз дунёга келди. Бу оиламизнинг кенгайишида **биринчи босқич бўлса, оиламиз кенгайишининг иккинчи босқичи қуйидагича бўлди:** 1996 йил 19 август куни янада кенгая бошлади, яъни биринчи келинлик бўлди, 2000 йил 6 август куни иккинчи келинлик, 2006 йил 14 май куни учинчи келинлик ва 1998 йил 1 октябр куни биринчи куёвлик, 2003 йил 26 август куни иккинчи куёвлик бўлди.

Оиламиз кенгайишининг **учинчи босқичи эса янада мароқлироқ кечди, яъни 12 неваранинг бобси ва бувиси бўлишимизни Аллоҳ бизларга насиб этди.** Уларнинг туғилган вақтлари тўғрисида сизларга қуйидагиларни айтишни лозим топдим: 1998 йил 24 август куни биринчи неварамиз, 1999 йил 24 октябр куни иккинчи ва учинчи эгизак невараларимиз, 2001 йил 2 июл куни тўртинчи неварамиз, 2003 йил 2 феврал куни бешинчи неварамиз, 2005 йил 24 апрел куни олтинчи неварамиз, 2007 йил 21 феврал куни еттинчи неварамиз, 2007 йил 21 март саккизинчи неварамиз, 2007 йил 10 апрел куни тўққизинчи неварамиз, 2007 йил 23 ноябр куни ўнинчи неварамиз, 2009 йил 2 феврал куни ўн биринчи неварамиз ва 2012 йил 16 октябр куни ўн иккинчи неварамиз туғилди.

Иккинчи йўналиш – оиламизнинг маънавий ва интеллектуал жиҳатдан юксалиши. Одамзод ҳар доим эзгу ният қилиб, эзгуликка ошуфта сўзлар билан олға ҳаракат қилиш керак экан. Биз буровга ҳасад қилмадик, фақатгина яхшиларга ҳавас қилдик. Биров бизга кичкинагина яхшилик қилиб қўйса уни ҳозиргача ҳам унутмадик. Улар билан кўришганимизда ҳозир ҳам уларга миннатдорона оҳангда муносабатда бўламиз.

Ҳаётий тажриба шуни кўрсатадики, бу ёруғ дунёда яхши ишларни қилиб қолишга ҳаракат қилиш керак экан, чунки дунё абадий, ҳаёт эса ўтқинчидир. Бу ҳақда кўпгина хулосавий фикрларим бор. Мен қуйида уларни сизларга айтиб бераман. Буни мен «**Инсон камолотининг маънавий асослари**» номли китобимга ҳам киритганман. Улар:

* * *

Ҳурмат талаб қилинмайди, балки қозонилади. У ибрат – намуна кўрсатиш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам инсонлар юксак ҳурмат қозонди, деган маънавий мукофотга сазовор бўлди.

* * *

Жасорат – бу фидойиликнинг фавкуллоддаги ҳолати, яъни фидойиликнинг юқори чўққиси ҳамдир.

* * *

Хурмат истасан хурматли бўлишга ҳаракат қил.

* * *

Аскарнинг сумкасини кўтармаган аёл, генералнинг турмуш ўртоғи бўла олмайди. Албатта бу ҳақ гап ва инсон камолотининг барча жабҳалари учун ҳам бу ҳикмат ўринли. Бу ҳикматдан хоҳ раҳбарликда, хоҳ интеллектуал салоҳиятда бўлсин ундан кўрсатмали йўриқнома сифатида фойдаланиш мумкин. Бу ўз навбатида оила мустаҳкамлиги мезони ҳамдир.

* * *

Истеъдод – шахснинг ривожланиши натижасида қобилиятларда намоён бўладиган туғма хусусиятдир.

* * *

Илмни қизгонма, уни қанча сарфласанг, шунча кўпаяди.

* * *

Ҳамма учун ёмимли кўшиқ – бу алла.

* * *

Ҳамма учун энг гўзал аёл – бу унинг онаси.

* * *

Ҳамма учун энг улуғ Ватан – бу унинг Она Ватани.

* * *

Ҳамма учун энг гўзал шаҳар – бу унинг Она шаҳри.

* * *

Ҳамма учун энг керак омил – бу унинг соғлиғи.

* * *

Ҳаммага баб – баробар деб қараладиган жой – бу қабристон.

* * *

Орзу – ҳавас инсонни эзгуликка етакловчи икки туйғу.

* * *

Орзу – бу инсоннинг келажакда эгаллаши лозим бўлган ютуғининг ифодасидан иборат бўлиб, у инсонни эзгуликка етаклаб борувчи режадан иборат.

Орзу ният билан ҳам узвий боғлиқ.

* * *

Ҳавас – бу муайян манбага нисбатан хурмат билан қарашдан иборат ҳиссий жараён.

* * *

Кишиларнинг бир – бирига меҳр билан боқиши ҳам бир савоб,
чунки бу орқали икки ўртада илиқлик – яқинлик пайдо бўлади.

* * *

Кишининг ёши улғайган сайин, дунё ширин бўлиб бораверар
экан. Нимани килди, нимани қила олмади, ана шуларни ўйлайверади.
Бу хоҳ уй, оила миқиёсида бўлсин, айна ҳақиқат.

Шунинг учун «Кун қайтади, вақт қайтмайди», деган нақлни
доимо эздан чиқармаган маъкул.

* * *

Ер юзасидаги барча одамлар Аллоҳнинг фарзандлари, яъни
Аллоҳ яратган олий неъматлардир. Уларни Одам Ато орқали
яратилади. Шунинг учун ҳам улар Одам болалари, яъни одамзот деб
юритилади. Улар Бобо Қуёш ва Момо Ҳавволар хомийлигида ҳаёт
кечирадилар.

* * *

Ҳаммага ярашадиган жиҳат – бу қулгу.

* * *

Ҳаммага керак инсоний жиҳат – бу ақл.

* * *

Икки нарса ҳеч қачон, ҳеч вақт одамни ҳор қилмайди. Улар:
билим ва ҳунардир.

* * *

Инсондаги ғайрат унга қуч берса, билим эса унга бахт беради.

* * *

Маънавий кашшоқ одамни хоҳлаган томонга бошқарса бўлади,
чунки унга исталган саробни кўрсатиб, уни обиҳаёт деб ишонтирса
бўлади.

* * *

«Диндан чиқсанг ҳам элдан чиқма» деган гап бор. Бу ҳақ гап,
чунки ҳеч кимга керак бўлмай қолсанг – бу даҳшат. Шунинг учун
«Кўп билан кўрган тўй, улуг тўй» деган нақл халқимизда авлоддан –
авлодга ўтиб келмоқда.

* * *

«Садақа балони қайтарар, тавба гуноҳни», дейишади. Шу
сабабли тўғри маслаҳат бериш ҳам садақа кабидир.

* * *

Ростгўйлик ҳамма вақт ҳам тўғрилик ҳисобланавермайди, чунки
фақат рост гапираман деб, дўстининг яширинган жойини душманига
айтиб қўйиши ҳам мумкин. Бу эса дўстликка кирмайди.

* * *

Одам ўзининг ҳурматини англай олса, ўша даражадаги ҳурматга сазовор бўла олади.

* * *

Фарзанд буюм эмас. Буюмни ёқмаса фойдаланмаслик ёки бошқасига алмаштириш мумкин. Аамо фарзандни бундай қилиб бўлмайди. Чунки фарзандни яратганингиздан кейин Сиз, албатта, унинг тарбиясига масъулсиз. Уни бу бўлмас экан, деб тушлаб юбориш ёки алмаштириб олиш ҳуқуқига эга эмассиз.

* * *

Бахтли оила – бу ол эъзозида, халқ эътиборида яшайдиган ҳамда инсонлар орасида, жамоада, жамият аъзолари орасида ибрат – намуна бўладиган осойишта ва хотиржам оиладир.

* * *

Тинч ўтириш ёки сукут сақлаш ҳеч нарсани билмаслик эмас. Чунки, «Иззат тиласанг кам де, Сихат тиласанг кам е», деган фикр ҳам борку.

* * *

Кўп гапирган кўпроқ хато қилади.

* * *

Яхшилик ерда қолмайди.

* * *

Ҳаётий сабоқлар инсоннинг турмуш мазмунини ифодаловчи омиллардир. Инсон ҳаётий сабоқлари асосида ўзида турмуш тарзини белгилаб бераверади ва ҳаттоки баъзи ақлли одамлар ҳаётда ўзининг мустаҳкам ўрнини топиб, ўзларига жонли «Ҳайкал» ўрнатадилар.

* * *

Қадр – бу инсон учун аҳамиятли бўлган ҳамда инсоннинг инсонийлигини кўрсата оладиган ахлоқий тушунча. Шу сабабли ҳам инсон учун қадрли бўлган барча нарсалар **қадрият** деб аталади.

* * *

Илм – бу бир уммон каби бепоён ... Унда бемалол сузиш учун чуқур билимга эга бўлиш лозим. Бунда илм орқали билим олиниши ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

* * *

Илм – тараққиёт калити, инсоннинг учинчи кўзи – қалб кўзи. Шунинг учун бу «калитни» эгаллашга доимо жонбозлик кўрсатинг.

* * *

Билим тараққиёт калитини ишлатувчи асосдир, яъни тараққиёт калитини ишга солувчи.

* * *

Ақл – ҳаммага керак. Аммо у ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

* * *

Ақл – инсон камолотининг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб, у ёрдамида одам ҳаётда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлади.

* * *

Ақлнинг далили – фикрдир.

* * *

Ақлли бўлиш яхши, доно бўлиш ундан яхши.

* * *

Ақлнинг энг муҳим сифатлари: фикрнинг теранлиги, танқидийлиги, уйғунлиги, кенглиги, тезлиги, эркинлиги, мустақиллиги ва шу қабилар.

* * *

Яшаш яхши, яхши яшаш ундан ҳам яхши. Фақатгина унга яхши ният билан ва шунга мос меҳнат билан ҳаракат қилиш керак. Шундагина яхши яшаш имкониятларидан бири қўлга киритилади.

* * *

Маслаҳат бериш ёрдам беришдан осонроқ.

* * *

Ҳаётда ноқулай вазиятга тушмаслик – бу донолик, ноқулай вазиятдан осонлик билан чиқиб кетиш – бу ақллиликдир. Бу ҳаётнинг «Олтин қоида»ларидан биридир. Шу сабабли ҳам доно одамлар ҳаётда «қоқилмайдилар», ақлли одамлар эса камроқ қоқиладилар.

* * *

Кишининг маънавий ва жисмоний жиҳатдан соғлом ва бахтли ҳаёт кечириш жараёни унинг умр мазмунини белгилайди.

Бу ҳақда Леонардо да Винчининг «Яхши ўтган ҳар қандай умр узоқ умрдир» ва И.Гётеннинг «Бенаф яшагандан бевақт ўлим афзал», деган ибратли фикрлари умр мазмунига бўлган талабни қўйишда хушёрликка тортади.

* * *

Умр – Аллоҳ томонидан ўлчаб берилган муддат – тақдир. Аммо тидбир деган тушунча ҳам бор. У инсоннинг дунёга келиб, умри дунёида қилган ишларидан иборатдир.

Умуман олганда интеллектуал мулк ва маънавий салоҳиятга ислоланган 400 га яқин иш эълон қилдим. Улардан 2 таси айнан оила минавиятига бағишланган китобим ва 50 ортиқ китобларим ёшлар тилим – тарбиясига оид бўлиб, қолганлари турли йўналишдаги мақола, рисола, припринт ва патентлардир.

Шунинг билан бирга доимо донолар ўғитларини, ҳикояларни, масалларни, ҳикматларни, боболаримиз насиҳатларини, ибратли ҳикояларни, доноларнинг одоб ҳақидаги сўзларини, «Яхши сўз жон озиғи» рукнидаги фикрларни, қадимий латифаларни ўрганиб бораман. Булардан ёшларни тарбиялашда ва оилавий суҳбатларни ташкиллаштиришда доимо фойдаланиб келаман. Эсларингда бўлса оилада тарбиявий масалалар тузишда улардан фойдаланар эдик.

Сизларга донолар ўғитларидан айтиб берайми?

Овозлар – Ҳаа!

Зерикмаяпсизларми?

Овозлар – Йук.

Ундай бўлса эшитинглар!

«Дурдоналар хазинаси» номли рисоладан ўрганган фикрларимни айтиб бераман. Бир донишмад шогирдига:

- Сизларга энг ёмон одамлар кимлар эканидан хабар бермайми? – деган эди, шогирдлари устоздан буни ўтиндилар:

- **Чақимчилик** қилиб одамларни бир – бирларига душман этган одамлар энг ёмон кишилардир.

Донишманд яна шогирдларига чақимчиликнинг дилга етказадиган озори ҳақида фикр билдириб:

- Бирингиз иккинчингизнинг сўзингизни менга етказманг, мен саломат ва роҳатда бўлган қалб билан сизларга йўлиқишни истайман, деди.

Қандай донишманд бобомизнинг бу ўғити Сизларга ҳам ёқдими? Чақимчилик ёмон экан – а. Энди иккинчи ўғитни эшитинг.

Қадимги Эрон донишманди Бузуржмеҳр ўз устозидан сўради:

- Дунёда энг яхши киши ким?

Устози жавоб берди:

- Одамларга фойда етказган киши.

Яна сўради:

- Қандай кишини сахий деб айтиш керак?

- **Сахий** одам эҳсон қилганида шодланади, пушаймон бўлмайди, - деб жавоб берди устози.

Ана кўрдингизми азизларим сахийлик ҳам яхши кишилар орасидан чиқар экан.

Менинг фикримча, сизлар яхши инсонсизлар, менинг бунга ишончим комил ҳали келиб сахийлик қилиб қариндошларимизга ва жамиятимизга катта фойдаларинг тегди. Биз шундай бўлишини умид қиламиз ҳам. Энди қуйидаги ўғитни эшитинг.

Аржосиб ҳақим ўғлига васият қилиб айтади:

- Ўғлим, гўзал ахлоқ эгаси бўл, яхшилик қил, ярамас, бузук йўлга асло яқинлашма, гўзал ахлоқинг билан ҳаммининг муҳаббатини ўзингга жалб қил. Хотин ва фарзандларингга меҳрибон бўл, дўстларингга лутф – эҳсон кўргиз, шу васиятларимга амал қилсанг, ҳаётинг хушвақтлик билан кечади.

Азиз фарзандларим, агар ўғитга амал қилиб яшасангиз ҳаётингиз нафақат хушвақтлик билан, балки хотиржамлик билан мазмунли бўлиб ўтади. Яна шундай ўғитлардан бирини айтай.

Олим, фозиллардан Абдий айтади:

- Оқил, доно киши ақл ишлатиб, маъносиз, беҳуда ишлардан чекилади, ақлсиз, нодон одам доимо ўзини мақтаб сирларини очади. Оқил ўз ақли соясида ҳаммининг кўнглини овлайди, нодон ёмон хулқ – атвори билан ўз дўстларини четлаштиради. Оқил ўзини камтар тутади, манманликдан йироқ бўлади. Ақлсиз, нодон ўзини ҳаммадан юқори тутади.

Шунинг учун азизларим ақлли бўлиш яхши, доно бўлиш ундан яхши. Яна бир ўғитни айтайин сўнг йўналишни ўзгартирамиз.

Шарқ элининг донишманди, ахлоқ илмининг отаси Лукмон Ҳаким айтади:

- Барча юкни кўтардим, аммо бурчдан оғирроқ юкни кўрмадим. Барча лаззатни тотиб кўрдим, саломатликдан чучуқроқ лаззатни топмадим. Энг ширин лаззат соғ – саломатликда эканлигини англадим.

Сизларий ҳам оиламизда бурчини англаш ҳисси, саломатликни сақлаш, масъулиятни чуқур сезиш, соғлом турмуш тарзининг эгаси бўлиш каби инсоний сифатлар ҳеч ҳам тарк этмасин.

Демак, оиламиздаги маънавий ҳаёт юқоридаги фикрлар асосида олиб борилса, мен ўйлайманки ибрат – намуна олса арзийдиган оилага айланамиз.

Энди оиламиздаги маънавий интеллектуал жиҳатга эътибор берадиган бўлсак, қисқача қуйидагиларни қайд қилсам бўлади:

Мен, 1973 йил Университетни битирдим, турмуш ўтоғим 1971 йил Хотин – қизлар педагогика билим юртини битирди.

Мен, 1982 йил номзодлик диссертациямни ёқлаган бўлсам, ўша йили турмуш ўртоғим институтни тамомлади.

1981 йил Кибернетика илмий – ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги Республика автоматлаштирилган бошқарув тизимининг Жиззах филиали директори бўлдим ва ишни яна 1984 йил 30 августдан бошлаб Жиззах давлат педагогика институти «Умумий техника фанлари» кафедраси мудирлигидан давом эттирдим.

1986 йилда шу кафедра доценти бўлган бўлсам, 1987 йилда «Халқ таълими аълочиси» бўлдим. Турмуш ўртоғим эса шаҳардаги марказий мактаблардан бирига илмий бўлим мудирини бўлди.

1989 йил «Касб таълими» факультетига декан бўлдим, 1997 йилдан яна мени бошқа факультетга декан лавозимига ўтказилдим. Буларнинг ҳаммаси ҳам ўз – ўзидан бўлмайди, айниқса, илм соҳасида. Бу борада ҳам сизларга ибрат бўлишга арзийдиган томонларимиз бор. Бир нарсани алоҳида қайд этиб ўтай, яъни оиламиздаги барча муваффақиятларда турмуш ўртоғимнинг хиссаси катта ва айрим жойларда фарзандларимники ҳам яхшигина сезилган. Энди қўлга киритилган унвон ва илмий даражаларга келсак.

Анчагина меҳнатлар эъзозига эришилган фан номзодлик илмий даража, доцентлик илмий унвон, «Халқ таълими аълочиси» деган мартаба ва кетма – кет эришилаётган амаллар, менга янаям яхшироқ фаолият юритишлик масъулятини юклади. Бу борадаги фаолиятим ҳам бесамар кетмади. Яъни 2000 йилда фан доктори, 2005 йилда профессор ва Халқаро педагогика фанлари академиясига академик бўлдим ҳамда А.Г.Неболсин номидаги халқаро илмий жамият мукофоти совриндори, деган номга сазовор бўлдим. «Антик дунё» номли илмий жамиятнинг академиклигини ҳам Аллоҳ насиб айлади.

Азиз фарзандларим булар ўз – ўзидан бўлиб қолган эмас, бўлиб қолмайди ҳам. Бу жуда катта меҳнат ва машаққатлар эъзозига келади. Биз ўйлаймизки, Сизлар бундан бир томондан, **фахрлансаларинг**, иккинчи томондан, бизнинг ҳаёт йўлимиздан ибрат оласизлар деган умиддамиз. Булар сизларга **ғурурланиш** туйғусини ҳам беради, деб ўйлаймиз.

Энди оиламизнинг иқтисодий аҳволи ҳақида икки оғиз сўз.

Учинчи йўналиш – оиламизнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши. Мана учинчи йўналишга ҳам етиб келдик. Бу борада сизларга кийинчиликлардан кўркманглар демокчимиз. Буни биз ўз ҳаёт йўлимизда ҳам кўрдик. Бу шаҳарга яшашга келганимизда биз дастлаб ижарада яшадик, бу пайтда уч фарзандимиз бор эди. 1982 йилда кўп қаватли уйлардан 7 – қаватидан 2 хонали уй олишга эришдик.

Кибернетика институтининг Жиззах филиалига директор бўлганимда 3 та уй ажратилган эди. Бу уй ўша 3 та уйнинг биттаси эди. Бу борада турмуш ўртоғимнинг катта соат билан мактабда ишлаши, менинг фаол меҳнат билан шуғулланишимиз натижасида катор ютуқларга эриша бошладик. Улар: 3 хонали уйга эга бўлдик,

1987 йилдан бошлаб ҳовли жой қуришга киришдик, 1991 йилда янги ҳовлида Отам билан Онаминг юбилейларини қилиб бердик.

Фарзандларимизни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб – қувватлашни эътиборга олган ҳолда Сизларни ўзларинг хоҳлаган олий ўқув юр்தларингизга ўқитдик.

Катта фарзандларимизни Политехника институтининг Автомеханика факультетида ўқитдик. Уларнинг ўзи ёшлигидан шу соҳани орзу қилиб юрар эди. Иккинчи фарзандимиз математик бўлишни орзу қилар эди. Уни педагогика институтининг математика факультетида ўқитдик. Мана у фан доктори бўлиш арафасида турибди. Қизлар ўқитувчи бўлишни орзу қилар эди. Айниқса, улар аясига ўхшаган моҳир ўқитувчи бўлишни жуда хоҳлар эди. Мана, катта қизимиз «Халқ таълими алочиси» бўлди, кичик қизимиз эса фан номзоди бўлди. Учинчи ўғлимизда ишни кўзини билишлик кучлироқ эди. Уни касб таълими факультетида ўқитдик. Мана ҳаммангиз ҳам ва куёвларимиз ҳамда келинларимиз ҳам ҳаммаси давлат ишларида. Бу катта бахт эмасми? Бу ўз навбатида оиланинг иқтисодий қудратини юксалтиришга ҳам муҳим асос бўлмоқда. Шу сабабли ҳам шахсий енгил машиналар сизларнинг хизматингизда.

Энди менинг гапим қуруқ бўлиб қолмаслиги учун, мазкур машғулотда турмуш ўртоғимнинг фикрини ҳам эшитсак, Сизлар нима дейсизлар?

Овозлар – Эштамиз.

Иккинчи босқич:

Қани яхшилаб ўтириб олдиларингми? Кеча маза қилдик – а! Сизлар нима дейсизлар, сарҳисоб яхши нарса! Кечаги ўтиришимизни давоми – бу. Оилавий муҳитнинг соғлом бўлишига асос бўлувчи ҳолатлар ёки вазиятларни эслашамизми?

Овозлар – Ҳаа.

Ким биринчи бошламоқчи?

Мен, мен

Ҳа майли, сизларда эслашга молик кизиқарли воқеалар кўпга ўхшайди. Буни дастлаб оиламиздаги катта фарзанддан эшитсак ўйлайманки, сизлар хафа бўлмассизлар.

Марҳамат эштамиз!

Катта ўғил: Биз дадам ва аям бошчилигида деярли ҳамма байрамларга тайёргарлик кўрар эдик ва бизларга байрамга мос кийим олиб беришарди. Ва албатта байрамга бирга чиқар эдик. Истаган нарсамизни (совғани) олиб берар эди. Биз байрам келаверса албатта қувонар эдик. Бир сафар байрамга тайёргарлик кўриб, кийиниб энди

кўчага чикмокчи бўлиб турган эдик. Уйимизга бир аёл (Дадамнинг ҳамкасбининг хотини) кириб келиб қолди. Дарров дадам билан аям дастурхон ёзиб уйнинг тўрига ўтказиб, унинг ҳурматини жойига кўйди.

У аёл шу қадар гапга тушган эдики, у гоҳ йиғлар, гоҳ кулар эди. Ораликда дадам ташқарига чиқиб «Ҳозир ўғилларим, бу аёл кетгандан, байрамга чиқамиз», деб бизни тинчлантирар эди. Биз эса кийиниб олган ҳолда эшик олдида турибмиз. Дадам яна бир оздан кейин чиқиб, хижолат бўлган оҳангда, бизларга «Ўғилларим бу аёл роса қийналиб қолибди, унинг кайфиятини озроқ кўтарайлик, кейин албатта байрамга чиқамиз», деган гаплари ҳали ҳануз эсимда. Ўшанда дадам билан аямнинг келган аёлнинг кўнглига қараб иш тутишини кейин анча катта бўлиб қолганимда тушундим. Бу албатта инсоннинг инсонийлигини намоён қилишда жуда керак экан. Ўша пайтда биз у аёлни ёмон кўриб турган эдик, чунки шу аёл туфайли биз байрамона кийимда байрамга бора олмаган эдикда. У аёл кетгандан кейин дадам бизларни «албатта сизларни бошқа куни шаҳарга олиб чиқаман», деб юпатди.

Энди ҳурматли азизларим ҳаммангиз гапирадиганга ўхшайсизлар. Шу сабабли сўзларни ёшларингизга қараб бера қолай розимисизлар?

Овозлар – майли.

Энди сўз иккинчи фарзандга:

Иккинчи фарзанд: Оиламиздаги турмуш тарзининг деярли ҳамма жабҳалари менга ёқади. Ҳозир менинг ўзим ҳам оилалиман, аммо ҳайронман дадам билан аям бизларнинг таълим – тарбиямизга қандай вақт топа олган экан. Юриш – туришимиз, тартиб – интизомимиз ва тўғаракларга қатнашимиз ҳамма вақт уларнинг назоратида эди. Бунга вақт ҳам топа олар эди. Биз акам икковимиз кураш тўғарагига қатнашар эдик. Тўғаракларга дадамнинг ўзи бош бўлиб олиб борар эди. Дадамнинг ҳам, аямнинг ҳам ниҳоятда иши кўплигини, вақти тиғизлигини билар эдим.

Аммо уларнинг бизнинг тақдиримиз билан кизиқиши таҳсинга сазовор эди. Шунда мен кураш бўйича шаҳарда биринчилиқни, акам иккинчилиқни қўлга киритганимизда уйимизда алоҳида зиёфат дастурхони тузаган эдик.

Оиламизда бундай ибратли ҳолатлар жуда кўп бўлган. Қани эди биз ҳам оиламизга улардек соғлом оилавий муҳитни шакллантира олак.

Раҳмат яхши ниятларинг Аллоҳ томонидан ижобатга олинган бўлсин.

Энди учинчи фарзандимизга навбат берамиз. Марҳамат!

Учинчи фарзанд: Оиламизда бундай эслайдиган ҳолатлар жуда кўп бўлган. Қани эди биз ҳам ҳамма ҳурмат қиладиган оила бўлсак. Мен шундай оиланинг фарзанди бўлганимдан фахрланаман.

Ота: Ҳавас қилсанглар етасизлар.

Учинчи фарзанд: Оиламиздаги менга жуда ёқадиган жиҳатлардан бири – бу дадам билан аямнинг ҳар бозор куни бизларни дам олдиришга вақт топа олишидир. Ҳар дам олиш куни албатта олдингисига ўхшамаган ҳолдаги тадбир қилинади.

Бир ҳафта якшанба куни Сангзор дарёсига чўмилишга борсак, бошқа бозор куни сангзор мажмуасида овқатланиб, музқаймоқ еб келишга борар эдик. Баҳор пайтларидаги бозор кунларида машинага копток, озиқ – овқат гамлаб олиб табиат кўйида копток ўйнаб, дастурхон ёзиб маза қилиб кечгача айланиб келар эдик. Айниқса, Жиззах сув омбори атрофига борганда кўзикорин теришни ҳам эсдан чиқармас эдик.

Оиламизда фарзандларнинг фикри тоза, қалби пок бўлишида бизнинг оиламиз ўрни бошқача. Шу сабабли ҳам оиламиз аъзоларининг барчаси жамиятга фойдаси тегаяпти.

Ота: Раҳмат, бундай жараёнларда ўзим ҳам маза қилиб сизлар билан ўйнар эдим, дам олар эдим. Айниқса, чўмилганларингдан кейин, копток тепиб чарчаганларингдан кейин овқатланишларингни мазза қилиб томоша қилар эдим, Сизларни кўпроқ овқатланишларинг учун қандай ролларга кирар эдим. Бу сизларга аён. Яна бир бор раҳмат, мени ҳам хурсанд қилдиларинг.

Энди навбат кутиб ўтирганларга ҳам сўз берамизми?

Овозлар – хаа.

Ундай бўлса, оиламиздаги олима қизимизга сўз берамиз. Қани оиламизнинг эътиборга молик дақиқалари унинг хотирасидан қандай ўрин олган экан.

Марҳамат, эшитамиз!

Шу тариқа ОДМ давом эттирилиб, охирида оила истиқболини белгиловчи ниятлар қилинади.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилган кунданок ҳар томонлама камол топган баркамол шахсни маънавий жиҳатдан етук қилиб тарбиялаш давлатимиз олдидаги энг устувор масала сифатида қаралиниб келинмоқда. Уни амалга оширишда ҳозирда оиладан бошлаб узлуксиз таълим тизимининг барча таркибий қисмларида ёшар маънавий тарбиясига кучли эътибор берилмоқда. Бу борада, хусусан, оилада болаларнинг маънавий тарбияси ўта муҳимдир, чунки бу ёшдаги болаларга бериладиган билим улар онгида узоқ вақт сақланиб қолади.

Мазкур ўқув қўлланмада ҳам оилада болаларга маънавий тарбия беришда оилавий муҳит, оила маънавияти, оилада болага маънавий – иммунологик тарбия бериш ва шулар асосида оила дарси машғулотларини ташкиллаштириш методикаси ҳамда технологияси ёритилган.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз ва кузатишларимиз натижалари қуйидагидек **хулосаларни** ифодалашга имкон берди:

1. Оилада бола тарбиясининг маънавий асослари (оилавий муҳит, оила маънавияти, оилада болага маънавий – иммунологик тарбия бериш ва оила дарси машғулотлари) негизида болалар қаршисида улар маънавиятига оид фикр ва ғоялар тизими мавжуд бўлиб, уларнинг ўзига хос фалсафий олами шакллана бошланади. Шу асосда оилада ҳам болаларнинг маънавий дунёқараши асосида таълимий муаммолар (Оила дарси машғулотлари негизида) ҳал этила борса, улардаги маънавий – ахлокий қобилият уйғунлиги намоён бўлади. Бундай жараёнда болалардаги қуйидаги мотивлар асосий ўринни эгаллайди: маънавиятли бўлиш ижобий хислат эканлигини англайди; «Маънавиятли одам ким»? – деган саволга жавоб бера олади; мустақил фикр билдира олади; ўз – ўзига талабчанлик шакллана бошлайди; ўз – ўзини таҳлил қила олади; ташкилотчилик қилишга ҳавас уйғонади; ўзига ишонч пайдо бўла бошлайди; изланувчанликка иштиёқ пайдо бўлади ва ҳ.к.

2. Оилада ҳар бир боладаги маънавий сифатларни шаклланганлигини ўрганиш, таҳлил қилиш ва лозим бўлганда уларга маънавий меросдан баҳраманд бўлишга ёрдамлашиш болалардаги маънавий дунёқарашнинг шаклланишида асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

3. Оила дарси машғулотларини самарали ташкил этиш ва улар натижаларини мониторинг қилиш натижасида қуйидагиларга тўлиқ ишонч ҳосил қилиш мумкин: мавзунинг мазмуни узоқ вақт болалар хотирасида сақланиб қолади; маънавиятга оид тушунчаларнинг мазмун – моҳиятини изоҳлай олишга ва уларнинг бир – биридан

фарқини чуқур англашга эришилади; мустақил равишда фикрлаши ривожланишлигига; фаолликка ва ижобий изланишга иштиёқ ошишлигига; маънавий – ахлоқий қиёфаси яхшиланганлигига; маънавиятга эътиқоди кучайганлигига ва ижтимоийлашувига; муаммоли вазиятлар ва муаммоли саволлардан ўз дунёқараши кенглиги билан чиқиб кета олишига ва ҳ.к.

4. Оилада маънавий – тарбияга қўлланиладиган педагогик таъсир усуллари, муаммоли вазиятлар ва улардан чиқиб кетишга асосланган педагогик масалалар ва улар ечимлари оилавий таҳлили болалардаги маънавий дунёқарашнинг шаклланишида юкса: маънавий – дидактик асос бўлади. Бу орқали фарзандларимизни турли ҳил таҳдидлар ва салбий таъсирлар домига тушиб қолишдан асраймиз.

5. Оилада болаларни маънавий – ижтимоий ҳаётга тайёрлашда, уларнинг маънавий – маърифий тарбиясида бой миллий – маънавий, тарихий меросимиз, анъаналаримиз, урф – одатларимиз ва умумбашарий қадриятларга асосланиб қуйидаги жиҳатларга кучли эътибор бериш керак: болалар маънавиятини шакллантиришда миллий байрамларни нишонлашга оид машғулотларни ташкил этиш методикаси ва технологияси; оила дарси машғулотларига оид дарс ишланмаларини тайёрлаш методикасига; маънавий дунёқараш мониторинги асосида фарзандлар маънавиятини шакллантиришнинг самарадорлигини аниқлаб боришга ва шу қабиларга.

6. Афсуски, айрим ота – оналар фарзандларининг тартибсизлиги ва ахлоқсизлигидан нолийдилар. Уларнинг «Мен фарзандимга ҳамма нарсани олиб бериб қўйсам, ҳамма шароитни яратган бўлсам ҳам боламда шундай салбий ҳолатлар учрайди» каби даволари бўлад. Аммо улар ишдан уйга келганда фарзандлари тарбияси билан алоҳида бир ёки икки соат шуғулланмаган бўлади. Бу борада ҳар бир ота – она оилада фарзанд тарбиясига бефарқ бўлмаслиги керак. Чунки ёшлигидаги кичкинагина хато келажакдаги катта жиноятга асос бўлиши мумкин. Бу борада фарзандлар билан биргаликда тарбиявий масалалар тузиб, унинг ечимларини оилавий таҳлил қилиш, байрам ва дам олиш кунларига оид оила дарси машғулотларини самарали ташкил этиш фарзандларининг маънавий етук бўлиб шаклланишида ишончли таъсирчан восита ва омиллардир.

Юқоридагиларни эътиборга олиб қайд этиш мумкинки, оиланинг бола тарбиясидаги бош масаласи шахсни маънавий ва интеллектуал жиҳатдан баркамол қилиб шакллантириб боришдан иборатдир. Шу сабабли ҳам оила жамият тараққиётига мос ҳолда юксалиб, такомиллашиб боради ва шу асосида шахс маънавий ва интеллектуал салоҳияти баркамоллаштирилиб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – 5 т. – 401 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – 332 б.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 174 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: «Адолат», 2008. – 24 б.
5. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар: пандлар, ҳикоятлар, ибратлар. – Т.: «Маънавият», 1998. – 2 ж. – 304 б.
6. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: «Мерос», 1993. – 224 б.
7. Абу Райҳон ал – Беруний. Тарайҳалар (Жавохирот китобидан). – Т.: «Мерос», 1991. – 47 б.
8. Алишер Навоий. Маҳбуб ул – қулуб. Танланган асарлар тўплами. – 13 т. – Т.: Ғофур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 2006 б.
9. Алқаров И.Ш., Маматкулова Р., Норкулов Ҳ.Д. Оила тарбияси асослари. – Т.: «Ғофур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи», 2009. – 142 б.
10. Бекназаров Ж. Табиийлик ва сунъийлик: Пегара қаерда? // «Тафаккур» жур. – Т.: 2006. – 2-сон. – Б. 11.
11. Дурдоналар хазинаси: Ҳикоятлар, масаллар, ривоятлар, насиҳатлар, ҳикматлар, латифалар // Жамоатчилик асосида муҳаррир: М.Қориев /. – Т.: «Шарқ», 1999. – 192 б.
12. Исроилов А. Гиёҳвандлик умр заволи. Оммабоп нашр. – Т.: «Фан», 2007. – 28 б.
13. Исомуҳаммедов З. Эрдан садоқат, хотиндан итоат // «Санам» жур. – Т.: 2006. – 11 – 12-сонлар. – Б. 12 – 13.
14. Йўлдошева Ф. Ота – оналар, фарзандларингизга етарли вақт ажрата олаяпсизми? // «Мақtab va ҳayot». – Т.: 2012. – 1-сон. (85). – Б. 13-14.
15. Кайковус. Қобуснома. – Т.: «Ўқитувчи», 2006. – 208 б.
16. Калонхонов М., Калонхонова М. Қадриятнома. Рисола. – Т.: «Нихол», 2006. – 304 б.
17. Маврулов А. Маънавий баркамол инсон тарбияси. Ёхуд қалбни даволаш зарурлиги хусусида // «Миллий тикланиш» газ. – Т.: 2008 (20.02.2008 й.). – Б. 1-2.

18. Машрикзамин – Ҳикмат бўстони: Ҳикматлар хазинаси. Тарж., тўшловчи ҳамда изоҳ муаллифлари: Ҳ.Ҳомидий ва Маҳмуд Ҳасаний. – Т.: «Шарқ», 2008. – 464 б.
19. Маҳмудов Ю.Ғ. ва бошқ. Миллий ғурур – маънавий комиллик мезони. – Т.: «DIZAYIN PRESS», 2011. – 276 б.
20. Мусурмонова О. Ўқувчиларнинг маънавий маданиятини шакллантириш. – Т.: «Фан», 1993. – 100 б.
21. Муҳаммад ибн Мусо ал – Хоразмий. Танланган асарлар. – Т.: «Фан», 1983. - б.
22. Саъдинов Ж. Турон қоплони // «Маърифат» газ. – Т.: 2008 (09.01.2008 й.) – Б. 11.
23. Тарбия: (ота – оналар ва мураббийлар учун энциклопедия) / Тузувчи М.Н.Аминов, масъул муҳаррир А.М.Мажидов. – Т.: «O'zbekiston milliy ensiklopediyasi» Davlat ilmiy nashriyoti, 2010. – 528 б.
24. Тўракулов Х.А. Инсон камолотининг маънавий асослари. – Т.: 2011. – 351 б.
25. Тўракулов Х.А., Ҳошимхонов М., Кушвақтов Н.Х., Равшанов О.А., Ибрагимова Г.Ш. Истиқболли педагогик асослари. – Т.: «Янги аср авлоди», 2003. – 138 б.
26. Тўракулова И.Х. Талабаларнинг миллий – маънавий тарбиясини ҳикоят ва ривоятлар воситасида юксалтиришнинг педагогик асослари. – Жиззах, 2007. – 106 б.
27. Тўракулова И.Х. Оилада болаларнинг маънавий сифатларини тарбиялаш // «Таълим тизимида ижтимоий – гуманитар фанлар». ИМЖ – Т.: 2012. – 2-сон. - Б. 15 – 17.
28. Тўракулова И.Х. Соғлом оила маънавиятининг бузғунчи ғояларга курашишдаги ўрни // «Таълим муаммолари» ИМЖ - Т.: 2012. - №3. – Б. 30-31.
29. Тўракулова И Х., Махамматова Ф.С. Оила ва соғлом оилавий муҳитнинг маънавий асослари // «Таълим тизимида ижтимоий – гуманитар фанлар». ИМЖ. – Т.: 2013. – 1-сон. Б. 156 – 159.
30. Фаёзов М.Ф. Лоқайдлик – маънавий тубанликдир // «Таълим тизимида ижтимоий гуманитар фанлар». ИМЖ.–Т.: 2003. - №3. – Б. 132 – 134.
31. Швуйцар М. «Воспитание ребенка». [http: // www.detyamsemiu.ru / Polefuyestatyi / uslovia_vospitania](http://www.detyamsemiu.ru/Polefuyestatyi/uslovia_vospitania).
32. Қуронов М., Мухсиева А. Одам боласи бўл... // «Бошланғич таълим». ИМЖ. – Т.: 2000. – 5-сон. – Б.26.

33. Ҳасанбоев Ж., Тўракулов Х.А., Алқаров И., Усмонов Н.У. Педагогика. Дарслик. – Т.: «Fan va texnologiya», 2010. – 1к – 436 б.

34. Ҳасанбоева О.Ў. ва бошқ. Оилада баркамол авлод тарбияси. – Т.: «Fan va texnologiya», 2010. – 316 б.

35. Ҳасанбоева О.Ў., Мардонова Г., Эргашева Н., Бекматова Д. Миллий – маънавий кадриятларда комил инсон тарбияси. Методик кўлланма. – Т.: 2011. – 168 б.

36. Этикетнинг олтин китоби / Тузувчи Сабрина. – Т.: «Янги аср авлоди», 2010. – 266 б.

37. Yusuf Xos Hojib. Qutadg' u bilig. – Т.: «Cholpon nomidagi nashriyot – matbaa ijodiy uy», 2007. – 200 б.

38. Явуз Баҳодир ўғли. Хоразм. Роман. – Т.: «Ёзувчи», 2011. – 462 б.

М У Н Д А Р И Ж А

	КИРИШ	3
I БОБ	ОИЛА ВА ОИЛАВИЙ МУҲИТНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ	
1.1.	Оилада болага маънавий – иммунологик тарбия беришнинг методологик асослари.....	5
1.2.	Оилада маънавий – иммунологик тарбиянинг тарихий асослари.....	15
1.3.	Оилавий муҳит.....	20
1.4.	Оила маънавияти.....	53
II БОБ	ОИЛАДА БОЛАГА МАЪНАВИЙ – ИММУНОЛОГИК ТАРБИЯ БЕРИШ	
2.1.	Болага маънавий – иммунологик тарбия бериш омилларининг ташкилий тузилмаси.....	85
2.2.	Оилада бола тарбиясига оид муносабатлар.....	87
2.3.	Оилада бола тарбиясига оид салбий ҳолатларга қарши муносабатлар.....	96
2.4.	Намунали инсонлар ибрат намунаси	109
III БОБ	ОИЛА ДАРСИ МАШҒУЛОТЛАРИ	
3.1.	Оила дарси машғулотларини ўтказишнинг педагогик шарт – шароитлари.....	117
3.2.	Оила дарси машғулотларини ўтказиш технологияси	130
3.3.	Оила дарси машғулотларининг намунавий рўйхати..	140
3.4.	Оила дарси машғулотларида қўлланиладиган педагогик таъсирлар.....	186
3.5.	Оила дарси машғулотларидан намуналар.....	194
	ХУЛОСА	222
	Фойдаланилган адабиётлар	224

И.Х.ТУРАКУЛОВА

ОИЛАДА БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2014

Муҳаррир: Ш.Кушербаева
Тех. муҳаррир: М.Холмуҳамедов
Мусаввир: Д.Азизов
Компьютерда
саҳифаловчи: Ш.Мирқосимова

E-mail: tipografiyaent@mail.ru Tel: 245-57-63, 245-61-61.

Нашр.лиц. АІ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 14.03.2014.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 14,25. Нашр босма табағи 13,75

Тиражи 500. Буюртма № 24.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.

100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.



FAN VA
TEKNOLOGIYALAR



ISBN 978-9943-4270-5-1



9 789943 427051